82

ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИ
МАНБАЛАРИ ЛУҒАТИ

# Қадимги туркий тил луғати

(X-XII асрлар)

# ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИ МАНБАЛАРИ ЛУҒАТИ

## Қадимги туркий тил луғати
## (X-XII асрлар)

**“Девону луғоти-т-турк”,**
**“Қутадғу билиг” ва**
**“Ҳибату-л-ҳақойиқ”**
**асарлари бўйича**

**Тузувчи: филология фанлари номзоди**
**Қаюм Каримов**

**Тошкент**
**«MUMTOZ SO‘Z»**
**2009**

**82.3(5 Турк)**
**Қ 15**

**Қадимги туркий** тил луғати (X-XII асрлар): “Девони луғоти-т-турк”, “Қутадғу билиг” ва “Ҳибату-л-ҳақойиқ” асарлари бўйича / тузувчи Қ.Каримов; масъул муҳаррир А.Рустамов. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2009. - 148 б. – (Ўзбек мумтоз адабиёти манбалари луғати).

I. Каримов, Қаюм.

ББК 81.2 Турк я2

**Тузувчи: филология фанлари номзоди**
**Қаюм Каримов**

**Масъул муҳаррир: ЎзРФА академиги Алибек РУСТАМОВ**

**Нашрга тайёрловчи: филология фанлари доктори, профессор**
**Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ**

**Тақризчи: филология фанлари доктори, профессор**
**Ҳамидулла ДАДАБОЕВ**

265639

*ISBN 978-9943-363-86-1*

© *«MUMTOZ SO‘Z», 2009*

## *ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ТИЛ ЛУҒАТЛАРИ ВА УНИНГ МУАЛЛИФЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

Туркий халқлар ЕвроОсиёнинг Марказий ва Шарқий ўлкаларининг туб аҳолиси бўлиб, жаҳоннинг энг қадимги тилларидан бири туркийда сўзлашувчилардир. Қадимги туркий тил хусусиятлари ҳақида нафақат туркий халқлардан чиққан олимлар, балки Европа ва Американинг номдор олимлари тадқиқот ишларини олиб борганлар, бу тилни ўзлаштириш, туркийда ёзилган манбаларни ўрганишни енгиллаштириш учун қомус ва сўзлик (глоссарий)лар тузганлар, йирик адабий манбаларнинг индекс-луғатларини яратганлар.

Туркий тилларнинг қадимги қомусий луғати улуғ филолог олим, сайёҳ ва файласуф Маҳмуд ибн Ҳусайн Кошғарий (XI аср) қаламига мансуб. Бу қомусий луғат туркий сўзларнинг араб тилидаги изоҳини манбалар орқали англатувчи луғат, туркий қавмлар ва ҳудудлар ҳақида маълумот берувчи, диалект ва лаҳжаларнинг илмий таснифини яратган. Шеърий ва насрий асарлардан намуналар келтирилган куллиёт бўлгани учун ҳам жаҳоннинг барча филолог олимлари, шунингдек, тарихчи, археолог, географ ва бошқа илмлар вакиллари у зотни улуғ устозлари деб билганлар ва “Девону луғоти-т-турк” (“Туркий сўзлар девони”, 1072)ни[1] туркий халқларнинг бош китоби деб ҳисоблаганлар. “Девону луғоти-т-турк”нинг изоҳ ва тушунтириш матнлари араб тилида ёзилгани учун XX асрнинг ўзидаёқ бир неча тилларга таржима қилинган. Асарнинг турк, ўзбек, уйғур, қозоқ, озарбойжон, инглиз, немис, хитой ва рус тилларига қилинган таржималари бу қомусий луғатнинг аҳамиятини таъкидлаб турибди. Рифат Килисли, Атиф Бей, Тавфиқ Бей, Босим Аталай[2] томонидан турк тилига, Солиҳқори Муталлибов томонидан ўзбек тилига, Исмоил Домулла Қашғарли, Муҳаммад Файзий ва Аҳмад Зиёий ва 12 таржимон (Абдусалом Аббос, Абдураҳим Ўткир, Абдураҳим Ҳабибуллоҳ, Абдуҳамит Юсуфий, Ҳалим Солиҳ, Мирҳожи Усмон, Муҳаммад Ниёз, Собит Рузи, Иброҳим Мутъий,

---

[1] Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони / Девону луғотит турк. Уч томлик. – Т.: ЎзФА нашриёти, 1960-1963..

[2] Besim Atalay. Divanü Lügat-ıt-Türk ve Tercümesi üzerine Notlar / Kaşgarlı Mahmud. Divanü Lügat-ıt-Türk (çeviri). Çeviren: Besim Atalay. 5.Baskı. Cild I. – Ankara, 2006.

Имин Турсун ва Мирсултон Усмонов) томонидан уйғур тилиға[3], Исмоил Ҳикмат, Холид Саидхўжа томонидан озарбойжон тилига, Аскар Егеубай томонидан қозоқ тилига[4], Саййид Муҳаммад Дабирсиёкий, Ҳусайн Муҳаммадзода Содиқ томонидан форс тилига, К.Брокелманн томонидан немис, Р.Дэнкофф ва Ж.Келли томонидан инглиз тилига, ниҳоят, акад. А.Рустамов[5] ва Зифа-Алуа Ауэзова[6] томонидан рус тилига таржима қилинган "Девону луғоти-т-турк" қарийб 8,5 минғ туркий ўзакдош сўзларни ўз ичига қамрайди.

Хоразмлик улуғ аллома Маҳмуд Замахшарий (ваф. 1143) томонидан "Муқаддимату-л-адаб» («Адаб илмларининг муқаддимаси») номи остида тўрт тилли турк, араб, форс, мўғул тилининг изоҳли луғати тузилган бўлиб, унинг ҳам тушунтириш матнлари араб тилида ёзилган (З.Исломов томонидан ўзбек тилига ўгирилган).

XIII асрда Мисрда номаълум муаллиф томонидан турк-мўғул-форс тиллари луғати тузилган, асарнинг тўла номи "Китаби мажмуъи таржуман туркй ва ажамй ва мўғал" деб номланади, уни голланд олими Т.Хоутсма 1894 йилда нашр эттирган.

XIV асрда Испанияда гренадалик Абу Хаййан Ғарнатий Андалусий томонидан "Китабу-л-идрак ли лисану-л-атрак» номли (1312-1313) туркий тилларнинг изоҳли луғати яратилган.

Жамолиддин ибн Муҳаннанинг "Хилиат ул-лисан ва халибат ул-байан" номли луғати П.М.Мелиоранский фикрига кўра, XIV асрда Эроннинг Озарбойжонида тузилган.

"Китаб булғату-л-муштақ фи-л-луғат ат-турк ва-л-қифчақ» номи билан тузилган араб-турк (қипчоқ) луғати қўлланма характерида бўлиб, XV асрга тааллуқли. Шунингдек, айни шу асрда Мисрда яратилган "Каванину-л-куллиййа ли-дабт ал-луғат ат-туркиййа», «Китабу-т-туҳфат уз-закиййа фи-л-луғат ит-туркийа» номли туркий тиллар грамматикасини араб тилида шарҳлаган

---

[3] Махмут Кашкари. Турки тиллер дивани. Чилд 1-3. Урумчи, Шинжан халқ нашриёти, 1400-1403/1980-1984.

[4] Махмут Қашкари. Турік Создігі. Аударған, алғысозі мен ғылыми тусініктерін жазып, баспаға дайындаған А.Қ.Егеубай. Алматы, 1997.

[5] Махмуд ал-Кāшгарӣ. Дӣвāн лугāт ат-турк. В 3-х томах. Том 1. Перевод А.Рустамова / Предисловие И.В.Кормушина. – Москва: Восточная литература, 2010

[6] Махмуд Кāшгарӣ. Дӣвāн Лугāт ат-Турк. Перевод и предисловие З.-А.М. Ауэзовой. Индексы Р.Эрмерса. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005.

асарлари таркибида луғат қисмлари мавжуд. Булардан ташқари Ҳиндистон, Эрон ва Афғонистонда темурийлар ва бобурийлар сулоласи даврида яратилган ўнлаб луғатлар туркий тиллар ва бу тилда яратилган адабий манбаларга бўлган қизиқишлар даражасини англатиб турибди.

Мир Жамолиддин Ҳусайн ибн Фахриддин Ҳасаний томонидан тузилган "Фарҳанги Жаҳонгирий" (1596-1608) луғатида ҳам туркий сўзлар форсча изоҳланган.

Луғатчилик тарихидан маълум бўлишича, XV-XVII асрларда бир қатор форсий-туркий ва туркий-форсий луғатлар яратилган. Улар орасида бевосита туркий сўзларни форсчада изоҳ қилган "Баҳжату-л-луғат", "Санглоҳ", "Мабониу-л-луғат", "Луғати атрокиййа, "Луғати Навоий", "Фарҳанги ҳазрати мир Алишер муллақаб ба Навоий", "Хамса ба халли луғат", "Луғати амир Навоий", "Дар баёни луғати Навоий", "Ҳалли луғати "Хамса"йи Навоий", "Хулосайи Аббосий", "Абушқа", "Бадоеъу-л-лугат" амалий аҳамиятга эга бўлиб, улар таркибидаги изоҳ қилинаётган туркий сўзларнинг муайян қисми ўз қатламда, яъни қадимдан туркий тилларда қўлланилиб келган сўзлардир.

Бобурий ҳукмдор Шоҳжаҳон буйруғи билан Файзуллоҳхон томонидан 1193/1779 йилда тузилган ва ҳозирда Лондоннинг Британия музейида сақланаётган луғатда туркий феъл шаклларининг форсча изоҳи келтирилган[7].

XVIII асрдан кейин Онадўлида туркий луғатлар яратиш анъанага айланди. Асъад Афандининг "Лаҳжату-л-луғат" (1773), Аҳмет Вакиф Пошонинг "Лаҳжаи усмоний" (1876) каби луғатлари тузилди.Улада туркий тилнинг Усмонли лаҳжасини илмий ёритишга ҳаракатлар бўлди. Бу жиҳатдан ватандошимиз Шайх Сулаймон афанди Бухорий (1821-1890) томонидан Истанбулда яратилган "Луғати чиғатойи ва турки усмоний" (1882) китоби аҳамиятлидир.

XIX асрнинг сўнгида машҳур олти жилдли "Қомусу-л-аълом» ("Хусусий исмлар қомуси") муаллифи Шамсиддин Сомийбек (1850-1904) «Қомуси туркий" (1899-1901) номли йирик (1,5 минг саҳифали, ҳар саҳифа уч устундан иборат) изоҳли луғат яратган.

---

[7] Умаров Э.А. Лексикографический памятник, созданный бабуридами в Индии // Общественыые науки в Узбекистане. – 1991. № 9. – С. 39-42; Умаров Э., Убайдуллаев А. "Луғати туркий"да унли ва ундошлар. – Т.: Фан, 2009. - 28 б.

Бу ва биз томонимиздан қайд этилмаган бошқа туркий луғатлар, табиийки, Ғарб олимлари ва зиёлиларининг эътиборини тортган. Россия ҳудудида илк марта “Сравнительные словари всех языков и наречий, собранные десницею Всевысочайшей особы” (1733-1787) номли луғатлар мажмуаси тузилганда, унинг асосли қисми собиқ Россия империяси ҳудудида яшовчи туркий халқларнинг тилларига мансуб бўлган. Ғарбий Европа ва Америка олимлари ҳам сўнгги юзйилликда бир қатор қадимги туркий тил луғатлари яратганлар, бироқ уларнинг муайян қисми “Девону луғоти-т-турк” асосида яратилганини унутмаслик лозим.

Рус тилшуноси Л.Будаговнинг “Турк-татар тилларининг қиёсий луғати” (“Сравнительный словарь турецко-татарских наречий”, 1868-1871), А.Вамберининг «Турк-татар тилларининг этимологик луғати” (“Etimologisches Woztebuch der turko-tatarischen Sprachen», 1878) ва В.В.Радловнинг “Турк тиллари луғати тажрибаси” (“Опыт словаря тюркских наречий”,1888-1905, 1893-1911) каби асарлари яратилгани маълум.

Бевосита “Девону луғоти-т-турк» асосида немис олими К.Брокелманн томонидан «Ўртатурк тили луғати” (1928)[8], А.М.Шербак умумий таҳрири остида нашр қилинган “Қадимги туркий сўзлар луғати” (1969)[9], инглиз тилида Ж.Клоузен томонидан нашрга тайёрланган “Турк тилининг этимологик луғати (XIII асрга қадар)”[10], Э.Севортян томонидан тузилган “Турк тилининг этимологик луғати” кабилар мавжуд.

Қадимги туркий тил луғатини тузишда XX асрда ўзбек олимлари томонидан эътиборли ишлар амалга оширилди. “Девон...”нинг ўзбекча таржимасининг индекси Солиҳ Муталлибов ва акад. Ғ.Абдураҳмонов ҳамкорлигида тузилган эди[11]. Бунга қадар Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар жамғармасида (сақланиш рақами 5046/1) “Девону луғоти-т-турк” сўзлари учун фиҳрист” сарлавҳали бир қўлёзма мавжуд бўлган. Асар 231 саҳифа бўлиб,

---

[8] Brockelmann C. Mahmud al-Kasghari uber die Sprachen und die Stamme der Turken im 11 yahrh / Asia Major I. – 1928.

[9] Наделяев В.М., Насилов Д.М., Тенишев Э.Р., Щербак А.М. (ред.). Древнетюркский словарь. – Ленинград, 1969.

[10] Clouson G. An Etymological Dictionary of Pre-Thirteenth-Century Turkish. Oxf., 1972.

[11] Абдураҳмонов Ғ., Муталлибов С.М.Девону луғотит турк. Индекс-луғат. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1967.

оддий дафтарга қизил ва кўк сиёҳларда ёзилган. Қўлёзмада "Девон"нинг арабча нашридаги 6500 тача туркий сўз алифбо асосида кўчириб ёзилган. Ҳар бир сўз қайси жилдда, қайси саҳифада эканлиги кўрсатилган. Ушбу кўрсаткич географ олим Ҳ.Ҳасановнинг фикрича, 1924-25 йилларда тузилган, акад А.Рустамов эътирофига кўра қўлёзма юртимизда "Девон..." бўйича тузилган дастлабки индекс-луғат ҳисобланади. Бизнингча, ушбу фиҳрист-индекс қўлёзмаси Фитрат қаламига мансуб бўлиб, буни тасдиқловчи қатор далилларга эгамиз.

Ўзбекистон Миллий университетининг профессори Ш.Раҳматуллаев томонидан 2000 йилда тузилган "Этимологик луғат"да қадимги туркий тилга оид сўзлар муайян қисмни ташкил қилади.

Ниҳоят, "XI-XII асрлар туркий ёзма ёдгорликлар изоҳли луғати" номи остида 1986-1990 йилларда Қаюм Каримов томонидан тузилган олти жилддан иборат бўлиб, XI-XII асрларга мансуб "Девону луғоти-т-турк", "Қутадғу билиг", "Ҳибатул-л-ҳақойиқ" каби туркий ёзма ёдгорликлардаги сўзлар жамланиб, изоҳлари берилган. Луғатда ҳар бир сўзнинг асосий, иккиламчи, кўчма, бирикма таркибида келадиган маънолари шу сўз остида манбалардан келтирилган тасдиқловчи мақолаларнинг ҳозирги ўзбек тилига тавсифи асосида изоҳлаб берилган. "Девону луғоти-т-турк"да маъноларга кўра алоҳида–алоҳида сўзлик сифатида келтирилган, аслида бир ўзакдан иборат бўлган сўзлар луғатда бош сўз тарзида бир ерда берилиб, англатган маънолари араб рақамлари тартибида саналган...

Раҳматли домла Қаюм Каримов томонидан тузилиб, акад А.Рустамов воситасида бизга етиб келган ушбу луғатнинг дастлабки жилдини нашр қилиш билан тилшунос олимлар, мутахассислар ва умуман, ўзбек зиёлиларининг эътиборини бундан йигирма йиллар аввал тузилган ушбу манбага қаратмоқчимиз. Иш шўро даврида бажарилгани учун сўзларнинг арабча шакли келтирилмаган, айрим сўзлар транскрипциясида эски усуллар (кирилл ёзуви асосидаги транскрипция ва транслитератция) сақланиши, эҳтимол, замонавий олимларимизни қониқтирмаслиги мумкин. Бироқ халқнинг илмий-амалий эҳтиёжини қондириш мақсадида ўн йиллар давомида бажарилган улкан ишнинг савобли бўлишини ўйлаб, ушбу нашрни амалга оширдик. Табиийки, луғат муаллифи бевосита орамизда йўқлиги сабабли уни нашрга тайёрлашда айрим камчиликлар бўлиши мумкин.

Муҳтарам китобхонларимиздан ушбу нашр ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини кутиб қоламиз. Манзилимиз: Тошкент, Навоий кўчаси, 69. “MUMTOZ SO‘Z” нашриёти.

***Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,***
***филология фанлари доктори, профессор***

## ҚАДИМГИ (XI-XII асрлар) ТУРКИЙ ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАР ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИНИНГ ТУЗИЛИШИ ҲАҚИДА

Ушбу луғат Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили тарихи ва қиёсий ўрганиш бўлимининг 1986-1990 йилларга режалаштирилган "XI-XV асрлар ёдгорликларининг тил хусусиятлари" номли умумий мавзунинг таркибий қисмини ташкил қилади. XI-XII асрларга мансуб "Қутадғу билиг", "Ҳибату-л-ҳақойиқ", "Девону луғоти-т-турк" каби туркий ёзма ёдгорликларнинг нашр қилинган матнлари орадан кўп вақт ўтмасданоқ, чорак асрлик қисқа давр мобайнида ноёб асарлар қаторига кириб улгурди. Эндиликда бу нашрлардан бирортасини топиб, улардан фойдаланиш амри маҳол. Ваҳоланки, тилшунослик ва луғатнавислик бўйича ёзилажак эндиги ишларни ёзма ёдгорликлар маълумотларини ҳисобга олмасдан бажариш мумкин эмас.

Шу боис ёзма ёдгорликларга ва эски луғатларга бўлган эҳтиёж тобора ортиб, уларни нашр ва тадқиқ қилиш зарурати кун сайин сезиларли бўлиб бормоқда. Қардош туркий тиллар қатори ўзбек адабий тили тараққиётининг илк ва ўрганилиши зарур бўлган, аммо ҳануз етарлича ўрганилмай қолиб келаётган босқичи бўлмиш XI-XII асрларга мансуб туркий ёзма ёдгорликлар тилининг луғавий бойлигини тўлиқ қамраб олган изоҳли луғат тузиш иши ана шу зарурат асосида бажарилди.

Луғатда яратилган давр ва тилига кўра бир-бирига яқин, тил тараққиётининг яхлит ва катта бир даврини акс эттирувчи ёзма ёдгорликнинг сўз бойлиги жамланган ва изоҳланган. Юқорида саналган уч ёдгорлик луғатнинг бирламчи манбаларидир: Мисоллар "Қутадғу билиг"нинг Наманган[1], Қоҳира[2] ва Вена[3] нусхаларидан, шунингдек, Вена нусхасининг В.В.Радлов томонидан Пекинда нашр қилинган матнидан[4], "Ҳибату-л-ҳақойиқ"нинг танқидий матни[5] ҳамда Олмаотада нашр қилинган

---

[1] Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг, қўлёзма. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Сақланиш рақами: 1809.

[2] Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг, қўлёзмадан суратнусха. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Сақланиш рақами: 6090-6093.

[3] Ўша асар.

[4] Radloff W. Da Kudatku Bilik des JusuA Chass-Hodschib aus Bäla Sagun, I-II. Text und Übersetzung nach den Handschriften von Wien und Kairo, St-Petersburg, 1910.

[5] Маҳмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибату-л-ҳақойиқ" асари ҳақида (кириш, фонетика, морфология, танқидий матн, транскрипция, шарҳ, луғат). – Тошкент: Фан, 1972.

нусхаси матнидан[6], "Девону луғоти-т-турк"нинг уч жилддан иборат ўзбекча нашридан[7] олинган.

Луғат анъанавий луғатнавислик тажрибасига таянган ҳолда ёдгорликлар бўйича тузилган луғатларнинг ютуқлари ҳисобга олиниб тартиб берилган. Унда ўрни билан қиёслаш усулидан ҳам фойдаланилган: изоҳланаётган сўзлар лозим ўринларда "Девону луғоти-т-турк"нинг уч жилдли туркча таржимаси[8] асл нусха (факсимиле) нашри[9], ўзбекча уч жилдлик аосида тузилган "Индекс-луғат"[10], "Ҳибату-л-ҳақойиқ"нинг юқорида зикр этилган танқидий матнига илова қилинган луғат[12], "Қутадғу билиг"нинг танқидий матни[13] туркча таржимаси[14] ва Рашид Раҳмати Арат томонидан тузилиб тугалланмай қолган, унинг вафотидан анча вакт ўтгач турк олимлари томонидан нашр қилинган "Индекс"и[15], Қадимги туркий тил луғати, шунингдек, давр нуқтаи назаридан бир мунча яқин бўлган ёзма ёдгорликлар тили бўйича тузилган луғатлар[16] маълумотлари билан қиёсланган. Луғат изоҳли хусусиятга эга: унда ҳар бир сўзнинг асосий, иккиламчи, кўчма, бирикма таркибида келадиган маънолари шу сўз остида манбалардан келтирилган тасдиқловчи мақолаларнинг ҳозирги ўзбек тилига тавсифи асосида изоҳлаб берилган.

Ҳар бир сўзнинг маъноси мисоллар имкон берган даражада таҳлил қилинган, сўзларнинг ҳар учала ёдгорлик учун хос бўлган

---

[6] Ахмед Йўгинеки. Ақықат сыйы, тупнусқанын фотокоширмеси, траскрипциясы, прозалық жане поэтикалық аудармасы. – Алматы: Ғылым, 1985 (баспаға дайындағандер Э.Құрышжанов, Б.Сағындықов).

[7] Маҳмуд Қошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғоти-т-турк). Уч томлик, т. I, Тошкент, 1960, т. II, Тошкент, 1961, т. III, Тошкент, 1963 (таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов).

[8] Divani Lugat-it-Turk Tercumesi. Cilt I, II, III. Ankara. Cilti, 1939, cilt II, 1940, Cilt III, 1941 (1985 йилги қайта нашри).

[9] Divani lugati't-turk. Tipkibasim /Faksimile/ Ankara, 1941. (кўлёзманинг асл нусхаси (факсимиле) нашри, ношир Басим Аталай).

[10] Девону луғоти-т-турк. Индекс-луғат. – Тошкент: Фан, 1967 (Ғ.Абдураҳмонов ва С.Муталлибовлар иштироки ва таҳрири остида).

[12] Маҳмудов Қ. Юқорида зикр қилинган асар.

[13] Kutadgu Bilig. I Metin, 3-baski, Ankara, 1991 (Р.Р.Арат нашри).

[14] Yusuf Has Hacib. Kutadgu Bilig II. Ceviri, 4-baski, Ankara 1988 (Р.Р.Арат таржимаси).

[15] Reşid Rahmeti Arat. Kutadgu bilig. III. Indeks. – Istanbul, 1979 (нашрга тайёрловчилар Кемал Эраслан, Усмон Серткая, Нури Юже).

[16] Боровков А.К. Лексика Среднеазиатского Тефсира XI-XII вв., 1963; Фазылов Э.И. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. Т. I-II. – Ташкент: Фан, 1966; Древнетюркский словарь. – М.: Наука, 1969.

асосий маъноси, биринчи навбатда, ундан сўнг қолган маъно хусусиятлари берилган.

Сўзларнинг қўлланиш суръати ва даражаси ҳақида хисобий (статистик) маълумот берилмаган, аммо келтирилган мисоллар *миқдори сўзнинг қўлланиш кўлами*, бошқа сўзлар билан бирикиб келиш даражаси билан белгиланган.

Яқин ўтмишда чоп қилинганлиги, мутахассислар қўлларида мавжудлиги, бинобарин, фойдаланиш учун ҳаммабоп қулай бўлганлигини ҳисобга олиб, "Девону луғоти-т-турк" сўзлари ва уларга мисоллар шу ёдгорликнинг ўзбекча нашридан олинган. Аммо бу нашрда ўтиб кетган айрим хатоликлар, камчилик ва чалкашликлар бошқа луғатлар, манбалар маълумотлари асосида тузатилган. Ҳар бир сўзнинг ўқилиши, маъно изоҳидаги тафовутлар эса сўз изоҳидан кейин шу ўзбекча нашрнинг жилд ва саҳифаларига ишора қилинган ҳолда келтирилган.

Луғатда берилган сўзлар билан учала ёдгорлик бўйича бажарилган бошқа луғатларда бир сўзнинг ёзилиши, ўқилиши ва маъносини изоҳлашда фарқли ҳолатлар бўлса, шу сўзнинг маъноси изоҳланиб, мисоллар билан тасдиқлангандан сўнг қиёслашга ишора қилувчи белги (~) қўйилиб, кетидан ўша фарқлар берилган. Бу қиёсдан сўнг яна калта чизиқча-дефис (-) белгиси орқали давр нуқтаи назаридан яқин бўлган ва юқорида зикр этилган Ўрта Осиё "Тафсири", XIV аср Хоразм ёдгорликлари, шунингдек, Р.Р.Аратнинг "Индекси" маълумотларига ҳам қиёс берилган. Қиёсланаётган манбадаги сўз луғатидаги сўз билан шаклан ва мазмунан мос бўлса, калта чизиқчадан сўнг қиёсланаётган манбанинг шартли қисқартмаси ва мисол саҳифаси кўрсатилган. Агар шакл ва мазмунда фарқ ёки бирор сўз икки шаклда қайд қилинган бўлса, ўша фарқлар ҳам кўрсатилган: АЙАҚ идиш. – Ар.45. Таф.45. СЯ I-31 "АЗ АҚ", 35. АЙДЫН ойдин. – СЯ I-36 "айдын/айдың". АЗ ИР – айирмоқ. –Ар. 6, Таф. 40. СЯ 1-32, 36 "айыр-". АҚТУР-оқизмоқ. – СЯ I-101 "ақтур-/ақытур-". БИТИГЧИ котиб – СЯ 1-252 "биткäчи".

Мисоллар изоҳи қуйидаги хусусиятларга эга: матн мазмунини тўлароқ очиш учун катта нарчалардан ажратиб олинган мисоллар доирасидаги изоҳда уларга қўшилган ортиқча сўз ёки бирикмалар қавс ичига олинган. Матн хусусиятини имкон қадар сақлаш мақсадида мисолларнинг тавсифида ҳозирги ўзбек адабий тилининг

муътадил жумла тузилиши тартибидан бир оз чекинишларга йўл қўйилган. Бир байт, мисра, парча ёки жумла бир неча ўринларда турли сўзларга мисол тарзида келтирилганда, тавсифнинг ҳамма ўринда фақат бир қолипда бўлишидан қочилган. Изоҳланаётган сўзнинг айнан шу ўринда матн руҳига кўпроқ тушадиган маъноси танлаб олинган. Аммо матннинг умумий мазмунига андак бўлса ҳам ҳалал етмаслигига диққат қилинган.

Луғат қуйидаги тартиб асосида тузилган: дастлаб бош сўз, кетидан манба тил ҳақида маълумот (агар сўз ўзлаштирилган бўлса), сўнг изоҳ, тасдикловчи мисол, ундан кейин мисол тавсифи, мисол унвони энг сўнгда ўзгачаликларга ишора қилувчи қиёс берилган. Бу тартиб сирасидаги таркибий узвларнинг барчаси ҳамма сўзлар доирасида иштирок этмаган. Масалан, туркий сўзлардан сўнг манба тилга, ёзилиши, ўқилиши, изоҳида фарқ йўқ сўзлар доирасида эса қиёсга ишора берилмаган.

Луғатнинг бош сўзлари катта ҳарфлар билан берилган. Феълнинг учинчи шахс бирлик буйруқ шакли бош сўз сифатида олинган. Улардан кейин қўйилган кичик чизиқча-дефис (-) уларни исм туркумига оид бош сўзлардан фарқлаш учун хизмат қилувчи феъллик белгисидир. Манбалардан келтирилган мисоллар, уларнинг ўзбек тилига тавсифи доирасида бош ҳарф ишлатилмаган. Бунда луғатнавислик анъанасига риоя қилиш назарда тутилган. Фақат изоҳда шахс номлари, жуғрофий номлар ва махсус атамалар бош харф билан берилган.

Бош сўздан кейин ҳеч қандай белги қўйилмасдан унинг асосий маънолари саналган: бир-бирига яқин маънолар вергул (,), маънодошлик каторидан чиқувчи бир қадар узоқрок маънолар нуқтали вергул (;), узоқ ва кўчма маънолар эса араб рақамлари билан ажратилган. Яна кўчма маъноларга *кўч*, қисқартмаси ҳам қўйилган.

Бош сўзнинг ҳар бир маъносидан сўнг икки нуқта (:) қўйилиб, манбаларнинг ҳар учаласида ҳам шу сўз мавжуд бўлса, ўша манбалардан мисоллар келтирилган. Изоҳланаётган сўз манбалардан қайси бирида қайд қилинмаган бўлса, табиийки, унга ўша ёдгорликдан мисол берилмаган. Агар сўз фақат бир манбада қайд қилинган бўлса, мисол фақат шу манбадан келтирилган. Мисоллар изоҳидан сўнг қавс ичида мисол олинган манбанинг шартли қисқартмаси, жилди ва саҳифаларини ўз ичига олган унвон

берилган. Жилдлар рим рақамлари, саҳифалар араб рақамлари билан ифодаланган. Араб рақамларидан кейин учрайдиган *а* ва *б* ҳарфий белгилари “Қутадғу билиг”нинг Наманган нусхаси варақларининг олдинги ва кейинги бетларига ишорадир (КБН Iа, КБН Iб каби).

Луғатда манба тил, киши номлари, этник, жуғрофий, махсус соҳаларга оид атамалар, шунингдек, кичрайтириш, эркалаш, ёрдамчи вазифада қўлланувчи сўзлар ва бошқалар учун қабул қилинган белги-ишоралар шартли қискартмалар бўлимида берилган.

Ҳар бир бош сўзнинг маънолари изоҳидан сўнг шу бош сўз иштирокида ҳосил бўлган барқарор бирикмалар алифбо тартиби билан келтирилган, улар бош ҳарфлар билан ёзилиб, маъно хусусиятлари зикр этилган тартибда изоҳланган.

Агар сўз ва бирикмага мисол биттагина бўлса, бош сўзнинг маъносидан кейин икки нуқта қўйилиб, шу бирикма келтирилган ва унинг изоҳи берилган: АҚЫН II кўз ёши, ашк: АҚЫН АҚЫТ – кўз ёш оқизмоқ, йиғламоқ.

Бош сўз бошқа сўзлар билан бирикма ҳосил қилиб, шу бирикманинг асосий маъно ташувчи таркиби бўлиб келган ҳолларда бош сўзнинг асосий маънолари изоҳланганидан кейин унинг мана шу бирикмалар билан келгандаги маънолари алоҳида изоҳланган: АЧ-очмоқ. АЧА АЗ˙ЫР-, АЧА АЙ-, АЧА БИЛ-, АЧА СӦЗЛӒ-.

Агар айни шу сўз бирикманинг иккинчи таркибини ташкил этган бўлса, бундай бирикмалар бирикманинг бош сўзини ташкил қилган сўз остида изоҳланган: КӦЗ АЧ-қ. КӦЗ. СӦЗ АЧ-қ. СӦЗ. Тил АЧ-қ. Тил. Аммо бош сўз бирикманинг иккинчи таркибида келса-ю, унинг маъносини изоҳлашга шу бирикмадан бўлак мисол бўлмаса, бундай ҳолларда биринчи таркибдаги сўзга қараш ҳавола қилинмасдан, изоҳ шу ернинг ўзида берилган: ҚЫЗЫҒ чет, чека; қирғоқ, лаб; ёқа: АЙАҚ ҚЫЗ˙ЫҒЫ идиш чети (қ. АЙАҚ эмас). АРЫҚ ҚЫЗ˙ЫҒЫ ариқ лаби (қ. АРЫҚ эмас). ЙАР ҚЫЗ˙ЫҒЫ жар ёқаси (қ. ЙАР эмас). АЛТУНЫ: ЭЛИГ АЛТУНЫ элиг ҳазратлари (қ. ЭЛИГ эмас). БОРЫ ўқ учига ўрнатиладиган темир халқа: БАШАҚ БОРЫСЫ ўқ пойнаги (қ. БАШАҚ эмас).

Бош сўзнинг маъноси фақат бирикма таркибидагина очилса, бирикмадан ташқарида уни изоҳлаб бўлмаса, бундай ҳолларда бош сўздан кейин унинг маъноси кўрсатилмаган, тўғридан-тўғри

бирикма келтирилиб, маъно шу асосда очилган: АЗЫ – II: ҚУЛАҚ АЗЫ – қулоқ кар бўлмоқ: ҚУЛАҚ АЗЫДЫ – шовқин-сурондан қулоқ кар бўлаёзди. ҚЫР IV: ҚЫР ЙАҒЫ муросасиз, ашаддий ёв.

"Девону луғоти-т-турк"да бир қатор сўзларнинг маънолари тасдиқловчи мисолларсиз берилган. Мана шундай ўринларда сўзнинг маъноси берилгандан сўнг сўз манбаи унвони кўрсатилиб, кетидан шу сўзга "Қутадғу билиг" ва "Ҳибату-л-ҳақойиқ"дан мисоллар берилган.

Маҳмуд Кошғарийнинг бир қатор сўзларга берган изоҳи мўътадил доирадан чиқиб тавсифий хусусият касб этган. Уларда шу келтирилган мисолларда айтмоқчи бўлган фикрнинг сабаб ва мақсади, нималар, қандай воқеалар билан боғлиқлиги, қандай муносабат билан айтилганлиги каби жиҳатлар ҳам уқтирилган. Луғатда мана шу хусусиятларни мумкин қадар сақлаб қолишга ҳаракат қилинган.

Манбалардан келтирилган тасдиқловчи мисоллар бирдан ортиқ жумлалардан ёки мисралардан иборат бўлса, жумла ва мисралар чегараси ўнгга ёнлама ярим тик чизиқ (/) билан ажратилган. Мисоллар доирасида анъанага биноан тиниш белгилари қўлланилган. Уларнинг ҳозирги ўзбек тилига тавсифи доирасида эса нуқта (.), икки нуқта (:), вергул (,), нуқтали вергул (;), узун чизиқча – тире (–), калта чизиқча – дефис (-), кам ҳоллардагина сўроқ (?) ва ундов (!) белгилари ишлатилган. Мисоллар бир-биридан нуқта билан, жуфт ва такрор сўзлар, шунингдек, юклама ва ундовлар икки чизиқча (=) воситасида ажратилиб ёзилган.

Агар бир сўз бир ўринда ноаниқ ёзилган шаклидан кейин сўроқ бир ўринда аниқ ёзилган бўлса, ноаниқ ёзилган шаклидан кейин сўроқ белгиси қўйилиб, аниқ шаклига қараш ҳавола қилинган: КӦК ЙӮҚ (?) қ. КӦК АЙУҚ каби.

Агар бир сўз икки хил ёзилиб, қайси бирининг ёзилиши тўғри эканлигини далиллаш қийин бўлса, ундай сўзларнинг ҳар икки хил ёзилиши ҳам ўз ўрнида келтирилиб, маъноси берилган ва ҳар икки ёзилишда ҳам бир-бирига қарашга ҳавола қилинган: ЧУҚУБАРЫ ўтган чидамли гилқозон. қ. ҲУҚУБАРЫ. ҲУҚУБАРЫ ўтган чидамли гилқозон. қ. ЧУҚУБАРЫ.

Сўзни аниқ ўқиб, аниқ изоҳлаш қийин ҳолларда сўздан ва унга берилган маънодан кейин сўроқ белгиси қўйилган: ТОП – (?)

енгмоқ, мағлуб қилмоқ (?). ҚОНУТЫ қўналға ва работ меҳмони; савдогар-йўловчи (?).

Ўзакдош сўзлар бош ўзак билан бир уч ташкил қилувчи луғавий бирлик сифатида ажратилмаган, ҳар қайсиси алоҳида бош сўз тарзида берилган.

Бир тушунча бирдан ортиқ сўзлар орқали ифодаланган бўлса, ўша сўзларнинг ҳар қайсиси ўз ўрнида келтирилиб, маъно изоҳидан сўнг қ. (қарисимон) ишораси орқали унинг қолган шаклларга қараш ҳавола қилинган: АРМАҒАН совға, армуғон. Қ. АМУЧ, ЙАРМАҚАН.

Феълнинг нисбат шакллари махсус ишораларсиз ўз ўрнида тўлиқ изоҳланган: АТ-отишмоқ. АТЫЛ- отилмоқ. АТЫН- ўзни отаётган қилиб кўрсатмоқ. АТЫШ – отмоқ. АТТУР-оттирмоқ. Бу нисбат шакллари “Древнетюркский словарь”да шу майл шаклларидан кейин уларнинг аниқлик шаклини маъносиз келтириш орқали нисбатларга ишора қилиш йўли билан берилган: АТЫЛ-страд. От АТ -. АТЫН-возвр. От АТ-. АТЫШ –совм. От АТ-. АТТУР-побуд. От АТ-.

Исм туркумига оид шаклдош сўзларнинг ҳар бири луғатда алоҳида-алоҳида келтирилиб, кетидан уларнинг миқдорига қараб рим рақамлари қўйилган: АРТ I орқа. АРТ II довон, адир. АРТЫҒ I ортиқ, ортиқча. АРТЫҒ II нимча. АРТЫҒ III улов юкининг (хуржундаги) бир томони. ТАП I раъй, таъб. ТАП II бас, етарли. ТАП III даргоҳ, шу он. ТАПУ теридаги жароҳат ёки калтак изи. ТАП У: ТАП-ТАП такл. Тап-тап.

Феъллардаги шаклдошлик ҳам айнан мана шу юқоридаги тартибда кўрсатилган: ЭРКӒКЛӒН - I эркакли сифатини кўрсатмоқ, ботирлик қилмоқ. ЭРКӒКЛӒН II 1. мавжланмоқ. 2. ҳурпаймоқ. ЭЗ˙ГӒР - I тингламоқ. Қулоқ бермоқ. ЭЗ˙ГӒР - II тузатмоқ, тўғриламоқ. АЧЫ - I ачимоқ, ошмоқ. АЧЫ - II ачинмоқ; қайишмоқ. АЧЫН - I очаётгандек кўринмоқ. АЧЫН - II сийламоқ, тақдирламоқ. АЧЫШ - I очишмоқ. АЧЫШ - II ачишмоқ: ачиш пайдо бўлмоқ.

Исм ва феъл туркумидаги сўзлар шаклдошлиги исмлардан кейин ҳеч қандай белги қўйилмаслиги, феъллардан кейин эса кичик чизиқча-дефис (-) белгиси қўйиш билан фарқланган: АЧЫ кекса хотин. АЧЫ – ачимоқ. АТЫШ I отиш, отишма. АТЫШ II Атиш, эр

киши исми. АТЫШ-отишмоқ. АТАН ахта (ишчи) туя. АТАН – атанмоқ, номланмоқ.

Исм ва феъл туркумлардаги шаклдошлик бирдан ортиқ сўзлар доирасида бўлса, биринчи навбатда, рим рақамлари билан исм туркумидаги шаклдош сўзлар, кейин феъл туркумидаги шаклдош сўзлар саналган: АЧ – II очқимоқ. ҚАР I қор. ҚАР II: ҚАР-ҚУР такл. Қар-қур. ҚАР – I қормоқ. ҚАР – II пишилмоқ; туюлмоқ. ҚАР – III тошмоқ.

Сўзларнинг ўша давр тилига хос бўлган товуш ўриндошлиги, чўзиқ-қисқалиги, лаблашган-лаблашмаганлиги билан боғлиқ бўлган турли ёзилиш шакллари алифбо сираси бўйича ўз ўринида келтирилиб, маъно изоҳидан сўнг *қ.* қисқартмаси орқали уларнинг бошқа шаклларига қараш ҳавола қилинган: АХЫ сахий. қ. АҚЫ. АҚЫ сахий. қ. АХЫ. ЭРДӒНИ марварид. қ. ЭРДИНИ, ЭРТИНИ. ЭРДИНИ марарид. қ. ЭРДӒНИ, ЭРТАНИ. ЭРТИНИ марварид. қ. ЭРДӒНИ, ЭРДИНИ. АС оқсувсар. қ. А:С. А:С оқсувсар. қ. АС АРУТ ҳашак. қ. ОРУТ. ОРУТ ҳашак. қ. АРТУ. АВ̆ЫЧҒА қари, кекса. қ. авынчга. АВ̆УЧҒА. БАТЫҚЛА – бутоқламоқ. қ. БУТАҚЛА. пўстлоқ. қ. ҚАЗ. ҚАСУҚ. ҚАСУҚ пустлоқ. қ. ҚАЗ, ҚАС.

Асл талаффуз қандай бўлганлигини аниқлаш қийин, турли талаффуз орқали ўқиса бўладиган лаблашган унлили сўзларнинг (БОЗ˙УН – БУЗ˙УН, ОЗ˙УҒ – УЗ˙УҒ, ОТУН – УТУН, ТӦЗЎ-ТЎЗЎ, ТӦҢЎЛ-ТЎҢЎЛ, ҚОЛ-ҚУЛ, ЙОР-ЙУР) маъно изоҳи улардан қайси шаклда ўқилиши асослироқ ва тўғрироқ топилган бўлса, ўша шакл остида берилган. Бошқачароқ ўқилиши тахмин қилинган шакли ҳам тасдиқловчи мақоласиз келтирилиб. *Қ.* қисқартмаси орқали ўқилиши тўғри ҳисобланган шаклга қараш ҳавола қилинган: ӦҚЎШ қ. ЎҚЎШ кўп. ЎРЎҢ қ. ӦРЎҢ оқ. ҚОЛ-қ. ҚУЛ-сўрамоқ. ЙОР-қ. ЙУР-юрмоқ. ТАБ I қ. ТАП I раъй, таъб. ТАБ II қ. ТАП II бас, етарли. ОТУН қ. УТУН ярамас, пасткаш.

"Девону луғоти-т-турк"да маъноларга кўра алоҳида-алоҳида сўзлик сифатида келтирилган, аслида бир ўзакдан иборат бўлган сўзлар (ҚЫРЫЛ – I, ҚЫРЫЛ – II, ҚЫРЫЛ – III) каби луғатда бош сўз тарзида бир ерда берилиб, англатган маънолари араб рақамлари тартибида саналган: ҚЫРЫЛ – 1. қобигдан ажратилмоқ. 2. қуралмоқ; сидирилмоқ, қирилмоқ. 3. кўч, шилинмоқ, тортиб олинмоқ.

Ёзилишида чалкашлик, ўқилиши ва изоҳланиши мавҳум бўлган айрим, сўзларнинг ёзилиши, ўқилиши ва маъно изоҳи “Девону луғати-т-турк”да келтирилган ва улар билан ўзакдош бўлган бошқа ҳосила шакллар билан чоғиштириш орқали аниқланган: ТОП – (?) енгмоқ, мағлуб қилмоқ (?) сўзи ТОПУЛ – тилка-пора қилмоқ, пароканда қилмоқ; ёриб ўтмоқ; қўпормоқ; мажақламоқ асосида ЧАЛДАДЫ ёки ЧЫЛДАДЫ шаклида хато ёзилиб “шилдиради” маъноси билан изоҳланган сўз “шилдиратди” маъноси билан изоҳланган ЧЫЛРАТТЫ ва унинг музори ҳамда масдар шакллари бўлмиш ЧЫЛРАТУР, ЧЫЛАТМАҚ лар асосида ЧЫЛРА – тарзида тузатилгани каби.

“Девону луғоти-т-турк”да бир ўзакдан ҳосил бўлган бир қатор сўзлардан айримлари ўзак қаттиқ бўлгани ҳолда юмшоқ ва, аксинча, ўзак юмшоқ бўлгани ҳолда қаттиқ шаклда қайд қилинади: АМЧУЛ тинч, сокин, АМУЛ тинчланмоқ, АМУЛЛУҚ тинчлик, сокинлик, АМУЛМАҚ тинчланиш сўзлари билан ўзакдош бўлган тинмоқ, тинчимоқ маъносидаги сўз туркча ва ўзбекча босма нусхаларда, шунингдек, “Индекс”да ҳам ЭМРЎЛДИ, ЭМРЎЛЎР, ЭМРЎЛМӒК тарзида юмшоқ берилган. Бу сўз унинг қаттиқ ўзакдошлари ва қўл ёзмада қайд қилинган ёзилиши асосида АМРУЛ-тарзда тўғирланган. АШ овқат, АША-ошамоқ, АШЫЧ қозон, АШЛЫҚ дон: озуқалик АШСА-овқат ейишни истамоқ сўзлари асосида “қозонли бўлмоқ” маъносида келтирилган ЭШИЧЛӒН- сўзи АШЫЧЛАН - қилиб, АЗ˙ЫН бошқа, АЗ˙ЫНСЫҒ бошқача, АЗ˙НАҒУ ўзгарувчан; бошқача асосида “ўзгартирмоқ” маъносида келтирилган ЭЗ˙НӒТ- сўзи АЗ˙НАТ- қилиб, АС-осмоқ, АСЫЛ-осилмоқ асосида ЭСЛИН-осилмоқ сўзи АСЛЫН қилиб тузатилган ва ҳоказо. Бундай сўзлар доирасида ҳам уларнинг тўғри шакллари ўз ўрнида изоҳланиб, хато шакллари алифбо сирасидаги ўрнида изоҳсиз келтирилган ва тўғри шаклларига қараш ҳавола қилинган: ЭЗ˙НӒТ-қ. АЗ˙НАТ-ўзгартирмоқ. ЭМРЎЛ-қ. АМРУЛ-тинмоқ, тинчимоқ. ЭСЛИН-қ. АСЛЫН-осилмоқ. ЭШИЧЛӒН-қ. АШЫЧЛАН-қозонли бўлмоқ.

Девоннинг туркча таржима нашрида ва “Древнетюркский словарь”да АЧУҚЛУҚ. Ўзбекча нашри ва унинг “Индекс-луғат”ида АЧУҚЛУҒ тарзида берилган сўз асар қўлёзмасининг асл нусха (факсимиле) нашрида АЧЫҚЛЫҚ: ҚАПУҒ АЧЫҚЛЫҚ (قبغ اجققى)



NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI Axborot-resurs markazi 248639

тарзида ҳаракатлар билан аниқ қайд қилинган. Луғатда худди мана шу ёзилиши олинган.

Юқоридаги каби тузатишларда "Девону-луғот-т-турк", "Қутадғу билиг", "Ҳибату-л-ҳақойиқ" асарларининг туркча, ўзбекча, уйғурча, қозоқча нашрлари, "Древнетюркский словарь" маълумотларидан бир-бири билан қиёсланган ҳолда фойдаланилган.

Ўзак-негиз сўзлардан ташқари айрим сўз ўзгартирувчи ва шакл ясовчи қўшимчалар воситасида шаклланган сўзлар ҳам бош сўз сирасида берилган. Бунда, биринчидан, шундай сўзлардан ўзак маъносига нисбатан мустақил маънога қараб силжиш устунлиги, иккинчидан, уларнинг таркибий узвий бир қарашдан илғаб олиш қийинлиги, учинчидан, бир қатор сўзлар айни шу шаклда маъно англатибгина, таркибидаги қўшимча ажратиб олгудек бўлса, ўзакнинг ўзи мустақил маъно ифодалашда иштирок қилмаслиги, тўртинчидан, бундай сўзлар Маҳмуд Қошғарий луғатида бош сўз сифатида изоҳланиши, ва ниҳоят, бешинчидан, эски ёдгорликлар бўйича тузилган луғатларда ман шундай сўзлар мустақил луғат бирлиги сифатида берилиши каби олимлар ҳисобга олинган.

Қуйидаги шакллардаги сўзлар луғатга бош сўз сифатида киритилган. Феълнинг -ған/-гӓн, -ғу/–гӱ, -ды/-ди, -р шаклли сифатдоши, -лайлу шаклли равишдоши, -мақ /-мӓк шаклли иш отларидан айримлари:

БЫЧЫЛҒАН дарз; ёрлиқ (қўл, оёқ, ердаги)

ҚАЗЫТҒАН ўжар, қайсар; саркаш, бебош

ТӦРӰТГӒН яратган, Аллоҳ, Холиқ, Худо

АҒАРТҒУ буғдойдан тайёрланган ичимлик, бўза

АСУРТҒУ аксиртирадиган ўсимлик, маралқулоқ; тамаки

КЭСГӰ кесгич, чопқи

ЭРМӒГӰ лоғар, ялқов; бўлмағур

АҚЫНДЫ равон, оқар (сув)

СӰРӰНДИ сурилаган; чиқит; радди маърака

ЙЭРИНДИ жирканч, манфур; ёқимсиз

ЙЭР емиш, емак, хўрак

ОҒРЫЛАЙУ ўғриларча

АЖРУЛАЙУ чиябўричасига,чиябўрилардек

ҚАШЫНМАҚ қашиниш; қичима

ЙУНМАҚ ювиниш

ЙЭМӒК ейиш, овқат

СӦЗЛӒМӒК сўзлаш

Феълнинг истак, юз бериш арафасида қолган имконият, ҳаракатга киришиш тараддуди, ўзини бирор ҳаракат қилиш кўйига солиб кўрсатиш каби маъно тушунчаларини ифодоловчи -са/-сä, -ғыр, -ал, ымсын/ имсин шаклларидаги айрим сўзлар:

ЙАШСА – яшинмоқни истамоқ

КЭЧЎРСӒ – ўтказишни истамоқ

ҚУЛҒЫР – сўраёзмоқ

ЙАТҒАЛ – ётиш тараддудида бўлмоқ

БАРЫМСЫН – ўзини кетаётганга солмоқ

ТЭРИМСИН – ўзни бирор нарса тераётганга солмоқ

Ҳозирги луғатнавислик кўз қарашидан луғатга бош сўз сифатида киритилмайдиган, лекин тарихий луғатларда бош сўз қаторида саналадиган айрим сифат шакллари, олмош, от ва равишларнинг баъзи келишикли шакллари луғатда бош сўз қаторида саналган. Бунда уларнинг мустақил луғавий маъно ифодалашга кўпроқ мойиллиги ҳисобга олинган:

ҚАПУҒДАҚЫ мулозимлар, сарой хизматчилари

КӦКДӒКИ осмоний, кўкка оид (нарсалар)

ЙЭРДӒКИ ерга мансуб (нарсалар)

ТАВРАҚЫН тезда, шошилич

ТЭРКИН дарров, тезда, шитоб билан

ТЎБЎН қуйи, паст; қуйига, пастга

ӦҢДЎН олддан; олдиндан

ӦҢЎН олддан; олдиндан

ТАШРА сиртдан; зоҳиран

ТАШТЫН четда; четдан; ташқари

ТАШЫРТЫН четдан, ташқаридан

Олмошларнинг келишик шакллари ҳам бош сўз сирасида берилиб, уларнинг бош шаклига қараш ҳавола қилинган.

Луғат учун қабул қилинган транслитерация (табдилёзув) белгилари ҳақида.

Ёзма ёдгорликда қайд қилинган сўзлар ўтмишда жонли сўзлашувда ва адабий тилда қандай талаффуз қилинганини, уларни ёзувда акс эттириш учун қўлланган ҳарфий белгилар табиатан қандай товушларни ифодалаганлиги, товушларнинг асл хоссалари, фонематик тизимга асос бўлганларнинг старини аниқ

эмаслиги маълум. Шу боис луғатга асос бўлган манба материалларини ҳозирги ёзувга ўгириб ёзиш тарзини фонетик ёки фонематик транскрипция эмас, балки оддий *транслитерация-табдилёзув* (бир ёзув тизимини иккинчи бир ёзув белгилари билан ҳарфма-ҳарф бериш) деб аташ тўғри бўлади. Чунки бунда ўша давр жонли сўзлашувидаги талаффузни тиклаш ва товушларнинг барча хоссаларини акс эттиришдек масъулиятдан холи бўлинади.

Табдилёзув учун бир қатор туркий халқлар томонидан қабул қилинган кирилл алифбоси белгилари танланган. Бу белгилар айрим туркий ифодалашини, манба ёзувидаги баъзи ҳарфий белгиларнинг фонологик табиатини акс эттириш (бир белги бир неча товушни бериш учун қўлланишини қайд қилиш) мақсадида қўшимча график ва диакритик белгилар билан тўлдирилган.

Албатта, бир ёзув матнини иккинчи бир ёзув белгилари воситасида маълум даражада шартли бўлади. Бинобарин, ушбу луғат учун қабул қилинган график белгилар ҳам мана шундай шартлиликдан холи эмас. Шундай бўлса ҳам қабул қилинган белгилар луғатга асос бўлган манбалар ёзувларини ўгириб ёзишга хизмат қила олган.

Табдилёзув учун қабул қилинган белгиларнинг умумий миқдори қирқта бўлиб, булардан ўн биттаси унлилар ва йигирма тўққизтаси ундошлар ифодаси учун қўлланган. Булар қуйидагилар:

Унлилар: А, А:, Ā, Ӓ, Э, Ы, И, О, Ӧ, У, Ӱ

Ундошлар: Б, В, В̇, Г, Д, Ж, Җ, З, З˙, Й, К, Л, М, Н, Ң, НГ. П, Р, С, Т, Ф, Х, Ч, Ш, Қ, Ғ, Ҳ, (,) (‘).

Ушбу белгиларни қабул қилишда, биринчидан, уларнинг анъанавий эканлиги (туркийшуносликда қўлланилиб келинганлиги, бинобарин, одатий ўнғайлиги), иккинчидан, босмахона ва нашр ишларининг техник имкониятлари ҳам ҳисобга олинган.

Луғатда бош сўзлар белгиларнинг юқорида келтирилган сира тартиби асосида берилган. Бош сўзларнинг ички ёзилишида ҳам шу тартибга риоя қилинган.

Унлилар учун қабул қилинган белгилар қуйидаги товушларни ифодалаган:

А – орқа қатор, лаблашмаган, кенг, қисқа унлини.

А: Маҳмуд Кошғарий томонидан аниқ мисоллар билан махсус кўрсатилиб, чўзиқлиги таъкидланиб кетилган ва ёзувда қўш алиф

(ا) воситасида акс эттирилган орқа қатор, лаблашмаган, кенг, чўзиқ, бирламчи этимологик унлини.

Ā – форс-тожик ва араб тилларидан ўзлашган сўзар таркибида учрайдиган очиқ ва ярим очиқ унли учун: ҖĀН, ҖАҲĀН, ĀБĀД, ĀБĀДĀН, ĀРЗУ, НАМĀЗ, КИТĀБ, СИЙĀСАТ, РИЙĀСАТ, АБДĀЛ, ĀХИР, ТАМĀМ, ДУНЙĀ каби.

Ӓ – олд, қатор, лаблашмаган, кенг, қисқа унлини. Бу товуш сўз боши (анлаут) ва биринчи бўғиндан бошқа барча ўринларда ишлатилади.

Э – олд қатор, лаблашган, ўрта кенг, қисқа унлини. Бу товуш Ӓ билан И оралиғидан айтилади, фақат сўз бошида (анлаутда) ва биринчи бўғиндагина ишлатилади.

Ы – орқа қатор, лаблашмаган, тор, қисқа унлини.

И – олд қатор, лаблашмаган, тор, қисқа унлини.

О – орқа қатор, лаблашган, кенг қисқа унлини

Ӧ – олд қатор, лаблашган, кенг, қисқа унлини

У – орқа катор, лаблашган, тор, қисқа унлини.

Ў – ол қатор, лаблашган, тор, қисқа унлини.

Қўш алиф орқали ифодаланган А: дан бошқа унлиларнинг чўзиқлик муқобили учун белги олинмаган. Чунки ёдгорликлар тилида бундай чўзиқ мунтазам хусусиятга эга бўлган ҳодиса сифатида мавжуд эмас.

А: чўзиқлигига келганда шуни айтиш керакки, Маҳмуд Кошғарий бу ҳодисани алохида қайд қилиб, унинг қўш алиф билан ифодаланишини таъкидлайди ва ўз луғатида бош сўз сифатида ўнлаб мисоллар беради. Бундай чўзиқлик билан айтиладиган айрим сўзлар “Қутадғу билиг” ва “Ҳибату-л-ҳақойиқ” асарларида ҳам қисман учрайди. Лекин улар қўшалиф билан эмас, маддали алиф (آ) билан ёзилади. “Девону луғоти-т-турк”да ҳам А: чўзиқлиги луғатнинг бош сўз қисмида кузатилади. Айни шу сўзлар луғатнинг мисол қисмида чўзиқликка қайд қилинадиган чўзиқлик ифодасини (А: ҚЫЛ-, И:З, Ӧ:Л, КИРТӰ:, КЭНДӰ:, АЙУ:БЭР-, СЭРӰР-МУ: каби) истисно қилганда, бу давр ёдгорликлари тили учун унлиларнинг чўзиқлик-қисқалик муқобиллиги хос бўлмаган. Шу сабабли луғатга Маҳмуд Кошғарий А: чўзиқ унлиси билан бош сўз сифатида келтирган сўзларгина киритиш билан чекланилган.

Ундошлар бўйича қабул қилинган белгилар қуйидаги товушларни ифодалаш учун қўлланган:

Б – лаб-лаб, портловчи, жарангли, ундош учун.

В – лаб-лаб, сирғалувчи, жарангли ундош учун (АВАҒЛА-, ЧАВ, ЭВ, ЭВЛЎК, СЭВЎГ, ЭВАК каби).

Г – саёз тил орқа (ёки тил ўрта), портловчи, жарангли ундош учун. Бу товуш туркий ўзаклада сўз ўртасида ва охирида, форс – тожик тилларидан ўзлашган сўзларда эса барча позицияларда ишлатилади.

Д – тил олди, портловчи, жарнгли ундош учун.

Ж – тил олди, қўш фокусли, сирғалувчи, жарангли (ژ) ундош учун Ж – тил олди, портловчи, жарангли, шовқинли, қоришиқ ундош учун. Бу товуш, асосан, араб ва форс тожик тилларидан ўзлаштирилган сўзлар таркибида ишлатилади (ЖАН, ЖИҲАН, АЖАЛ, ЖАВА:Б).

З – тил олди, сирғалувчи, жарангли ундош учун.

З˙ – тил-тиш, сирғалувчи, жарангсиз (ذ) ундош учун.

И – тил ўрта, сирғалувчи, сонор, жарангли ундош учун.

К – саёз тил орқа (тил ўрта), портловчи, жарангсиз ундош учун.

Л – лотериал (ён товуш), сонор, портловчи ундош учун.

М – бурун сонори, портловчи ундош учун

Н – бурун сонори, портловчи ундош учун

Ң – этимологик бурун қоришиқ ундоши учун.

НГ-Н ва Г ёндош келишидан ҳосил бўладиган позицион қоришиқ ундош учун.

П – лаб-лаб, портловчи, жарангсиз, шовқинли ундош учун.

Р – тил олди, сонор, титровчи ундош учун.

С – тил олди, сирғалувчи, шовқинли, жарангсиз ундош учун.

Т – тил олди, портловчи, шовқинли, жарангсиз ундош учун.

Ф – лаб-тиш, сирғалувчи, шовқинли, жарангсиз ундош учун.

Х – чуқур тил орқа, сирғалувчи шовқинли, жарангсиз ундош учун.

Ч – тил олди, аффрикат (қоришиқ), шовқинли, жарангсиз ундош учун

Ш – тил олди, сирғалувчи, шовқинли, жарнгсиз ундош учун.

Қ – чуқур тил орқа, портловчи, шовқинли, жарнгсиз ундош учун.

Ғ – чуқур тил орқа, сирғалувчи, шовқинли, жарангли ундош учун.

Ҳ – чуқур тил орқа (бўғиз), сирғалувчи, шовқинли, жарангсиз ундош учун.

Қабул қилинган белгилар сираси сўнгида келтирилган чаппа вергул – аспер (ʻ) ўзлаштирилган сўзлар таркибида учрайдиган айн (ع) бўғиз товушини, тўғри вергул – линес (,) эса ҳамза (ء) товушини ифодалайди. Аспер ва линес белгиларининг табдилёзув учун қабул қилинган белгилар сирасида махсус ўрин йўқ. Улар шартли равишда диакритик белги сифатида қабул қилинган. Улар ўзлари ёндош келган товушларни ифодаловчи ҳарфий белгилар (дуктус)нинг тепасидан, ўрнига қараб ўнг ёки сўл томонидан қўйилган. Масалан, арабча ʻАТА: (عطا) сўзи луғатда бевосита туркий АТА сўзидан кейин, арабча ʻИЗ (عز) ва ʻИЗА (إذى) сўзлари туркий ИЗ сўзидан кейин, шунингдек, ʻАМАЛ (عمل) сўзи АМАЛ (امل) сўзидан кейин берилган: АТА, ʻАТА: ; ИЗ, ʻИЗ, ʻ ИЗА; АМАЛ, ʻ АМАЛ.

А унлисининг чўзиқ ва очиқ вариантларини ифодалаш учун диакритик белгилар билан таъминланган А: ва Ӓ символларининг ҳам (аспер ва линес белгилари каби) алифбо сирасида махсус ўрин йўқ. Бош сўзларнинг жойлаштирилувида мана шу символлар билан келган сўзлар алоҳида ажратилмасдан, алифбонинг тартибига риоя қилинган ҳолда берилган: АВЫЧҒА, А:ВЛАЛ-, АВЛАН-, АВЛАТ-, АВУЖҒУН, А:ВУН, АДЫН, ӒДИНА.

Аммо А, А:, Ā сира тартиби сақланган, яъни аввал А ли, сўнг А: ли, ундан кейин Ā ли сўзлар берилган: АБА III, АБА: I, АБА: II, ĀБĀДĀН, ʻАЗА, ʻАЗĀБ, ĀЗĀД.

Ўзига хос товушлар ҳам уларга яқин ва ўхшаш товушларни ифодаловчи ҳарфий белгилар устига ёки остига диакритик белгилар қўйиш орқали қабул қилинган, ўзлари учун асос қилиб олинган ҳарфий белгилар (дуктус) билан ёнма-ён жойлаштирилган: А, А:, Ā, В, Ḃ; Ж, Җ; З, З̇; Н, Ң. Унлиларнинг орқа ва олд қатор муқобиллари бобида ҳам шу тартиб сақланган: А/А:, Ā/, Э, Ы, И; О, Ӧ; У, Ӱ.

Луғатга мисол олинган уч асосий ва қиёсга мисоллар олинган қўшимча манбаларда қўлланган табдилёзув белгиларининг мураккаблиги ва ҳар хиллиги, уларни беришдаги техник имкониятларнинг чекланганлиги сабабли, шунингдек, бир хилликни таъминлаш мақсадида барча ҳолларда ҳам луғат учун қабул қилинган табдилёзув белгилари ишлатилган.

Изоҳ: Араб ва форс-тожик тилларидан ўзлашган сўзлар луғатда туркий тилларга хос бўлган товушлар уйғунлиги (сингармонизм) қонуниятига бўйсундирилмаган ва ҳар бир ўзлашган сўз ўзига тегишли ўринларда берилган.

ҚАЙД: Лугатда этмологик қоришиқ товуш учун Ң ва позицион қоришиқлик учун НГ ҳарфий бирикма олинганлиги муайян мулоҳазалар билан боғлиқлиги батафсил изоҳланиши тақозо қилади.

Позицион қоришиқ учун НГ олиниши, энг аввало, жўналиш келишигининг -ГӒ қўшимчаси -(И)Н қўшимчали учинчи шахс эгалигидан кейин, ва умуман -ГӒ ва Г га бошланувчи Н-Г ёндошлигидан ҳосил бўладиган қоришиқликни ёзувда беришдаги чалкашликнинг олдини олади. Юқоридаги ҳолларда ёзувда НГ ўрнига Ң қўлланиши натижасида, биринчидан, ўзак, иккинчидан, қўшимча ўз асл шаклини йўқотади. Масалан, ТИЛИНДИН, ИЧИНДӒ, ЭТИНДИ, ЭВИНМӒ, ЎНЎР, КӦНДЎР-, СЭРИНДИ, БИРИНДӒН каби сўзлар таркибидаги қўшимчалар ўрнига –ГӒ ва Г бошланувчи бошқа қўшимчалар қўшиб, уларни ёзувда ТИЛИНГА эмас, ТИЛИҢӒ, ИЧИНГӒ эмас, ИЧИҢӒ, ЭТИНГЎ эмас, ЭТИҢЎ, ЭВИНГИЛ эмас ЭВИҢИЛ, ЎНГЎКӒ эмас, ЎҢУКӒ, КӦНГӒР эмас, КӦҢАР, СЭРИНГӒН эмас, СЭРИҢӒН, тарзида бериш эгалик шаклидаги ТИЛИН, ИЧИН, БИРИН исмларининг ҳам, ЭТИН-, ЭВИН-, ЎНКӦН-, СЭРИН- феълларининг ҳам, шунингдек, -ГӒ, -ГӒН, -ГӒР, -ГИЛ, -ГЎ қўшимчаларининг ҳам товуш таркибини ва уларнинг ёзувдаги ифодасини моҳиятан тасаввур қилишдан чалғитади, сўзлар ва қўшимчаларнинг асл шакллари ҳалал топади. Позицион қоришиқлик НГ орқали берилса, учинчи шахс эгалиги курсаткич -(И)Н ҳам, ўзаклар сўнгидаги Н ундоши ҳам бошқа қўшимчалар билан келганлигидаги ўз асл шаклининг Г ли бирикувларда ҳам сақлайди.

Позицион қоришиқликнинг НГ бирикуви билан бериш яна жўналиш келишигининг иккинчи шахс шаклидаги (ИШИҢӒ, БЭГИҢӒ каби) сўзларда келишик кўрсаткич -Ӓ, учинчи шахс шаклида эса -ҢӒ ҳисобланади (БАШЫма га аналогик тарзда), -ҢӒ шакли эса -(И)Н эгалиги билан -ГӒнинг бирикувидан ҳосил бўлади. Шу сабали жўналиш келишигининг II ва III шахс шаклларини бирдек (ИШИҢӒ – СЕНИНГ ИШИНГГА ва ИШИҢӒ – УНИНГ ИШИГА тарзида) бирдек бераверишкерак, II ва III шахслар

матндан англашилиб туради, деган фикрга эътироз билдиришга ҳам асос беради. Чунки, биринчидан, луғатга асос бўлган манбалар тили учун жўналиш келишигининг ўғуз гуруҳ лаҳзаларига оид -А/-Ä шакли хос эмас, иккинчидан, араб ёзувида ҳам, уйғур ёзувида ҳам бу келишик қўшимчаси ёзувда کا=ک+ا тарзида аниқ акс этган. Ёзувда ÖЗЎҢГÄ (اوزونکا) БЭГИҢГÄ (بیکینککا) ва ÖЗИНГÄ (اوزینکا) кабиларни бир хилда ÖЗЎҢÄ, БЭГИҢÄ, ÖЗИҢА қабилида беришига ҳеч қандай асос йўқ.

Қаттиқ ўзаклар доирасида کا – шакли -КÄ эмас, -ГА тарзида ишлатилиши ҳоллари ҳам учрайди: ОРНЫГА (اورنیکا), БУРУНГА (بورنیکا), ЙУРНЫГА (یورنیکا). ن+ک, د+لاه ҳарфий қўшилмаларининг НГ (Ң) тарзида ҳам қаттиқ, ҳам юмшоқ ўзаклар таркибида бирдек ишлатилавериши ҳам یلنکوق, تنکوق, اپانک, اوذونک, تنکری, ا'رتک, کینکیش каби ک нинг иштироки фақат юмшоқ ўзак билан чекланмаганлигини кўрсатади. Уни қаттиққа айлантириш учун сунъий равишда НГ ни Н қилиб олиш масала моҳиятини ўзгартирмайди. У ҳар икки ҳолда ҳам Ң лигича қолаверади. Модомики, ҳар қандай табдилий (транслитерацион) белги шартли экан, ёзувда позицион қоришиқ НГ ни этмологик Н дан фарқлаб берилса, ўзак ва қўшимчаларнинг шаклий ифодаси ҳалал топмай ўз аслини сақлайди.

"Қутадғу билиг", "Девону луғоти-т-турк" ёдгорликларининг туркча нашрларида ва улар бўйича бажарилган тадқиқотларда ҳам этмологик, ҳам позицион қоришиқ товуш учун nğ ҳарфий бирикмали табдилий белги олинганлиги ҳам бежиз эмас. "Древнетюркский словарь" ва Ўрта Осиё "Тафсир"ининг А.К.Боровков томонидан тайёрланган луғатларида ҳам ёндош Н+Г қоришиқлиги НГ ва ng тарзида берилган: КЎНГÄРЎ, БÄЗÄНГЎ, ÄТИНГЎ, ЎЗÄСИНКÄ, КÖНКÄР – (Тафсир), ẹtingü, evingil. Köngär, öngükä (Древнетюрскский словарь).

***Қаюм КАРИМОВ,***
***филология фанлари номзоди,***
***1990***

**А** ё. с. Сўз охирига қўшилиб келиб даъват, кучайтирув, таъкид, ҳайрат маъноларини ифодаловчи ундов-юклама: *бу аймыш сӧз̇ ӱм чын эрӱр-му кӧр-а* – бу айтган сўзим чинми, кўргин-а (ҚБН 143а). *Элиг башқа урды бу оз̇ ғурмыш-а / сақынды узун кэч кӧтӱрди баш-а* – Ўзғурмиш қўлини бошига қўйиб узоқ ўйга толди ва бошини кўтарди (ҚБН 135а). *Йана айды элиг эй ӧгдӱлмиш-а / билиг билгӱчилäр нэлӱг билмиш-а - элиг* яна сўради: эй Ўгдулмиш, билим ўрганувчилар қандай ўрганадилар? (ҚБН 70б). *Кӱмӱш қалса алтун мэниңдин сэңä / аны тутмағыл сэн бу сӧзкä тэң-а* – мендан сенга кумуш, олтин қолса, сен уларни бу сўзларга тенг тутмагин (ҚБН 14а). *Сэниң барлығыңға далил арқаған / булур бир нэң ичрä далиллар миң-а - сенинг* мавжудлигингга далил истаган бир нарсадан минг далиллар топади (ҲҲI-177). *Тӱнäтӱр тӱнӱңни кӱнӱң кэтäриб / тӱнӱн кэтäриб бäз йарутур таң-а* - кечангни қоронғулаштириб, кунингни ўтказади, яна тунингни ўтказиб, тонгни ёритади (ҲҲ I-178). *Билгä эриг эз̇ гӱ тутуб сӧзин эшит / эрдäмини ӧгрäнибан ышқа сӱр-а* - доно кишини хурматлаб сўзига қулоқ тут, фазилатларини ўрганиб, амалда қўллагин (МКI-403).

**А: А: ҚЫЛ** – ҳайрон қилмоқ: *ол мэни а:қылды* – у мени ҳайрон қилди (МК I-75)

**АБ** I қ. АП .

**АБ** II қ. АП.

**АБА** I она (МКI-113). қ. АПА.

**АБА** II ота (МКI-113). қ. АПА.

**АБА** III айик (МКI-113).

**АБА** IУ: АБА БАШЫ тоғларда ўсадиган пояси тиканли бодрингсимон ўсимлик, тоғликлар уни ейдилар (МКI-114).

**АБĀ** I а. Аждод; биринчи одамлар (Одам Ато ва Момо Ҳаво). Қ. АПА.

**АБĀ** II а. Або, абу: *тав ғач улуғ буғра қарахан абā али ҳасан бинн арсланхан* – Тавғоч улуғ Буғра Қорахон або Али Ҳасан бинн Арслонхон (ҚБН 9б).

**ĀБĀДĀН** ф.= Ободон, яшнаган: *қамуғ толған эслӱр тӱгäл эксилӱр / қамуғ āбāдāнның харāб - ол соңы* - барча тўлишган олқинади, камолга еткан камаяди, барча гуллаб-яшнаганнинг охири-оқибати хароб бўлишдир(ҲҲ I-193). – Ся I-114.

**А̄БА̄ДА̄НЛЫҚ** ф.-т.= Ободонлик: *Эл а̄ба̄да̄нлықы асғын айур* – Эл ободонлигининг фойдалари ҳақида сўзлайди (ҚБН 6б). – Таф. 35.

**АБАЛЫ** унд.= Бирор нарсани кам учратканда “кўрар кун ҳам бор экан-а” тарзида айтиладиган ҳис-ҳаяжон ифодаловчи сўз (МК I-155). Инд. 10. “Гердайиш, мамнунлик ифодаловчи сўз – модальное слово, выражающее гордость”. ДТС 162. “Эбӓки – межд., выражающее презрение, отвращение” / туркча босма нашрда бу сўзни “эбӓки” тарзида ўқишга сабаб бўлган белги ҳақидаги маълумот асарнинг қўлёзмасида ҳам мавжудлиги изоҳланган /.

**АБАҢ** қ. АПАҢ.

**АБАЧЫ**= Олабўжи (болаларни қўрқитиш учун ишлатиладиган сўз; абачы *кэлди* – олабўжи келди ) (МК I-115).

**АБАҚЫ**= Кўз тегишидан сақлаш учун боғ ва полизларга ўрнатиладиган қўриқчи (МК I-155).

**АБВА̄Б** а.= Боблар, фасллар: ***Фиҳрасти абва̄б*** – боблар мундарижаси (ҚБН 2б).

**АБДА̄Л** а.= Валийлар, авлиёлар: *бадал қылды абда̄л нэниң ҳам ма:лын / бақыб қоз̇ты за̄ҳид бу дунйа̄ улын* – авлиёлар бисот ва мол-давлатларини (бебақолиги учун) бадал қилдилар, зоҳидлар таги дунёни тушуниб уни тарк этдилар (ҚБН 131б). – Ар. 138. СЯ 1-14.

**АБЫ** ш. н. Аби, эркак киши исми (МК I-114).

**АБЫ** – яширмоқ, беркитмоқ: *ол аны кишидин абыды* – у уни одамлардан яширди (МК 3-267). қ. АБЫД – АБЫТ – II

**АБЫД** – қочирмоқ, яширмоқ: *ол аны кишидин абыдды* – у уни одамлардан қочирди (МК 1-222). қ. АБЫ – АБЫТ – II

**АБЫН** – қ. АḂЫН-.

**АБЫНЧ** қ. – АḂЫНЧ.

**АБЫНЧУ** қ. – АḂЫНЧУ.

**АБЫНҒУ** қ. – АḂЫНҒУ.

**АБЫТ I** қ. АḂЫТ.

**АБЫТ=II**. яширмоқ, беркитмоқ; олиб қочмоқ, панага олмоқ: *ол өзин мэндин абытты* – у ўзини мендан панага олди (МК 1-213). *Ол эр ол өзин кишидин абытған* – у киши ўзини одамлардан четда тутади (МК 1-169). Қ. АБЫ-, АБЫД-.

**‘А̄БИД** а.= ибодат қилувчи, тоат-ибодат этувчи, художўй: *анын қачты за̄ҳид оғул-қыз қоз̇уб / мунын қоз̇ты ‘а̄бид қапуғқа*

*узʼуб* – шу сабабдан зоҳидлар ўғил қизларини (оилаларини) ташлаб (бу дунёдан) қочдилар, обидлар (масжид) эшигига майл қилиб (бу дунёни) тарк этдилар (ҚБН 180)/ *Ғариб эрди ислāм ғариб болды бāз ʻибāдат рийā болды ʻāбид мажāз* – ислом ғарибу нотавон эди, янада ғариблашди, тоат-ибодат риёга айланди, ибодат қилувчилар (деган сўз) юзаки бўлиб қолди (ҲҲ 1 208). Ар. 1.

**ʻĀБИР** а.= анбар, мушк анбар: *ʻабир бўркирäр тэг тўнäрди қалық / сата қопты йэрдин наз'ылди бутық* - анбар сепилгандай осмон қоронғилашди, маржон шода (ой баркаши) ердан бош кўтарди, нур толалари таралди (ҚБН 1776). Ар.1. СЯ 2 - 544

**ĀБИСКУН** ф. геогр. Обискун, Каспий денгизи (МК 3-164).

**АБЛАН.=** Сичқон жинсидан бўлган кичик бир жонивор (МК 1-142).

**АБУ** а.= Абу, киши исмидан олдин қўшилиб келиб ота, отаси маъносини ифодаловчи сўз: *абу бакр-л-муфиду-ж-җарҗарāний* – Абу Бакр Алмуфидул Жаржароний (МК 1-334). *Абу бакру-л-каффāлу-ш-шāший* – Абу Бакр Каффол Шоший (МК 1-414). *Абул-қāсим абдуллāҳ ибн муҳаммади-л-муқтадā биамриллāҳ* – Абул Қосим Абдуллоҳ бинни Муҳаммад Муқтадо Амриллоҳ (МК 1-44). (Бу киши аббосийлар сулоласининг олтинчи халифи бўлиб, Маҳмуд Кошғарий ўз асарини унга бағишлаган).

**АБУЛ** геогр. Абул, Кошғардаги бир қишлоқ номи (МК 1-102).

**АБУЧҚА** қ. АВЫЧҒА, АВУЧҚА, АВУЧҒА.

**АБУЧҚАЛЫҚ** қ. АВУЧҚАЛЫҚ.

**АВ** I қ. АВ I, А: В.

**АВ** II қ. АВ II.

**АВ** III. буюрувчининг буйруғига нописандлик, эътиборсизликни ифодаловчи а?, нима? маъносидаги сўз (МК 1-75).

**АВВАЛ** а. 1. аввал, олдин, илгари: *ав/в/ал башқа бöркни кийäр баш кэрäк* – энг аввал бўркни киядиган бош керак (ҲҲ 3-300). 2. ё.с. олдин, бурун: *ары заҳри татқу асалдин ав(в)ал* – асал (емасдан) аввал ари заҳарини тотишга тўғри келади (ҲҲ 3-440)- СЯ 1-15.

**АВИН** қ. ЭВИН.

**АВУТ=** Ҳовуч (МК 1- III). Қ. АВУТ. –Ар.38.

**АВ** I. Ов, шикор: *бöри тилкў арслан азʼығ йа тоңуз / сэниңдин қутулмас öлўр авда тўз* – бўри, тулки, арслон, айиқ ёки тўнғиз сендан (қочиб) қутула олмайди, барчаси овда ўлади (ҚБН 194 а).

**АВ, АВЛА** – ов қилмоқ: бэг а̊в а̊влады – бег ов қилди (МК 1-283). АВЙУР- кӯч. Омад келмоқ, ови юрмоқ: *бу ҳиммат мурувват била̄ барса чав˙ булур бэг* тилӓки йурыр отру ав˙ - ҳиммат ва мурувват билан донг таратса бег тилакларини топади, унинг омади келади (ҚБН 81б). А:В. – Ар.37. Таф.35. СЯ I -18.

**АВ** II= Тӯр, тузоқ: *бағырсақ кишиниң сӧзли тут сав˙ы / бу ӧт са сэңӓ болға давлат ав˙ы* – меҳрибон кишининг панд ва насиҳатларин тутгин, бу панд ва насиҳатлар сенга давлат учун тузоқ бӯлади (ҚБН 55б).қ. АҒ. –Ар.37.

**АВ** – тӯпламоқ, йиғилмоқ, жамланмоқ, уймалашмоқ: *сачын қара мэңдӓди арзулайу эр а̊вар* – қора сочларини юлиб-юлқилаб (одамлар) чиябӯриларга ӯхшаб (унинг атрофига) уймалашдилар (МКЗ-410). *Кӯлӓр йуз, исиг сӧз ӯлӓ нэң=та˙вар бош а̄за̄д кишилӓр бу ӯчкӓ а˙вар* – очиқ чеҳра, ширинсӯз бӯлиб мол-товар улашгин, эркин, озод одамлар мана шу уч нарса туфайли йиғиладилар (ҚБН 91б).

**АВ-ЙИҒИЛ** – йиғилиб-тӯпланмоқ, уюлишиб-жамланмоқ: *кӯлӓ бақса бэглӓр кими эз˙лӓсӓ ав˙а-йығлур а̄рзу кэрӓк ол йэсӓ* – беглар очиқ чеҳра билан боқиб кишиларни қадрласалар, орзулар жамланиб-тӯпланиб келаверади, ундан баҳраманд бӯлсалар арзийди (ҚБН 70б). Қ. А:В-. – Ар.37.

**А:В** – ов, шикор: *бэг а:в˙қа чықты* – бег овга чиқди (МК 1-109). Қ. АВ I

**А:В** – йиғилмоқ, тӯпланмоқ, уюлмоқ: *аңар киши а:в˙ды* – унинг атрофига одам тӯпланди (МК 1-184). Қ. АВ-.

**АВА** I ё.с. Афсус, дориғ, эсиз каби алам ва ачиниш маъноларини ифодаловчи ундалма: АВА-АВА- эсиз-эсиз, афсус-афсус (МК 1-118).

**АВА** II этн. Ава, ӯғуз қабилаларидан бирининг номи (МК 3-31). Қ. ЫВА, ЙАВА.

**АВАЛА** – уюлмоқ, тӯпланмоқ, йиғилмоқ: аның *тэгрӓ киши ав˙алады*-унинг атрофига одам тӯпланди (МК 1-301).

**АВАҒ** инжиқлик; ноз, таманно: *бу экки кишикӓ сӧз ачғу кэрӓк / сӧз ачса ав˙ағлары йӯз˙гӯ кэрӓк* – мана шу икки кишига сӯз (сир) очиш керак, сӯз (сир) очгач, (уларнинг) инжиқликларини кӯтариш керак (ҚБН 100б) – Ар.37.

**АВАҒЛА** – авайламоқ, эҳтиётламоқ; олиб қочмоқ: *ара кӧрсӓ эв˙рӓр йана тэрк йӯзин / ав˙аглар нэчӓ тутса бэрмӓз ӧзин* – гоҳо кўрсанғ эзини кескин ўгиради, ўзини олиб қочади, қанча тутмоқчи бўлиб уринсанг ҳам, ўзини тутқазмайди. (ҚБН 21б). – Ар. 37.

**АВЗУРЫ** – буғдой ва арпа унлари аралаштирилиб тайёрланадиган таом (МК 1-162).

**АВЫЛҚУ** бот.= Қайинлар оиласига мансуб қизил мевали бир дарахт, мевасининг сувини тутмоч ошига солинади, пўстлоғи билан кўз оғриғи даволанади, у билан кийимлар ҳам бўялади (МК 1-451). Қ. ТАВЫЛҚУ, ТАВЫЛҒУЧ

**АВЫН** қ. ЭВИН.

**АВИН** – 1.= Овинмоқ, кувонмоқ, шодланмоқ; маҳлиё бўлмоқ: *эрӓжкӓ ав˙ынма сэн ичмӓ сӯчиг / тэңиз ол бу экки аңар йоқ кэчиг* – айш-ишратга маҳлиё бўлма, сен шароб ичма, бу икки нарса мисоли бир дарёдирки, унинг кўприги йўқдир (ҚБН 88б). *Баз˙рам қылыб ав˙налым* – байрам қилиб шодланайлик (МК 1-262); 2. интиқ бўлмоқ, қусамоқ, интилмоқ: *сэңӓ мы ав˙ынды бэзӓниб кӯлӓр / ани сэв˙мӓ азраққына қаз˙гура* – (бу дунё) энди сенга бино қўйдими, безаниб кулаётирми, қайғуриб уни озгина бўлса ҳам севмагин (ҚБВ 185). 3. Улфат тутмоқ, ҳамхона қилмоқ: *киши ыз˙ты тэркин кӧр ӧгдӯлмишиг / ав˙ынди ӧзингӓ бэкитти эшиг* – дарҳол Ўгдулмишга одам юборди, кўр (уни) ўзига ҳамхона қилди, эшикни беркитиб олди (ҚБН 62б). *Ол мэңӓ авынди* - у менга улфат тутинди, боғланиб қолди (МК 1-210). – Ар.37. Таф. 36. “авун”. СЯ 1-19.

**АВЫНЧ** 1.= Хурсандчилик, шодлик; таскин, тасалли: *сэв˙инч асли учмақ турур ҳам ав˙ынч* – асли севинч жаннатдир, (у) таскин-тасалли ҳамдир (ҚБН 187б). *Эрӓжлӓри эмгӓк сэв˙ӯнчи сақынч / агыры учузлуқ ав˙ынчы эринч* – роҳатлари машаққат, севинчлари қайғу, қадри қадрсизлик, шодликлари хафаликдир (ҚБҚ 380); 2.= Овинч, эрмак; эркалаш, юпатиш; унс олиш, ўрганиб қолиш: (МК 1-152, 3-451) *Ав˙ынч бирлӓ ӧгрир бу дунйӓ сэни / осанма уз˙ытмасу гафлат кӯни* – бу дунё сени эркалаш билан терватади, ғофил бўлма, ғафлат кунлари сени ухлатиб қўймасин (ҚБН 190б). 3. Қилиқ, одат, қилмиш; шуғл, машғулот, ҳунар: *йӯзи кӧрки қылқы қылынчы нэ-ол йашы / қуры бод сын ав˙ынчы нэ-ол* – юз чиройи, қилиқ-

қилмишлари қанақа, ёши, фазилатлари, қадди келбати ва ҳунари қанақа? (ҚБН 72а.). – Ар. 38. СЯ 1-20 “авунча”.

**АВЫНЧУ** 1.= Эрмак, овинчоқ: *Ав ынчу нэӊ* – овуниладиган нарса, эрмак, ўйинчоқ (Мк 1-153). 2. Қўшни, ҳамсоя (МК 1-1530. 3. Жория, жазман, хизматкор ўйнаш; кўнгил хуши. *Ав ынчу сэв ӱглӓр билӓ ав нур ӧз / қара йэр қатында кириб йатғу ӧз* – кўнгилхуши маҳбубалар, севгилилар билан улфат тутиб овинган бу жонинг қора ер қаърига кириб ётади (ҚБН 58а.). – СЯ 1-20 “ав унча”.

**АВЫНҒУ** таскин, тасалли; ҳузур-ҳаловат; эрмак: *ӧзӱӊ эки кӱнлӱг ав ынғу ӱчӱн / кӧрӱрдӓ куйӱрмӓ ӧзӱӊни кӱчӱн* – икки кунлик ҳузур-ҳаловат учун (уни) кўриб ўзингни зўрма-зўраки куйдирмагин (ҚБН 130б). *Авынғум сығынгум йӧлӓким йоқум / ол-ол бир из и тоз ғу ачым-тоқум* – овинадиганим, сиғинадиганим, нажотим, йўқлигим, қорин тўқим, оч-тўқлигим ўша ягона эгамдир (ҚБН 173б). – Ар. 38.

**АВЫТ** – овинтирмоқ, юпатмоқ, тинчитмоқ, тасалли бермоқ: *йазуқы бар эрсӓ қынағу тутуб / йоқ эрсӓ миӊ эз гӱн ав ытғу кэрӓк* – гуноҳи бор бўлса, тутуб жазолаш керак, йўқ бўлса минг иноятлар билан хурсанд қилмоқ керак (ҚБН 29б). *Киши кӧӊли тутчы тилӓр ӓрзуни / авытур тилӓк булғуқа ӧзини* – одам кўнгли доим орзуга етишни истайди, тилак орзуини топиш умиди билан ўзини хурсанд қилиб юради (ҚБҚ 298). *Сэв ӱг йӱз урунды бэшинчи сэв ит / сэв ӓ бақты эрсӓ сэн ӧзни ав ыт* – бешинчи (сайёра) – Зуҳро ёқимли юзини кўрсатди, у кулиб боққанда сен ўзингга тасалли бергин (ҚБН 12а). –АР. 38. Таф. 36. “авут”. СЯ 1-19 “ав ит”, “ав ут”.

**АВЫЧҒА** қари, кекса; улуғ, катта (МКІ 161): *нэгӱ тэр эшит бу ав ичға сӧзи / ав ычға сӧзи тут унытма қозы* – қарининг сўзини эшит, у нима дейди, қари сўзига амал қил, унитма, қўзичоқ (ҚБН 64б). қ. АВУЧҚА, АВУЧҒА. – Ар. 37. Таф. 36. “ав унча”.

**АВЙА** Беҳи (МК 1-137). – СЯ 1-36 “айва”.

**АВЛА** – І 1. Овламоқ: *ав лар кэйик тайған ыз ыб тилкӱ тутар* – кийик овлайди, този ит солиб тулкиларни тутади (МК 1-193). АВ АВЛА – ов қилмоқ, ов овламоқ: *бэг ав ав лады* – бег ов қилди (МК 1-283); 2. кўч. Овламоқ, ром қилмоқ; қўлга олмоқ: *ав лаб мэни қоймаӊыз* - мени мафтун этиб ташлаб кетмангиз (МК 2-51). КӦӉУЛ АВЛА – кўнгил олмоқ, меҳр қозонмоқ: *нэгӱ тэр*

*эшитгил эй асли агы / қара кӧңлин ав лар бэги йарлыгы* – эй тоза (бу ҳақда) нима дейилган, эшитгин, бегининг фармони қора авом кўнглини овлайди (ҚБН 118 а). – Ар.38. СЯ I 19.

**АВЛА** – II йигилмоқ, тўпланмоқ: аңар киши ав лады – бунга одам тўпланди (МК 1-283).

**АВЛАЛ** – 1. овланмоқ: *кэйик ав лалды* – кийик овланди (МК 1-290). 2. кўч. Овланмоқ, мафтун бўлмоқ: *ав ланур ӧзўм аның тузынга* – ўзим унинг чиройига мафтун бўламан (МК 1-290)

**А:ВЛАН** – овламоқ, ўзи учун ов қилмоқ: *эр ӧзингä ä:в ланды* – киши ўзи учун ов қилди (МК 1-292).

**АВЛАТ** – овлатмоқ: *ол мэңä ив ық ав латты* – у менга кийик овлатди (МК 1-264).

**АВЛАШ** – йиғилишмоқ, тўпланишмоқ: *киши ав лашды* – одамлар тўпланишди (МК 1-243). – МК 1-243, Инд. 37 "эв лашди".

**АВРАН** темирчи қўрасига ўхшатиб қурилган нон пишириладиган ер, ўчоқ, ертандир. (МК 1-133).

**АВРЫНДЫ** қиринди; чиқит: АВРЫНДЫ НЭҢ – қиринди нарса, чиқит нарса (МК 1-162).

**АВУЖҒУН** тери овлашда ишлатиладиган салам (акация ?) дарахтининг барги (МК 1-172).

**А:ВУН** дарахт (Испижоб ва сайрамликлар тилида) (МК 1-111).

**АВУРТА** энага, мураббий, тарбиячи: *ав уртасы эз гў киши тут арыг / огул-қыз арыг қопга турга фариг* – (бола) мураббийсини яхши ва пок кишидан олгин, ўғил=қиз пок ўсади, (ножўя ишлардан) фориғ бўлади (ҚБН 163а). Ол ав урта тутунды – у энага ёллади (МК 2-168). – Ар. 38.

**АВУС** мум (МК 1-191).

**АВУТ** қовуч: *қоз у бир ав утча қара тупрақыг / улуг мэңгў эл қул нэрäк бу сақыг* – бир қовучча қора тупроқнинг баҳридан ўтиб, юксак ва мангу маскан (боқий дунё)ни иста, бу сароб (дунё) нега керак? (ҚБН 195б). Қ. Ав уч, аз ут.

**АВУЧ** ҳовуч; каф, сиким: *уқушқа турур бу агырлық этиг / уқушсуз киши бир ав учча титиг* – қадр қиммат, созлик заковатдан келади, заковатсиз одам бир ҳовуч лойчалик бўлади (ҚБН 17б). Қ. Ав ут, аз ут. – Ар.38. Таф.36. Ся 1-21.

**АВУЧҚА** қари, кекса, чол; улуғ, катта: *негӱ тэр эшитгил ав˙учқа сӧзи* / ав˙учқа сӧзи тутса ачлур кӧзи – қари сӱзини эшитгин, у нима дейди, қари сӱзига амал қилсанг кӱзинг очилади (ҚБН 150а). ав˙ичға, ав˙учға.

**АВУЧҒА** қари, кекса; улуғ, катта: *оғул-қыз кэмишти ата ҳурмати / сӧкӱш болды эркӓ ав˙учға аты* – ӱғил-қиз ота ҳурматини ташлади, қари деган ном одам учун ҳақоратга айланиб қолди (ҚБҚ 384). Қ. Ав˙ичқа, ав˙учқа. – Ар.38.

**АВУЧҒАЛЫҚ** қарилик, кексалик: *йигитликкӓ ачыб ав˙учқалықны айур* – йигитликка афсусланиб қарилик ҳақида сӱзлайди (ҚБҚ 384). – Ар.38.

**АВЧЫ** овчи, сайёд: тӱгӓл *ав˙чы ыт-тег эт ӧзкӓ бақын / сэмӱз болса билмӓз из˙иси ҳақын* – тану жонга қарагин, у нақ овчи ит кабидир, семириб кетса эгасининг ҳам ҳақини билмайди (ҚБН 132б). Ав˙чы нэчӓ а:л билсӓ аз˙ығ анча йол билӱр (мақол) – овчи қанча ҳийла билса айиқ шунча йӱл билади (МК 1-94). – Ар. 38. СЯ. 1-21.

**АГАР** ф. агар, агарда: *йав˙а сӧзлӓсӓ сӧз нэчӓ йас қылур / агар сӧзлӓйӱ билсӓ асғы булур* – сӱзни ноӱрин сӱзласа, талай зиён келтиради, агар (ӱринли) сӱзлай билса, манфаат топади (ҚБН 42а). *Хабар бар бэрилсӓ агар а̄дами* / эки қол динāрни ол они қол қылур – хабарда шундай дейилган: агар инсон берилиб кетса, икки каф динорни ӱн каф қилишга интилади (ҲҲ 1-202). – Ар. 413 “ӓгӓр”. СЯ2 – 133 “ӓгӓр”.

**А̄Д.** қ. АЗ˙.

**А̄Д** а. ш. о. этн. Од (Жанубий араб қабилаларидан бири ҳам Од қавми деб аталади. Қуръонда айтилишича, бу қавм кофирлиги сабабли тошбӱрон қилинган): *тутайын йа̄ кисра̄ йа̄ қайсарча болдум / йа̄ шаддад ад-тег тақы учмақ эттим* – фараз қилайин, ё Хисрав ё Қайсар каби ёинки шаддод, ё Од каби бӱлдим, (Шаддод каби) яна (бир) жаннат бу ёд қилдим (ҚБҚ 387). – ДТС 7 “южноарабское племя в Аравии”. – Ар.4. *“Йаманда бир қавмин ади”.*

**А̄ДАБ** а. адаб, одоб; тартиб, қоида, интизом: *оғул-қызқа ӧгрӓт билиг ҳам адаб – ӱғил-қизга билим ҳамда адаб ӱргат* (ҚБН 163а). *қалы ашқа бэглӓр оқыса сэни / адаб бирлӓ аш йэ кэз˙ ӧгрӓн муны* – агар беглар сени зиёфатга таклиф қилсалар, таомни қоидаси билан егин, буни яхши ӱрганиб ол (ҚБН 149б). Билиглиг сӧзи панд

насихат адаб – билимлининг сўзи панд, насиҳат, адабдан иборатдир (ҲҲ 1-187). АДАБУ Л МУЛУК маликлар адаби: *чынлыглар адабу-л-мулук ат бэрдилар* – чинлилар маликлар адаби деб ном бердилар (ҚБН 2а). – Ар.138. СЯ 1-22 "адаб, адаб", 1-117 "адаб".

**А̄ДА̄ВАТ** а. адоват, душманлик: *адāват кöкини қазыб кэс кöч ўр* – адоват илдизини қазиб кес, кўпор (ҲҲ 1-204). СЯ2-545.

**АДАД** а. сон, саноқ, адад: *йа̄ та'зиф йа тансиф öзӳң йэтрӳ бил / қалы билдиң эрсä адад жаз'ри қыл* – хоҳ кўпайтирув, хоҳ бўлув бўлсин, ўзинг мукаммал ўрган, ўзлаштириб олганч, сондан илдиз чиқариш амалини ўрган (ҚБН 158б). – Ар. 5.

**А̄ДАМ** а. одам, инсон: *илм а̄дамлары бирлä қатылмақын айур* – илм аҳллари билан аралашмоқликни айтади (ҚБВ 9). – Ар. 5. СЯ2-118.

**А̄ДАМИ** а. одамзод, инсон зоти: *бу дунйа̄ муны миң бир ол эрдäми / нэгӳ тег кэчӳрсä кэчäр а̄дами* – бу дунёнинг нуқсонлари минг-мингдир, фазилатлари эса йўқ ҳисобидадир, одамзод уни қандай ўтказса, шундай ўтаверади (ҚБҚ 37б). *Хабар бар бэрилсä агар а̄дами / эки қол дина̄рни ол он қол қылур* – хабарда шундай дейилган: агар одам берилиб кетса, икки каф динорни ўн каф қилишга интилади (ҲҲ 1-202). –Ар. 5. СЯ 1-118.

**А̄ДАТ** а. одат: табиатта йэги а̄дат айбсӳзи / ақылық эрӳр бил *бухул кöзгӳси* - (инсон) табиатининг яхши фазилати сахийликдир, у бахиллар учун кўзгудир, билгин (ҲҲ 2-124, 125). – Таф.39. СЯ 2-588.

**АДАШ** ўртоқ, жўра, ошна, дўст-ёр, оғайни (МК 1-92): йарашық йурыса қадаш йа адаш – қариндошлар ва дўст=ёрлар соз бўлиб юрсалар (ҚБН 119а). АДАШ=ҚОЛДАШ – ёр-биродарлар, ошна-оғайнилар, улфатлар, жўралар: *адаш-қолдаш эрдäш қадаш ашлары / болур эрсä кöргӳ барыб ишлäри* – ёр-биродарлар, жўралар, қариндошларнинг зиёфатлари бўлса, бориб тадбир-тадорукларини назорат қилиб туриш керак (ҚБН 166а).

**АДАШ ТУТ** дўст тутмоқ, дўстлик боғламоқ: *адаш* тутмақ *а̄са̄н кöз'äзмäки сарп / йағы болмақ а̄са̄н йарашмақы сарп* – дўст тутмоқ осон, (унинг шартларига) риоя қилиш қийин, душман бўлмоқ осон, ярашмоғи қийин (ҚБН 154а). қ. Аз'аш. – Ар. 5. СЯ 1-21.

**АДАШ** дўстлашмоқ, дўст тутинмоқ: *бу айтолды öзкä кöр этти ишиг / адашты кэңäшти бир атлыг кишиг* – Ойтўлди ўз ишининг тадбирини кўрди, таниқли бир одам билан дўстлик боғлади, у билан маслаҳатлашди (ҚБҚ 19). – Ар. 5.

**АДАШЛЫҚ** дўстлик; самимий дўстлик, садоқатли дўстлик: *адашлық ўзä турмады* – у самимий дўстликда турмади, дўстлик шартларига риоя қилмади (МК 1-165). – Ар. 5.

**АДАШЛЫҒ** дўст-ёрли, ёр-бирордарли, ошна-оғайнили: *қадашлыг киши кўси чав᾽ы бэз᾽ӱг / адашлыг киши аты сав᾽ы бэз᾽ӱг* – қариндош-уруғли одамнинг шуҳрати, овозаси баланддир, дўст-ёрли одамнинг номи, довруғи баланддир (ҚБН 117б).

**АДАҚ** қ. АЗ᾽АҚ.

**АДАҚЛЫҚ** токзорларда сўрига ишлатиладиган ёғоч (МК 1-165).

**АДАҚЛЫҒ** қ. АЗ᾽АҚЛЫҒ.

**АДАҚШУ** қ. АЗ᾽АҚШУ.

**АДВАН** қ. УДВАН.

**АДЫН** 1. бошқа, бўлак, ўзга: *адын эл кишиси эшитти муны* – буни бошқа эллар одамлари эшитдилар (ҚБВ 72). 2. ё.с. Ўзга, бўлак вазифасидаги кўмакчи: *нэ тӱрлӱг иш эрсä билигсиз öңи / öкӱнчи ол аңа йоқ оң анда адын* – билимсизнинг олдида қандай иш бўлмасин, унинг учун афсусу надоматдан иборатдир, бундан ўзга қисмати йўқ (ҲҲ 1-186). Қ. Аз᾽ын. – Ар. 5.

**АДЫНСЫҒ** бошқача, бўлакча, ўзгача: *öгдӱлмиш ол=оқ тӱшни адынсыг йöрäр* – Ўгдулмиш айнан ўша тушни бошкача таъбир қилади (ҚБВ 172). АДЫНСЫҒБОЛ – бошқача бўлмоқ, ўзгача бўлмоқ: *муны чын билигли укушлуг киши / адынсыг болурму?* – буни чиндан тушунган заковатли киши бошқача бўлиши мумкинми? (ҚБВ 107).қ. Аз᾽ынсиғ. – Ар. 5.

**АДЫР** – айирмоқ, ажратмоқ; фарқламоқ, фарқига бормоқ: *киши=мэн тэгӱчи апа огланы / исиг тумлугыг билгӱ адра аны* – ўзини одамман дегувчи инсон зоти иссиқлик, совуқликни фарқлай билиши керак (ҚБҚ 273). *Уқушуг адыртың билигтä öңи* – заковатни (зеҳнни) билимдан алоҳида қилиб ажратдинг (ҚБВ 70). АДЫР=ОДУР – танлаб-сайламоқ, саралаб-ажратмоқ, алоҳида ажратиб олмоқ: *адырты-öдӱрти кöтäрти мэни* – мени танлаб сайлади, кўтарди (ҚБВ 23). *Адыргу-öдӱргу йэзäк тутгақы* – айғоқчи (дозор) сафларни алоҳида ажратиб олмоқ лозим (ҚБҚ 125). қ. Аз᾽ыр. – Ар.5.

**АДЫРТ** фарқ, тафовут; айирма; хослик, хусусият: *қара қул қарасы болур бэг öрӱң / қаралы öрӱңли адырты кöрӱң* – қора қул қоралиги бўлади, бег эса оқдир, қора билан оқнинг тафовутига

назар солинг (ҚБҚ 108). *Ақыл тег йарыр бу йэти қат кӧкӱг / адырты билӱмäз йыл-ай сақышы* – (ҳандаса) амали етти қават кўкни сел каби ёртиб ўтади, йил ва ой ҳисоблари (билан ҳам унинг нозик) хусусиятларини тушуниб бўлмайди (ҚБҚ 156). *Киши йылқы бирлä адырты бу-ол / тадуқа йарашық йэсä эй оғул* – одамнинг ҳайвондан фарқи шуки, у ўз мижозига яраша овқатланади, эй ўғил (ҚБН 168а). қ. Аз ырт. – Ар. 7. "аз ырт".

**АДЫРТЛА** – фарқламоқ, ажратмоқ: *уқушсуз ӧлӱг-ол уқушлуғ тириг / уқуш мунча тэңлиг адыртлар эриг* – заковатсиз ўлик, заковатли эса тирикдир, заковат одамларни мана шу даражада ажратади (ҚБҚ 91).

**АДЫРЛЫҒ** фарқли; аниқ, равшан: *йил ай од битисä кӱни бэлгӱлӱг / адыртлығ ачуқлуғ саны бэлгӱлӱг* – йил, ой, кун вақтини ёзиб қўйса, куни маълум бўлади, аниқ ва очиқ ҳисоби маълум бўлади (ҚБҚ 156) қ. Аз ыртлығ. – Ар.7.

**АДЫҒЛАЙУ** – айиққа ўхшаб, айиқ каби: *адығлайу ағсун* – айиққа ўхшаб ҳамла қилсин (ҚБВ 86). қ. Аз ыглайу. – Ар.6.

**АДИБ** а. адиб; яхши хислат ва фазилатлар соҳиби: *уқушлуғ билиглиг бэг эрмиш амул / тилäр эрмиш эрдäм адибларин ол* – заковатли, билимли, қарорли бег эмиш, соҳибҳунар кишиларни истаётган эмиш (ҚБН 23б). *Тоға кӧрмäс эрди адибниң кӧзи / тӱгäтти бу он дӧрт баичрä сӧзи* – адибнинг кўзи кўрмас, ожиз эди, ўн тўрт бобдан иборат ушбу баённи ёзиб тугатди (ҲҲ 2-146). АДИБ АҲМАД ш. о. Адиб Аҳмад "Ҳибатул ҳақойиқ" асарининг муаллифи: *Адиб Аҳмад атым адаб панд сӧзӱм* – отим – Адиб Аҳмад, сўзларим панд-насиҳатдан иборат (ҲҲ 1-254) – СЯ 1-23.

**АДИНА** ф. жума, одина: *жамаат билä қыл фариза намāз / чығайлар ҳажи қыл āдина намāз* – жамоат билан фариза намозини ўта, камбағаллар хажи (ҳисобланган) жума намозини ҳам ўта (ҚБН 120а). – Ар. 6. Таф. 39.

**АДЙА** а. ҳадя, тортиқ, инъом: сэңа адйä қылдым бу таңсуқ китаб – бу нодир китобни сенга ҳадя қилдим (ҲҲ 1-125). ҲАДЙА.

**АДЛ** а. адл, адолат: *аввалы адл турур тӱз йӱритмäк* – биринчиси адолатни тўғри юритмоқдир (ҚБВ 3) *Сийāсат рийāсат кийāсат карам / зийāдат ула адл эшит уқ муны* – сиёсат, бошқарув, зийраклик, саховат устига адолатни қўш, эшитиб, уқиб ол (ҲҲ 1-182). – Ар. 7. "адил". Таф. 39. "адлик".

**АДРЫ** айри, ажратилган: *кӱмӱш кӱрси урмыш ӱзӓ олтурур / бу кӱрси адақы ӱч адры турур* – кумуш курси қўйиб унинг устида ўлтирибди, бу курса оёғи уч амри (оёқли) дир (ҚБВ 41). қ. Аз˙ры.

**АДРЫЛ** – айрилмоқ, ажралмоқ, жудо бўлмоқ: *муну адрылур=мэн сэниңдин бу кӱн* – мана, бугун сендан айрилиб кетаётирман (ҚБҚ 45). *Нэ кӧрклӱг болур кӧр киши адрылыб / саламат қавушса эки ӧз ӧзӱн* – қандай ажойиб бўлади-я, кўргин, одам жудо бўлиб, иккиси бир-бири билан саломат топишиб қовушса (ҚБҚ 191). қ. Аз˙рыл. – Ар. 8.

**‘А̄ДУ** а. яна, тағин; бўлак, бошқа; ё, ёки, ёинки: хасисларни кӧтрӱб нафисни чалыб / *‘а̄ду қутсуз ажун қарыб му мунар* – хасисларни кўтариб, нафисларни (саховатлиларни) юз тубан қилиб, ёинки бу машъум дунё қартайиб адашаётирми? (ҲҲ 1-212) ҲҲ 1-247 “адув – душман, ёв” – СЯ 2-546 “адув”.

**АДҒЫР** 1. қ. АЗ˙ҒЫР 1.

**АДҒЫР** 2. қ. АЗ˙ҒЫР 2.

**‘АДҒУК** қ. АҒДУҚ.

**‘АЖАБ** а. ажаб, ажойиб; ажойибот: *эй ол кита̄бкӓ қабул болдуқы / бу тӱрклӓр тилиндӓ ‘ажаб кӧрдӱки* – эҳе, бу китобга киритилган нарсалар туркий халқлар тилида кузатилган ажлйиботлардир (ҚБҚ 5). *Адибниң йэри аты йӱгнӓк эрӱр / сафа̄лиқ ‘ажаб йэр кӧңӱллӓр йарар* – адибнинг (яшайдиган) ерининг номи Югнакдир, ажойиб сафолик ердир, (бу ерда) диллар равшанлашади (ҲҲ 1-216). *Қамуғ ғафлат ол бу савинчин тараб / бу ғафлат билӓ ӧз йоқазур ‘ажаб* – севинч билан айш тараб бутунлай ғафлатдир, бу ғафлат билан одам маҳв бўлади, ажаб (ҚБН 190б). – Ар. 1. Таф. 39. Ся 2-546.

**АЖАЛ** а. ажал, ўлим: *қалы бэрмӓс эрсӓ йэтилсӓ ажал / битилмиш болур бу ажалқа азал* – (сенинг ўрнингни тангри менга) бермас экан, не чора, ажал етишса (илож йўқ), бу ажал азалдан ёзилган бўлади (ҚБН 51а). *Йамӓ пандим алғыл узатма амал / амал исрӓсиндӓ пусуғлы ажал* – албатта панд насиҳатимни олгин ўй-хаёлни чўзма, ўй-хаёл тагида ажал писиб ётади (ҲҲ 1-200). Ажал тут – ажал тутмоқ, ўлим келмоқ: *сеңӓ тапнур эрди мэниң бу ӧзӱм / мунуқы ажал тутти кести сӧзӱм* – мен сенга хизмат қилар эдим, мана, ажал келиб тутди, сўзимни кесди (ҚБН 48а). – Ар. 138. СЯ 1-25.

**АЖАЛСЫЗ** а. т. Ажалсиз, ўлимсиз; ўлим маҳалисиз: *йаыќа йалын тег эрāн-тег уруш / ажаалсыз öлÿм болмас эркä болуб* – ёвга ўтдек ёпирилиб, мардонавор жанг қил, мардга ажалсиз ўлим бўлмайди (ҚБН 197 б)

**'ĀЖИЗ** а. Ожиз, нотавон: нэлÿг болди *'āжиз öзÿң эй элиг / қамуғ эзгÿ қылғу кÿчÿң бар элиг* – қанақасига сен ожиз бўла қолдинг, эй элиг, ҳар турли эзгулмкларни қилишга эрк ихтиёр ва кудратинг бор-ку! (ҚБН 197б). – Ар.1. СЯ2 – 559.

**'ĀЖИЗЛЫҚ** а.т. Ожизлик, нотавонлик; чорасизлик: *илāҳи билÿр-сэн бу 'āжизлықым / сэңāр-оқ ачар-мэн муңум ҳам йығым* – эй Оллоҳ, бу нотавонлигимни биласан, мунг ва йиғиларимни сенгагина айтаман (ҚБН 21а). – Ар.1. Ся 2 -559 "ажизлик-ажизлиқ".

**АЖМУК** оқ аччиктош: *Ажмуқ Таз* – боши шўралаган ялтир кал (МК 1-125).

**АЖРУ** қ. Аржу.

**АЖРУЛАЙУ** қ. Аржулайу.

**АЖУН** дунё, жаҳон, олам; ер, замин; замон: *ажун тоқлуқы барча ачлық турур* – дунё тўқлиги барчаси очликдир (ҚБН 192а). *Ажун тэзгинÿр элдä арқыш йуруб* – карвонлар элларда юриб дунёни кезадилар (ҚБН 193б). *Ажунға бу сöкÿш малāмат нэлÿг* – дунёни сўкиб қарғаш, маломат қилиш нима учун керак (ҲҲ2-143). Ажун кўни йулдузы тутчы туғар – олам куёши, юлдузи узлуксиз чиқади (МК 3-389). *Ажун тÿни кÿндÿзи йэлкин кэчäр* – замон (вақт)нинг кеча ва кундузлари сафар қилувчилардек ўтади (МК 3-303). *Бу ажун* – бу дунё, *Ол ажун* – у дунё, охират (МК 1-106). *Ажун тут* – оламни қўлга киритмоқ, жаҳонни қўлга олмоқ; оламга бош бўлмоқ: *ажун тутты тавғач улуғ буғрахан / қутазсу аты барсу экки жаҳāн* – Тавғоч улуғ Буғрахон жаҳонни қўлга киритди, бахти кулиб боқсин, номи икки жаҳонга ёйилсин (ҚБн 10б). *Йэмä йақшы аймыш оги йэтмиш эр* / кöнилик билä бу ажун тутмыш эр – ақли тўлган киши янада яхшироқ айтибди, адолат билан оламни бошқарган киши (ҚБҚ 85). – Ар.12. Таф. 40. СЯ 1-26.

**АЖУНЛУҚ** дунёлик, дунёга оид, дунёга тегишли: *барайын мэн эмди эсāн эзгÿ қал / экигÿн ажунлуқ айа эзгÿ фāл* – энди мен кетайин, эсон ва яхши қол, эй иккала дунёли иқболи порлоқ (ҚБН 176б0. – Ар.13. СЯ 1-26. "ажунлуғ – живущий на свете".

**АЖУНЛУҒ** бу дунёда яшовчи, жаҳон халқи: *ажунлуғ бэликä бады қут қуры / қозы бирлä қатлыб йурыды бöри* – жаҳон халқи

белига бахт камарини боғлади (бу дориламон замонда) қўй-қўзи бўри билан аралашиб юраверадиган бўлди. (ҚБВ 26). – Ся 1-26.

**АЖУНЧЫ** жаҳонгир, ҳукмдор: *нэгў тэр эшитгил ажунчы бэг эр* – жаҳонгир бег киши нима дейди, эшитгин (ҚБҚ 143). *Элиг қулса сақлан ажунчы киши* – эл ихтиёрини истасанг ҳушёр бўл, эй жаҳон ҳукмдори (ҚБН 22б). *Ажунчықа эрдäм кэрäк миң тўмäн* – жаҳонгирга минг туман фазилат керак (ҚБН 112а). – Ар. 13.

**АЗ** 1. оз, озгина, кам: *атан йўки аш болса ачқа аз кöрўнўр* (мақол) – ахта туянинг юки озиқ-овқат бўлса ҳам очга оз кўринади (МК 1-105). *Қабул қылса таң йоқ бу аз ҳад'йаны* – бу арзимас ҳадяни қабул қилса ажаб эмас (ҲҲ 1-183). Билиглиг эзи аз билигсиз ўкўи – билимли жуда оз, билимсиз кўп (ҚБН 14б). 2. Оз сон, оз миқдор; арзимас; озлик: *уқуш азын азланма асғи ўкўш* – заковат озлигини оз ҳисоблама, (унинг) фойдаси кўпдир (ҚБН 18а). 3. Кам, камдан-кам, аҳён-аҳёнда: *йағың болды эрсä этöз жāн кöзäз / йағылыг кишилäр қутулмақы аз* – душманинг бўладиган бўлса тан-жонингни эҳтиёт қил, душманли кишиларнинг халос топиши камдан-кам бўлади (ҚБН 154а). Аз-укуш – оз-кўп, озми-кўпми: *сэңä аз-ўкўш нэң тўрў қылсалар / йанут қылғу отру сэвинч булсалар* – сенга озми-кўпми нарса тугун (тортиқ) қилсалар, эваз қайтариш керак, токи хурсанд бўлсинлар.

**А:З** 1. оз, озгина, кам: А:З НЭҢ – оз нарса (МК 1-109). Қ. АЗ.

**А:З** 2. оқ сувсар (МК 1-109). 2. Оқ сувсар мўйнаси; оқ сувсар мўйнасидан тикилган пўстин (МК 1-109). қ. А:С.

**АЗ** – озмоқ, янглишмоқ, адашмоқ: *азыб йўгрўр эрдим айу бэрди йол / кўйäр эрдим отқа кöзäзмäсä ол* – йўлдан адашиб юрар эдим (Тангри) йўл кўрсатиб берди, у асрамаганда ўтда (дўзахда) куйган бўлардим (ҚБН 20б). 2. *Ула болса йол азмас / билиг болса сöз йазмас* (мақол) – йўл кўрсатувчи белги бўлса, одам йўлдан адашмайди, билим бўлса, сўздан янглишмайди (МК 1-118). 2. кўч. Янглишмоқ, хато қилмоқ: *битигчи бор ичсä билигдин тэзäр / билигдин тэзигли битигдин азар* – саркотиб май ичса билимдан узоқлашади, билимдан узоқлашган китобатда хато қилади (ҚБН 102а). қ. А:З. – Ар.49. Таф. 41. Ся 1-27.

**А:З** – озмоқ, адашмоқ: *ол йол а:зди* – у йўлдан адашди (МК 1-184). Қ. АЗ-. – Ар. 49.

**'АЗĀ** қ. 'ИЗĀ.

**‘АЗĀБ** а. азоб, кийинчилик: *сэңä-оқ тöрÿтмäди тэңри тамуғ / сэңä аймады бу ‘азāбығ қамуғ* - тангри дўзахни сенгагина яратмаган, барча азобларни сенга буюрмаган (ҚБН 123а). *Арāм эрсä малың ‘азāб-ол соңы* – молинг ҳаром бўлса оқибати азобдир (ҲҲ 1-211). – Ар 49. СЯ 2 – 547.

**ĀЗĀД** ф. Озод, эркин: *бош āзāд киши барча эзгÿ қулы* – эркин, озод одамлар барчаси яхшиликнинг қулидирлар (ҚБН 111а). *Будун маллық элкä уруб йÿзлäрин / тÿзÿ қул қылурлар āзāд öзлäрин* – халқ бадавлат одамларга юз уриб, барчаси озод ўзликларини қул қиладилар (ҲҲ 1-210). – Ар.49. Таф. 41. Ся 1-119.

**АЗАЛ** а. азал, чексиз ибтидо; азал тақдир: *мэни ашна ол қулды эрди азал* – аввал мени у (Тангри) истади, чунки у азал эди (ҚБН 173а). *Қалы бэрмäс эрсä йэтилсä ажçал / битилмиш болур бу ажçалқа азал* – (сенинг ўрнингни Тангри менга) бермаса, не чора, ажал етишса (илож йўқ), бу ажал азалдан ёзилган бўлади (ҚБН 51а). – Ар. 165. Ся 1-27.

**ĀЗĀР** ф. озор; алам, ғам-ғусса: *бу ажун мазаси қатығлығ маза āзāры ÿкÿшрäк мазаси аз-а* - бу дунё ҳаловати-машаққатли ҳаловат (унинг) озори кўп, мазаси эса оздир (ҲҲ 3-438). – Ся 1-120.

**АЗАҚ** 1. оёқ (МК 1-68). Қ. Азақ.

**АЗАҚ** 2. 1. озган, хато қилувчи; суст, сусткаш: *узуғ сақ кэрäк кэз кэрäксиз азақ / азақ болса ишчи болур иш узақ* – жуда ҳушёр, зийрак бўлиш керак, сусткаш (бўлиш) керак эмас, хизматкор сусткаш бўлса, иш чўзилиб кетади (ҚБН 105а); 2. адашган, дайди, дарбадар; шўх: *азақ йат баз эрсä айытғу кэрäк / озуғрақ ким эрсä йағытғу кэрäк* – адашган ёт, бегоналар бўлса сўраб-суриштириш керак, зийракроқ кимсалар бўлса (уларни ўзга) яқинлаштириш керак (ҚБН 95б). *Атғалыр оқны азақ / тэгмäди бу сав ушақ* – бу маломат, майда сўзлар етмагандек, (устига устак у шўх) дайди ўқни отишга шайланиб турибди (МК 2-27). – Ар.49.

**АЗАҚ** 3. ш. н. Азақ, ўғуз бегларидан бирининг номи (МК 1-97).

**‘АЗЗА** а. ‘АЗЗА ВА ЖÇАЛЛА – у улуғ ва қудратли (Тангрининг сифати): *тэнгри ‘азза ва жçалланиң тавҳидин айтур* – тангри азза ва жалланинг ягоналигини айтади (ҚБК 7). – Ар. 50.

**АЗЫ** 1. сизмоқ, сизиб чиқмоқ; терламоқ; томчи пайдо қилмоқ: *кÿб азыды* – хумдан сув сизиб чиқди, хум терлади (МК 3-269).

**АЗЫ** 2. кулақ азы – кулоқ кар бўлмоқ: *қулақ азыды* - (шовқин-суронндан) кулоқ кар бўлди (МК 3-269).

**АЗЫЛ** 1. адашилмоқ, йўлни йўқотмоқ: *йол азылды* - йўлдан адашилди (МК 1-204); 2. кўч. адашмоқ, хатога йўл қўймоқ, чалғимоқ: *йылан йумшақ эркӓн йавуз фэʼл этӓр / йырақ турғу йумшақ тэб азылмағу* – илон юмшоқ бўлгани билан қилмиши ёвуз()лик дир, ундан узоқ туриш, юмшоқ деб адашмаслик керак (ҲҲ 3-215).

**АЗЫН** оз, кам; оз-оз, озин-озин: *уларни қатығ сэв ағырла сӧзин / билигларин ӧгрӓн укўш йа̄ азын* – уларни (олимларни) ниҳоятда ардоқла, сўзларини қадрла, озми-кўпми билимларини ўрган (ҚБН 157а).

**АЗЫТ** – адаштирмоқ, йўлдан оздирмоқ, чалғитмоқ: *ол аңар йол азытты* – у унга йўлни чалкаштирди (МК 1-216). *Ҳава̄ нафс билӓ кӧр йағы-ол улуғ / бу экки азытур тапуғчы қулуғ* – ҳавас билан нафс биргаликда катта ёвдир, кўргин, шу иккаласи хизматчи қулни йўлдан оздиради (ҚБН 123б). *Кўвӓз ол кэрӓксиз нэ кӧңли улуғ / кувӓзлик азытур кӧнилик йолуғ* – кибр ва кўркга кериш кераксиздир, кибр тўғри йўлдан оздиради (ҚБН 81б). – Ар. 49. СЯ 1-28.

**АЗЫҒ** – озиқ, озиқ тиш (МК 1-95).

**АЗЫҒЛА** – 1. Озиқ тиш билан урмоқ: *тоңуз атығ азығлады* – тўнғиз отни озиқ тиши билан урди (МК 1-296). 2. Озиқ тишга урмоқ: *мэн тоңузны азығладым* – мен тўнғизнинг озиқ тишига урдим (МК 1-296).

**АЗИҒЛЫҒ** 1. озиқли, озиқ тиши бор: *азығлығ ат* - озиғини ёрган от (МК 1-164); 2. кўч. Жасур, матонатли: *эзи йақшы аймыш азығлығ кўр эр / азығлығ эрӓн бэрк тӱгўнлӓр йазар* – матонатли, мард киши жуда яхши гапирган, матонатли мардлар ўта чалкашликларни ҳам ҳал қиладилар (ҚБн 17а). – Ар.49. Таф. 42. СЯ 1-29.

**ʻАЗИЗ** а. азиз, иззатли; *ʻазиз-ол ʻазиз-ол ʻазизларқа ʻиз / аниңдын тэгир ʻиз ʻазиз эмди қыз* – у азиздир, азиздир, азизларга иззат ундандир, иззат ва азизлик эндиликда ноёбдир (ҚБН 51б). *Бу кўн бу ажунда кишилик ʻазиз / қаны қанча бард- кишилик эсиз* – эндиликда бу дунёда одамийлик азиз бўлиб қолди, қани, одамийлик қаерга маҳв бўлди экан, во дариғ! (ҲҲ 1-208). – Ар. 50. СЯ 2-547.

**ʻАЗИЗЛИК** а. т. азизлик, қадр-киммат: *йалыңғуқ оғланы ʻазизлики билиг уқуш бирлӓ эрдўкин айур* – инсон зотининг қадрқиммаи билим ва заковат туфайли эканлигини айтади (ҚБВ 16). Қ. ʻАЗИЗЛИҚ – Ар. 50. Таф. 42. СЯ 2-548.

**‘АЗИЗЛЫҚ** а.т. азизлик, қадр-қиммат: *ҳаж эрсä тилäкиң кэрäк нэң-тавар / ‘азизлық тилäсä йэмä бу бэрäр* – истагинг ҳаж (қилиш) бўлса, мол-товар керак бўлади, қадр-қиммат истасанг ҳам мана шулар келтиради (ҚБН 144б). Қ. ‘АЗИЗЛИК.

**АЗЛ** а. ҳазл; мажоз: *навäдир сöзӱг аз болур азл ӱкӱш / жуз атлас болур қыз учузы бöзӱг* – сўзнинг нодири (жиддийси) оз, ҳазили кўп бўлади, шоҳи, атлас қиммат, сўз арзон бўлади (ҲҲ 1-214).

**АЗЛА** – оз ҳисобламоқ, оз деб билмоқ; арзимас деб билмоқ: *тапуғ қылғу халқдын аны кэзлäгӱ / ӱкӱш тä’ат эрсä аны азлағу* – тоат-ибодат қилиш, аммо уни одамлардан яшириш керак, тоат-ибодат қанчалик кўп бўлса ҳам, уни оз деб ҳисоблаш керак (ҚБН 120а). *Миң эр достуң эрсä ӱкӱш кöрмäгил / бир эр душман эрсä аны азлама*- минг киши дўстинг бўлса ҳам, уларни кўп деб билмагин, бир киши душман бўлса ҳам уни арзимас деб ҳисобламагин (ҲҲ 1-206). – Ар. 50. СЯ 1-29 “порицать”.

**АЗЛАН** – ўзи учун кам деб ҳисобламоқ, оз деб билмоқ; арзимас санамоқ, эътиборсиз қарамоқ: *ол бу йармақығ азланды* – у бу пулни (ўзи учун) оз билди (МК 1-292). *Ӱқуш азын азланма асғы ӱкӱш / билиг азын азланма эркä кӱшӱш* – ақл-заковат озини оз ҳисоблама, унинг нафи кўпдир, билим озини оз ҳисоблама, у одам учун қимматлиди (ҚБН 18а). – Ар. 50.

**АЗЛЫҚ** озлик, камлик; озгиналик, арзимаслик: *бир-öк душман эрсä миң-ол йаслықы / миңин достуң эрсä бир-ол азлықы* – биргина душманинг бўлса ҳам, унинг зиёни мингтадир, минглаб дўстинг бўлса ҳам, озлиги бир кабидир (ҚБН 151б). – Ар. 50. СЯ 1-29.

**АЗМА** бичилган қўчқор (МК 1-150). – ДТС 73. “Азман”.

**АЗМАН** қ. Азма.

**АЗУ** ё.с. ё, ёки, ёхуд, ёинки боғловчиси: *эсиз-му сэңä йэг азу эзгӱ-му / сöкӱш-му қулурсэн азу эзгӱ-му?* – сен учун ёмон (ном) афзалми ёки эзгу номми, таҳқирни истайсанми ёки таҳсинними? (ҚБН 16а). *Ӱзӱм йэгил азу қағун йэгил* – узум егин ёки қовун егин (МК 1-115). *Кэлир-му-сэн азу барыр-му-сэн?* – келаётирмисан ёки кетаётирмисан? (МК 1-115). – Ар. 50. Таф.41 “азу”, 42.

**АЗУН** қ. Ажун.

**АЗУРЛА** – тилга эрк бермоқ; дилга озор етказмоқ: *такаббур либäсин кэйиб аз салын / кэриб халқда кöксӱң азурлаб тилин* – такаббурлик либосини кийиб озроқ салангла (гердай), халқ орасида кўксингни кериб, тилда озор берма (ҲҲ 1-199).

**АЗУҚ** 1. озиқ, озиқ-овқат, озуқа; қорин тўқи, эҳтиёт, моя: *сиртның азуқы арығ болса йол ўзä йэр* (мақол) – савдогарнинг овқати ҳалол бўлса йўл устида ейди (МК 1-97). *Чығайлық йарынлық азуқ йоқлуғы* – қашшоқлик келгусилик моя йўқлигидир (ҲҲ 3-187). *Ҳалāл йэгли қылмас байатқа йазуқ / ҳалāл йэ ҳалāл қыл йарынлық азуқ* – ҳалол еювчи Тангри олдида гуноҳ қилмайди, (ҳамиша) ҳалол егин, келажак моясини ҳалол қилгин (ҚБН 193а). – Ар.50. Таф. 43. СЯ 1-28 "азиқ", 1-29 "азуқ".

**АЗУҚ** 2. адашган, йўлдан озган, дайди: *öзўрди азырди кöтўрди мэни / азуқлар йолындын кэтäрди мэни* – мени сайлади, танлади, юксалтирди, адашганлар йўлидан мени қайтарди (ҚБН 20б). *Азуқ-муңуқ* – қочоқ (қул); йўлдан озган одам (МК 1-97). *Азуқ оқ* – дайди ўқ; ким отганлиги номаълум ўқ (МК 1-97). – Ар. 50.

**АЗУҚЛАН** – озиққа эга бўлмоқ, озиқли бўлмоқ: *эр азуқланды* – одам озиқли бўлди (МК 1-289).

**АЗУҚЛУҚ** егулик, озиқ-овқат; овқатлик (МК 1-166): *кэлсä қалы оғрайын / бэргил тақы азуқлуқ* – (кўноқ) агар сўраниб келса, ози-овқатлар бергин (МК 1-272).

**АЗУҚЛУҒ** озиқли, озиғи бор, еб-ичадиган эҳтиёти бор одам: *азуқлуғ эр* – егулик-ичгулиги бор одам (МК 1-164).

**АЗҚЫНА** озгина, андак: *чықарди йэгў ичгў тўрлўг ашы / айур азқына тат эй эзгў киши* – егулик, ичгулик, турли таомлар чиқарди,, озгина тановул қилғин, дейди (ҚБН 196а). – Таф. 41. "азғына", 42.

**АЗҒАН** бот. озғон, тиканли бута, меваси майда олхўрига ўхшаш бута: *асығ қылса азған аның-мэн қулы / чэчäк йаслығ эрсä бичäр-мэн улы* – озғон фойдали бўлса, мен унинг қулиман, агар гул зарарли бўлса, унинг илдизини кесаман (ҚБН 97а). *Қуш йавузы сағызған / йығач йавузы азған* (мақол) – қушнинг ёмони – зағизғон, дарахтнинг ёмони – озғон (МК 1-411). – Ар 49. "Йабан чэчаги".

**АЗҒĀС** а. *Азғāс-у Аҳлāм* – пойма-пой, бетартиб, иҳтиломли (туш кўрди): *тақы бири азғас-у аҳлāм болур / бу тўшкä йöрўг йоқ э қылқы ўнўр* – яна бир хил (туш) пойма-пой бўлади, бундай иҳтиломнинг таъбири бўлмайди, эй барака топкур (ҚБН 216а). – Ар. 49.

**АЗҒЫР** ғазабли: *адығлайу азғыр қотус-тэг öчи-* айиқ каби ғазабли ва ўчи қўтос каби бўлиши керак (ҚБҚ 123) қ. Ырғар. – Ар. 49.

**АЗ**˙ безак босилган тўқима мато, ипакли мато; буюм, парча *йағыз йэр йашыл торқу йўзкä бады / хытай арқышы [illegible]*

*аз ы* – бўз ер юзига яшил парда тортди, гўё хитой карвони чиний матоларни ёйиб ташлагандай бўлди (ҚБН 10а). Эзгу аз – асл нарса (МК 1-108). –ДТС 14 “аз”, “аз”, 164 “эз”. – Ар. 138 “эз”.

**А:З** 1. қ. Аз

**А:З** 2. Яхши фол, натижаси яхши сўз, яхши ният, хуш башорат: *Иглиг тутруғы а:з болур* (мақол) – касалнинг васияти хуш башорат бўлади. Бу мақол касал васият қилсин учун унинг олдида айтилади (МК 1-108).

**АЗ АШ** ўрток, дўст, бифродар, оғайни: *бу савдā кўчāнмиш болур эй қазаш / от ичгў мэңāсин арытғу аз аш* – савдоси (қора сафроси) кучланган бўлади, эй қариндош, дори ичиб миясини (димоғини) тозалаши керак бўлади, эй биродар (ҚБН 216а). *Умунчлығ азаш йайсады* – ишонган дўст (лашкаримизни) тарқатиб юборишни истаб (бизга душманларча муносабатда бўлиб) қолди (МК 1-170). Қ. Адаш. – Ар. 5.

**АЗ АҚ** 1. оёқ (МК 1-96): *элиг отру турды аз ақын öрӱ / элиг сöзлāмāди бир анча туру* – элигнинг каршисида оёқда тик турди, элиг ҳам бир неча муддат сўзламасдан турди (ҚБН 33б) *Бу кўрси ӱзāлā öз олдурдуқы / аз ақы ӱч-ол кöр э кöңлӱм тоқы* – мен устида ўлтирган бу курсининг оёғи учтадир, кўргин, эй кўнглим тўқи (ҚБН 34б). *Қазā бирлā санчлур аз аққа тикāн* – оёққа тикан қазо билан санчилади (ҲҲ 1-213); 2. кўч. из; қадам; йўл: *ынанчсыз турур қут вафāсыз йайығ / йурырда учар тэрк аз ақы тайығ* – кут инончсиз , вафосиз, бебақодир, юриб кетаётиб учиб йиқилади, изи тайғончиқдир (ҚБн 30 б); 3. кўч. оёқ, поён, охир: *бу эр-ол ышығ азаққа тэгӱргāн* – бу одам ишни ҳамма вақт поёнига етказади (МК 1-47б). *Аз ақ бэркит* – оёқ тирамоқ, қаршилик кўрсатмоқ: *бэзāнӱр кишикā öзин кöргитӱр / кöңӱл бэрдиң эрсā азақ бэркитӱр* – (дунё) одамга безаниб ўзини кўз-кўз қилади, кўнгил бергудек бўлсанг, оёғини тираб туриб олади (ҚБН 220а). *Аз ақ тэг* – оёқ етмоқ: *адашығ асығ йас ичиндā сына / бу йэрдā аз ақ тэгсā бэк тут сэн-а* – дўстни фойда, зарар борасида сина, оёқ шу ерга етганда (иш шунга келганда) сен уни қаттиқ туткин (ҚБН 153а).

**АЗ АҚ ТЭГ** – оёқ босмоқ, қадам қўймоқ: *уйӱк чим осуғлуғ болур билгāлāр / чықар сув қайуқа аз ақ тэпсāлāр* – донолар бамисоли заҳоб ерга ўхшайдилар, қаерига оёқ урсалар, (ўша еридан) сув сизиб чиқади (ҚБН 41б). *Аз ақ ур* – оёқ урмоқ, даримоқ: *хийāнат қайу йэрдā урса аз ақ / асығ бэргӱ барча қачар кэз йырақ* –

хиёнат қаерга дариса, барча манфаат берувчи жуда узоқларга қочади (ҚБН 107а). – Ар. 4. Таф. 40. СЯ 1-30.

**АЗ'АҚЛА** – оёққа урмоқ: *ол аны аз'ақлады* – у унинг оёғига урди (МК 1-297).

**АЗ'АҚЛАН** 1. оёққа эга бўлмоқ, нарсага оёқ қилинмоқ: *аз'ақланды нэӊ* – нарсага оёқ қилинди (МК 1-288); 2. кўч. оёқ чиқармоқ, узалмоқ, чўзилмоқ: *алым кэч қалса аз'ақланур* – олим (қарз) кеч қолса оёқ чиқаради, чўзилиб кетидан юришга мажбур қилади (МК 1-288).

**АЗ'АҚЛЫҒ** – оёқли, оёғи бор: *қамуғ ӯч аз'ақлығ эмитмӓс болур / ӯчӓгӯ турур тӯз қамытмас болур* – барча уч оёқли нарса силжимас бўлади, учала оёғи баравар қийшаймайдиган бўлади (ҚБН 35а). – Ар. 5. *Аз'ақлиғ нэн* – оёқли нарса (МК 1-164).

**АЗ'АҚШУ** изма-из; ёнма-ён, кетма-кет: *айа бэг эрӓж қулма эмгӓк кӧтӯр / эрӓж бирлӓ эмгӓк аз'ақшу йатар* – эй бег, роҳат истама, машаққат чек, роҳат билан машаққат ёнма-ён ётади (меҳнатнинг таги роҳат бўлади) (ҚБН 109б). – Ар. 5.

**АЗ'ЫЗ** қ. ЭЗ'ИЗ.

**АЗ'ЫЛ** – ҳушёрланмоқ, ўзга келмоқ; ғафлатдан чиқмоқ: *эсӯрсӓ қалы борчы борны ичиб / узыб қопса аз'(ы)лур усында кэчиб* – майхўр майни ичиб кайф қилса, ухлаб тургач (мастлиги) уйқисида ўтиб ўзига келади (ҚБН 220б). *Эсрӯк азылды* – маст ўзига келди (МК 1-202). – Ар. 6.

**АЗЫН** 1. бошқа, бўлак, ўзга; бошқача, ўзгача: *қара 'ӓм тӯшингӓ йӧрӯги азын / азын болды бэглӓр тӯши кӧр азын* – қора авом тушининг таъбири бошқа, бегларнинг туши (таъбири) бошқа бўлади, уларни бошқа-бошқа таъбир қилгин (ҚБН 216б). *Қалса тавар азынның / кирсӓ қара орунқа* – гўрга кирганда мол қолиб кетса, бошқаларга насиб этади (ҚБН 3-241). *Кӧрклӯг тонуғ ӧзӯӊгӓ / татлығ ашығ аз'ынқа* – чиройли кийиминг ўзингга, мазали таоминг – ўзгаларга (МК 1-80). *Азын киши нэӊи нэӊ санамас* (мақол) – ўзга одамнинг нарсаси нарса ҳисобига ўтмайди (МК 1-124) 2. ё.с. Бошқа, бўлак, ўзга; тағин, яна (кўмакчи ва боғловчи): *этӧз ӧлгӯ ӓхир йэгӓй қурт йылан / ӧкӯнчдӓ аз'ын йоқ чықыб барса жӓн* – тан-жон охири ўлади, курт, илонларга ем бўлади, жон чиқиб кетаётганида ўкинчдан бошқа нарса бўлмайди ( ҚБН 209б). *Аниӊда баса болды эккинч оӊай / бир эвдӓ қалыр он аз'ын экки ай* – ундан кейин иккинчи бўлиб Муштарий (Юпитер) келади, бир буржда ўн

ва яна икки ой туриб қолади (ҚБН 12а). *Кони барир кэйикнин козинда азин баши йоқ* (мақол) – тўғрига қараб югураётган кийикнинг кўзидан бўлак яраси бўлмайди (МК 3-165). Қ. АДИН. – Ар. 6. Таф. 40. СЯ 1-31.

**АЗ̇ЫН** – хушёр тортмоқ, ўзга келмоқ: *бу давлат эсўртсä аз̇ын аз(ы)нумас / öлўм тутмағынча узыр узнумас* – давлат маст қилса, қайта хушёр тортиб бўлмайди, ўлим тутмагунча (одам) ғафлатда ётади, уйғона олмайди (ҚБН 220б).

**АЗ̇ЫНА** қ. АЗ̇НА.

**АЗ̇ЫНСЫҒ** – бошқача, бўлакча, ўзгача: *бу тўшнўң йöрўги бу йаңлиғ турур / азынсығ йöрäрсэн мэңä эй ўнўр* – бу тушнинг таъбири мана бундай бўлади, сен эса менга бошқача таэбир қилмоқдасан, эй барака топгур (ҚБН 218а). қ. АДИНСИҒ. – Ар. 6.

**АЗ̇ЫР** – айирмоқ, ажратмоқ; сайламоқ, фарқламоқ: *öзўрди аз̇ырды кöтўрди мэни / азуқлар йолындин кэтäрди мэни* – мени сайлади, танлади, юксалтирди, адашганлар йўлидан мени қайтарди (ҚБН 20б0. *Кöнилик ўзäлä кэсäр-мэн ишиг / аз̇ырмас-мä(н) бэгсиг йа̄ қулсығ кишиг* – ишни адолат юзасидан ҳал қиламан, беглик, қуллик сифатларига қараб фарқлаб ўтирмайман (ҚБН 35а0. АЗ̇РА ТУТ – фарқли тутмоқ, ажратиб тутмоқ: *бу-ма ўч қуту-ол муны аз̇ра тут* – булар ҳам уч тоифадан иборат, уларни фарқлаб тутгин (ҚБН 220а). *АЗ̇РА СЭЧÄ ТУТ* – фарқига бормоқ, фарқлаб олмоқ: азығлығ қайу-ол *асығсиз қайу / сэн азра сэчä тут э билгä богў* – манфаатли ким, манфаатсиз ким, сен фарқлаб олгин, эй билағон доно (ҚБН 199а). қ. АДЫР. – Ар.6. Таф. 40. СЯ 1-32.

**АЗ̇ЫРТ** – фарқ, тафовут: *киши йылқы бирлä азырты билиг / билиг бирлä йаңлуқ кöтўрди элиг* – одамнинг ҳайвондан фарқи билимдадир, одам билим туфайли (ҳар қандай ишга) қўл уради (ҚБН 71б). *Киши йылқы бирлä азырты бу-ол / тазуқа йарашық йэсä эй оғул* – одамнинг фарқи шундаки, у мижозига қараб таом ейди, эй ўғил (ҚБН 168а). қ. АДЫРТ. –Ар. 7.

**АЗ̇ЫРТЛЫҒ** – фарқли; аниқ, очиқ-ойдин, аён: *йыл а̄й öз битисä кўни бэлгўлўг / ачуқлуғ азыртлығ саны бэлгўлўг* – йил, ой вақт, кунлар ҳисобини очиқ, аниқ қайд қилиб қўйиши керак (ҚБН 103б). Қ. АДЫРТЛЫҒ. Ар. 7.

**АЗ̇ЫШ** – кермоқ, йирмоқ; керилмоқ, йирилмоқ: *эр азақы азышды* – одамнинг оёқлари керилди. Бир-биридан ажралган ҳар икки нарсага нисбатан ҳам шу сўз қўлланилади (МК 1-191). қ. АДИШ-.

**АЗ`ЫҚЛА** – ажабланмоқ; довдирамоқ, саросимага тушмоқ: *йағы бэгдин узуқлады / көрүб сүни азықлады* – душман бегни писанд қилмай туради, (аммо) лашкарни кўриб саросимага тушди (МК 3-351).

**АЗ`ЫҒ** 1. айик: *авчы нэчä ал билсä азыг анча йол билир* (мақол) – овчи қанча ҳийла билса, айиқ (унга чап бериш учун) шунча йўл билади (МК 1-94). АЗЫҒ МЭРДÄГИ – айиқ боласи. (МК 1-445).

**АЗ`ЫҒ** 2. хумори ёзилган, мастлиги тарқаган, ҳушёр тортган: ЭСРЎК-АЗЫҒ – маст ва ғушёр (МК 1-94).

**АЗ`ЫҒ** 3. геогр. Озиғ, бир қишлоқ номи (МК 1-94).

**АЗ`ЫҒЛАЙУ** айиққа ўхшаш, айиқ каби: *тоңуз-тэг татимлиг бөри-тэг көчи / азыглайу ырғар қотуз-тэг өчи* – (лашкарбоши) тўнғиздек қатъиятли, бўридек кучли, айиқ каби ҳамлакор, қўтосдек қасоскор бўлиши керак (ҚБН 88а) қ. АДЫҒЛАЙУ. – Ар. 6.

**АЗ`ЫҒЛЫҒ** айиқли, айиғи кўп: *АЗ`ЫҒЛЫҒ ТАҒ* – айиғи кўп тоғ, айиқли тоғ (МК 1 – 164).

**АЗ`МА** куч-қувватдан кетган, қари; бўш ҳайдаб қўйилган: *АЗ`МА ЙЫЛҚЫ* – боши бўшатилиб ҳайдаб қўйилган ҳайвон (от) (МК 1 – 149) "ёшлиги учун юк ортилмай, ўзича қўйилган ҳайвон".

**АЗ`НА** – ўзгармоқ; айнимоқ: *эрäж аз`нагу қылга сақыш сэңä* – роҳат – фароғат ўзгаради, сен билан ҳисоб – китоб қилади (ҚБН 191а). йэр азнады -- ер ўзгарди (МК 1 – 284).

**АЗ`НАТ** – ўзгартирмоқ; ўзгармоқ, бир ҳолда иккинчи ҳолга кирмоқ: эр *аз`натты* – одам олдинги ҳолидан ўзгарди (МК 1 – 265). "эз`натти" Инд. 40 "эзнатти".

**АЗ`НАҒУ** бошқа, бўлак, ўзга: *агруқ ағыр ишиңны аз`нағуқа йүзүрмä / ачруб өзүң өшүриб аз`нағуны тозурма* – қийин юмуш ва оғир юкларингни ўзгаларга юклама, /шунингдек/ кўз тингудек ўзингни оч қўйиб, ўзгаларни тўйдирма (МК 3 – 74). – Ар. 7.

**АЗ`РЫ** 1. айри, иккига ажралган: *АЗРЫ БУТЛУҒ* – айри бутли (одам) (МК 1 – 146). *Сачыратгудын қорқмыш қуш қырқ йыл аз`ры йығач үзä қонмас* (мақол) – тузоқдан (бир марта) қўрқиб қолган қуш қирқ йилгача шохлик дарахтга қўнмайди (МК 2 – 383). Кўмўш *күрси үрмыш үзä олтурур / бу күрси аз`ақы үч азры турур* – кумуш курси қуйиб устида ўлтирарди, бу курсининг оёғи уч айрили (уч оёқли) эди (ҚБН 33б). 2. чиллак, айри ёғоч; чавгон (клюшка): *эр тобықны аз`ры билä тулдä* – одам тўпни чавгон билан уриб ўйнади

(МК 2 – 30, 31). 3. айри, буғдой совуришда қўлланадиган икки шохли қурол; умуман икки шохли нарса (МК 1 – 146). қ. АДРИ. – АР. 7 "адири тур -".

**АЗ̇РЫЛ** 1. айрилмоқ, бўлинмоқ, ажралмоқ: *йол аз̇рилды* – йўл айрилди (МК 1 – 248). 2. айрилмоқ, жудо бўлмоқ: *бу қўн азрылур–мэн муңўн ӧз барыр / қавушғум қачан эрки тэңри билир* – бу кун (сендан) ажралаётирман, ўзим мунг билан ўлаётирман, (сен билан) қачон қовушар эканман, буни тангри билади (ҚБН 222б). *Сэвӓрин булуб кӧрсӓ сэвнӱ қўлӓ / қалыр аз̇рылурда бу қазғу билӓ* – севганини топиб севиниб, шодланиб у билан дийдор кўришса, айрилаётганида ҳасрат билан қолади (ҚБН 222б). қ. АДРЫЛ – Ар. 8. таф. 41. "аз̇рыл – аз̇рул - ". СН 1 – 32 "айрыл".

**АЗ̇РЫМ** эгар остига икки томондан қўйиладиған жазлиқ, у наматдан бўлади (МК 1-131).

**АЗ̇РЫШ** 1. йўлнинг ажралиш ери, айрилиш (МК 1-122); 2. Айрилиқ, жудолик: *кэзлӓб тутар сэвўглўк аз̇рыш кўни бэлгўрӓр* – яшириб тутилган севги айрилиқ куни ошкор бўлади (МК 2-199).

**АЗ̇РЫШ** – айрилишмоқ, ажралишмоқ: олар экки азрышды – улар иккалови айрилишди (МК 1-236). *Тўмӓн чэчак тизилди / бўкўндӓн ол йазылды / ўкўш йатыб ўзӓлди / йэрдӓ қопа аз̇рышур* – турли-туман чечаклар тизилди, ғунчаларидан ёзилиб кўринди, (ер остида) узоқ ётиб эзилган эди, (энди) бош кўтариб (бир-биридан) айрилишмоқда (МК 1-236). қ. АЙРИШ.

**АЗ̇РЫҚ** бир хил ўсимлик, арабчада сил деб номланувчи донли ўсимлик, буғдойиқ (МК 1-124).

**АЗ̇РУМ** айирма, тафовут; айрича хусусият, алоҳидалик: билиг уқуш *аз̇румын асғын айур* – билим, заковатнинг айрича хусусиятлари, фойдаси ҳақида гапиради (ҚБН 17б).

**АЗ̇РУҚ** 1. бошқа, бўлак (МК 1-124); 2. фарқ, тафовут, айирма: *кишидӓ киши аз̇руқы бар тэлим / бу а з̇руқ билигдин айур бу тилим* – одамдан одамнинг талай фарқи бор, бу фарқ билимдадир, деб айтади менинг тилим (ҚБН 14б). – Ар. 8.

**АЗ̇УТ** – ҳовуч; кафт: бир азут нэң: бир ҳовуч нарса (МК 1-84). Қ. АВУТ.

**АЗ̇УТЛА** – ҳовучламоқ: *ол йармақ азутлады* – у танга пулни ҳовучлади (МК 1-292).

**АЗ̇УҚ** – аз̇уқ нэң – номаълум нарса (МК 1-96). АҒДУҚ.

**АЗ˙УҚЛА** – қизиқсинмоқ, қизиқмоқ (номаълум нарса ҳақида): *ол аны аз˙уқлады* – у (уни танимагани учун) унга қизиқсинди (МК 1-297).

**АЗ˙ҒЫР** 1. айғир (МК 1-121): *бу қул күң ат азғыр бу йэр сув қамуғ / элигдин тэгиб ачты давлат қапуғ* – бу қул, чўрилар, отлар, айғирлар, бу ер-сув барчаси элигдан тегиб (давлат) сенга (бахт) эшигини очди (ҚБН 207б). *Аз˙ғыр қысыр кишнäди* – *айғир* ва байталлар кишнади (МК 1-238) – Ар.5. Таф.40.

**АЗ˙ҒЫР** 2. Айғир, Сириус юлдузининг номи: *йаруды баса йылдруқ аз˙ғыр билä / тизилди эрäнтиз öзин бэлгӯлä* – сўнг Йилдрук (Процион) Айғир (Сириус) билан яркиради, жавзо юлдузи ўзини кўз-кўз қилиб сафга тизилди (ҚБН 204а). – Ар.5.

**АЗ˙ҒЫРАҚ** 1. қулоқлари, танасининг баъзи ерлари қора, эчки, така суратидаги бир турли кийик (МК 1-162, 163). ДТС 14 "горний баран, муфлон?"

**АЗ˙ҒЫРАҚ** 2. геогр. Азғироқ, яғмолар шаҳридаги бир наҳр (дарё)нинг номи: АЗ˙ҒИРИҚ СУВИ Азғироқ дарёсининг суви (МК 1-162).

**АЗ˙ҒЫРЛАН** – 1. айгирлашмоқ, айғирлик хусусиятига эга бўлмоқ: *тай аз˙ғырланды* – той айғирлашди (МК 1-304). 2. Айғирли бўлмоқ, айгирга эга бўлмоқ (Мк 1-304).

**АЗ˙ҒЫШ** геогр. Азғиш, жой номи (МК 1-122).

**А̄’ИН** а. тартиб, низом, қонун, қоида: *А̄’ину-л-мамлака* – мамлакат низомномаси: *мачин маликиниң надимлари а̄’ину-л-мамлака атадылар* – Мочин ҳукмдорининг яқинлари "Мумлакат низомномаси" деб атадилар.

**АЙ** 1. Ой (ёритгич) : *тöрӯтти тилäк-тэг тӯзӯ 'а̄ламығ / йарутты ажунқа кӯнӯг ҳам айығ* – жумла жаҳонни ўз истагидек қилиб яратди, оламда кун ва ойни ёритди (ҚБН 11б). *Ай толун бол* – ой тўлишмоқ: *эй толун болса элигин имлäмäс* (мақол) – ой тўлин бўлса қўл билан кўрсатилмайди (МК 1-111) . *Ай тӯгäл бол* – ой тўлишиб бўлмоқ: *тӯгäл болса кöр ай бу ағса эзиз / йана эрлӯ тöрчир кэтäр кöрк мeңиз* – ой тўлишиб бўлгач ва энг чўққига чиққач, яна олқиниб кичрая боради, кўрк, чиройи кетади (ҚБН 32б) Толун ай – тўлин ой, ўн тўрт кунлик ой (МК 1 -110). 2. Ой (планета): *қайу эвкä кирсä бу ай тэрк чықар* – ой қайси буржга кирса, яна тез чиқади (ҚБН 32б). 3. кўч. Ойдек, ой каби: *кöзи тоқ кэрäк каз йэмä кöңли бай / арығлық кэрäк ҳам йӯзи кöрки ай* - кўзи

жуда тўқ, шунингдек маънавий бой, покиза ҳамда юз кўрки ойдек бўлиши керак (ҚБН 106а). қ. А:Й 1. – Ар. 38. Таф. 43. СЯ 1-32.

**АЙ** 2. ой (вақт бирлиги), бир ойлик муддат: *уқушлуғ уқар-ол билиглиг билир / йыл ай кӱн кӱнинга бӧрӱ артады* – заковатлилар тушунадилар, билимлилар биладилар, йил, ой ва кунлар замона кун оша тобора бузилиб айнийди (ҚБҚ 384). *Тӱгӓл он сэкиз айда айдым бу сӧз / ӧд ӱрдӱм адырдым сӧз эвдим тэрӓ* – бу сўзларни нақ ўн саккиз ойда айтиб (ёзиб) тугатдим, сўзларни териб, тўплаб, саралаб фарқладим (ҚБҚ 392). *Қышқа этин кэлсӓ қалы қутлуғ ай* – баракали ойлар ёз келса, қишга ҳозирлик кўр (МК 1-110). қ. А:Й 2. – Ар. 39.

**АЙ** 3. аскарларнинг номлари ва тегишли озуқалари қайд қилиб қўйиладиган хон дафтари, рўйхат: *аның аты айдын йузулды* – унинг номи хоннинг (таъминот) дафтаридан ўчирилди (МК 3-85). АЙ БИТИГИ – аскарларнинг номлари ва озуқалари қайд қилиб қўйиладиган ойлик рўйхат дафтари (МК 1-76).

**АЙ** 4. ол, тўқ сариқ рангдаги ипакли мато (МК 1-75).

**АЙ** 5. ё.с. э, эй ундови. қ. Э, ЭЙ.

**АЙ** 6. ё.с. буйруқ, итоб, инкор ва менсимаслик маъноларини ифодаловчи ундалма (МК 1-760. қ. АВ 2.

**АЙ** 7. АЙ КОЛ геогр. Ойкўл, Уч шаҳри яқинидаги бир кўл номи (МК 3-149).

**А:Й** 1. ой (ёритгич) (МК 1-110). қ. АЙ 1.

**А:Й** 2. ой (вақт бирлиги), бир ойлик муддат (МК 1-110). қ. АЙ 2.

**А:Й** 3. оқсоч, чўри, хизматкор аёл: *кэлсӓ сэңӓ йолғыра / узун аны озғур-а / барсун нару қазғура / сатты мэниң а:йыми* – у сенга йўлда йўлиқса, сен уни уйқусидан уйғот (ғафлатдан чиқар), (қилган айбини билиб) қайғуриблар кетсин, (чунки ижозатсиз) менинг чўримни сотиб юборибди (МК 2-224).

**АЙ** – гапирмоқ, сўзламоқ; айтмоқ; хабар бермоқ: *тил эрдӓмин асғын йасин айур* – тил фазилатлари, фойда ва зарарлари ҳақида гапиради (ҚБҚ 8). *Буларда талусын айайын сэңӓ / киси алғу эрсӓң қулақ тут мэңӓ* – булардан энг афзалини сенга айтайин, хотин олмоқчи бўлсанг, менга қулоқ сол (ҚБН 162б). *Эшим тэб ынаныб сир айма сақын / нэчӓ-ма ынанчлық эш эрсӓ йақын* – қанчалик ишончли ва яқин дўст бўлса ҳам, дўст деб ишониб сир айтма, эҳтиёт бўл (ҲҲ 1-184). *Бардың нэлӓг аймадиң?* – кетдингу нега

айтмадинг? (МК 3-262). 2. Айтмоқ, номламоқ, тилга олмоқ, ёдламоқ: *чинийлäр адабу-л-мулук тэб айар* – чинликлар адабул мулук деб номладилар (ҚБҚ 5) *Тэжиклäр айур аны афрāсийāб* – тожиклар уни АФросиёб деб атайдилар (ҚБН 17а0. *Оң элгиң билä сун байат аты ай* – ўнг қўлингни сун, тангрининг отини тилга ол (ҚБН 166б) 3. Буюрмоқ, амр қилмоқ, топширмоқ; маслаҳат бермоқ, йўл-йўриқ кўрсатмоқ: *йана қопты эртä ишин башлады / айу бэрди кӧрди, ӧзи ишлады* – яна эрта барвақт туриб хизматларини бошлади, топшириқлар берди, кузатиб назорат қилди ва ўзи ҳам иш билан машғул бўлди (ҚБҚ 379). *Бир ишни экигўкä айма тилин / ишäнгў болур иш қалур қылмадын* – бир ишни оғизда икки кишига топширма, амин бўлиши керакка, битадиган иш битмасдан қолади (ҚБН 199б). *Ағырла буларығ нэгў айса қыл / шари'ат йолы тут бойун бэр эгил* – уларни олимларни қадрла, нима десалар қил, шариат йўлини тут, бўйин бериб эгилгин (ҚБН 200а). – Ар. 41. Таф. 44. СЯ 1-33.

**АЙА** 1. кафт; қўл (МК 1-113): *йана кэлгил эмди йигитлик мэңä сэн / айада тутайын ағы жуз тӧшäттим* – эй йигитлик, менга қайтадан келгин, ипак, шоҳилар тўшаб қўйганман, (сени) қўлларимда кўтариб ардоқлайин (КБК 3860. Айа йап – қарсак урмоқ, чапак чалмоқ: *ол қарс-қарс айа йапти* – у қарс-қарс чапак чалди (МК 1-333). –Ар. 45. Таф. 44. СЯ 1-34.

**АЙА** 2. Айа йэрсгў – кўршапалак (МК 3-439).

**АЙА** 3. Алп айа ш.н. Алп аё: *қачты аңар алп айа увут болуб ол йашар* – Алп Аё ундан (лашкардан) қочди, у (ўйламай гапирган гапидан) уятли бўлиб яширинмоқда (МК 3-226).

**АЙА** 4. ё.с. аё, эй; даъват, хитоб маъноларини ифодаловчи ундов: *мунуқы бу сӧзкä тануқ кэлди сӧз / оқығыл аны сэн айа кӧңли туз* – мана, ушбу сўзга қуйидаги сўзлар далил бўлади, сен уларни ўқигин, эй кўнгли тўғри (ҚБН 67а). *Айа ранж қатығсыз сурур умғучы / бу ажун қачан ол умунчқа орун* – эй ранж ва машаққатсиз сурурга умид боғловчи, бу дунё қачон орзу ушалишига ўрин бўлган? (ҲҲ 1-194). Қ. Э, Эй. – Ар. 45. Таф.44

**АЙА** - 1. Аямоқ, авайламоқ: ол тонин айади – у кийимини аяди (МК 1-268). 2. Раҳм-шафқат қилмоқ, раҳм келмоқ; аямоқ: *айама оғул-қызқа бэргä йэтўр / оғул-қызқа бэргä билиг ӧгрäтўр* – ўғил-қизни аяма, калтак едириб тур, калтак ўғил-қизга билим (таълим) ўргатади (ҚБН 60а). – Ар. 45. Ся.1-34.

**АЙА** – 2. тақдирламоқ, ато қилмоқ; таэрифламоқ: *хан аңар айағ айады* – хон уни унвон билан тақдирлади (МК 1-269). *Бу тэгмä бирингä ат урмыш öңин / бу йанлуқлықын айамыш кэдин* – булардан ҳар бирига бошқача ном берган, (нега) бу янглиғлигини сўнг таърифлаган (ҚБК 7).

**АЙАЗ** ш.н. Аёз: *тетигликдä кэндӳ айазтын озуқ / дāд инсāф тутар чын ануширавāни* – зийракликда ўзи аёздан ҳам ўтади, додга етиш ва инсофда нақ Ануширвончасига адолат қилади (ҲҲ 1-181). Қ. АЙАС 2.

**‘АЙĀЛ** қ. ‘ИЙĀЛ.

**АЙĀЛА** – кафтларни бир-бирига ишқаламоқ, кафтларни бир-бирига урмоқ; чапак чалмоқ: *қиз айалади* – қиз чапак чалди (МК 3-341).

**‘АЙĀР** қ. ‘Ийāр.

**АЙАС** 1. тиниқ, мусаффо, беғубор: *айас кöк* – мусаффо осмон (МК 1-144).

**АЙАС** 2. ш.н. Аёс, юзлари тиниқлигидан қулларга бериладиган ном (МК 1-144)

**ĀЙĀТ** а. оятлар; башорат, нишона, ишора: *бу тӳш ‘илми кöргил бағырсақ байат / қулы эзгӳсин қолды бэрди āйāт* – бу туш таъбири илмига назар солгин, меҳрибон тангри бандаларига эзгулик соғиниб башоратлар берган (ҚБН 158а). – Ар. 45. СЯ. 1-122.

**АЙАҚ** 1. оёқ (МК 1-112): *қазā бирлä санчлур айаққа тикäн / қазā бирлä илнӳр тузаққа элик* – оёққа тикан қазо билан киради, оҳу тузоққа қазо билан илинади (ҲҲ 1-36). *Айақ бэрди экки йурытғу ӳчӳн / бири бэрӳ маңса бири бар ӳчӳн* – юритиш учун икки оёқ берган, бири бу дунёда одимласа, бири у дунёда одимлаш учун (ҚБН 134). Қ. АДАҚ. АЗАҚ. – Таф. 44. СЯ. 1-34.

**АЙАҚ** 2. идиш, идиш-оёқ, коса, пиёла, лаган (МК 1-112): қашуқлуғ айақ – қошиқли идиш (МК 1-457). *Бу айақның йаруқы бар* – бу идишнинг ёриғи бор (МК 3-72). *Айақ йалғады* – идишни ялади (Мк 3-321). *Айақ тэрги эв-барқ арығ тон тöшäк / тöшäгил аш ичгӳ йэмä кэз кэрäк* – идиш-оёқ, лаган-дастурхон, уй-жой, кийимлар покиза бўлсин, тоза кўрпачалар тўшагин, егулик-ичгулик неъматлар ҳам сифатли бўлиши керак (ҚБН 168б). *Тэрги Айақ башла* – лаган-дастурхон ишларини бошқармоқ, зиёфат тараддудларига бош-қош бўлмоқ: *кириб отру тэрги айақ башласа / анындын бэги аш сэзигсиз йэсä* – кириб кўз ўнгида зиёфат дастур-

хонини бошқарса, беги унинг қўлидан ҳадиксиз неъматларни тановул қилса (ҚБН 197б). қ. ИДИШ, ИЗИШ. – Ар. 45. Таф. 45. СЯ 1-35.

**АЙАҚЛЫҒ** идишли, идиш-оёқ қўйилган: айақлиғ тэвси – идиш-оёқ қўйилган хона тахта (МК 3-58).

**АЙАҚЧЫ** кулол: *айақчы айақ сырлады* – кулол идиш сирлади (МК 3-311).

**АЙАҒ** лақаб, сўнг қўйилган от; унвон: *вазирлык аңар бэрди тамға айағ / туғы кўврўги бирлä бэрди тайағ* – унга вазирлик, тамға ихтиёри унвонини, (унинг белгиси бўлмиш) туғи ва довулини таёғи билан берди (ҚБН 44а). *Айағ бэрди тамға ат ўстäм кэзўт / ағырлады отру аңар болды қут* – унга (юқори) унвон, тамға, от, эгар-жабдуқ безаги, хилъат берди, ҳурмат кўрсатди, шулар туфайли унга бахт кулиб боқди (ҚБН 69а). *Қозғыл мэңä ақылық / болсун мэңä айағ-а* – сахийликни менга қўйиб бер, у менга лақаб бўлиб қолсин (МК -187). АЙАҒ АЙА – унвон бермоқ: хан аңар айағ айады – хон унга унвон берди (МК 1-269). – Ар.45.

**ʻАЙБ** а. айб; нуқсон, гуноҳ; уят: *озғурмыш дунйā ʻайбларын айур* – Ўзғурмиш дунёнинг нуқсонлари ҳақида гапиради (ҚБН 130а). *Бу дунйā öзин кэз сэвитмиш сэңä / қамуғ ʻайбы эрдäм кöрўнмиш сэңä* – бу дунё сени ўзига жуда мафтун қилиб қўйибди, унинг барча нуқсонлари сенга фазилат бўлиб кўринибди (ҚБН 130а). *Киши тилни билсä билўр маʼнисин / билўр-мэн дэса* ʻайб öзи билмäсин – (туркий) тилни билган одам (бу китобнинг) маънисига етади, ўз билмаганини биламан дейиш айб бўлади (ҲҲ 1-216). *Қамуғ тил ахы эр санāсин айур / асылық қамуғ* ʻайб кирини йуйур – сахий одам барча тилларда мақталади, саховат тамоми гуноҳлар кирини ювади (ҲҲ 1-52). ʻАЙБҚА ҚОЙ – айбга қўймоқ, уятга солмоқ, айбламоқ: *ʻайбқа қойубтур халāйиқ ара / ғалат маʼнисин айытмыш йана* – (адибни) халқ орасида маломатга қўйиб (айблаб) яна (унинг сўзларини) ғалат маънолар билан гапириб юрадилар (ҲҲ 1-217). – Ар. 46. Таф. 43. СЯ. 2-550.

**АЙБАҢ** кал: АЙБАҢ ЭР – кал киши (МК 1-139).

**ʻАЙБАТ** а. ҳақорат, дашном, чақиштириш, ёзғириш: кишида öңин болдум эрсä қалы / куруғ сöзлäмäс-мэн нэ ʻайбат тили - ўзимни одамлардан четга олган бўлсам (бунинг яхши томони шундаки), беҳуда (гапларни) гапирмайман ва ҳақоратга (ёзғиришга) тил очмайман (ҚБН 124а). – Ар. 46.

**ʻАЙБСУЗ** а.т. айбсиз, нуқсонсиз: *табиʼатта йэги ат ʻайбсузи / ахылық эрӱр бил буҳул кӧрксӱзи* – (одам) табиатининг энг яхшиси, отнинг айбсизлиги сахийликдир, энг ярамаси эса бахилликдир, билиб қўй (ҲҲ 1-197).

**АЙДЫН** ойдин, ой ёруғлиги (МК 1-139). –СЯ 1-36.

**АЙЫ** кўп, ортиқ, ҳаддан зиёд, жуда; асло, зинҳор: *айа ӧг кӧңӱллӱг уқушлуғ узуғ / айы сэвмӓ дунйāғ тоқығай йузуғ* – эй ақлли, фарсатли, заковатли, зийрак, ду дунёни зинҳор севма, (сенга) балолар ёпишади (ҚБН 114б). *Айы эзгӱ эрмӓз бу дунйā фани* – бу дунёнинг қилиқлари асло яхши эмас (ҚБҚ 2060. *Айы боз узун болса ӧгмӓс билиг / айыма чӧкӱт болса болмас силиг* – бўй жуда узун (новча) бўлса, таълимда бу мақталмайди, шунингдек, жуда пакана бўлса ҳам манзур бўлмайди (ҚБН 80б). – Ар. 46.

**АЙЫ** – айтмоқ, гапирмоқ, сўзламоқ: *бу сӧз ким айыдың бағырсақлық–ол* / қазаш бэлгӱси ҳам йағуқ-йақлық-ол – сен айтган бу сўзлар меҳрибонликдир, қариндошликнинг белгиси ҳамда яқинлик-ёвуқликдир (ҚБН 173б).

**АЙЫЛ** – айтилмоқ, *аңар сӧз айылды* – унга сўз айтилди (МК 1-267).

**А:ЙЫМ** қ. А:Й. 3.

**АЙЫН** – хавотирланмоқ, бирор кор-ҳол бўлиб қолмасмикин деган мулоҳазада бўлмоқ: *буларда қайуқа уланса эт ӧз / эди қорқу айну тапуғ қылғу уз* – инсон бу (амал)лардан қайси бирига эришмасин қўрқиб, хавотирланиб аъло хизмат ўтамоғи керак (ҚБҚ 238). – Ар. 46. “сормак, сойламак, дэмак”.

**АЙЫҢЛА** – сўкмоқ, ҳақорат қилмоқ; дашном бермоқ; ёзғирмоқ, ёмонламоқ: *айыңламасунлар сэни халқ ара / атың артамасун муны кэз кӧр-а* – халқ орасида сени ёмонлаб ёзғирмасинлар, ёмонотлиқ бўлиб қолмагин, бунга жуда эҳтиёт бўл (ҚБН 161б). қ. АЙИҒЛА. – Ар. 46.

**АЙЫТ** – 1. сўрамоқ, суриштирмоқ: тақы бир сӧзӱм бар айытғу сэңӓ – сендан сўрайдиган яна бир сўзим бор (ҚБН 165а). *Эв алмақ тилӓсӓң айыт қошнысын / йэр алмақ тилӓсӓң айытғыл сувын* – уй оладиган бўлсанг қўшниларини суриштир, ер олмоқчи бўлсанг сувини суриштиргин (ҚБН 164б). *Сэниңдин айытға йарын бир байат* – воҳид худо эртага сендан сўроқ олади (ҚБҚ 313). *Ол мэңӓ сӧз айытты* – у мендан сўз сўради (МК 1-222); 2. айтмоқ, гапирмоқ: *ʻайбқа қойубтур халаиқ ара / ғалат маʼāнисин*

*айытмыш йана* – (адибни) халқ орасида маломатга қўйиб яна (унинг сўзларини) ғалат маънолар билан гапириб юрадилар (ҲҲ 1-217). Мэн аңар сӧз айыттым – мен унга сўз айтдим (МК 1-222). – Ар. 46. Таф. 46. "айт". СЯ 38.

**АЙЫТМАК** сўраш, савол бериш: *айитмақ онай болди тэрси жаваб* – сўраш осон бўлади, бироқ жавоб бериш қийин (ҚБН 74а). – Ар. 47.

**АЙЫТМАҚЛЫҚ** сўрамоқлик, савол қилмоқлик: *айытмақлық эркӓк турур эй элиг / жавабы тиши-ол йэтўрсӓ билиг* – эй билиг, яхши тушунасан, сўрамоқлик бамисоли эркак, жавоб бериши эса бамисоли заифадир (ҚБН 41б0. – Ар. 47.

**АЙЫҚ** ваъда, сўз бериш: *аның мэңӓ айықы бар* – у менга ваъда берган (МК 112). Айық май – ваъда бермоқ, сўз бермоқ: *авлаб мэни қоймаңыз / айық айыб қаймаңыз* – (менинг) кўнглимни овлаб (сўнг) тишлаб кетмангиз, ваъда бериб қўйиб, (сўнг ундан) қайтмангиз (МК 2-51). – Ар. 46.

**АЙЫҚЛЫҚ** айтиб қўйилган, тайин, муҳаққақ: *айықлық турур бу ӧлўм бэлгўлўг / ӧзи келмӓгинчӓ эр ӧлмӓс кўлўг* – шубҳасиз, бу ўлим муҳаққақдир, (аммо) вақти-соати етмагунча мард баҳодирлар ўлмайдилар (ҚБН 87а). қ. Айықлығ.

**АЙЫҚЛЫҒ** айтиб қўйилган, тайин, муҳаққақ: *айықлық турур бу ӧлўм бэлгўлўг / ӧзи келмӓгинчӓ эр ӧлмӓс кўлўг* – шубҳасиз, бу ўлим муҳаққақдир, (аммо) вақти-соати етмагунча мард баҳодирлар ўлмайдилар (ҚБҚ 121). қ. Айықлық. – Ар. 46.

**АЙЫҒ** 1. айиқ (МК 1-112). қ. АДЫҒ, АЗ˙ЫҒ.

**АЙЫҒ** 2. ёмон, ярамас, ёвуз; ўткинчи, беқарор: *бу дунйӓ қутынга ынанмы айығ / ынынчсыз турур кӧр қылынчы йайығ* – бу дунёнинг қут-бахтига ишонма, у беқарор, ишончсиздир, кўргин, қилиғи бевафодир (ҚБН 187б). – Ар. 46.

**АЙЫҒ** 3. ё.с. қандай, жуда, кўп, ниҳоятда маъноларидаги ундалма: *Айығ эз˙гў* – қандай яхши (МК 1-112). *Айығ йав˙уз нэң* – жуда ярамас нарса (МК 1-112).

**АЙЫҒЛА** – ёзгирмоқ, ёмонламоқ; ҳақорат қилмоқ, таҳқирламоқ: *мунум бу мэни йалңуқ ирсӓл тэйў / айығлаб йурырлар кишикӓ айу* – нуқсоним шуки, одамлар мени бевафо деб, кишиларга айтиб ёмонлаб юрадилар (ҚБН 31а). қ. АЙЫҢЛА-.

**АЙЫҒЛЫҒЛЫ** илинжли, муҳтож: айығлығлы мунуңлуғ болур – илинжли (сўровчи) ҳожатманд бўлади (ҚБВ 73).

**‘АЙИБ** қ. ‘АЙБ.

**АЙЛА** қ. ЭЙЛӒ.

**АЙЛЫҚ** ойлик, бир ой муддатли: *ата арқасында туғулса оғул / ана қарны манзил қач айлық амул* – бола отанинг белидан (пуштидан) бунёд бўлгач, она қорни (раҳми) бир неча ойлик сокин бир манзил бўлади (ҚБН 56б). – Ар. 47. СЯ 1-38 “месячный; месячный заработок”.

**АЙЛУҚ:** Айлуқ-айлуқ – шундай-шундай (МК 1-137).

**АЙРАН** айрон (МК 1-142).

**АЙРЫШ** – айрилишмоқ, ажралишмоқ: *олар экки айрышды* – улар иккаласи (бир-биридан) айрилишди (МК 1-268).

**АЙРЫҚ** бот. Бир турли ўсимлик, буғдойиқ (МК 1-136) қ. АЗ˙РЫҚ. – Инд. 16. “ажриқ – терновник, пырей”.

**АЙРУ** бўлак, бошқа, ўзга: *муны тиламӓсӓ сэн айру нэ кэрӓк* – буни сен истамасанг, бўлак нима керак? (МК 1-146). – Таф. 45. “айру айыру”.

**АЙРУҚ** айрим, бошқа, алоҳида (МК 1-136): *қолда чықа миң йағақ / барча билӓ айруқ тайақ* (мақол) – тиланчига минг ёнғоқ, буларнинг барчаси билан бирга алоҳида ҳасса ҳам бериш керак (МК 1-394). – Таф. 45.

**АЙТ** – 1. айтмоқ, гапирмоқ: *оз˙ғурмыш кӳн туғды элигкӓ панда бэрмишин айтур* – Ўзғурмиш Кунтуғди элигга насиҳат қилишини айтади (ҚБН 186а); 2. сўрамоқ: *битидим кӧңӳл айту ыз˙тым битиг* – кўнгил сўраб мактуб ёзиб юбордим (ҚБН 142а). – Ар. 46. – Таф. 46

**АЙТЫЛ** – сўралмоқ, савол қилинмоқ: *сӧз айтылды* – сўз сўралди, сўз ҳақида савол қилинди (МК 1-268). –Таф. 46. “айтул – быть сказанним, говориться; сказать (при подчеркивании большей почтительности). СЯ 1-39” “быть сказанним”.

**АЙТЫН** – сўранмоқ, ўзи учун сўрамоқ: *сӧз айтынды* – ўзи учун сўз айтишларини сўради (МК 1-268).

**АЙТЫШ** саломлашиш, сўрашиш, ўзаро ҳол-аҳвол сўраш (МК 1-136).

**АЙТЫҒ** 1. соглик-саломатлик ҳақида сўраш (МК 1-136); 2. Сўроқ, жавобга ундаш: *тилӓк ӓрзу сӳрмӓк эз˙и кэз˙ татығ / татығ айтығы бар йарынлық қатығ* – тилак орзу (гаштини) суриш жуда ҳам лаззатли, (аммо) лаззатнинг эртанги қаттиқ сўроғи (ҳам) бор (ҚБН 220а). *Сэңӓ болға ӓхир байат айтығы / байат айтығы-ол*

*йазуқлуғ ағы* – охири сендан худонинг сўроғи бўлади, худонинг сўроғи ёйиб ташлаб қўйилган тўр тузокдир (ҚБН 190б). *Э бошлағ йурығлы бузун öгтäми / байат айтығы бар анутғыл эми* – эй бебош юрувчи халқ ўктами, худонинг сўроғи бор, чорасини ҳозирлагин (ҚБН 190б). – Ар. 47.

**АЙТУР** – айттирмоқ, сўзлатмоқ: *ол мэңä сöз айтурды* – у менга сўз айттирди (МК 1-267).

**АЙУК** *Кöк айуқ* – кўк айук деган унвонга эга бўлган киши, шу лавозимдаги одам: *негў тэр эшитгил билир кöк айуқ / бу сöз уқмаса эр аның öги йоқ* – Кўқ аюқ нима дейди, эшиттин, бу сўзни уқмаган одамнинг фаросати бўлмайди (ҚБН 99б). – Ар.48.

**АЙУҚЛУҚ** *Кöк Айуқлуқ* – кўк аюқлик, хон саройидаги лавозимлардан бири: *қайуқа öгäлик тегир öг булур / қайу кöк айуқлуқ ўзä ат алур* – баъзисига донишмандлик лавозими тегади, донишга дониш қўшилади, баъзиси Кўк аюқлик лавозимини олади (ҚБҚ 239) – Мк 3-146 “кöкйуқ- туркман катталарига бериладиган унвон”. Инд. 165. “*Кöк йуқ* – унвон - титул”. ДТС 312 “*кöк айуқлуқ* (? Кэки йоқлук) смиренность, отсутствие заносчивости”. – Ар. 48.

**АЙҒЫР** айғир, айғир от: *йэгў кэзгў, мингў ат айғыр сўлўг / булардын чықар ҳам йўзўргў кўлўг* – егулик, кийгулик, мингулик (ахта) отлар, айғирлар, байталлар ҳамда юк ортиладиган от-уловлар мана шулардан чиқади (ҚБН 161а). *Қулан қудуғқа тўшсä қурбақа айғыр болур* (мақол) – кулон кудуққа тушса, чўл курбақа айғир бўлади (МҚЗ-134). Қ. АЗҒЫР 1.

**АЛ** 1. ол, алдов, ҳийла, найранг: *нэгў қолса бэргил кэрäк болса ал / кўни кöрдўм ошбу қуту билмäс ал* – нама сўрасалар бергин, (нима) керак бўлса ол, кунда кузатганман, бу тоифа алдовни билмайди (ҚБН 161а). *Бўтўн чын турур ҳэч алы йоқ уқуш* – ақл-заковат тўкис ва чиндир, асло ҳийла-найранги йўқ (ҚБҚ 93). *Авчы нэчä ал билсä / азығ анча йол билир* – овчи қанча ҳийла билса, айиқ шунча йўл билади (МК 1-94). – Ар. 14. Таф. 49. СЯ 1-40.

**АЛ** 2. 1. ол, алвон, қизил; малла, тўқ сариқ, заъфарон: *йашыл кöк сарығ ал ағы тон кэзиб / ашағу кöтўрсä йарашур йурыб* - яшил, кўк, сариқ, алвон рангли шоҳи кийимлар кийиб, таомлар кўтариб юриб улашса (ниҳоятда) ярашади (ҚБН 108б). *Карам бир бинā-тэг аңар ҳилм бунйāд-ол / йа майдāн-тэг ол гул карам ал гул-ол* - карам бир бинодек бўлса, мулойимлик унинг пойдеворидир, ёки у (мулойимлик) гул экилган майдон бўлса, карам алвон ранг

гул кабидир (ҲҲ 1-204). Ал Чув ут – қизил буёқ (МК 3-177) . Ал Боз у – кўч. Сарғайтирмоқ, заъфарон қилмоқ: *нэлӱг ал боз удуң мэңзиңи / нэгӱ бэрди дунйа сэңа öз öңи* – нега қизил юзингни сарғайтирдинг, нимага дунё сенга ўз рангини берди? (ҚБН 223б). ЙЎЗ АЛ ҚЫЛ– кўч юзни ерга қаратмоқ, қизартирмоқ, уялтирмоқ: *кэсилди сöзӱм сэн эсäн эзгӱ қал / элигкä битиг бэр йӱзӱм қылма ал* – сўзим тугади, сен эсон-омон бўл, элигга мактубни етказгин, юзимни ерга қаратма (ҚБН 136а). 2. тўқ сариқ, алвон рангдаги ипак кийимлик мато (МК 1-110). – Ар. 15. СЯ 1-122.

**А:Л** 1. ҳийла, фириб; тадбир: *а:лын арслан тутар / кӱчӱн уйуқ тутмас* (мақол) – ҳийла билан арслон тутилади, куч билан экиндаги қўриқчини ҳам тутиб бўлмайди (МК 1-110)

**А:Л** 1. ол, алвон, қизил, малла, арғувон, тўқ сариқ, заъфарон ранг (МК 1-110). 2. тўқ сариқ, алвон рангдаги ипакли мато; ундан хон байроқлари ва амалдорларнинг отларига ёпиқ қилинади (МК 1-110). қ. Ал 2. – СЯ 1-122.

**АЛ** – 1. олмоқ: *элиг алды ачты оқыды битиг / сöзин уқты айды эсиз эй тэтиг* – элиг номани олди, очди, ўқиди, сўзларини уқди, эсиз, қандай зеҳнли одам эди-я, деди (ҚБН 62а). *Элиг сунды алды тайақ элкингä / айур бу қумару қутазсу мэңä* – қўл узатди, хассани қўлига олди, бу эсдалик мени бахтиёр қилсин, деди (ҚБҚ 37б). *Ол алымын алды* – у қарзини олди (МК 1-180); 2. тутмоқ, ушламоқ: *кӱвäзлäнмä элгиң сала кирмäгил / элиг алшу тутшу йэмä кирмäгил* – керилма, қўлингни осилтириб кирмагин, қўл ушлашиб, тутишиб ҳам кирмагин (ҚБН 149а). *Аның қолын алды* – унинг қўлини ушлади (МК 3-176); 3. эга бўлмоқ, қўлга киритмоқ; босиб олмоқ, тортиб олмоқ: *кишиг туттум алдым кöчӱн йармақын мэн / кимиг сэрдим ирдим кими ма ачыттым* – одамларни тутдим, бисот-молларини, пулларини тортиб олдим, баъзиларни ғазабга дучор этиб таъқиб қилдим, шунингдек, баъзиларнинг дилига озор бердим (ҚБҚ 387). *Бэг эл алды* – бег элни (бостириб) олди (МК 1-180); 4. касб этмоқ; баҳраманд бўлмоқ, ҳисса олмоқ: *билигсиз қарағу турур бэлгӱлӱг / э кöзсӱз қарағу билиг ал ӱлӱг* – билимсиз муайян кўрдир, эй набийно, кўр, билимдан улуш ол (ҚБН 17а). *Ақы эр билигни йэтä билди кöр / анын сатты малын сана алды кöр* – саҳий киши билимни мукаммал ўрганди, унинг йўлида мол-дунёсини сотиб харжлади ва таҳсинга сазовор бўлди, кўргин (ҲҲ 1-196). *Муны ма айу бэр мэңä бэлгӱлӱг / бу ишдин йэмä-öк алайин ӱлӱг*

– бу ҳақда ҳам менга аниқ гапириб бер, бу ишдан ҳам хабар топиб баҳраманд бўлайин (ҚБН 165б). *Уқуш қайда болса улуғлуқ болур / билиг кимда болса бэзӱглӱк алур* – заковат қаерда бўлса, улуғлик бўлади, билим кимда бўлса буюкликка эга бўалди (ҚБН 12б); 5. эваз қилмоқ, алмашмоқ, бирор нарса ҳисобига олмоқ: *бу оғланығ бир туруғқа алдым* – бу ўғлонни бир тўриғ отга алмашиб олдим (МК 1-354). *Бу ат қыз алдым* – бу отни қиммат баҳога олдим (МК 1-315); 6. танлаб олмоқ, сайламоқ, қабул қилмоқ: *öзӱң кöчгӱ мындын кöчӱң ыз бурун / кэрäкликни алғыл кэрäксиз қозун* – ўзинг охири бу дунёдан кўчасан, кўчларингни бурунроқ юбор, керакликларини сайлаб ол, кераксизларини қўйгин (ҚБН 58б). *Сöзӱг барча тыңла кэрäкини ал / кэрäксиз сöзӱг сэн йана эврä сал* – барча сўзларни тингла, кераклисини қабул қил, кераксиз сўзни сен яна қайта ташла (ҚБН 211а). – Ар.15-16. Таф. 48. СЯ 1-40.

**АЛА** 1. чипор, ола, олачипор: АЛА АТ – чипор от (МК -110); 2. кўч. пес, танасида оқ доғи бор, ола танли одам (МК 1-110, 117). – Таф. 48. СЯ. 1-41.

**АЛА** 2. бузуқ фикр, ёмон ният; ола; қарши, тескари: *киши аласы ичтын / йылқы аласы таштын* (мақол) – одамнинг оласи (бузуқ фикри) ичида, ҳайвоннинг оласи сиртида бўлади (МК 1-117). *Қарға қарысын ким билир / киши аласын ким тапар* (мақол) – қарғанинг ёшини ким билади, одамнинг бузуқ ниятини ким топади? (МК 1-401). *Ала бол* – зидлашмоқ, тескари бўлмоқ, аслидан ўзгармоқ: *киши кöңли билгӱ тануқ эрди тил сöз / кöңул тил ала болды кимкä бӱтäйы* – тил, сўз одамнинг кўнглини биладиган белги эди, кўнгил ва тил бошқа-бошқа бўлди, кимга ишонайин? (ҚБҚ 389). *Бэг ханқа ала болды* – бег хонга ола бўлди, хоннинг душмани бўлди, яъни бег хонга қарши чиқди (МК 1-110). – Ар. 16.

**АЛА** 3. геогр. Ала, Фарғона яқинидаги бир яйлов (Мк 1-110). қ. АЛА 4.

**АЛА** 4. Ала йығач геогр. Олёғоч, чегарага яқин бир жойнинг номи (МК 1-110) қ. Ала 3. – ДТС 33 “название местности около Сыныра”.

**АЛА** 5. секин, аста, оҳиста, ошиқмасдан, шошилмасдан: *ала кэл* – аста кел (МК 1-118). *Тэгмä эвäт ышқа кöрӱб турғыл ала / чақмақ чақыб эвсä қалы оз'нур йула* – шошилиб чақмоқ чақиб чироқ ёқмоқчи бўлганнинг чироғи ўчади, ишга шошилиб киришма, аввал ошиқмасдан, кузатиб олгин (МК 3-32). АЛА-АЛА – секин-

секин, аста-аста (МК 1-118). –ДТС 33. *“ала-ала алагил межд.* “тише-тише! Без спешка! Не спешить! Не торопись”. – СЯ 1-42 “ала – эй, о в обращении”.

**АЛАВАН** – тимсоҳ (МК 1-157).

**‘АЛАВИЙ** – алавийлар, Али авлодлари, Али хонадонига мансуб кишилар: *‘алавийлар била қатылмақны öгрäтÿр* – алавийлар билан муомала қилишни ўргатади (ҚБН 156б). – Ар.16.

**‘АЛАЙК** а. алайк, ассалому алайкумнинг қисқа шакли, салом-алик: *‘алайк ал* – алайк олмоқ, алайкка сазовор бўлмоқ: *амāн бэрди эркä салāм қылғучы / салāмат булунды ‘алайк алғучы* – (биринчи бўлиб) салом қилувчи (ўзга) кишига омонлик берган (тилаган) бўлади, алайк олувчи эса (ундан) саломатлик топади (ҚБН 183а). *‘Алайк бэр* – алайк бермоқ, саломга салом билан жавоб қайтармоқ: *салāм қылды элиг эң ашне кöрÿб / ‘алайк бэрди зāҳид саламқа туруб* – энг аввал кўриши биланоқ элиг салом қилди, зоҳид (Ўзғурмиш) тик туруб алайк берди (саломга салом билан жавоб қилди). (ҚБН 182а). – Ар. 17.

**‘АЛАЙҲ** – *Алайҳи-с-салам* – унга саломлар бўлсин: *йолавачымыз ‘алайҳи-с-салāм фазлин айтур* – пайғамбаримиз алайҳиссалом фазилатлари ҳақида гапиради (ҚБҚ 8). – Ар. 16.

**АЛĀЛ** а. ҳалол: *йэрилгäн сöкÿлгäн тэриб бэрмäгäн / алāл бэрÿр эрсäң нэчä тэрсä тэр* – (Мол-дунёни) йиғиб бошқаларга бермовчи манфур ва таҳқирга маҳкумдир, ҳалол (мол-дунё) териб (бошқаларга) берадиган бўлсанг, қанча йиғсанг йиғавер (ҲҲ 1-197).

**‘АЛАМ** а. байроқ; туғ: *‘алам башлар эр* – аловбардор, туғдор; бош қўмондон: *йорықын кöзäсä ‘алам башлар эр / öңи турмаса бир йағығ ишлäр эр* – бош қўмондон (ҳарбий ҳаракатлар) режаларини (қатъий кузатиб) назорат қилса, душманга зарба бериши мумкин бўлган бирорта одам ҳам четда ажралиб қолмаса (ҚБН 89а). *Сÿ башлар ‘алам* – лашкарбоши: *вазир-ол экинчи сÿ башлар ‘алам / бириси қылыч тутти бири қалам* – (биринчиси) вазирдир, иккинчиси эса лашкарбошидир (улардан) бири қилич, иккинчиси қалам тутади (ҚБН 91б). – Ар. 16. Ся 2-552.

**‘АЛАМ** а. олам, дунё, жаҳон: *тöрÿтти тилäк-тэг тÿзÿ āламығ / йарутты ажунқа кÿнÿг ҳам айығ* – (Тангри) жумла жаҳонни ўз истаганидек қилиб яратди, жаҳонни ёритиш учун кун ва ойга нур берди (ҚБН 11б). *Тöрÿтмäстä ашну байат бу ‘алам / тöрÿтти йурытты бу лавҳта қалам* – Тангри бу оламни

яратмасдан аввал лавҳу қаламни яратди ва (лавҳ устида) қаламни юритди (ҚБН 85а.). – Ар. 16. СЯ 2-560.

**АЛАҢ** яланг, текис: *алаң йазы* – яланг саҳро (МК 1-154).

**АЛАҢЫР** каламуш жинсидан бўлган кичик бир ҳайвон, туркманлар уни ейдилар (МК 1-175).

**АЛАР** 1. ранг келтирмоқ, чумак урмоқ; пишмоқ: *талқа аларды-* узум ва бошқа ғўралар ранг келтирди, пишди (МК 1-188).

**АЛАР** 2. доғ билан қопланмоқ, тери ранги ўзгармоқ: *киши йини аларды* – одам териси ола, пес бўлди (МК -188). 2. кўч. Олаймоқ, бўзармоқ, бақраймоқ: аның көзи аларды – унинг кўзи олайди (МК -188) – ДТС34 “глаза у него были с бельмом”.

**АЛАРТ** – олайтирмоқ: *ол аңар көзин аларты* – у унга кўзини олайтирди (МКЗ -433).

**АЛАЧУ** – чодир, капа, ўтов (МК 1-155).

**АЛАЧУЛАН** – кичик чодирга эга бўлмоқ; ўзига чодир тикмоқ: *эр алачуланды* – одам ўзига кичик чодир тикди (МК 3-222).

**АЛДА** – алдамоқ, чалғитмоқ: *ол йағыни алдады* – у душманни чалғитди (МК 1-271). *Қудруқ қатығ тӱгдимиз / тэңриг ӱкӱш ӧгдимиз / кэмшиб атығ тэгдимиз / алдаб йана қачдымыз* – отларнинг думини қаттиқ тугдик, тангрига такбир айтдик, от солиб ҳужум қилдик (орқамиздан эргашсин учун) алдаб чекиниб қочдик (МК 1-438). – Таф.48. СЯ. 1-42.

**АЛДЫ** – *алды-бэрди* - муомала, олди-берди; амал қилиш, шуғулланиш, иш кўриш: *қылыч алды-бэрды бузунуғ тӱзäр / қалам алды-бэрды йорық-йол сӱзäр* – қилич билан иш кўриш (муомала қилиш) халқни тузади, қалам муомаласи эса йўл-йўриқларни созлайди (ҚБн 16б).

**АЛДЫН** қуйи, тубан, паст: буларда *эң алдын бу йалчық йурыр / йашық бирлä отру бақышса толур* – булардан энг пастда ой айланади, қуёш билан қамти келганда тўлишади (ҚБН 12а) Қ. Алтин –Таф. 49. “алтын -низ; спина; опора”.

**АЛДУЗ** – олдирмоқ, талонга учрамоқ: ол тавар алдузды – у молини олдирди (Мк 2-92). –СЯ 1-43. “*алдур / алдыр* – взять, отнять”.

**АЛЖАВÄБ** а. жавоб. (ҚБН 150).

**АЛЫМ** олим, оласи, қарз (МК 1-105): *бу тэгмä бири асғы йасы тэлим / қайусы бэрим-тэг қайусы алым* – булардан ҳар бирининг фойда ва зарарлари талайдир, қа бири бурим, қай бири

олим кабидир (ҚБН 18а). *Ол алымын алды* – у қарзини олди (МК 1-180). *Алым-бэрым* - олди-берди, буюм муомаласи: *алымқа-бэрымкä оңай эзгӱ бол / қайу öзтä қылса ачуқ болға йол* – олди-бердида қулай, яхши бўл, қачон олди-берди қилмокчи бўлсанг, (ҳамиша) йўл очиқ бўлади (ҚБН 164б). қ. АЛИҒ!. АЛҒУ. – Ар.17.

**АЛЫМЛА** олма (МК 1-156): *атасы-анасы ачығ алымла йэсä оғлы-қызы тышы қамар* (мақол) – отаси, онаси нордон олма есалар, ўғил-қизларининг тишлари қамашади. Бу мақол ота-онасининг *қилган айблари учун болаларининг жавобга тортилишига* ишора қилиб айтилган (МК 3-288). АЛЫМЛА ЙАРЫМЫ – олманинг ярми, ярим палласи (МК 3-26).қ. АЛМА, АЛМЫЛА. – МК 1-156. “алмыла”, МК 3-26. “МК 3-288” “АЛЫМЛА”. ИНД.18 “алмыла”. ДТС 35. “алымла”.

**АЛЫМЛЫҒ** қарз берувчи; судхўр: *урунчуқ алыб йэрмäди / алымлығ кöрӱ армады* – қарз олишдан жирканмади, қарз берувчини кўриб (яна қарз олишдан) чарчамади (МК 1-165). *Алымлығ бэримлигдин ӱзлӱшди* – қарз берувчи қарздордан қарзини олгач алоқасини узди (МК 1-242). АЛИМЛИҒ ЭР оласи бор одам (МК 1-164).

**АЛЫМСЫН** – олгандек бўлиб кўринмоқ: *ол мэндин йармақ алымсынды* - у ўзини мендан пул олгандек қилиб кўрсатди (МК 1-1640.

**АЛЫМЧЫ** қарз берувчи; судхўр: *алымчы арслан / бэримчи сычған* – қарз берувчи мисоли арслон, қарз олувчи – сичқон. (МК 1-58).

**АЛЫМҒА** – шоҳ мактубларини ёзувчи котиб, мирза (МК 1-161). Қ. *Ылымға, ымға.*

**АЛЫН** 1. пешона, манглай (МК 1-107): *сӱчиг сöзлä барча кишикä тилин / ачуқ тут йӱзӱңни йаруқ тут алын* – барча одамларга ҳам тилда ширин сўзла, чеҳрангни очиқ, манглайингни ёруғ (қовоғингни очиқ) тут (ҚБН 189а). *Нэгӱ йӱк кöтӱрдӱң кöңӱлка бу кӱн / нишäнин кöрӱр-мэн алинда тӱгӱн* – бугун кўнглингга қандай ташвиш тушди, манглайингда маъюслик белгисини кўриб турибман (ҚБН 223б). АЛЫН ҚАШ ЧЭТ – қош-қовоқ солмоқ, юзни туруш қилмоқ: *ажун кӱлчирäр бäз алын қаш чэтäр* – дунё кулиб боқади, боз устига (кўққисдан) қош-қовоғини уяди (ҲҲ 1-194). – Ар. 17. Таф. 49. СЯ. 1-144. “алин ални”.

**АЛЫН** 2. тоғнинг думалоқ ва баланд туртиб чиқиб турган жойи: (МК 1-107). *Алын тӳбӳ йашарды* – қоя этаклари (кӯкатлар билан кӯм-кӯк бӯлиб) яшарди (МК 2-83). Ся 1-44.

**АЛЫН** 3. олддан, рӯпарадан; олдиндан: *алын қыл* – рӯпара қилмоқ, олддан қуймоқ: *йағычы ӧрӳң қырғыл эрсиглӓриг / йағықа алын қыл кӧтӳрсӳ чэриг* – жанговар, тишқоқди, тажрибали баҳодирларни жангда олдиндан қуйгин, токи лашкарни руҳлантириб кӯтарсинлар (ҚБН 90а). –Таф. 49. "*алында* – перед, пред". СЯ. 1-44.

**АЛЫН** – бевосита ӯзи олмоқ; ӯзи учун олмоқ; олишга интилмоқ, уринмоқ, касб этмоқ: *киши бол кишикӓ кишилик қылын / киши аты ӧгду ӧзӳңгӓ алын* - адам бӯл, одамларга одамгарчилик қил, одам номини, мақтовни ӯзинг учун олгин (ҚБН 208а.) *Улуғсынма зинҳӓр улуғ тутма, улуғ бир байат / улуғлуқ мэниң сиз алынмаң тэди* – зинҳор ӯзингни улуғ тутма, улуғ яккаю-ягона тангридир, у улуғлик менга мансуб, сиз унга интилманг, деган (ҲҲ 1-200). *Ол алымын алынды* – у қарзини бировнинг ёрдамисиз бир ӯзи олди (МК 1-211). *Кӧңӳлка алын* – кӯнгилга жо қилмоқ, туюб олмоқ: *йаӯнут бэрди ӧзгурмыш ачты тилин / айур сӧзлӓйин мэн кӧңӳлка алын* – Ӯзғурмиш сӯзга тил очиб жавоб берди, айтди: мен сӯзлайин, (сен) кӯнгилга жо қилиб ол (ҚБН 216). – Ар.17. Таф.49. "быть взятым, принятим". СЯ. 1-44. "быть взятым".

**АЛЫНЛЫҒ** дӯнг пешона, манглайи кенг: *Алынлығ эр* – пешонаси кенг одам (МК 1-164).

**АЛЫҢЛАН** – англамоқ: *алыңланса тӳтнӳб ғазаб 'инӓд оты / ҳилмлық суйын сач ол отны ӧчӳр* – ғазаб ва қайсарлик ӯти бурқсиб алангаланса, мулойимлик сувини сепиб у ӯтни ӯчир (ҲҲ 1-204). қ. АЛЫНЛАН-ЙАЛЫНЛАН.

**АЛЫШ** 1. олиш, олим; ҳисоблашиш (МК 1-93). *Алыш-бэрыш* – олиш-бериш, олди-берди, оладиганни олиб, берадиганни бериш, ҳисоб-китоб (МК 1-93).

**АЛЫШ** 2. оқар сувнинг ҳавзага қуйиладиган ери, мансаб (МК 1-93).

**АЛЫШ** 1. ундириб олишда кӯмаклашмоқ, ундиришмоқ: *ол мэңӓ алым алышды* – у менга қарзни ундиришда кӯмаклашди (МК 1-1960); 2. олишмоқ, ушлашмоқ: *элиг алыш* – қӯл ушлашишмоқ; қӯл олишишмоқ, қӯл беришиб сӯрашишмоқ: *салӓм қылды отру алыш-ды элиг / туруб эвкӓ кирди бу экки силиг* – аввал

саломлашишди, сўнг қўл ушлашишиб бу икки озодаваш уйга кирдилар (ҚБН 182а); 3. олишмоқ, курашмоқ: *бэл алыш* – беллашмқ, белдан олиб тутишмоқ: *йарашғу йарағы бар эрсä йараш / йоқ эрсä йарықлан бэл алшыб кўрäш* – ярашиш иложи бўлса ярашгин, йўқ бўлса, совут кийгинда, белидан тутиб олишиб курашгин (ҚБН 89б). *Алыш-бэрыш (алиш ҳам бэриш)* – олишиб беришмоқ, олди-берди қилмоқ: *оларқа қатылғыл кэлиш ҳам барыш / нэгў қулса бэргил алыш ҳам бэриш* – улар билан аралашишгин, боришиб-келишгин, нима сўрасалар бергин, олди-берди қилгин (ҚБН 160а). *Элиг алыш-тутуш* – қўл олишиб тутушмоқ; айқашиб ушламоқ: *кўвäзлäнмä элгиң сала кирмäгил / элиг алшу-тутшу йэмä кирмäгил* – гердай-магин, қўлингни осилтириб кирмагин, қўл ушлашиб айқашиб ҳам кирмагин (ҚБН 149б). – Ар. 17. СЯ 1-45.

**АЛЫҚ** 1. инжиқлик, тантилик, ғайритабиий қилиқ; ҳавас ва истак эрки; ният, тилак, интилиш: *тўгäл билсä болмас қылықларыны / йэмä алса болмас алықларыны* – унинг қилик-қилғиликларини тугал англаб бўлмайди, шунингдек, (унинг) инжиқликлари билан созлашиб ҳам бўлмайди (ҚБН 172а). *Алық бэр* – ҳавас эркини бермоқ, ҳавасга йўл бермоқ: *эт-öзкä алық бэрмä эгмä бойун / авынчы сақынч-ол тилäки ойун* – танга ҳавас эркини берма, бўйин эгма, унинг шодлиги – алам: орзу-тилаги эса ўйин, майнавозчиликдан иборатдир (ҚБН 133б) *Этилсў қылынчы тўзўлсў йорық / тосулсу тапуғқа алынсу алық* – феъл-хулқи хуш бўлсин, тарзи рафтори созлансин, хизматга ярасин, тилак-интилишлариги етсин. (ҚБН 59б). – Ар. 17.

**АЛЫҚ** 2. қуш тумшуғи (МК 1-98).

АЛЫҚ - 1. пастлашмоқ, тушмоқ: *эр алықты* – одам (маънавий) тубанлашди (МК 1-200); 2. қавармоқ, фасодламоқ: *башы анын алықты* – унинг яраси яллиғланиб фасод йиғди (МК 1-200); 3. дин. Ҳайз кўрган, нифосдаги ва жунубдаги одамнинг қарашидан нопок бўлмоқ (МК 1-200).

**АЛЫҒ** 1. ҳар нарсанинг қайтарилиб олиниши: олиш, оласи (МК 1-95). Қ. АЛЫМ, АЛҒУ.

**АЛЫҒ** 2. ёмон, ярамас, нобоп: *барды эрäн қонуқ / кöрўб қутқа сақар / қалды алығ уйуқ / кöрўб эвни йықар* – меҳмонни кўриб бахтга сановчи мардлар ўтиб кетдилар, (эндиликда) соянi кўрибоқ уйини йиқитадиган нобоплар қолдилар (МК 1-365). СЯ 1-45.

**АЛЫҒСА** – олишни истамоқ: *ол андын йармақ алыгсады* – у ундан пул олишни истади (Мк 1-273).

**‘АЛИ** – қ. Ш.н. Али, Муҳамммад пайғамбарнинг жияни ва куёви, тўрт чаҳорёрлардан бири, тўртинчи халифанинг исми: *‘али эрди мунда басақы талу / кӯр эрсиг йӯрӓклиг мэңӓси толу* – ундан кейинги сара (тўртинчи чаҳорёр) Али эди, ботир, мард, шижоатли, ақли расо эди (ҚБН 9б). *Са̄дық бирла фа̄руқ ӯчӯнч зайну-н-нурайн / ‘али тöртилӓнч – ол эриксиг тоңа* – Содиқ билан Форуқ, учинчиси – Зайннурайн, Али тўртинчидир, у мард баҳодирдир (ҲҲ 1-179). – Ар. 17.

**‘А̄ЛИМ** қ. олим: *билгӓ ‘а̄лимлар бирлӓ қатылмақны öгрӓтур* – доно олимлар билан муносабатга киришни ўргатади (ҚБН 157а.) *Тақы бир қут билгӓ ‘а̄лимлар-ол / олар илми халққа йаруттачы йол* – яна бир тоифа – бу доно олимлар, уларнинг илмлари халқнинг йўлини ёритади (ҚБН 157а). *Билиг бирлӓ ‘а̄лим йуқар йуклады / билигсизлик эрни чöкӓрди куз ы* – билим билан олим юксакка кўтарилади, билимсизлик одамни тубанлаштиради (ҲҲ 185). – Ар. 17. СЯ.2-560.

**АЛМА** олма (МК 1-150). қ. АЛЫМЛА, АЛМЫЛА. –Ся 1-45.

**АЛМАҚ** – олмоқ, олиш, эга бўлмоқ нияти: *эв алмақ тилӓсӓң айыт қошнысын / йэр алмақ тилӓсӓң айытғыл сувын* – уй олиш ниятида бўлсанг, (бўладиган) қўшниларини суриштир, ер олиш ниятида бўлсанг, сувини суриштиргин (ҚБН 164б). СЯ 1-45. “алмақ-сатмақ – торговля, купля – продажа”.

**АЛМЫЛА** олма (МК 1-156). *Алымла йарымы* – олманинг ярми, ярим палласи (МК 3-26). Қ. Алимла, Алма.

**АЛП** 1. ботир, баҳодир, паҳлавон, мард: *нэгӯ тэр эшитгил тоңа алп эриг / билиб сöзлӓмиш кöр бу öт, сав ириг* – мард, ботир киши нима деганини эшитгин, у панд, насиҳат, ўгитларни билиб, сўзлаган (ҚБН 210б). *Алп йағыда алчақ чоғыда* – мард майдонда, ювош баҳсда синалади (МК 1-77). *Алплар билӓ урушма / бэглӓр бирлӓ турушма* – паҳлавонлар билан уришма, беглар билан тортишма (МК 1-192). *Алплар қамуғ тиркашур* – баҳодирлар барчаси сафланаётирлар (МК 3-71). АЛП АТЫМ – ботир, мерган; шижоатли, жасур: *ақы алп атым болса алчақ кöңӯл / тузы этмӓки кэң нэ қылқы амул* - саховатли, шижоатли, мулойим табиатли, нон-тузи мўл (дастурхони ёзиқли), вазмин феълли бўлса (ҚБН 87а) *Йӯрӓклиг кэрӓк бэг йэмӓ алп атым / йӯрӓк бирлӓ болды йағықи*

*тэтим* – бег дадил, жасур бўлмоғи керак, у дадиллик туфайли ёвга муносиб қаршилик кўрсатади (ҚБН 79а). Алп эр – баҳодир, жасур, мард, ботир: *муңäр мэңзäтä айды алп эр ачуқ / аның ма'ниси кöр бу сöзкä тануқ* – ботир киши бунга ўхшатиб жуда очиқ қилиб сўз айтган, унинг мазмуни бу айтилган сўзларга исботдир, назар сол (ҚБН 31а). *Алп йўрäк* – қўрқмас, жасур, довюрак, ботир юракли: уқушлуғ *билиглиг тоңа алп йўрäк / хазина толулаб ақытғу кэрäк* – (ҳоким) заковатли, билимли, жасур, довюрак бўлмоғи, хазинани тўлдириб топширмоғи керак. (ҚБҚ 6). – Ар.18. Таф.19. СЯ.1-46.

**АЛП** 2. алп, қўшма ва мураккаб шахс номларининг ҳосил бўлишида иштирок этувчи таркибий компонент: алп айа ш.н. Алп Аё: *қачты аңар алп айа / увут болуб ол йашар* – Алп Аё ундан қочди, у (енгилтаклик билан айтиб қўйган гапларидан) уялиб яширинмоқда (МК 3-226). *Алп эр тоңа* ш.н. Алп Эр Тўнга: "Шоҳнома" қаҳрамонларидан бири – Афросиёбнинг туркий исми, корахонийлар сулоласининг келиб чиқиши унга нисбат берилади: *алп эр тоңа öлди-му / эсиз ажун қалды-му / öзлäк öчин алды-му / эмди йўрäк йыртылур* – Алп Эр Тўнга ўлдими, бевафо дунё қолиб кетдими, дунё ундан ўз ўчини олдими, энди юраклар пора-пора бўлмоқда (МК 1-760, алп тегин ш.н. Алп Тегин, яъни баҳодир қул (Мк 1-391).

**АЛПАҒУТ** ботир, баҳодир, паҳлавон, енгилмас, курашчи; сара жангчилар; ҳарбий аъёнлар: *қорқма аңар отру туруб тэгрä йэрä / қапса аныңн алпағутын андан йара* – ундан (ёв лашкаридан) қўрқма, уни қарши олиб ёнгинасида тур, унинг ботирларини куршаб ол, ундан ажратиб, мажақлаб ташла (МК 3-427). *Бузрач йэмä қудурды / алпағутын азырды / сўсин йана қадырды / кэлгäли-мäт иркишўр* – Бузрач яна кутуриб жунбишга кирди, сара жангчиларини ажратиб олди, лашкарини яна қайтарди, (улар яна) юришга тўпланишмоқда (МК 1-161).

**АЛПЛЫҚ** ботирлик, мардлик, жасорат: *увутқа болуб қорқлық алплық қылур / öкўнчкä болур эр öзин öлдўрўр* – уят-андишани ўйлаб қўрқоқ ботирлик қилади, афсус-надоматли киши ўзининг бошига ўзи етади (ҚБН 87). – Ар.18. Таф.49.

**АЛСА** – олишни истамоқ: *ол ат алсады* – у от олишни истади (Мк 1-276).

**АЛСЫҚ** – олинмоқ, тортиб олинмоқ; олдириб қўймоқ, ўғирлатмоқ, ҳақдан урдирмоқ: *бу ўч нэң турур эр кöз äзмäсä öз /*

*башын алсықар кэз˙ көз˙ äзсä бу öз* – мана шу уч нарсадан одам ўзини эҳтиёт қилмаса, боши кетади, (улардан) одам ўзини ниҳоятда тийиши керак (ҚБН 149а). *Билир болса қиймат ол арсықмаса / сатығда тавығда нэң алсықмаса* – баҳони биладиган бўлса (токи) у алданмаса, олди-соттида ҳақидан урдирмаса (ҚБН 104б). *Ол тав˙арын алсықты* – у мол-бисотини олдириб қўйди (МК 1-245). *Öг алсық* – ақлни йўқотмоқ: *қойқашиб йатса аның йўзингä / алсықар öгин аның сöзингä* - (ким) унинг қўйнида кучоқлашиб юзига боқиб ётса, у унинг (майин ва ёқимли) сўзларидан ақлини йўқотади (МК 1-245). – Ар. 18.

**АЛТЫН** ост; куйи, паст; олдда; қуйидаги, пастки: *буларда эң алтын бу йалчық йарур* – улардан энг пастда ой ёруғлик сочади (ҚБВ 15.) *Сöзўм оғлума сöзлäдим мэн тоңа / оғул мэндä алтын мэңä нэ тэң-а* – мен сўзларимни ўғлимга сўзладим, менинг олдимда ўғлим бор, менга нима тенг келади (ҚБН 14а). – Таф.49. “низ; спина; опора”.

**АЛТМЫШ** олтмиш: *кимўң йашы алтмыш тўгäтсä сақыш / татығ барды андын йайы болды қыш* – кимнинг ёши олтмиш ҳисобини тугатса, ундан ҳаловат кетади, ёзи қишга ўтади (ҚБН 20а). *Йыл алтмыш эки эрди тöрт йўз била / бу сöз сöзлäдим мэн тутуб жäн сўрä* – тўрт юз олтмиш иккинчи йил эди, мен жонимни тикиб ушбу сўзларни сўзладим (китобни ёздим). (ҚБҚ 392). – Ар.18. Таф.50. Ся.1-47.

**АЛТУН** 1. олтин, зар, тилло; олтин танга, пул (МК 1-142): *кўмўш қалса алтун мэниңдин сэңä / аны тутмағыл сэн бу сöзкä тэң-а* – мендан сенга кумуш ва олтин қолса, сен уларни бу сўзларимга тенг тутмагин (ҚБН 14а). *Кўмўш кўнгä урса алтун азақын кэлир* (мақол) – кумушни қуёшга қўйса, олтин ўз оёғи билан келади (МК 1-177). *Ол мэниң бирлä бир алтунда ағышды* – у мен билан бир олтин (танга) устида тортишди (МК 1-195). *Алтун-кўмўш* - олтин-кумуш; пул ва бойлик: *нэлўг тэрдим эрди бу алтун-кўмўш / нэлўг˙қылмадым мэн чығайқа улў* – бу олтин-кумушни (пул ва бойликни) нимага йиғиб тердим, нимага йўқсилларга улашиб бермадим? (ҚБН 77б) *Ағыр нэң кишикä бу алтун-кўмўш / öзин тутғучы эр кўмўшдä кўмўш* – бойлик давлат одам учун қадр-қимматли нарсадир, (аммо) ўзини тия олган одам кумушдан ҳам қимматлидир (ҚБН 67б). *Сав алтун* – соф тилло, ёмби: *сав алтун этäр-ол бузулмыш ишиг / сав алтун йазар ол тўгўлмиш кишиг* – соф

олтин бузилган ишни ўнглайди, соф олтин дарғазаб кишининг ҳам чеҳрасини очади (ҚБН 113а) Сун алтун – бир бармоқ узунлигидан бир газгача бўлиши мумкин бўлган яхлит қуйма олтин; ёмби (МК 3-152). – Ар.18. Таф.50. СЯ.1-48.

**АЛТУН** 2. географик, астрономик атамалар ва шахс номлари таркибида иштирок этадиган луғавий бирлик: *алтун тарым* - хон хотинларининг лақаби (МК 1-376). Алтунхан – геогр. Олтинхон, бир тоғ номи (МК 3-422). Алтункан - геогр. Олтинқон, бир тоғ номи (МК 3-422).

**АЛТУНЫ** - *элиг алтуны* – элиг ҳазратлари, *элиг ҳазрати олийлари: элиг алтуны инч эсӓн болсуны / байат бэргӓ барча тилӓк қулсуны* – элиг ҳазратлари хотиржам ва эсон-омон бўлсинлар, нимаики тилак тиласа, тангри беради (ҚБН 179а). *Сарылғаму эрки элиг артуны / илӓнгӓй-му эрки мэңӓ ол кўни* – элиг ҳазратларининг дили азият чекиб қолармикан, бир куни келиб у мени айбга қўярмикан (ҚБН 117а). – ДТС 170 "элиг алтуны государь".

**АЛТУНЛАШ** – олтиндан гаров қўйиб қимор ўйнамоқ, олтин қўйиб гаров ўйнамоқ: *ойнадым алтунлашу* – олтиндан гаров қўйиб қимор ўйнадим (МК 2-129).

**АЛТУР** – олдирмоқ, олишга буюрмоқ; касб қирдирмоқ: *мэң андын йармақ алтурдым* – мен ундан пул олишга буюрдим, ундан пул олдирдим(МК 1-228).

**АЛУЧ** совуқ нарса, совутилган нарса (МК 1-143). – ДТС 40. бот. "алыча".

**АЛУЧЫН** бот. ейиладиган сербўғин бир ўсимлик (МК 1-156).

**АЛУШ** геогр. Алуш, Қашқардаги бир қишлоқ номи (МК 1-93).

**АЛУҚ** жоҳил; кал (?) Алуқ ар – жоҳил одам (МК 1-98).

**АЛЧАҚ** юмшоқ табиатли, мулойим, ювош; нозик, зариф, тавозели, хуштабиат (МК 1-126): *нэгў тэр эшит кӧңли алчақ киши / кишилик қылығлы кишилик тушы* – юмшоқ табиатли киши нима дейди, эшит у одамийликка муносиб одамийлик қилувчидир (ҚБН 165а0. *Тўзўн эрди алчақ қылынчы силиг / увутлуғ бағырсақ ақы кэң элиг* – (пайғамбар) олижаноб, мулойимтабиат, қилиқлари манзур, андишали, меҳрибон, саховатли, қўли очиқ эди (ҚБН 9а). *Алп йағыда / алчақ чоғыда* (мақол) - ботир жангда, ройиш (мулоҳазали) баҳсда синалади. (МК 1-770. *Алчақ тут* - босиқ тутмоқ, мулойим тутмоқ: *тили бирлӓ йумшақ сўчиг тутғу сӧз / кӧңўл тутса алчақ*

*йаруқ тутса йӱз* - тилдан чиқадиган сўзи юмшоқ, ширин бўлмоғи керак, кўнгли мулойим, чеҳраси очиқ бўлмоғи керак (ҚБН 97а). – Ар.16. Таф. “алчах”. СЯ 1-49.

**АЛЧЫ** ҳийлакор, маккор, айёр: *бу алчы ажӱн қылқы ырсал йайыг / осал болма сақлан йолы кэз батыг* – бу маккор дунё, унинг қилиғи – жафо, бевафолик, ғофил бўлма, ҳушёр бўл, унинг йўли жуда чуқур (ва ботқоқликдир) (ҚБН 189а). *Болу бэрмäдим мэн сöзӱӊ тутмадым / бу алчы ажунқа öзӱм бöтмäдим* – мен розилик бермадим, сўзларингни қабул қилмадим, бу фирибгар дунёга мен мутлақ ишонмадим (ҚБВ 143). *Йэмä алчы болса қызыл тилкӱ-тэг / тэтир буграсы-тэг кöр öч сӱрсä кэг* – яна қизил тулки каби айёр бўлма, нор туя каби узоқ муддат ўч-кекини сақласа, назар сол (ҚБН 88а). – Ар.16.

**АЛҚ** – емирмоқ, йўқ қилмоқ, хароб қилмоқ; чек қўймоқ; маҳв этмоқ: *осаллық мэни алқты öкӱнӱр öзӱм / узунгыл осал болма кöрклӱг йӱзӱм* – ғофиллик мени маҳв этди, ўзим ўкинмоқдаман, ҳушёрлангин, ғофил бўлма, эй чиройли юзлигим (ҚБН 50б). *Сэни алқтачы бу этöз татгы-ол / этöз қылқы барча сэӊä қатқы-ол* – сени ҳалокатга бошловчи тану жон ҳаловатидир, тану жоннинг қилиғи эса сенга бўйинсунмасликдир (ҚБН 195а). Ол тав᾿арын алқты – у молини йўқ қилиб юборди (МК 3-425). *Нэлӱг аӊар билиштим / қучшуб тақы қавуштум / тӱзӱнлӱгин қайыштым / алқты мэниӊ йайымы* – нега у билан танишдим, бағир очиб опоқ-чапоқ бўлдим, юмшоқлик билан меҳрибонлик кўрсатдим? У бутун ёз фурсатимни бекорга кетказди (Мк 3-206). – Ар.16.

**АЛҚА:** алқа болук: этн. *Алқа бӱлук,* ўғуз уруғларидан бирининг номи (МК 1-90).

**АЛҚА** – олқишламоқ, офарин айтмоқ, мақтамоқ: *киши кöрсä öгсä сэни алқайу / атыӊ барса элдä вафāлыг тэйӱ* – одамлар сени кўрганда офаринлар айтиб мақтасалар, эл орасида вафоли деган номинг тарқалса (ҚБН 207б).

**АЛҚАЛ´** – олқишланмоқ, олқиш айтилмоқ: *бэгкä алқыш алқалды* - бег шаънига олқиш айтилди (МК 1-251).

**АЛҚАШ** – олқишлашмоқ, ўзаро бир-бирини мақтамоқ: *алплар арыг алқышур / кӱч бир қылыб арқашур / бир-бир ӱзä алқашур / эзкäрмäзиб оқ атар* – баҳодирлар бир-бирларини мақташадилар, кучларини бирлаштириб бир-бирларига кўмаклашадилар, бир-

бирларига таҳсин айтиб далда берадилар, ўлимдан қўрқмай ўқ отадилар (МК 1-2400.

**АЛҚЫ** – олқишламоқ, мақтамоқ, таҳсин айтмоқ: *ўкўш алқыйу öгди öгдўлмишиг* – кўп олқишлаб Ўгдулмишни мақтади (ҚБВ 159). қ. АЛҚИТ.

**АЛҚЫН** 1. олқинмоқ, емирилмоқ, тугамоқ, йўқ бўлмоқ: *нэчä тэрсä дунйā тўгäр алқынур / битисä қалур сöз ажун тэзгинўр* – мол-дунёни қанча йиғиб-термагин, у тугайди, йўқ бўлади, сўз ёзиб қўйилса, абадий қолади, оламга тарқалади (ҚБН 11а). *Алқынди нэӊ* – нарса тугади (МК 1-255). *Қышқа этин кэлсä қалы қутлуғ йай / тўн-кўн нэчä алқынур öзлäк билä ай* – баракали ёз келса қишга тайёрлан, кеча-кундузлар ўтиши билан ой ва муддатлар ўтиб кетади (МК 1-111). 2. Ўлмоқ: *эр алқынды* – одам йўқ бўлди, ўлди (МК 1-255). – Ар.18 Таф.49.

**АЛҚЫТ** – олқишламоқ, мақтамоқ: *ўкўш алқыту öгди öгдäлмиш-а / айур сöзладыӊ сэн öзўӊ билмиш-а* – кўп олқишлаб Ўгдулмишни мақтади, сен ўзинг билганларингни сўзлаб бердинг, деди (ҚБН 202а). қ. Алқы. – Ар.18.

**АЛҚЫШ** олқиш, мақтов, таҳсин; табрик; дуо, мадҳ, сано: *увутсуз кишидин йырақ тур тэзä / мэниӊдин миӊ алқыш увутлуғ ўзä* – андишасиз одамдан қочиб, узоқроқда тур, мендан андишали одамга минг тасаннолар (ҚБН 54а). *Бэгкä алқыш алқалды* – бег шаънига олқиш айтилди (МК 1-251). *Алқыш бэр* – мадҳ айтмоқ, сано айтмоқ; дуо қилмоқ: *элиг бэрди алқыш кöр айтолдықä / айур тўнлä-кўндўз мэӊä тур йақа* – элиг Ойдўлдига таҳсинлар ўқиди, кечаю кундуз менга яқин тургин, деди (ҚБН 33а). *Ол бэгкä алқыш бэрди* – у бегга дуо йўллади (МК 1-123). *Йалавачқа алқыш бэргил* – пайғамбарга мадҳу сано айтгин (МК 1-1230. – Ар.18. Таф.49.

**АЛҚЫШ** – 1. йўқ қилишмоқ, йўқ қилишда баҳслашмоқ: бой экки билä алқышты – икки қабила бир-бирини йўқ қилишди (МК 1-240).

**АЛҚЫШ** 2. қ. АЛҚАШ.

**АЛҒУ** оласи, оладиган нарса: *бэзиӊ анда бир чарт алғумыз бар* – бизнинг ундан бир оз оласимиз бор (МК 1-328). қ. АЛЫМ, АЛЫҒ.

**АЛҒУҚ** геогр. Алғуқ, Қошғардаги бир қишлоқнинг номи (МК 1-126).

**АМ** к.ё.с. ҳам, ҳамда: *қазā бирлä учқан халық қушлары / қарыға қонар ам қафасқа кирӳр* – казо туфайли учиб юрувчи ҳаво қушлари билакка қўнади ҳамда қафасга киради (ҲҲ 1-86). қ. ҲАМ.

**'ĀМ** қ. Авом, қора авом, фуқаро, оддий халқ: *сӧзин кэсти ӧгдӳлмиш айды қазаш / бу йаңлығ турур 'āм йорықы адаш* – Ўгдулмиш сўзини тугатаркан, эй қариндош, авомнинг таомили мана шунақа бўлади, эй дўстим, деди (ҚБН 165б). *Ӧгдӳлмиш озғурмышқа қара 'āм бузунлар бирлä қатылмақны ӧгрäтӳр* - Ўгдулмиш Ўзғурмишга қора авом халқлар билан муомала қилишни ўргатади (ҚБН 156а). – Ар.19.СЯ 2-56.

**АМАЛ** а. умид, истак; ўйлов, хаёл: *амал тэмишим дост узун санмақ-ол / узун санма сақыш ӳкӳш қыл 'амал* – ўй-хаёл деганим, эй дўст, узоқ ўйга ботмоқдир, узоқ ўйга ботма, кўпроқ амал қилиб иш битиргин (ҲҲ 1-201). *Амал сӳр* – узоқ хаёл сурмоқ, хом хаёл қилмоқ- *йэмä пандим алғыл узатма амал / амал исрäсиндä пусуқлы ажал* – албатта панд-насиҳатимни олгин, ўй-хаёлни чўзма, ўй-хаёл тагида ажал писиб ётади (Ҳ1-200Ҳ. – СЯ 1-50)

**'АМАЛ** а. иш, амал, шуғл, машғулот: *амал тэмишим дост узун санмақ-ол / узун санма сақыш ӳкӳш қыл 'амал* – ўй-хаёл деганим, эй дўст, узоқ ўйга ботмоқдир, узоқ ўйга ботма, кўпроқ амал қилиб иш битиргин (ҲҲ 1-201). *'Амал қойды 'āлим зāҳид зуҳд варā' / āри рақс чықарур урур хош самā'* – олимлар машғулотларини ташладилар, зоҳидлар зуҳдни ва тақвони тарк этдилар, уламолар рақсга тушадилар, ёқимли ашулалар айтадилар (ҲҲ 3-401-402). *Пусуғда кӧзäр бу кӧрӳнмäз ажал / осалын басықур умунчын 'амал* – ажал кўзга кўринмайди, пистирмада пойлаб ётади, ғофиллик туфайли (одам) умид ва амал устида кўққисдан унинг босқинига учрайди (ҚБВ 179). – Ар.19. СЯ 2-552.

**АМĀН** а. омонлик; халос: *амāн бэрди эркä салāм қылғучы / салāмат булунды 'алайк алғучы* – (биринчи бўлиб) салом қилувчи (ўзга) кишига омонлик берган (тилаган) бўлади, алайк олувчи (саломни олувчи) эса саломатлик топади (ҚБН 183а). *Нэгӳ тэр мэни ӳшкӳрӳр-му ду'ан / ду'ā ол байатдын балāқа амāн* – нималар дейди, дуода мени эслайдими? Дуо балодан қутулиш учун Худо берган халосликдир (ҚБН 2096б. – Ар.19. СЯ 1-123.

**АМĀНАТ** қ. омонат, сақлаш учун топширилган нарса, эҳтиёт: *тапуғсақ нэ ӧзкäй йэмä иймäнӳг / амāнат билä болса кӧңли сӳзӳг* – хизматга берилган, садоқатли ҳамда андишали бўлса, омонатга

нисбатан кўнгли пок бўлса (ҚБН 85б). *қаны ‘аҳд амāнат қаны эдгӯлӯк / кöни келтӯгинчä хайр кетгӯлӯк* – қани аҳду паймон, қани омонат, қани яхшилик? Адолат қарор топгунига қадар хайр барҳам топади (ҲҲ 1-208). *Амāнат аты бар қаны қылдачы / насиҳат сöзи бар қаны туттачы* – омонатнинг фақат отигина бор, унга риоя қилувчи қани, насиҳат сўзигина бор, унга амал қилувчи қани? (ҚБҚ 38). *Амāнат йӯзӯр* – омонат юкламоқ: *амāнат йӯзӯрди бойунқа улуғ / амāнат йӯзäр эркä жāним йулуғ* - (унинг) бўйнига катта омонат (иш) юклади, омонат (иш)ни бўйнига олган кишига жоним фидо бўлсин (ҚБН 67б). *Амāнат кöтӯр* – зиммадан олиб ташламоқ, масъулликдан воз кечмоқ: *сатығчы кöтӯрды амāнатларын / бу узлар кöтӯрди насиҳатларин* – савдо аҳллари омонатга барҳам бердилар, косиб-ҳунармандлар фойдали маслаҳатларини ўртадан кўтардилар (ҚБҚ 382). – Ар.146. Таф. 50. СЯ.1-50. “спокойствие, выдержка”. СЯ.1-124.

**‘АМĀРАТ** а. қ. ‘Имāрат.

**ĀМАЧ** 1. омоч, ер ҳайдаш асбоби (МК 1-86).

**ĀМĀЧ** 2. ф. нишон, мўлжалга олинган нарса ёки нуқта: *оқ āмāчқа йасталды* – ўқ нишонга тегди (МК 3-117). *Ол оқ āмāчқа қырчады* – у ўқ нишонга тегиб тойиб ўтиб кетди (МК 3-292). *Чақ āмāчны урғыл* – нақ мўлжалга ургин (Мк 1-320). – МК 1-86. “эмäг”.

**ĀМĀЧЛĀ** - ф. т. Нишонга олмоқ, мўлжалламоқ: *эр қушуғ āмāчлāды* – одам қушни нишонга олди (Мк 1-293). – Мк 1-293. *“эмäчлäди”*.

**ĀМĀЧЛЫҚ**: *амачлық йэр* ф.т. Отиш машқи ўтказиш учун тайинланган ер (МК 1-166).

**‘ĀМЫЛ** а. омил, ишловчи; ер-сув, ер-мулк ишларини бошқарувчи, соҳибкор: *ағычы битигчи йā иш тутғучы / йā тончы этӯкчи ‘āмил болғучи* – хазинадор, саркотиб мирза ё (бошқа) иш юритувчилар, ё чеварлар, косиблар, соҳибкорлар бўлсин (барчасига ўзига муносиб тортиқ бериш лозим) (ҚБН 94а). – Ар.19. Ся 2-561. “сборщик годового налога”.

**АМИН** а. 1. амин, ишончли; омонат; диёнат: *аминиг хийāнат билä қатмағыл / йарағлығ йарағсыз билä тутмағыл* – диёнатни хиёнат билан қўшмагин, ярогликни яроғсиз билан бирга тутмагин (ҚБН 199б); 2. ишончли ҳолда, хотиржам, тинч, осойишта: *улуш кэнд ичиндä сэн оғрығ арыт / öмäк арқышығ йолда амин йурыт* – шаҳар ва қишлоқлардан сен ўғриларни арит, мусофир йўловчи ва

карвонларни йўлларда хотиржам юрит (ҚБН 199б); 3.= Кўч. Бепарво, парвойи фалак, боқи беғам: *киши амини кōр усаллық қылур / йағы йэтсä öңдÿн усалллар öлÿр* – одамнинг бепарвоси ғофиллик қилади, ёв бостириб келганда (ҳаммадан) бурун ғофиллар ўлади (ҚБН 22б). АМИН БОЛ – амин бўлмоқ, кўнгли тўқ бўлмоқ, ишонмоқ: *бу тэгмä кишикä китāб бэрмäгÿ / апаң достуң эрсä амин болмағу* – ҳар кимсага китоб беравермаслик керак, агарчи дўстинг бўлса ҳам ишонмаслик керак (ҚБҚ 4). *Сақынуқ кэрäк дин изиси арығ / амин болса эл бузны андын арығ* – андиша-мулоҳазали, имон соҳиби, соф бўлиши керак, токи эл, алқи ундан бутунлай кўнгли тўқ бўлсин (ҚБН 84а). амин тут – ишончли тутмоқ, хавф-хатарсиз тутмоқ, бехавотирликни таъминламоқ: *ÿчÿнчи амин тут қамуғ йолларығ / қарақчығ сэкäрчиг арытғыл арығ* – учинчидан, барча йўлларнинг бехавотирлигини таъминла, қароқчи ва йўлтўсарларни бутунлай йўқотгин (ҚБН 201а). АМИНУ-Л-МАМЛАКА – мамлакат ишончи, мамлакат амнияти: *чинлиғлар амину-л-мамлака тэдилäр* – чинлилар мамлакат амнияти дедилар (ҚБҚ 2). – Ар148. Ар.147. “имин”. СЯ 1-124.

**АМИНЛИК** а.1.= Ишонч, ишончлилик; тинчлик-хотиржамлик, кўнгил тўқлилик: *эминлик турур элкä инчлик турур / элиг бузны сэндин сэвинчлиг турур* – сенинг бу ерда бўлишинг эл учун хотиржамлик ва осойишталик бўлади, эл-юрт халқи сендан миннатдор бўлади (ҚБН 206а).

**АМИР** а. амир (МК 1-136). АМИР САЙФИДДИН ш.н. Амир Сайфиддин (ҲҲ 1-215). СЯ 1-51.

**‘АММĀ** а.ё.с. “аммо” зидловчиси: *‘аммā бу китāбни кағарда тÿгäл қылыб* – аммо бу китобни Кошғарда тугал қилиб (ҚБН 2а).

**АМР** 1.= Буйруқ, фармон, амр: *уған укми бирлä кэлÿр кэлгäн иш / аның амри бирлä тикäр тикгÿчи* – келадиган иш қодир тангрининг ҳукми билан келади, чақувчи (газанда) унинг амри билангина чақади (ҲҲ 1-212). ҲҲ 1-249 “Амир” – Ар.149. СЯ 1-51.

**АМР** 2. а.= Буйруқдаги хайрли иш, амр. Амр-и Ма'руф, Амр-у Ма'руф – диний таълимотни тушунтириб тарғиб қилиш, ёйиш, орифлик билан қилинадиган хайрли иш: *қаны амр-у ма'руф қылғығлы киши / қаны наҳй-у монкар тыз'ығлы киши* – орифлик билан хайрли иш қилувчи одам қани, муртадликни ва шаккокликни тиювчи одам қани? (ҚБҚ 382). *Қаны амр-у ма'руф қаны эдгÿ эр / қаны кэндÿ эдгÿ киши турғу йэр* – орифлик билан қилинадиган

хайрли ишлар қани, яхши одамлар қани, қани ўзи яхши одамлар турадиган ер? (ҲҲ 1-209). – Ар149. СЯ.1-51.

**АМРАҚ** – *Амрақ кӧңӳл* – ишқ шавқи тушган кўнгил, севгувчи кўнгил (МК 1-126).

**АМРУЛ** – 1.= Тўхтамоқ, тинчимоқ, босилмоқ: *кӧзӳң йӳз˙ти кӧңлуң йэмӓ амрулуб / йурыр-сӓ элиг бирлӓ эз˙гӳ болуб* – кўзинг бардош берди, шунингдек, кўнглинг таскин топиб, сен элиг билан яхши (муносабатда) бўлиб юрибсан (ҚБН 207а). *Тӧшӓк қулды йатты бир аз инчрӳнӳб / узыды бир анча сӳчиг амрулуб* – ўрин (кўрпа) ҳозирлашларини сўради, бир оз роҳатланиб ётди, бир муддат ширин ором олиб ухлади (ҚБН 209а). *Сӧзин кэсти элиг ӧзи амрулуб / қопуб чықты ӧгдӳлмиш андын туруб* – элиг ўзи бир оз тиниб сўздан тўхтади, Ўгдулмиш туриб у ердан чиқди (ҚБН 202б). *Қайнар ашыч амрулды* – қайнаётган қозон (қайнадан) тўхтади (МК 1-2500; 2. кўч.= Сўнмоқ; нафас ўчмоқ, ўлмоқ: *эр тыны амрулды* – одамнинг нафаси ўчди, одам ўлди (МК 1-250). 3. Қўзғалишдан кейин тўхтамоқ (МК 1-250). – МК 1-250. “эмрўлди”. Инд.44. “эмрўлди”. – Ар.19. Таф. 51.

**АМСА̄Л** а.= Масаллар, нақллар, маталлар, ҳикматлар: *чын ҳакимлариниң амса̄ллари бирлӓ йарамыш бу кита̄бны оқыглы* – Чин донишмандларининг ҳикматлари билан дунёга келган бу китобни ўқувчи (ҚБН 1б). – Ар.149. СЯ.1-52. “подобые, похожие, совпадающие”.

**АМУЛ** тинч, сокин, босиқ; хотиржам, осойишта; *қунимли, қарорли: ӧрӳг бол амул бол тӳзӳн бол силиг / қамуг эз˙гӳлӳккӳ тегӳргил элиг* – вазмин бўл, сокин бўл, тўғри ва мулойим бўл, ҳар турли эзгуликларга қўл ургин (ҚБН 57б) *Қалыр дунйа̄кӓ бэрмӓ сақлан кӧңӳл / жафа̄чи турур бу эй қылқы амул* – қолиб кетадиган дунёга кўнгил берма, сақлан, у жафокордир, эй феъли барқарор (ҚБН 220б). *Қанча бардың эй оғул / эрдиң мунда инч амул* – эй ўғил, қаёққа кетдинг, бу ерда тинч ва хотиржам эдинг-ку (МК I-104). *кэлгил амул ойналым* – келгин, бамайлихотир ўйнаб-кулишайлик (МК 3-145). *Амул-амрул* – катъий қарорга келмоқ, мутлақ тиниб-тинчимоқ, хотиржам бўлмоқ: *нэтӓгликкӓ кирмӓ кӧз˙азгил кӧңӳл / барынга бӳтӳн болғыл амрул-амул* – қанақалигини суриштирма, ўпкангни босиб ол, (тангрининг) борлигига иқрор қилгин-у, тиниб-тинчигин (ҚБН 8а). – Ар.19.

**АМУЛЛУҚ** тинчлик, хотиржамлик, вазминлик, босиқлик, сокинлик: *ачыг бэргӳ эрсӓ эвиб тэрк тэгӳр / қынын бэркӓ урма амуллуқ*

*öзÿр* – инъом бериш лозим бўлса, шошилиб тез етказ, жазолаб калтак урма, вазминликни касб қил (ҚБН 866). *эвäклик турур барча йаңлуқ иши / амуллуқ турур барча эзгÿ иши* – шошқалоқликниг барча оқибат ишлари чалкаш бўлади, вазминликнинг барча оқибат ишлари хайрли бўлади (ҚБН 29а). – Ар. 19.

**АМУРТ** – 1. тинчлантирмоқ, босмоқ, тинчлатмок; *ол бэг öпкäсин амуртты* – у бегнинг ғазабини сўндирди, босди (МК 3-434); 2.= Асовликдан туширмоқ, ювошлатмоқ, ўргатмоқ, ром килмоқ: *тосун мÿнÿб сэкиртсÿн / эсизликин амуртсун* – асов тойни миниб ўйноқлатсин, асовлигидан туширсин (МК 3-434). 3.қозон қайновини пасайтирмок (МК 3-434). МК 3-434 "эмÿртти". инд. 44 "эмÿртти".

**АМУШ** – довдирамок, эсанкирамоқ, саросимага тушмоқ, ўзини йўқотиб қўймоқ: *амушды эр* – одам эсанкираб лол қолди (МК 1-198). – МК 1-198. “тинган, тинчиган, қутулган одам”. ДТС 42. “отропеть, замереть”.

**АМУЧ** сафардан қайтган кишининг қариндош-уруғларига келтирадиган совғаси, армуғон (МК 1-158). қ. АРМАҚАН, АРМАҒАН.

**АМШУЙ** бир нав сариқ олҳирот (МК 1-138). ДТС 42. “вид жёлтой груши”.

**АН** ол олмошининг турли қўшимчалар қўшилганда оладиган шакли. қ. ОЛ.

**АНА** она (МК 1-119): *ана оғрылық сув алынса йашут / оғул туғса андын болур халққа йут* – она яширинча ўғрилик оби мани олса, ундан ўғил туғилса, халқ бошига битган бало бўлади(ҚБН 207а). *ата бир ана бир уйалар бу халк / тафäвутлари йоқ ота эртисä* - бу халқлар ота бир, она бир туғишган қариндошдирлар, ўта синчиклаб суриштирсанг, уларнинг тафовутлари йўқдир (ҲҲ 2-128). кэнч анасын эмди – бола онасини эмди (МК 1-181). *Ата-ана* – ота-она: *атасын-анасын йулуғ қылды ол / тилäк уммат эрди айу бэрди йол* – у атасини ва онасини ҳам ёдидан чиқарди, (унинг) тилаги умматлари эди, (уларга тўғри)йўл кўрсатиб берди (ҚБН 8б). – Ар. 19-20. Таф. 51. СЯ 1-52.

**АНАЛА** – она демоқ, она хисобламок, она деб атамоқ: *ол аны аналады* - у уни она деб атади, у уни она деб ҳисоблади (МК 1-302)

**АНАЛЫҒ** онали, онаси бор, онаси ҳаёт: *аталығ атасыз қалыр йалңузун / аналығ анасиз болур öгсÿзÿн* – отали отасиз бўлиб ёлғиз қолади, онали онасиз бўлиб етим колади (ҚБН.194 а). – Ар.20.

**АНАСЫЗ** онасиз, онаси ўлган: *аталығ атасыз қалыр йалңузун / аналығ анасыз болур ӧгсӯзӯн* – отали отасиз бўлиб ёлғиз колади, онали онасиз бўлиб етим қолади (ҚБН 194 а). – Ар. 20.

**АНАЧ** – кич. эрк. онагина, она қиз; зийраклиги билан хамманинг онасидек ҳисобланувчи ёш қиз, зийрак қиз (МК 1-86).

**АНАҚЫ** кич.= Эрк. Онагинам (МК 3-230).

**АНД** онт, қасам (МК 1-73): *апаң андға эрсӓ эминлик бӱтӱнлӱк / бу анд тутғучы ким аны эр атайы* – инонч ва ишонч онт билан бўладиган бўлса, онтни тутувчи ким? Мен уни мард деб айтайин (ҚБҚ 390). *Бычғас битиг қылурлар / анд кэй йэмӓ бэрӱрлӓр* – аҳд-нома ёзадилар / уни пишиқлаштириб / қатъий онт ҳам ичадилар (МК 1-427). – Ар.20. Таф.51. “анд”. 52, “ант”. СЯ 1-53. “анд” 1-56. “ант”.

**АНДА** 1. ол олмошининг ўрин-пайт ва чиқиш келишигидаги шакли, унда; ундан: *нэ тӱрлӱг иш эрсӓ билигсиз ӧңи / ӧкӱнч-ол, ана йоқ оң анда адын* – билимсизнинг олдида қандай иш бўлмасин, унинг учун афсусу надоматдан иборат, ундан ўзга қисмати йўқ. (ҲҲ 1-16б). 2. Унда, у ерда (МК 1-146): *сэниң анда тапғуң намāз-ол бири / тақы бири роза тутар-сӓ уры* – сенинг у ерда қиладиган тоатларингдан бири намоздир, яна бири -рўза тутасан, эй ўғил (ҚБН 119б). *Қылыч қайда эрсӓ кӱмӱш анда-ол / кӱмӱш қайда эрсӓ қылыч тутты йол* – қилич қаерда солинса, кумуш ўша ердадир, кумуш қаерда бўлса, қилич (шу ерга) йўл тутади (ҚБН 113а). *мэн анда эрдым* – мен у ерда эдим (МК 1-133). *ол тақы анда* – у ҳам у ерда (МК 3-24б). *қордай қуғу анда учуб йумғын утар* – у ерда қўрдай (пеликан), оққушлар учишиб жами хушовоз билан сайрашади (МК 3-259). *Анда баса* – ўша туфайли (дан): *қайу бэг бу тӧрт иш тӱгӓл қылмаса / эрӱклӱк кирӱр элкӓ анда баса* – қайси бег бу тўрт ишни тугал қилмаса, ўша туфайлидан эл орасига раҳна тушади (ҚБН 212а). *анда нару* – ўшандан бўён, ўшандан бошлаб, шундан бўён: *қорын бады ӧгдӱлмиш анда нару / қыйықсыз тапуғ қылды эртӓ бару* – ўшандан бошлаб Ўгдулмиш хизмат камарини боғлади, барвақт бориб оғишмай хизмат қилди (ҚБН 63б) қ. ол. – Ар.20. Таф.51. СЯ 1-54.

**АНДĀМ** ф. андом, тана аъзолари, мучалар: *эт ӧз йэтти андāм кӧңӱлкӓ узар / кӧңӱл бирлӓ йалңук ағыр йӱк йӱзӓр* – тана ва етти муча кўнгилга эргашади (бўйинсунади), кўнгил туфайли одам оғир юк кўтаради, машаққат чекади (ҚБН 104б). *кӧңӱл бэг турур йэтти андāм ӱзӓ / бэги башласа қулны йӱгрӱр туз-а* – кўнгил бами-

соли етти муча устидан турган бегдир, қулларни бег бошласа, барчаси (унинг кетидан) югуради (ҚБН 104б). – Ар. 149. Таф.52. СЯ 1-55.

**АВДАН** 1. *ол* олмошининг чиқиш келишигидаги шакли; 2. сўнг, кейин (МК1-133) 2. андын айдым – кейин айтдим (МК1-133). қ ОЛ.

**АНДАҒ** ундай, ўшандай, шундай (МК 1-140): *нэгў сöзлäгў эрсä сöзлä тилин / йарағы нэ эрсä сэн андағ қылын* - нима сўзлаш лозим бўлса, тилингда сўзла, маъқули нима бўлса, ўшандай қилгин (ҚБН 121б) *нэгў-тэг қылынса сэн андағ қылын / сўчиг сöзлäсä сöз сўчиг бол тилин* – у қандай қилса, сен ўшандай қилгин, сўзни ширин сўзласа, сен ҳам ширин сўз бўл (ҚБН 155б). *ол андағ тэтўрди* – у шундай дедирди (МК 3-203), *ол мэңä андағ тэди* - у менга шундай деди (МК 3-265). *андағ айдым* – шундай дедим (МК 1-140). *ол андағ тэг* – у ўшандоқ (МК 3-170) – Ар.20. Таф. 51. СЯ 1-54.

**АНДЫН** ол олмошининг чиқиш келишигидаги шакли: *иглäди мэниң азақ / кöрмäзиб оғры тузақ / иглäдим андын узақ / эмлäгил эмди тузақ* – яширин тузоқни кўрмасдан (босиб) менинг оёғим яраланди, ундан узоқ дард тортдим, эй гўзал, энди ўзинг даволагин (МК 1-361) – Ар.20. Таф. 52. қ. ол.

**АНДЫҚ** – онт ичмоқ, қасам ичмок: *эр андықты* – одам онт ичди (МК 1-245).

**АНДЫҒ** элак, ғалвир кабиларнинг гардиши (МК 1-140).

**АНДЛЫҒ** ондли, қасамли, қасамёд қилган: *уқуш-ол сэңä эзгў андлыг адаш / билиг-ол сэңä кэз бағырсақ қазаш* – ақл-заковат сенга эзгу онтли дўстдир, билим сенга ўта меҳрибон қариндошдир (ҚБН 18б). –Ар.20.

**АНДҒАР** – қасам ичирмоқ, онт ичирмоқ: *мэн аны андғардым* – мен унга қасам ичирдим (МК 1-303). Қ. анғар.

**АНЫ** – ол олмошининг тушум келишигидаги шакли. қ. ОЛ. – Ар.20. Таф.52.

**АНЫН** 1. ол олмошининг восита келишигидаги шакли. 2. Шунинг учун, шу сабабли, шу туфайли: *анын эзгў эрмäз бу дунйä нэни / кимиң болса эврäр қылынчы йаны* – бу дунёнинг моли шунинг учун яхши эмаски, (у) кимда бўлса, (ўшанинг) хулқ-атворини бузади (ҚБН 131б). *Улуғ тэңри ағырлады / анын қут-қув тозы туғды* – улуғ тангри ярлақади, шу сабабли бахт-иқбол ғубори кўтарилди, бахт давлати ортди (МК 1-294). *Қузғун йаңан сайраб анын ўни бўтäр* – қузғун, олақарғалар қағиллайвериши боис товушлари битади (МК 3-259). қ.ОЛ.

**АНЫҢ** ол олмошининг қаратқич келишигидаги шакли: *аныҥ охшағы йок ази мэҥзäги* – унинг (тангрининг) ўхшаши ёки монанди йўқдир (ҚБН 8а). *Аныҥ алымы бўтти* – унинг (бировдан) оладиган нарсаси, қарзи исботланди, аниқланди (МК 2-3390. қ. ОЛ. – Таф.52.

**АНЫНДА** ол олмошининг қаратқич ва ўрин-пайт, чиқиш келишигидаги шакли. *Анында баса* – ундан бошқаси, ундан кейингиси: *анында баса бу оғул-қыз турур / оғул-қыз йўкин йўзмäк эмгäк болур* – ундан кейингиси – бу ўғил-қиздир, ўғил-қиз ташвишини тортмоқ машаққат бўлади (ҚБН 132а). *Анында нару* – ундан бўлак, ундан бошқа: *анында нару барча йылқы саны / тилäсä муны тут тилäсä аны* – ундан бўлак барчаси ҳайвон қабилидадир, истасанг бунисини танла, истасанг унисини (ҚБН 16б). қ. ОЛ.

**АНЫНДЫН** ол олмошининг қаратқич ва чиқиш келишикларидаги шакли: *тилäким анындын унунчым аҥар / сығынғу изим ол қўвäнгўм аҥар* – тилакларим – ундан, орзу-умидларим у билан, сиғинадиган эгам-у, ундан шодлик топаман (ҚБН 172б). қ. ОЛ.

**АНЫҢСИЗ** усиз: *орун ол тöрўтти орун йоқ аҥар / анынсыз орун йоқ муқирр бол муҥар* – ўринни у яратган, унинг ўрни йўқ, усиз ҳам ўрин йўқ, бунга иқрор бўлгин (ҚБН 8а).

**АНЫНЧА** у каби, унга ўхшаш: *бу аныҥча* – бу унга ўхшашдир, бу у кабидир (МК 3-224).

**АНИС** а. улфат, ҳамсуҳбат; маслаҳатчи: *чинийлар адаб-ул-мулук тэб айар / мачинлар анис-ул-мамāлик ма айар* – чинлилар маликлар одоби деб атайдилар, мочинлар мамлакатлар (ҳоким-ларнинг) маслаҳатчиси деб атайдилар (ҚБҚ 50. – Ар.150.

**АНИШАРВАН** қ. Ануширвāн, Нушинравāн.

**АНЛАЙУ** ўшандай, ўшанга ўхшаш, унга мос, унга монанд: *бу тўш кöрсä йöрмä билў-билмäйў / нэ-тэг йöрсä тўшни болур анлайу* – туш кўрсанг, (ўзингча) билиб-билмасдан йўйма, тушни қандай йўйсанг, ўшандай бўлиб чиқади (ҚБН 216б) – Ар.21.

**АНЛАР** ол олмошининг кўплик шакли: *расуллар öрўҥ йўз бу ол йўзкä кöз / йа анлар қызыл эҥ бу эҥгä мэҥ-а* – (ўзга) пайғамбарлар оқ юз бўлсалар, бу (Муҳаммад пайғамбар) ўша юздаги кўздир, ёки улар қизил юз бўлсалар, бу (Муҳаммад пайғамбар) ўша (қизил) юзга (ярашиб тушган) холдир (ҲҲ 2-103). қ. ОЛ. – Ар.21.Таф.53.

**АНСЫЗ** усиз; бусиз: *қатығлан аны кэлдўр эмди мэҥä / қуруғ кэлмä ансиз мэҥä ай тоҥа* – ҳаракат қил, уни менинг ҳузуримга олиб кел, олдимга усиз қуруқ келма, эй мард баҳодир (ҚБН 121б). –Ар.21.

**АНУ** – тайёрланмоқ, ҳозирланмоқ, тахт бўлмоқ: *ануды нэң* – нарса тайёрланди (МК 3-272).

**АНУМЫ** – маҳов касаллиги (МК 1-155).

**АНУН** – ҳозирланмоқ, отланмоқ, тайёрланмоқ, шайланмоқ; қасд қилмоқ, тайёр турмоқ, шай турмоқ: *ӧлўгни кӧрўгли ма қалмас тириг / ӧлўмкä анун тутма қылқың ириг* – ўликни кўрувчи ҳам тирик қолмайди, ўлимга ҳозир тур, феълингни дағал тутма (ҚБН 186а). *Сўчўк таттың эрса ачыққа анун / бирин кэлсä рāҳат кэлўр ранж онун* – сучик тотиган бўлсанг, (кетидан келадиган) аччиққа ҳозирлан, роҳат битталаб келса, ранж ўнталаб келади (ҲҲ 1-194). *эсизликиг анунма* – ёмонликка қасд қилма (МК 3-176). *ол йағықа анунды* – у душманга қарши ҳозирланди (МК 1-213). артут *алыб анунғыл / эзгў тавар оғурлуқ* – (улардан) совға олиб яхши нарсадан эваз ҳадя ҳозирла (МК 1-137). *сэниңдä басақы сэңä чық тэйўр / анунды кӧзäр ош мэниң тэр мэниң* – сендан кейинги (авлод) сенга (бу дунёдан) чиқ дейди, улар шайланган, (чиқишингни) кутиб ётибдилар, бу (дунё навбати) меники, меники деб турибдилар (ҚБН 187б). ҲҲ. 1-250 "ҳисобла, йўй". – Ар.21.

**АНУҢ** ол олмошининг қаратқич келишиги шакли: *агар кибр идиси асил-мэн дэсä / айайын мэн ануң җавāбин кэсä* – агар кибрли киши асилман деса, мен унинг жавобини кесиб айтайин (ҲҲ 2-128). қ. ОЛ.

**АНУТ** – ҳозирламоқ, шайламоқ, тайёрламоқ; ҳозирланмоқ, шайланмоқ, тайёрланмоқ: *сэңä эзгў қылды элиг миң йанут / ол эзгў йануты сэн эзгў анут* – элиг сенга минг баробар яхшилик қилди, ўша яхшилик баробарида сен ҳам яхшилик ҳозирла (ҚБН 208а). *эй йэгли ичигли йавалық билä / сақышқа анутғыл чықыш йол тилä* – эй беҳудалик билан еб-ичувчи, ҳисоб (бериш)га ҳозирлан, чиқиш (қутулиш) йўлини иста (ҚБН 190б). *Э дунйā тэриб сэн йэйўмäз киши / йэгўчи ануқ ош анут сэн ашы* – эй, сен,мол-дунёни йиғиб ундан баҳраманд, бўлолмайдиган киши, еювчи (ўлим) тайёрдир, сен овқатини ҳозирла (ҚБН 66а). толум анутса қулун булур (мақол) аслаҳа-анжом ҳозирлаган киши той топади (МК 1-221). *ол йағықа толум анутты* – у душманга қарши қурол-аслаҳа ҳозирлади (МК 1-221). – Ар.21. Таф.53. СЯ.1-57.

**АНУШИРВĀН** ф. ш. н. Ануширвон, сосонийлар сулоласидан бўлмиш Эрон шоҳи Хусрав I нинг лақаби: *тэтигликдä кэндў айāзтын озуқ / дāд инсāф тутар чын ануширвāни* – зийракликда

ўзи Аёздан ҳам ўтади, додга етиш ва инсофда нак Анушир-вончасига адолат қилади.

**АНУҚ** аниқ, тайин, муқаррар; накд; шаксиз, шубҳасиз; ишончли, холис; бор, мавжуд: *фасāд тэгрä турма йурыма йағуқ / фасāд қайда болса учузлуқ ануқ* – фитна атрофида турма, яқин юрма, фитна қаерда бўлса, қадрсизлик муқаррардир (ҚБН 160а). *қайусы туғардын тутар миң таңуқ / қайусы батардын тапуғчы ануқ* – баъзилари Шаркдан минглаб ҳадялар тутмоқда, баъзилари Ғарбдан холис хизматкордирлар (ҚБН 19а). *ташыртын нэгӳ тӳшсä йаңлуқ йазуқ / муну мэн бу кöрдäчи қул-мэн ануқ* – четдан нимаики хатолик, янглишлик содир бўлса, мана, мен уни кўриб, назорат этувчи ишончли қулдирман (ҚБН 115б). *ануқ отру тутса йоққа санмас* (мақол) – накд бор нарса ўртага қўйилса, йўққа саналмайди (МК 1-98). *Йағы болса эшин öңäр жāныңга / йа тэрмиш йумытмыш ануқ малыңга* - ошнанг душманлик қилса, жонингга қасд қилади ёки йиғиб-терган накд молингга (қасд қилади) (ҚБН 154а). *ануқ бол* – тайёрланмоқ, ҳозирланмоқ: *кэлдӳр ануқ болмыш ашығ* -тайёрланган овқатни келтир (МК 1-118). *ануқ тур* – ҳозир турмоқ, тайёр турмоқ, шай турмоқ: *öлӳмӳг унытма ануқ тур сақын / öзӳңни унытма тӳбӳңгä бақин* – ўлимни унутма, ҳозир бўлиб тур, ёдда тут, ўзинг кимлигингни унутма, аслингга назар ташла (ҚбН 54б). *ануқ тут* – тайёр тутмоқ, шай тутмоқ, ҳозирламоқ, тайёрламоқ: *бу сöзкä тануқы бу байтығ оқы / бу сöзкä ануқ тут кöңӳл öг тақы* – бу сўзнинг исботи учун ушбу байтни ўқи, дил ва ақлингни бу сўзларга монанд ҳозир тут (ҚБН 79а) – Ар.21.СЯ 1-57.

**АНУҚЛА** – тайёрламоқ, ҳозирламоқ, шайламоқ: *кэзигчä кэлӳр бу öлӳмнӳң қуры / öлӳмкä öзӳң чын ануқлаб йуры* – бу ўлимнинг навбати кези билан келади, ўзингни ўлимга чиндан шайлаб юргин (ҚБН 59а). *ол ануқлады нэңни* – у нарсани ҳозирлади (МК 1-298) – МК 1-298 “у нарсани тайёрланган ҳолда топди ва олди (тайёр нарсани олди)”. Инд. 20 “тайёрланган ҳолда топди – нашел, обнаружил готовим”. – Ар. 21.

**АНУҚЛУҚ** ҳозирлиқ, тайёрлик, шайлик (МК 1-166). – СЯ 1-58.

**АНЧА** 1.= Шундай, шу тарзда, шу тарика; шунчалар, шунчалик: *кöкӳз кэрдым анча йағы санчмыш эр-тэг / кӳвäз-тэг кöзäриб қайа-тэг қадыттым* – ёвни зарбага учратган мард каби шунчалар керилдим, ўзимни мағрурона тутиб қоя каби ғўдайдим (ҚБҚ 387). *Кэлсä қалы қатығлық / эртäр тэйӳ сэрынгыл / öзлäк ышын былыб*

*тур / анча аҳар тирӓнгил* – агар машаққат дуч келса, ўтиб кетар деб сабр қилгин, дунёнинг ишларини тушуниб, англаб тур, унга шу тариқа карши тур (МК 1-115); 2.= Анча, анча-мунча, шунча; ўшанча: *сақыг-ол кӧрӱ турса кӧздӓ учар / нэчӓ ӧз эзӓрсӓ ол анча қачар* – у (бу дунё) назар солсанг, мисоли бир саробдир, у кўздан учади, одам қанча кетидан борса, у шунча қочади (ҚБН 133б). *Овчы нэчӓ ал билсӓ / азыг анча йол билир* – овчи қанча ҳийла билса, айиқ шунча йўл билади (МК 1-94). Бир анча – бир қанча, бир неча, бир қанча муддат: *тэгиб тӱшти олдурды эвкӓ кириб / йэди ичти йатты бир анча сэриб* – етиб тушди, уйга кириб ўлтирди, еди, ичди, бир қанча муддат уйга толиб ётди (ҚБН 143б). *Бу кӧкдӓки йулдуз бир анча бэзӓк / бир анча қулавуз бир анча йэзӓк* – бу кўкдаги юлдузларнинг бир қанчаси безакдир, бир қанчаси йўл кўрсатувчи, бир қанчаси хабарчидир (ҚБН 12а). – Ар.20. Таф.53. СЯ. 1-58.

**АНЧАН** анча маҳал, узоқ муддат: *қайу иш қылыб бӱлмаса ол татыг / қозу бэргӱ анчан эй билги батыг* – ким бирор ишни қилиб ундан завқ топмаса, узоқ муддатга уни ташлаши керак, эй билими мўл (ҚБН 176а).

**АНҒА** қадрсиз, ташландиқ; жўн, сифатсиз: *анга эр* – қадрсиз, нотўкис одам (Мк 1-48).

**АНҒАР** – онт ичирмоқ, қасам ичирмоқ: *ол аны ангарды* – у унга қасам ичирди (МК 1-230). қ. АНДҒАР.

**АН** 1. ё.с.= Йўқ эмас маъносидаги инкор ва итобни ифодалайди. Иш буюрилган одам “*аң-аң*” дейди бу “йўқ-йўқ” демакдир (МК 1-76).

**АҢ** II ёғидан дориликка фойдаланиладиган бир турли қуш номи, ёғи кафт юзига сурилса орқасига ҳам ўтиб кетади (МК 1-76).

**АН** 3. қ. АН.1.

**АҢ** 1. англамоқ, тушунмоқ, уқмоқ: *қапугда кирӱрда оңуң ашнумаң / тилин йарлықарда ӧгӱң бирла аң* – (сарой) қопқасидан киришда ўнг (оёғинг) билан қадам бос, тили билан фармон бераётғанида ақл кўзи билан уқ (ҚБН 147а) қ. АҢА, АҢЛА. – Ар. 20. Таф. 55. СЯ 1-59.

**АҢ** 2. қ. ЭҢ 1.

**АҢА** ол олмошининг жўналиш келишиги шакли: *бу қудрат идиси улуг бир байат / ӧлӱглӓрни тиргӱзмӓк ӓсӓн аңа* – улуғ ва ягона тангри қудрат соҳибидир, ўликларни тирилтириш унга осондир (ҲҲ 2-103). қ. ол. – Ар.20. Таф.55.

**АҢА** – англамоқ, тушунмоқ: *эшит эмди қач байт ҳабиб фазлитин / уқуш ҳош йэтитиб сӧзӳмни аңа* – пайғамбарнинг фазилатлари ҳақида бир неча оғиз сўз эшит  ақл ва идрокни етказиб сўзларимни англа (ХХ I-178). *ӧлӳгтин тириг ҳам тиригтин ӧлӳг / чықарур кӧрӓр-сэн муны кэт аңа* – ўликдан тирик ҳамда тирикдан ўлик чиқаради, кўрасан, буни яхши тушуниб ол (ХҲ 1-102) к. АҢ. АҢЛА.

**АҢАР**. 1. ол олмошининг қадимий жўналиш келишиги шакли: *фидā қылды барıын нэңи ҳам ӧзин / йалавач аңар бэрди экки қызын* – бор-йўғини, мол-дунёсини ва жонини фидо қилди, пайғамбар унга икки қизини берди (ҚБН 9б). *аңар айдым* – унга айтдим *(МК 1-1119). айдум аңар сэвӳг / бизни тапа нэлӳг / кэчтиң йазы кэриг / қырлар эзиз бэзӳг* – унга айтдим: эй севикли, узун чўллар, улкан қир-адирларни ошиб биз томонга қандай қилиб ўтдинг? (МК 1-119). 2. У билан: *аңар нэлӳг билиштим* – у билан нега танишдим? (МК 3-205). Қ. ол. – АР.20. Таф.55.

**АҢДЫ** – чалғитмоқ, фириб бермоқ, алдамоқ; пойламоқ: *авчы кэйикни аңдыды* – овчи кийикни пойлади (Мк 1-302). *Ол аңдыды* – у уни тутиш учун ҳийла ишлатди (Мк 1-302).

**АҢДУЗ** бот.= Андиз, росан, ердан қазиб олинадиган ўсимлик илдизи, отларнинг қорин оғриғи касалига даво қилинади: *аңдуз болса ат ӧлмӓс* (мақол) – росан ўти ёнингда бўлса от ўлмайди. Бу мақол сафарга чиқувчиларни пухта ҳозирланишга ундаб айтилади (МК 1-138).

**АҢЫЗ** анғиз, дон экинлари ўриб олинган ер; шу ерда тўкилиб қолган қобиғдаги дон ва унинг чўплари (МК 1-120).

**АҢЫЛ** ланг очиқ: *аныл ачық қапуг* – ланг очиқ эшик (МК 1-1200.

**АҢЫЛА** – ҳанграмоқ: *эшйӓк анылады* – эшак ҳангради (МК 1-302).

**АҢЫТ** зоол.= Ғозга ўхшаш пушти рангли сув қуши (МК 1-119). – Инд.21. “фламинго”. ДТС 47. “огарь”.

**АҢЛА** – англамоқ, тушунмоқ, уқмоқ: *кӧңӳлкӓ кирӓр-му сӧзӳң тыңлайын / ӧзӳм ӧгрӓнӓр-му аны аңлайын* – сўзларингни тинглайинчи, кўнгилга кирармикиан, ўзим ўрганармиканман, уни англайин (ҚБН 146а) *Ол сӧзӳг анлады* – у сўзни тушунди (МК 1-235). к. АҢ. АҢА. – Ар.20. СЯ 1-59.

**АҢРАШ** к. ЭҢРӒШ.

**АҢУТ** май ва суюқликларни қуйишда қўлланадиган асбоб-идиш, воронка; лейка: *йурт кичӳг болса аңут бэзӳг ур* (мақол) – идиш оғзи кичик бўлса, катта воронка қўй (МК 1-119).

**АП** 1. ё.с. на... на, наинки; йўқ, эмас маъносидаги инкор юкламаси: *ап бу ап ол* – на бу, на у (МК 1-170). *Билигсиз киши көңли қум-тэг турур / öгӳз кирсä толмас ап от йэм ӳнӳр* – нодоннинг кўнгли қум (чўли) каби бўлади, (унга) дарё оқиб кирса ҳам тўлмайди, наинки гиёҳ ва емиш ўсади (ҚБН 41б). – Ар.21. Таф.35.

**АП** 2. ё.с. "хўп" маъносидаги кучайтирув юкламаси: *ап эзгӳ нэң* – жуда яхши нарса (МК 1-70). *Ап оқ* – хўпам оппоқ (МК 1-70).

**АПА** 1.= Она (Мк 1-113); 2.= Ота, отахон (МК 1-113): *йана йандру йанмақ йавалық тапа / йара-му мэңä эй бағырсақ апа* – яна беҳудалик томон қайтмоқ менга ярашармикан, эй меҳрибон отахон (ҚБН 170а); 3.= Одам; биринчи одам: *апа йазды эрсä байат қынады / бу дунйāг тӳнäк қылды эрклиг изи* – одам гуноҳ қилса тангри жазолайди, қодир эгам бу дунёни зиндон қилиб яратгандир (ҚБН 140а). *Апа учмақ ичрä йэди кöр эвин / арынгу қылынды бу дунйā эвин* – (биринчи) одам жаннатда буғдой донини тотди, қара, бу дунё биносини (тангри унга тавба билан) покланиш ери қилди (ҚБҚ 206). *Апалы-ҳавалы* ш.о. Одамато ва Момоҳавво: *апалы-ҳавалы ажунқа иниб / уруғ йазты дунйā ичиндä кэлиб* – Одамато ва Момоҳавво бу оламга иниб, дунё ичига келиб (яратилиб) зурриёд тарқатганлар (ҚБВ 181) *Апа оғланы* – Одамато болалари; одамзод: *нэ мунлуғ турур бу апа оғлани* – Одам(ато) болалари нечоғли мунгли-я (ҚБВ 48). *Апа оғланы барча асли бэзӳг* – одамзод барчаси аслан азиздир (ҚБН 76а) *Торутти апа оғланин бир байат* – одамзодни ягона тангри яратгандир (ҚБН 75а). – ДТС 1 "аба", 47 "апа". – Ар.21.

**АПАҢ** агар, агарчи, мабодо: *апаң болса бэглäр қылынчы эсиз / эсизлäр кӳчäйӳр йузар эзгӳ из* – агар бегларнинг феъли ёмон бўлса, ёмонлар кучаяди, яхши йўл-йўриқларни йўқотади (ҚБН 189а). *Э тэкмä кишикä китāб бэрмäгӳ / апаң достуң эрсä эмин болмағу* – зинҳор ҳар кимсага китоб бермаслик керак, агарчи дўстинг бўлса ҳам хотиржам бўлмаслик керак (ҚБҚ 4) *Апаң сэн барса-сэн* – мабодо сен борсанг (МК 1-53). – Ар.21.

**АР** ф.= Ҳар: *агар билса кашғар тилин ар киши / билӳр ол адибниң нэким аймышы* – агар ҳар киши кошғар тилини билса, ўша адибнинг нима (ики) айтганларини тушунади (ҲҲ 1-216).

**А:Р** – қўнғир, қўнғир ранг: *а:р бöри* – ёлдор бўри, қўнғир бўри (Мк 1-108) Йэсўн сэни *а:р бöри – сени қўнғир бўри есин (МК 1-108). А:р нэн* – қўнғир рангли нарса (МК 1-108).

**АР** – 1.= Алдамоқ, фириб бермоқ, аврамоқ; сипоришмоқ, эркаламоқ: *мэни арды дунйā оқыды сэвā / кöңўл бэрдим эрсā ирикти эвā* – дунё мени авради, севиб ўзига чорлади, мен кўнгил қўйгач, шошилиб (мендан) юз ўгирди (ҚБН 14а). *Кэйик тағы кöрдўм бу тўркчā сöзўг / ани ақру туттум йақурдум ара* – бу туркча сўзларни ёввойи кийик каби билдим, уни оҳиста қўлга киритдим, эркалаб яқинлаштирдим (ҚБҚ 392). қ. А:Р – Ар. 22.

**АР** – 2.= Ҳоримоқ, чарчамоқ, толиқмоқ: *тилāккā барур кāр бу йаңлуқ йуруб / булур öз тилāкин бу қалмаз арыб* – бу халқ юриб тилагига интилади, кўргин, тилагини топади, у ҳориб тек қолмайди (ҚБН 136а). *Ҳарис йығыб армаз усанмаз болур / ҳарислық игиниң эмин ким билўр* – очкўз (мол-дунё) йиғиб чарчамайди, қаноат ҳосил қилмайди, очкўзликнинг давосини ким билади? (ҲҲ 1-130). *Алымлығ кöрў армады / адашлық ўзā турмады* – қарз берувчини кўриб (яна қарз олишдан) чарчамади, дўстликка риоя қилмади (МК 1-165); 2.= Чуқур тин олмоқ, ҳордиқ чиқармоқ, ором олмоқ: *йўзи қызды öңди йана кўлчириб / сақынды бир анча узун кэч арыб* – юзи қиза-риб ранги ўзгарди, яна кулимсираб, чуқур тин олиб, бир оз ўйга толди (ҚБН 140а). *Намāз қылды йатты тöшāккā кириб / бир анча узыды ол анча арыб* – намоз қилди, тўшакка кириб ётди, бир мунча ухлаб анча ором олди (ҚБН 204а). қ. А:Р 2. – Ар.22. Таф.55. СЯ 1-60.

**АР** – 3.= Қунимли бўлмоқ, сабрли бўлмоқ, чидамли бўлмоқ: *сэн ар эвмā ишлāр öзингā тапуғ / öзи кэлсā очлур бу бэклиг капуғ* – сен қунимли бўл, хизмат ишлари пайтида шошилма, фурсати етгач, берк эшик ўзи очилади (ҚБН 26а).

**А:Р** – 1. алдамоқ, аврамоқ: *ол аны а:рды* – у уни алдади (МК1-183). қ. АР 1. *МК* 1-183 "ҳориди, чарчади".

**А:Р** – 2. ҳоримоқ, чарчамоқ: эр а:рды – одам чарчади (МК 1-172 ДТС). қ. – АР 2.

**АРА** I. ўрта, ўрталиқ, ора: *киши ара кирдим* – одамлар орасига кирдим (МК 1-114). 2. ё. с. "орасида, ўртасида, орасига, ўртасига" маъносидаги кўмакчи: *айынламасунлар сэни халқ ара / атың артамасун муны кэз кöр-а* – халқ орасида сени ёмонлаб ёзғирмасинлар, ёмонотлиқ бўлиб қолмагин, бунга жуда эҳтиёт бўл (ҚБН 161 б)

*сöзӱг ким тӱгäтäр нэчä сöзлäсä / аҷа тынмаз артар булаҷлар ара* – қанча сўзлаган билан сўзни ким тугата олади, (чунки сўз сув каби) булоқлар ора оқиб тинмайди, ортаверади (ҚБҚ 392). *'айбҷа ҷойубтур халайыҷ ара / ғалат ма'нисыны айытмыш йана* – (адибнинг сўзларини тушунмай) халқ орасида уни айбга қўйибдилар (устига устак уларнинг маъносини галат талқин қилдилар (ҲҲ 2-149). *тэвäй мӱнӱб ҷой ара йашмас* (мақол) – туя миниб қўйлар орасига яширинилмайди (МК 3-68). 3. ё.с. ара... ара, ара...ла, арала... ара тарзида келиб “гоҳ...гоҳ, гоҳо...гоҳо” маъносини ифодаловчи богловчи; *тил асғы тэлим бар басынма ӱкӱш / ара öгдӱлӱр тил ара миң сöкӱш* – тилнинг нафи талай бор, ортиқча ҳовлиқма, гоҳо тил мақталади, гоҳо минг бор сўкилади (ҚБН 136). *кöңӱл бэг турур бу эт öз ҷул асир / ара сöзкä тумлыр арала исир* – кўнгил – бег, тану жон унга қул, асирдир у сўзга гоҳо совийди, гоҳо исийди (ҚБН 210б). *арала авытур ара йығлатур* – гоҳо овутади, гоҳо йиғлатади (ҚБВ 177). Арала. – Ар.22. Таф. 56. СЯ 1-60.

**'АРАБ** а. араб, араблар: *билиглиг сöзи панд насиҳат адаб / билиглигни öгди 'ажам ҳам 'араб* – билимлининг сўзи панд, насиҳат ва адабдан иборатдир, билимлини (ҳатто) ажам (форслар) ва араблар мақтаганлар (ҲҲ 1-187) .-Таф. 56. СЯ 2-544.

**'АРАБЧА** а.т. арабча, араб тилига оид: *'арабча тэжикчä китäблар ӱкӱш / бизиң тилимизчä бу йумғы уҷуш* – арабча, тожикча китоблар кўпдир, бизнинг тилимизда эса бу (китоб) заковатлар мажмуасидир (ҚБҚ 7). – Ар. 22.

**АРАЛА** ё.с. 1. “орасида, ўртасида" маъносидаги кўмакчи: *киши эзгӱсингä ҷатылғыл ҷарыл / киши бол кишилäр арала тирил* – одамларнинг яхшиларига аралаш, қўшил, одам бўл ва одамлар орасида яша (ҚБН 164б). *кими сöзлäгäй-сäн киши болмаса / киши-лäр арала öзӱң турмаса* – одам бўлмаса ким хакида сўзлайсан, ўзинг одамлар орасида турмасанг (ҚБН 126б); 2. “гоҳ, гоҳо” маъносидаги боғловчи: *арала авытур ара йығлатур* - гоҳо овутади, гоҳо йиғлатади (ҚБВ 177). *кöңӱл бэг турур бу эт öз ҷул, асир / ара сöзкä тумлыр арала исир* – кўнгил – бег, тану жон унга қул, асирдир, у сўзга гоҳо совийди, гоҳо исийди (ҚБН 210б). қ. АРА. – Ар. 22.

**АРАЛА** – 1. орага тушмок, восита бўлмоқ; яраштирмоқ: *ол экки киши отра аралады* – у икки киши ўртасига тушиб келиштирди (МК1-300); 2. икки нарса орасидан ўтмоқ, ораламоқ (МК1-300). қ. АРЫЛА.

**АРА̄М** а. ҳаром, макруҳ: *ала̄л кэндў қайда бу кўн қаны ким / ара̄мны йэйўрдў ҳала̄л тэб йэди* – бу кун халол ўзи каерда, кани, ким, (ҳамма) ҳаромни ҳалол деб ейдиган бўлди (ҲҲ1-210). қ. ҲАРА̄М.

**АРАМУТ** 1. этн. Арамут, уйғурлар яқинида яшовчи бир турк қабиласининг номи (МК 1-157).

**АРАМУТ** 2. геогр. Арамут, бир жой номи (МК 1-157)

**АРАН** молхона, оғил (МК 1-106)

**АРАНЛЫҒ** молхонали, отхонали, оғилли: *аранлығ эв* – молхонали уй, отхонали уй, оғилли уй (МК 1-164).

**А̄РА̄СТА** ф.= Ораста, оро берилган: *мачин ҳакимлариниң аш'а̄рлари бирла а̄ра̄ста қылмыш бу кита̄бни оқығлы* – мочин ҳакимларининг ашъорлари билан оро берилган бу китобни ўқиган... (ҚБН 1б). *Бу тўрлўг фаза̄йил уқушлар билӓ / а̄ра̄ста ол эрмиш йурымыш кўлӓ* – у турли фазилатлар, заковатлар билан орастадир, кулиб (хуррам) юрибди (ҚБҚ 6). – Ар.22. СЯ. 1-125.

**АРАҚЫ** орадаги, ўртадаги, орасидаги, ўртасидаги: *кишилӓр арақы муйан эзгўлўк /бу йэрдӓ булунмаз муны билгўлўк* – одамлар орасидаги манфаат, эзгуликлар бу ерда топилмайди, буни билиш зарур (ҚБН 129б). – Ар.22. Таф.5б.

**АРБУЗ** – нодон, бефаҳм, беидрок (?): *муңар мэңзӓтў айды ша̄'ир сӧзи / уқыб тыңлайу ал киши арбузы* – шоир сўзини бунга ўхшатиб айтган, тинглаб уқиб олгин, (эй) одамларнинг беидроки (ҚБН 73б). – Ар.22. "арбуз" карпуз (мэжӓзи ўлӓрак "аҳмак" маъна̄синда)".

**АРВ̇А** – аврамоқ, сеҳрламоқ; қам арв̇аш арв̇ады – афсунгар аврашга тутинди (МК1-280).

**АРВ̇АЛ** – авралмоқ, сеҳрланмоқ; сеҳр айтилмоқ: арқыш (арв̇ыш) арвалды – сехр айтилди (МК1-251).

**АРВ̇АШ** афсун, аврок, авраш: қам арв̇аш арв̇ады - афсунгар аврашга тутинди (МК 1-280). қ. арв̇иш.

**АРВ̇АШ** 1. аврашмоқ, сеҳр айтишмоқ, аллақандай сўзлар айтишмоқ: *қамлар қамуг арв̇ашды* – сеҳргарлар барчаси аврашдилар (МК 1-239). 2. жин чалишга карши дуолар ўқимоқ, қайтариқ қилмоқ (МК 1-239).

**АРВЫШ** афсун, аврок, авраш: *арв̇ыш арв̇алды* – афсун сўзлари ўқилди (МК1-251). қ. АРВАШ.

**АРЖУ** зоол. чиябўри, шоғол (МК 1-147).қ. АЖРУ – ДТС 74. "ажру"

**АРЖУЛАЙУ** – чиябўриға ўхшаб, чиябўри каби – *киши аржулайу қоры* -одамлар чия бўри (одамни емоқ учун уймалашгани) каби тўп бўлдилар (МК 1-148). қ. АРЗУЛАЙУ, АЖРУЛАЙУ. ДТС 74 "АЖРУЛАЙУ".

**АРЗУ** орзу, геоцентрик таълимот бўйича етти планетанинг олтинчиси, Уторид (Меркурий): *баса кэлди арзу тилäк-äрзулар \ қайуқа йағушса аңар öз улар* – сўнг Уторид келади, у кимга яқинлашса, тилак-орзулар ўзини унга пайванд килади (ҚБҚ 12а). – Ар.27 "арзу, тилäк".

**ÄРЗУ** ф. орзу, тилак, истак, ният: *ўкўш äрзу нэ'мат йэйў сэмриди / бу кўн арғурайын йэтилди öзи* – (тану жон) беҳисоб орзулар ва неъматлардан баҳраманд бўлиб семирди, бу кун (энди ҳоритиб оздирайин, вакти-фурсати етди (ҚБН 205а). *тириг болса йалңуқ тилäки анук / эт öз баш эсäн болса äрзу йағуқ* – одам тирик бўлса, тилак (топиши) аниқдир, тану жон, бош омон бўлса, орзу (га етиш) яқиндир (ҚБН 49б). äрзу бэр – орзуга етказмоқ, орзусини бермоқ: *эзи эзгў туттуң бу öзкä тэги / қамуғ äрзу бэрдиң бу дунйä нэңи* – шу вақтга қадар жуда ардоқладинг, бу дунё бисотларидан барча орзуларимни бердинг (ҚБН 52а). äрзу булл – орзуга етмоқ, орзу топмоқ: мэңä ўзнäсä ким ўзäлиб öлўр / *мэңä ким бойун эгсä äрзу булур* – менга ким каршилик кўрсатса қийналиб ўлади, менга ким бўйин эгса орзуига етади (ҚБН 30б). арзу йэ – орзу топмоқ, орзу ушалмоқ: *қылыч бирлä тутлур талў эзгу эл / қалам бирлä этлўр тилäк äрзу йэр* – эллар қилич билан тугал ва яхши сақланади, (эллар) қалам туфайли гуллаб-яшнайди, тилак-орзулари ушалади (ҚБН 102а). äрзу кул – орзу қилмоқ, истамоқ: *кöзўн кöрмäсä äрзу кулмас кöңўл / кöзўн кöрсä кöңлуң қулур эй оғул* - кўз билан кўрмаса, кўнгил орзу қилмайди, кўзинг кўрса, кўнглинг истайди, эй ўғил (ҚБН 163б). *äрзу-тилäк* – орзу-тилак: *тақы ма нэгў эрсä äрзу-тилäк / байат-оқ болу бэрсў арқа йолақ* – яна нимаики орзу-тилаги бўлса, тангри унга мадад бўлаверсин (ҚБН 11б). äрзу-тилäк бул – орзу-тилакка етмоқ, орзу-тилак топмоқ: *бу бэглäр булур барча äрзу-тилäк / öзи кöңлингä сығқу булмас йöлäк* - беглар барча орзу-тилакларини топадилар (лекин) кўнгилга манзур бўларли таянч тополмайдилар (ҚБН 184б). äрзуқа тэг – орзуга етмоқ, орзу ушалмоқ: *қамуғ ишдä эвмä сэрин öз бака / сэримлўг кишилäр тэгир äрзуқа* – барча ишда ҳам шошилма, сабрли бўл, ўзинг (яхшилаб)

кузат, сабрли кишилар орзуларига етадилар (ҚБН 54а). – Ар.26. Таф. 57. СЯ 1-125.

**ĀРЗУЛА** – ф.т. орзуламоқ, орзу қилмоқ: *йанут бэрди öгдӱлмиш айди öзӱм / сэни āрзулади эй кöрклӱг йӱзӱм* – Ӱгдулмиш жавоб берди, айтди: ӱзим сени кӱришни орзу қилдим, эй чиройли юзлигим (ҚБН 122б). арығлықны барча кишилар тилäр / *арыг болса ашсув киши āрзулар* – покизаликни барча одамлар истайди, ош-сув покиза бӱлса, одам (уни) орзу қилади (ҚБН 106б). – Ар.27. Таф.57. СЯ 1-126.

**АРЗУЛАЙУ** чиябӱрига ӱхшаб, чиябӱри каби... *сачын қыра мэңдäди / арлуйу эр авар* – ... (одамлар унинг) сочларини тагтугигача қиртишлаб (унинг атрофига) чиябӱрилар каби одамлар тӱпланадилар (МКЗ-409) қ. АЖРАЛАЙУ, АРЖУЛАЙУ.

**ĀРЗУЛУҒ** ф.т.= Орзуманд: *қылынчы қары кöрсä йашы йигит / аңар āрзулуг муңлуг öзлäр тэгит* – назар солсанг, (заковат бамисоли) қилмишлари қари (ларникидек), ёши – навқирон, (не-не) мардонавор одамлар унга орзуманд ва армонлидирлар (ҚБН 72б).

**АРЗУТАЛ** мӱйни тӱкиш учун ишлатиладиган кукун, оҳак (МК 1-162).

**АРЫ** ари; асалари: *ары кишикä қавчыды* – ари одамга ниш урди (МК 3-292). ары заҳры – заҳар, ари заҳари: *'асал қайда болса билä арысы / ары заҳры татар 'асалтын оза* – асал қаерда бӱлса, ариси бирга бӱлади, (одам) асалдан олдин ари заҳарини тотади (ҲҲ1-211). ары йағы – асал (МК 1-115). – СЯ 1-62.

**АРЫ** – 1. тозаланмоқ, покланмоқ, аримоқ; кӱтарилмоқ, ёзилмоқ, тарқамоқ: *кöңӱл тил арыттың арыды öзӱң / мэни öтлäгил бир тӱзӱлсӱ сöзӱң* – кӱнгил ва тилни покладинг, ӱзинг поклландинг, (энди) менга бир ӱгит бергин, сӱзларинг андазалансин (ҚБН 185б). *тӱмäн тоз арыды ачылды тоңуқ / тӱзӱлди сӱзӱлди қамуг булгануқ* – туман, тӱзон ёзилда, аёз кӱтарилди, барча булғониқлар тузалди, тозаланди (ҚБН 213 б) *Нэ тӱрлӱг арықсиз арыр йувдыса / жäҳил йуб арымас арыгсиз эрур* – ҳар қандай нопок ювинса, покланади, жоҳил эса ювинган билан покланмайди, нопоклигича қолаверади (ҲҲ1-186). *арыды нэң* – нарса тозаланди (МК 3-269). – Ар.22. Таф.57.

**АРЫЛ I. АРЫЛ-САРЫЛ** – ғазабланмоқ, қаҳр қилмоқ: *бэг аңар арылды–сарылды* - бег унга ғазабланди (МК 2-140). қ. ЭРЫЛ- 2.

**АРЫЛ** – 2.= Алданмоқ; маҳлиё бӱлмоқ: *фāний дунйäкä арылыб тириглик йава болмышы* – фоний дунёга маҳлиё бӱлиб, тириклик беҳуда бӱлгани (ҚБН 7а).

**АРЫЛ** 3. қ. ЭРЫЛ. 2.

**АРЫЛА** – орага тушмоқ, яраштирмоқ, келиштирмоқ (МК 1-300) қ. АРАЛА.

**АРЫН** – тозаланмоқ, ювинмоқ, пок қилмоқ, покланмоқ; аринмоқ: *апа учмақ ичрӓ йэди кӧр эвин / арынғу қылынди бу дунйӓ эвин* – (биринчи) одам жаннатда буғдой донини тотди, қара, бу дунё биносини (тангри унга тавба билан) покланиш ери қилди (ҚБҚ 20б). Эр арынды – одам тозаланди, ювинди (МК 1-209). *Эр арынды* – одам (махсус кукун билан) қовуғидаги жунни туширди, поки қилди (МК 1-209). – Ар.23. Таф.58.

**АРЫНЧУ** гуноҳ, ёзиқ, хато (МК 1-153)

**АРЫТ** – 1.= Тозаламоқ, покламоқ: *кӧңӱл тил арыттың арыды ӧзӱң / мэни ӧтлӓгил бир тӱзӱлсӱ сӧзӱң* – кўнгил ва тилни покладинг, ўзинг поклandинг, (энди) менга бир ўгит бергин, сўзларинг андазалансин (ҚБН 185б). *ол тарығ арытты* – у дон тозаладi (МК 1-215); 2. аритмоқ, йўқотмоқ бартараф қилмоқ: *улуш кэнд ичиндӓ сэн оғрығ арыт / ӧмӓк арқышығ йолда эмин йурыт* – шаҳар қишлоқларда сен ўғриларни арит, йўловчи, карвонларнинг йўлларда бехавотир юришини таъминла (ҚБН 199б) *Тарығ арытасы оғур* – дон тозалайдиган вақт (МК 2-374). *тарығ арытаси йэр* – дон тозалайдиган ер (МК 2-374) – Ар.23. Таф.58. СЯ 1-62.

**АРЫТЫШ** – тозалашмоқ: *ол мэңӓ тарығ арытышды* – у менга дон тозалашди (МК 2-374).

**АРЫТМАҚ** тозалаш, поклаш, холи қилиш, бўшатиш: *ачылды йаруб кӧңли кӧкси кӧзи / арытмақ тилӓди бу кӧңли тозы* – кўнгли, дили ёришиб, кўзи очилди, юрагини ғуборлардан бўшатмоқни истади (ҚБН 202б). – Ар.23.

**АРЫШ** қ.ҳ. ўриш, тўқима матонинг асоси: *арыш-арқағ* – ўриш-арқоғ (МК 1-93).

**А:РЫШ** – алдашмоқ, ўзаро бир-бирини алдамоқ: *олар экки а:рышды* – улар (иккиси) бир-бирларини алдашди (МК 1-191).

**АРЫҚ** 1. ариқ, жўяк: *ағылда оғлақ туғса арықда оты ӱнӓр* (мақол) – оғилда улоқ туғилса, ариқ (лаби)да ўти унади (МК 1-96). *арық қазлади* – ариққа марза қилди, жўякка қош тортди (МК 3-314). қ. АРЫҒ. – Таф.58 "рска, канал". СЯ 1-63.

**АРЫҚ** 2. Йон арық – геогр. Йўнариқ, Боласоғун яқинидаги бир яйлов номи (МК 3-158).

**АРЫҚ** 3. ориқ; заиф, нотавон (МК 1-97). қ. АРУҚ 1. – СЯ 1-63.

**АРЫҚЛАН** – 1. ариқ очмоқ, ариқ солмоқ: *сув арықланды* - сув (ўзига) ариқ очди (МК 1-288); 2. (ёмғир ва селлар ювиши натижасида) ариқчалар ҳосил бўлмоқ ариқ билан қопланмоқ (МК 1-288).

**АРЫҚЛЫҒ** арикли, ариғи бор: *арықлығ йэр* – ариқли ер (МК 1-164).

**АРЫҚСЫЗ** нопок, ифлос: *нэ тўрлўг арықсыз арыр йувдыса / жāҳил йуб арымас арығсыз турур* – ювса ҳар қандай нопок покланади, жоҳил ювган билан тозаланмайди, нопок (лигича) қолаверади (ҲҲ 1-186).

**АРЫҒ** I. тоза, пок, соф, мусаффо: *арығлықны барча кишилäр тилäр / арығ болса аш-сув киши āрзулар* – покизаликни барча одамлар истайди, ош-сув покиза бўлса, одам (уни) орзу қилади (ҚБН 106б). *арығ нэң* – тоза нарса (МК 1-95). 2. покдоман, олижаноб, улуғвор, олиҳиммат, асил: *аты эрди öгдўлмиш асли арығ / йўзи кöрклўг эрди нэ фэ'ли арығ* – оти Ўгдулмиш эди, зоти асил эди, юзи кўркли, қилмишлари улуғсифат эди (ҚБН 48б). *йэмä йарлықағыл қамуғ мо'мынығ / туғардын батарқа тэги эй арығ* - шунингдек, Шарқдан Ғарбгача жумла мўминларни яралақагин, эй олижаноб (ҚБН 385). 3. ҳалол: *буларның билä-ма қатыл эй қазаш / арығ болға боғзуң ҳалāл болға аш* – булар билан ҳам қўшилишгин, эй қариндош, халқуминг ҳалол ва овқатинг ҳалол бўлади (ҚБН 159б). *сартниң азуқы арығ болса йол ўзä йэр* (мақол) – савдогарнинг овқати ҳалол бўлса, йўл устида ейди (МК 1-96). 4. бутунлай, мутлақ, пок-покиза: *нэчä кўч билäклиг йумытмышларығ / öлўм тутты сачты йиратты арығ* – қанчадан-қанча жам бўлиб йиғилган забардастларни ўлим тутди, сочиб юборди, бутунлай (бир-биридан) узоқлаштирди (ҚБН 218б).öзлäк арығ кэврады – замон бутунлай айниди (МК 3-48). *учўнчи эмин тут қамуғ йолларығ / қарақчығ сэкäрчиг арытғыл арығ* - учинчидан, барча йўлларни хатарсиз,тинч тут, қароқчи, йўлтўсарлардан бутунлай тозалагин (ҚБН 201а). *арығ тут* – соф тутмоқ, тоза тутмоқ, софлигини таъминламоқ: *бириси элиңдä арығ тут кўмўш 'ийарын кöзäзгил эй билги ўкўш* – бири – элингда кумуш (пул)нинг софлигини таъминла, йёр ишлари (металл софлигини синаш)ни назорат қилгин, эй билими мўл (ҚБН 200б). – Ар. 22. Таф. 57. СЯ 1-63.

**АРЫҒ** II. чодирга кираверишда эшик ўрнига тутилган парда (МК 1-94; – СЯ 1-63 “арық / арығ”.

**АРЫҒЛА** I.= Бичмоқ, ахта қилмоқ, моягини олиб ташламоқ: *ол кӧзи арығлады* – у қўзини бичди (МК 1-296).

**АРЫҒЛА** – 2. сараламоқ, танламоқ, ажратиб олмоқ: *ол йармақығ арығлады* – у танга (пул)нинг яхшисини, ўтадиганини танлаб, ажратиб олди (МК 1-296).

**АРЫҒЛЫҚ** покизалик, тозалик, софлик, поклик; муқаддаслик; ҳалоллик (МК 1-166). *ӧзӱңни арығ тут қамуғдын сыңар / арығ-ол бу бэглик арығлык сэвӓр* – ҳар жиҳатдан ўзингни пок тут, беглик муқаддасдир, у покликни севади (ҚБН 149а). *арығлықни сэвмиш турур бир байат / арығлық билӓ эр булур эзгӱ ат* – ҳалолликни ягона тангри хуш кўради, одам ҳалоллик билан эзгу ном топади (ҚБН 106б) – Ар.23. Таф.57. СЯ 1-64

**АРЫҒЛЫҒ** пок, покиза, покдоман: *бӱтӱнлӱк ма ҳурмат бу зуҳдлығ ӱзӓ /сақынуқ билиглиг арығлығ ӱзӓ* – (у) ростлик, ҳурмат ва зуҳдлик биландир, андиша мулоҳазали, билимлидир, покдомандир (ҚБҚ 6). – Ар.23.

**АРЫҒСЫЗ** нопок, ифлос; сассиқ, қўланса, бадбўй: *нэ турлӱг арықсыз арыр йувдыса / жӓҳил йуб арымас арығсығ турур* – ювса ҳар кандай нопок покланади, жоҳил ювган билан тозаланмайди, нопоклигича қолаверади (ҲҲ 1-186). *Ыпардын ыпар-оқ йыдыр-ол йыды / палиддин кэлир-ол арығсыз йыды* – ипордан ипор ҳиди таралади, палиддан эса сассиқ ҳид келади. (ҚБҚ 385). –Ар. 23. Таф. 58.

**ӒРИФ** а. билимли, ўқимишли, доно, донишманд; ориф, диний таълимот билағони, учинчи даражага етишган сўфий: *'амал қойды 'ā:лим. зāҳид зуҳд вара' / 'āриф рақс чиқарур урур хош самā'* – олимлар илмга амал қилмай қўйдилар, зоҳидлар зуҳдни, тақвони ташладилар, орифлар рақсга тушадилар, хушчақчақ қўшиқлар айтадилар (ҲҲ 2-139). СЯ 2-562.

**АРМАҒАН** ф. сафардан келтириладиган совға, армуғон (МК 1-157). қ. АМУЧ, ЙАРМАҚАН. – СЯ 1-65.

**АРМУТ** олмурут, нашвати (МК 1-120). АРМУТ ҚАТУТЫ 1. Олмурут уруғи. 2. Олмирут уруғидан тайёрланиб, косибликда ишлатиладиган елим (МК 2-228). қ. Қатут 3. СЯ1-65. “армуд”.

**АРМУТЛАН** – нашвати солмоқ, олмурут ҳосилга кирмоқ: *йығач армут-ланды* – олмурут дарахти ҳосил берди (МК 1-303).

**АРПА** арпа: *қаз˙ашың қоз˙уб қачты дунйā нэңин / ӧрӱм кэз˙ти арпа йэди ӧз тэңин* – қариндошинг бу дунё бисотини тарк этиб,

ундан қочди, ўзига насиб қилган чипта кийди, арпа истеъмол қилди (ҚБҚ 376). *тонум қой йўңи таб йэгўм арпа аш / тўгäл болды дунйä мэңä эй қаз'аш* – кийимим – қўй юнги, овқатим – арпа ош, бас, менга (мана шулар билан) *дунё кифоя қилди, эй қариндош* (ҚБН 172б). *арпасыз ат ашумас / арқасыз алп чэриг сыйумас* (мақол) – арпасиз от довон ошолмайди, мададсиз ботир (душман) лашкарини синдиролмайди (МК 1-144). арпа ўгўр бирлä катылды – *арпа тариқ билан аралашиб кетди* (МК 2-137) – Ар.24. Таф.59. СЯ 1-65.

**АРПАЛА** – арпа бермоқ, арпа билан боқмоқ: ол атын арпалады – у отига арпа берди (МК 1-307).

**АРПАЛАН** – арпаланмоқ, арпали бўлмоқ: *ат арпаланды* – от арпали бўлди, отга арпа берилди (МК 1-291).

**АРПАҒАН** арпага ўхшаш бир ўсимлик, бошоғи бўлса ҳам дони бўлмайди (МК 1-175).

**АРРА** сийдик; бу сўз эшакларни жуфтлаштиш пайтида икки-уч марта такрор айтилади, сўнг улар жуфтлашадилар. Бу сўзда арабчага ўхшашлик бор, чунки арра арабча жимоъ маъносидадир (МК 1-74)

**АРРЫҒ** тоза, пок: *аррығ нэң* – жуда тоза нарса (МК 1-160). қ. АРИҒ 1.

**АРСАЛ** қўнғир, қизилга мойил ранг: *арсал сач* – қўнғир соч (МК 1-130).

**АРСАЛЫҚ** ҳайвонлардаги хунасалик, ҳайвонлар хунасалиги (МК 1-174).

**АРСЫҚ** юзаки; доғули, айёр, маккор: *тилин арсық эл бол кöзазгил öзўң / тоқушқа эвинмäгў кэсгил сöзўң* – тилда юзаки эл бўл, ўзингни эҳтиёт қил, урушга шошилмагин, (бу ҳақда) қароринг қатъий бўлсин (ҚБН 90а). *Тил арслан турур кöр эшикдä йатур / айа эвлўг арсық башыңны йэйур* – тил мисоли қафасда ётган арслон кабидир, эй уй (қафас) эгаси, у маккор бошингни ейди (ҚБН 13а).

**АРСЫҚ** – 1.= Алданмоқ: *билир эрсä қиймат ол арсықмаса / сатығда-тавығда нэң алсықмаса* – (нарса) қийматини билса, токи алданмаса, сотиғ-савдода нарса орттириб олишга интилмаса (ҚБН 104б). *Сынамаса арсықар* – синамасанг алданасан (МК 1-224); 2. кўч. учмоқ, махсиз-маҳлиё бўлмоқ: *нэлўг арсықар-сэн айа öлдäчи / öзўң экки кўнлўг қонуқ болдачы* – эй ўлувчи, нега махсиз-маҳлиё бўласан? Ўзинг (бу дунёга) икки кунлик меҳмон бўлувчисан-ку (ҚБН 130б); 3. керилмоқ, мағрурланмоқ, гердаймоқ, кеккаймоқ,

кибрланмоқ: *муңар арсықар эрса эмди өзүн / бу та'ат йава болды кэсгил сөзүң* – энди ўзинг бу билан мағрурланадиган бўлсанг, бу тоат-ибодатларинг беҳуда бўлади, сўзингни кесгин (ҚБН 120а). *Эр арсықты* – одам керилди (МК 1-2450. – Ар.24. Таф.59. СЯ 1-65.

**АРСЛАН** 1.= Шер, арслон: *миң эрдäм кэрäк бу жаҳāн тутғуқа / күр арслан кэрäк бу қулан басғуқа* – жаҳонни қўлга олиб тутиб туриш учун минглаб фазилат – санъат керак, қулон босиш учун юракли арслон керак (ҚБН 17а). *Бөри тилкү арслан азығ йа таңуз / сэңиндин қутилмас өлүр авда түз* – бўри, тулки, арслон, айиқ ёки тўнғиз сендан қутула олмайди, барчаси овда ўлади (ҚБН 194а). *Арслан қарыса сычған өтин көзäзүр* (мақол) – арслон қариса сичқон инини пойлайди (МК 3-279). Алын арслан тутар / күчин сычған тутмас (мақол) – ҳийла билан арслон тутилади, куч билан сичқон ҳам тутилмайди (МК 3-419). *Арслан энүклäди* – урғочи шер болалади (МК 1-300); 2. шоҳларга бериладиган лақаб; кишиларга бериладиган ном (МК 3-419). АРСЛАН БУРСЛАН ш.ў. Арслон Бурслон (арслон-қоплон) (МК 3-424). Қ. Арслан 3. – Ар.24. Таф.59. СЯ 1-66. “арслан / арсалан”.

**АРСЛАН** 2.= Арслон (ўн икки буржадан бирининг, бешинчисининг туркий номи, Асад буржи): *көр арслан билä қошны буғдай башы / баса үлгү болды чазан йа эши* – кўргин, Асад билан Сунбула қўшнидир, сўнг Мезон Ақраб ва Қавсга эш бўлиб келади (ҚБН 12а0. – Ар.25.

**АРСЛАН** 3.ш.о. Арсалан: *арслан тапа эмитти* – Арслон томон қўзғалдилар (МК 2-3610. АРСЛАНХАН – Арслонхон (ҚБН 9б). АРСЛАН ХАЖА ТАРХАН – Арслон Хўжа Тархон (ҲҲ 1-216). *Арслан Тэгин* – Арслон тегин (МК 1-422).

**АРСЛАНЛАЙУ** арслонга ўхшаб, арслон каби: *улуғ тутса ҳамйат көр арсланлайу / үги-тэг усыз болса түнлä сайу* – арслон каби ҳамиятни улуғ тутса, укки каби туни билан уйқусиз бўлса (ҚБН 88а). *Йуқар қопуб сэкрäлим / арсланлайу көкрäлим* – юқори туриб сакрайлик, арслон каби наъра тортайлик (МК 1-160). – Ар.25.

**АРСУ** жўн, қимматсиз, яроқсиз (МК 1-148).

**АРТ** 1.= Қир, тепа, баландлик; чўққи; довон; чиқиш, кўтарилиш: қайу арт ашар көр өгүзлäр кэчäр / *қайу йэр қазар сув қузуғлар ичäр* – баъзилари довонлар ошадилар, кўр, дарёларни кечадилар, баъзилари ер қазийдилар, қудуқлар сувларини чиқарадилар (ҚБН 68а). *Эр арт ашды* – одам довон ошди (МК 3-

277). Ол арт ашсады – у қирдан ошишни истади (МК 1-274). *эрмäгÿкÿ эшик арт болур* (мақол) – дангасага эшик остонаси ҳам чўкки туюлади (МК 1-78). *йÿк арттын ашрулды* – юк довондан оширилди (МК 1-248). *Арт-йыш* – чиқиш ва тушиш, баландлик ва пастлик (МК 3-157). – Ар. 25.

**АРТ** 2. орқа, гардан: арт сач - орқа соч (МК 1-77). – Таф. "ард". СЯ 1-66.

**АРТ** – 1. ортмоқ, ортиб колмок: *қарын тозса арпа йа ҳалвā бир-ол / қалур барча артыб толур киргÿ йол* – қорин тўйгач арпа ёки ҳалво-барибир, униси ҳам, буниси ҳам ортиб колади, (улар) кирадиган йўл бекилади (ҚБН 132б). *артты нэӊ* – нарса ортиб қолди (МК 3-430). 2. кўпаймоқ, ошмоқ; кўшилмоқ: *тÿзÿ этлÿ барғай қамуғ ишлариӊ / элиӊ арта барғай кэӊÿгäй йэриӊ* – барча ишларинг бир варакайига равнақ ола боради, элинг орта боради, еринг кенгаяди (ҚБН 212б). *ата панди тутты йурыды кöни / қуты артты кунда йаруды кÿни* – ота пандини тутди, тўғри юрди, кунда қутиға кут қўшилди, кунлари (бир-биридан) ёруғ бўлди (ҚБН 62б). 3. кўтарилмоқ, ошмоқ; кучаймоқ, зўриқмоқ: *асыг қылмады кÿндÿ артты иги / қурады кÿчи кÿндä йитти öги* – (дори-дармон) наф қилмади, дарди кундан-кунга кучайди, кундан-кун қувватдан кетди, эс-ҳуши йўқола борди (ҚБН 45а). *исиг артса тэркин соғық ич ÿзä /соғық артар эрсä исиги тÿз-ä* – иссиқлик ошса, дарҳол ўзингни совуқликка солиб енгиллаш, совуқлик ошгудек бўлса, иссиқликка солиб тузат (ҚБН 167б). 4. кўтарилмоқ; керилмоқ, гердаймоқ, ҳаво қилмоқ: *öзини кöз`äзсä айы артмаса / йав`уз йунчыг ишкä йақын турмаса* – ўзини (тийиб) тергаса, жуда ҳаво қилиб гердаймаса, ёмон ва ярамас ишларга яқин турмаса (ҚБН 31б). – Ар. 25. Таф.59. СЯ 1-66.

**АРТА** – 1. бузилмоқ; ҳалал топмоқ: *ажун болды āхир тöру артды / эсизлäриг эдгÿ кöру артады* – олам охир бўлди, қонун-қоидалар бузилди, ёмонларни кўриб яхшилар бузилди (ҚБҚ 384). *бу йалған киши бирлä артар ажун / кöни чын киши тут эй элги узун* – ёлғон (сўзли) одам туфайли олам бузилади, тўғри, рост(гўй) кишиларни тут, эй қўли узун (ҚБ 211а). *сэн артақ-сэн анын ажун артады / нэлÿг бу ажунға қылур-сэн кэлä* – сен бузуқсан, шунинг учун жаҳон бузилди, бу дунёга келиб нима қилардинг (ҲҲ 1-208). *кэӊäшлиг билиг артамас* – кенгашли билим (иш) бузилмайди (МК 3-370). 2. кўч. Айнимоқ, булғанмоқ, ифлосланмоқ: *йа савдā кÿчäдиб*

*мэңим артады-ол / көзүмкә-му көрнүр өзүм ҳап ичәйи* – ё савдо кучайиб миям айнидими экан, кўзимга (шундай) кўринаётирми экан, (ундай бўлса) ҳапдори ичайин (ҚБҚ 390). *арығсызни йалңуқ сувун йуб арыр / қалы артаса сув нэгүн йуб арыр* – ифлос нарсани одам сув билан ювиб тозалайди, агар сув ифлосланса, у қандай қилиб ювиб тозаланади? (ҚБН 81а). *ат арта* - бадном бўлмоқ, ёмонотлиқ бўлиб қолмоқ: *олар өгсәләр өгди элкә барыр / қалы сөксәләр аты артаб қалыр* – улар (шоирлар) мақтасалар, мақтовлари эл орасига бориб етади, агар ёмонласалар, (одамнинг) номи ёмон бўлиб қолади (ҚБН 159а). *бу қач нэңдә бэгләр йырақ тутғу өз / аты артамаса йорық болса сөз* – бу бир катор нарсалардан беглар ўзларини йироқ тутишлари керак, токи ёмонотлиқ бўлиб қолмасалар, амрлари вожиб бўлса (ҚБН 79б). қ. ЭРТӒ I. – МК 1-269 "эртӓди". Инд. 48 "эртӓди". – Ар. 25.

**АРТАТ** – I. бузмоқ, айнитмоқ; бузғунчилик солмоқ: *йүрәксиз кишиләр чэриг артатур / чэриг артаса эр эриг артатур* – юраксиз кишилар лашкарни бузадилар, лашкар бузилса, жасур мардларни бузади (ҚБН 87а). *ышыг артат* – ишни буз (МК 3-415). *Ол артатты* – у нарсани бузди (МК 1-259). 2. булғамоқ, ифлослантирмоқ; ҳаром қилмоқ: *көзи сук киши ашқа суқлуқ қылур / элиг тэгрүр ашқа ашыг артатур* – кўзи суқ одам овқатга суқлик қилади, овқатга қўл уради, овқатни ҳаром қилади (ҚБН 106). 3. ҳалокат ёқасига олиб бормоқ: *бири күч бириси осаллық қылур / бу экки билә бэг элин артатур* – бири – зўравонлик, зулм, иккинчиси – ғофиллик қилиш, мана шу иккиси билан бег элини ҳалокатга олиб боради (ҚБН 78б). *ат артат* – ёмонотлиқ бўлмоқ, бадном бўлмоқ: *ақы бол бузунка үлә нэң йэтүр / саран болса бэгләр атын артатур* – сахий бўл, халққа нарса улаш, едир, беглар хасис бўлсалар, ўзларини бадном қиладилар (ҚБН 189а). – Ар.26.

**АРТАШ** – 1. бузилишмоқ, ўз ичидан бузилмоқ: *йалңуқ ичин арташды* – одамлар ичидан бузилишди (МК 1-234). 2. бузилмоқ, инқирозга учрамоқ: иши аның арташыб / оғрақ билә өртәшыб – унинг иши инқирозга учради, ўғроқлар билан ёвлашди (МК 2-254).

**АРТАҚ** 1. ёмон, ярамас; бузуқ, айниган: *увут-ол тызыглы йарағсыз ишиг / увут этәр ол қылқы артақ кишиг* – ярамас ишни тиядиган уят-андишадир, феъли ярамас одамни уят-андиша тузатади (ҚБН 103б). *Сэн артақ-сэн анин ажун артады / нэлүг бу ажунға қылур-сэн кэлә* – сен бузуқсан, шунинг учун жаҳон бузилди, бу

дунёга келиб нима қилардинг (ҲҲ 1-208). *артақ нэӊ* – бузилган, ярамас нарса (МК 1-141). *сöкäл тыныгы артақ* – касалнинг нафас олиши ёмон (МК 2-47). 2. бузилиш, айниш; талаф, ҳалал: *этиглиг аз эзгӯ ӯкӯштä кöрӯ / тэлим тушты артақ ӯкӯш сӯ билä* – (бетартиб) кўпдан кўра тартиб берилган оз афзал, кўп лашкар билан (ҳам) кўп ҳалаллар кўрилган (ҚБН 89а). 3. офат, бало; мусибат: *иг ашну кöр эркä öлӯм тутгақы / öлӯмдä татыг йоқ апа артақы* – хасталик аввало одам учун ўлимдан даракчидир, кўр, ўлимдан ҳаловат йўқ, у одам учун бир балодир (ҚБН 132а). қ. АРТАҒ. – Ар.25.

**АРТАҒ**.= Бузуқ, ярамас: *айа артаг ишлиг сэвӯнчин салын / сэниӊ розгарыӊ бу кöӊӯлча қылын* – эй ярамас ишлар билан банд, айш-тарабга ғарқ бўлавер, рўзғор сенинг измингдадир, кўнгилга келган(иш)ни қилавер (ҲҲ 2-140). қ. АРТАҚ.

**АРТЫЛ** 1. ортилмоқ, юкланмоқ, юкни уловнинг икки томонига осилтириб ташламоқ: *тагар эшйäк ӯзä артылды* – коп (хуршун) эшакнинг устига юкланди (МК 1-246). 2. минмок, сапчиб улов устига ортилмоқ: *Эр ат ӯзä артылды* – одам от устига сапчиб миниб олди (МК I-246). – Таф. 59 "возвеличиваться".

**АРТЫН** – юкни улов устига ортиб боғламоқ: *эр арчысын артынды* – одам тўрва (хурқунини) улов устига ортиб боғлади (МК 1-251).

**АРТЫШ** – ортишмоқ, ортишда кўмаклашмоқ: *ол мэӊä арчы артышды* – у менга уловга юкли хуржунни ортиб боғлашди (МК 1-234). 2. Уловга юк ортишда баҳслашмоқ. (МК 1-234).

**АРТИҒ** 1. нимча, аёллар киядиган калта енгсиз кийим (МК 1-123).

**АРТИҒ** 2. улов устига ортилган юкнинг бир томони; хуржуннинг бир кўзидаги юк (МК 1-123).

**АРТЛА** – шапалоқламоқ; урмоқ: *саран бэг тэрäр нэӊ хазина урур / ақы бэг қылыч бирлä артлаб алур* – хасис бег мол-дунё теради, хазина тўлдиради, сахий бег (унинг мол-дунёсини) қилич билан уриб олади (ҚБН 113а). *ол аны артлады* – у уни шапалоқлади (МК 3-446). – Ар.26.

**АРТТУР** – орттирмоқ, оширмоқ, кўпайтирмоқ, қўшмоқ: *эт öз жäн йулуглар мэниӊ ишимä /ду'ā арттурур бу кэчäр йашыма* – менинг ишимга тану жонини фидо қилади, кечаётган умримга дуо орттиради (ҚБН 113б). *кэчä йатса кэч йат йана эртä тур / йатыб эртä қопган қутын арттурур* – кечаси ётадиган бўлсанг кеч ёт,

яна эрта барвақт тур, (кеч) ётиб эрта барвақт турган бахтини орттиради (ҚБН 60а). *бу будун толусы ахи эр турур / ахылық шараф, жāҳ жамāл арттурур* – одамларнинг тўкиси сахий кишидир, сахийлик шон-шарафни, мартабани ва ҳуснни орттиради (ҲҲ 1-198). қ. АРТУР I.

**АРТУР** 1. орттирмоқ, оширмоқ, қўшмоқ: *он йармақ ўзä бир артурды* – ўн танга (пул)га яна бир танга (пул) қўшди (МК 1-225). 2. ҳаддан ошмоқ, чегарадан чиқмоқ: *эр артурды* – одам ҳаддидан ошди (МК 1-225). *кэлди бэрў артуру* – (асирга тушган бег) ҳаддидан ошиб бу (биз) томонга келди (МК 1-225). к. АРТТУР. – Ар.26. – Таф.60. СЯ 1-67.

**АРТУР** 2. ҳадя қилмоқ, инъом қилмоқ (?): *кэлди бэрў артуру / бэрди элин артуру / мунда қалыб олтуру / бўкри болиб ўн бўтäр* – (асир тушган бег) ҳаддидан ошиб бу (биз) томонга келди, элини бизга инъом қилди, бу ерда ўлтириб қолди, мункайиб ҳолдан тоймоқда (МК 1-225).

**АРТУТ** тортиқ, хадя, инъом, совға (МК 1-133). *артут алыб анунғыл / эзгу тавар оғурлуқ* – (улардан) совға олиб, яхшироқ нарсадан эваз ҳадя ҳозирла (МК 1-1370. АРТУТ ҚЫЛ – ҳадя этмоқ, (нарса) тортиқ қилмоқ: *қамуғ ишчи барча кöрўнди кэлиб / тапуғ тозғу бирлä нэң артут қылыб* – жами хизматдагилар барчаси келиб кўриниш бердилар, таъзимлар бажо келтириб, моллар ва неъматлар тортиқ қилдилар (ҚБН 69а). *айа тил тöрäт мадҳ öтўнгил қаны / мэн артут қылайын шаҳымға аны* – эй тил, мадҳ, ижод қил, баён айла, қани, мен уни шоҳимга тортиқ қилайин (ҲҲ 2-105). – Ар.26.

**АРТУЧ** I. бот.= Ар-ар, сарв дарахти; қора арча (МК 1-120): *ким айыб эштўр қулақ / ай эв и артуч бутақ* – ойнинг турар ери сарв дарахтининг шохидир деб ким айтган, (қайси) қулоқ эшитган (МК I-358).

**АРТУЧ** II геогр. Артуч; Кошғардаги икки қишлоқ номи (МК 1-120).

**АРТУЧЛАН** – арчаланмоқ, арчага мўл бўлмоқ, арчазорга айланмоқ: *тағ артучланды* – тоғ арчазорга айланди (МК 1-303).

**АРТУҚ** I.= Ортиқ, зиёд; кўп, мўл (МК 1-124): *йоқ эрмäс қазашлар ара бар мэниң /бу йаңлығ киши билги артук аның* – йўқ эмас, менинг қариндошларим орасида бу янглиғ одам бор, унинг билиш мўл (ҚБН 116б). *бу дунйā нэңидан йэгў-кэтгўлўк / ол артуқ тилäмä ва бал йўтгўлўк* – бу дунё бисотидан егулик, кийгуликни

(керагидан) ортиқ истама, уволига қоласан (ҲХ 2-119). 2. ўта, ортикча, ниҳоятда, жуда: *кўв äзлäнмä артуқ туры болға-сэн / саран болма артуқ сöкўш булға-сэн* – ортикча гердайма, тубан бўласан, ўта хасис бўлма, сўкишга қоласан (ҚБН 165а); *айур эй қаз`ашым барыр-мэн муңун / эки нэңкä артуқ ачыр-мэн бу кўн* – айтди: эй кариндошим, мунг билан ўлаётирман, букун икки нарсага жуда ачинаман (ҚБН 221.).

**АРТУҚ ТЭЛИМ** кўп, бсҳисоб: *атаң тапғы бар эрди артуқ-тэлим / öтäйўмäдим барды қалды бэрим* – отангнинг кўп хизматлари бор эди, мен уларни қайтара олмадим, ўлиб кетди, (бўйнимда) карз қолди (ҚБН 63а). АРТУҚ-ЎКЎШ – кўп, мўл; ўта, жуда, ниҳоятда: *аз эзгўкä артуқ-ўкуўш шукри қыл / ўкўш болса нэ'мат аныӊ қадры бил* – оз насибага ҳам кўп шукр қилгин, неъмат мўл бўлса, унинг кадрини билгин (ҚБН 33а). *уқушсуз öкўнди айур эй уқуш / сэниңсиз муңазур-мэн артуқ-ўкўш* – заковатсиз афсуснаниб айтади: эй заковат, сенсиз жуда мунг чекмокдаман (ҚБН 72а). қ. АРТЫҒ I. – Ар. 26. Таф. 60. СЯ 1-67.

**АРТУҚЛАН** – ҳаддан ошмоқ, ҳовлиқмоқ: *эр артуқланды* – одам ҳаддидан ошди, ҳовлиқди (МК 1-304).

**АРТУҚЛУҚ** ортиқлик, афзаллик: *муны бэргўкä бир кўчўң йэтмäсä / нэ артуқлуқуң бар мэңä ай кэсä* – бу (талабларим)ни беришга қурбинг етмаса, нима ортиқлигинг бор, менга кескин жавоб бер (ҚБН 1376). – Ар. 26. Таф. 60. "добавление, излишек".

**АРТУҚЛУҚУН** ортиқчасига, ҳаддан зиёд, чегарадан чиққан ҳолда: *йарағ булуб йағушды / артуқлуқун сöкўшди / қулун қапуб кэтишди / сўрди мэниң қойымы* – фурсат топиб ёвлашди, ҳаддан зиёд ҳақорат қилди, кулунларимни ўғирлаб кетди, менинг қўйларимни ҳайдаб кетди (МК 2-95).

**АРТҒУ** ортиқча, керагидан ортиқ: *нэлўг тэрдиң эрди бу қалғу нэниң / нэгўкä ўлäмäдиң артғу нэңиң* – бу қолиб кетадиган нарсаларингни нимага терган эдинг, нимага ортиқча нарсаларингни улашиб бермадинг? (ҚБН 150а). – Ар.25.

**АРУБАТ** тамарҳиндий, тамаринд (МК 1-156).

**АРУМЗ`УН** ранг; бўёқ (МК 1-56). – МК 1-156 “урумзун”. Инд. 305

**АРУТ: АРУТ ОТ** – бир йил турган қуруқ ўт, хашак (МК 1-84). қ. ОРУТ.

**АРУТ** – алданмок, ўзни алдатмок, бой бермок(?): *усал болма сақлан қамуғ ишдä сэн / усайук арутты экäгўдä сан* – барча ишда ҳам сен ғофил бўлма, ҳушёр бўл, ғофил (одам) икки оламда (ҳам) алданади, деб ҳисобла (ҚБН 226).

**АРУҚ** 1. ҳориган, чарчаган, ҳорғин: *аруқ эр öглäнды* – чарчаган одам ўзига келди (МК 1-258). азуқлуғ аруқ эрмäз (мақол) – озиғи бор (одам сафарда) чарчамайди (МК 1-164). 2. ориқ, озғин: *аруқ эр* – ориқ одам (МК 1-96). қ. АРИҚ 2. СЯ 1-69.

**АРУҚ: АРУҚ-ТУРУҚ** геогр. Аруқ-туруқ, Фарғона билан Кошғар ўртасидаги баландлик бир довон (МК 1-96, 361).

**АРУҚЛА** – дам олмок, ҳордиқ чикармоқ: *бэг аруклады* – бэг чарчашдан сўнг дам олди (МК 1-297).

**АРУҚЛУҚ** – чарчаганлик, ҳорғинлик (МК 1-166).

**АРЧЫ** 1.тўрва, халта; хуржун (МК 1-145): *эр арчысын артынды* – одам хуржунуни уловга ортди (МК 1-251). 2. юк тўлдирилган хуржун, юкли халта; юк: ол мэңä арчы артышды - у менга хуржундаги юкни (уловга) ортишди (МК 1-234).

**АРШ** арш, арши аъло; фалак: *эзиз 'аршта мундын сарāқа тэги / тўзў-барча муңлуғ турур бир тэңи* – арши аълодан тортиб рутубатли ерга қадар барча бирдек мунглидир (ҚБН 173а). – Ар.25. СЯ2 -554.

**АРҚ** 1. чака; 2.= Жиловнинг, юганнинг юз устки қайишлар! (МК 1-42, ДТС 53) 3. чиқинди, чиқит: *тэмўр арқы* – темир чикиндиси, темир қиздирилиб ишланганда сочиладиган зак, зарралар (МК 1-78).

**АРҚА** 1.= Орка, орт, кет (МК 1-148). *Нечä миң йашаса āхир öлгўлўк / нэчä тэрсä дунйā қалыр арқара* – неча минг (йил) яшасанг ҳам охири оқибат ўлиш мукаррар, қанча мол-дунё йиғсанг ҳам оркада қолиб кетади (ҚБВ 185). *алп эриг йаврытма / ықылач арқасын йағрытма* – баҳодир мардларни ҳолдан тойдирма, учқур от оркасини яғир қилма (МК 1-157); 2. кўч. бел, пушт, пушти камар: ата арқасында туғул са оғул / ана қарны манзил қач айлық амул – фарзанд ота белидан (пушти камаридан) бино бўлгач, она қорни (унга) бир неча ойлик сокин манзил бўлади (ҚБН 566); 3. кўч. орка, таянч; мадад; мададкор, суянчиқ: *кимўң арқасы болса кўчлўг болур / бу кўчлўг киши қутқа тўплўг болур* – кимнинг таянчи бўлса, (ўша) кучли бўлади, бундай кучли киши қути замини мустаҳкам бўлади (ҚБН 66б). *арқасыз эр чэрик сыйумас* (мақол) –

мададсиз ботир ёв аскарини синдиролмайди (МК 1-148). *арқа бэр* – орқа бермоқ, бўш келмоқ: *йағы ат кэмишсä сэңä оғраса / сэрин арка бэрмä сачылса бас-а* – ёв от солдирса, сенинг устингга бостириб келса, чидамли бўл, бўш келма, лашкари (ҳар томонга тарқалганда (ҳамла қилиб) босгин (ҚБН 906). *арқа йöлäк* – мададкор, таянч, суянчиқ; мадад, кўмак; *тақы ма нэгӱ эрсä äрзу-тилäк / байат-оқ болу бэрсӱ арка йолäк* – тағин қанақа орзу-тилакларинг бўлса, тангри сенга мадад-кор бўлаверсин (ҚБН 26). - Ар.24. Таф.58. СЯ 1-70 “Спина, зад”

**АРҚА** – 1.= Қидирмоқ, изламоқ, истамоқ: *билиг бил усанма бил ол ҳақ расул / билиг кимдä эрсä сиз арқаң деди* – билим ўрган, ғофил бўлма, билгин Ҳақ Расул (пайғамбар) кимда билим бўлса, сизлар истанглар, деган (ҲҲ 2-110). *сэниң барлығыңға далил арқаған / булур бир нэң ичрä далиллар миң-а* – сенинг мавжудлигингга далил қидирган бир нарсанинг ўзидан минглаб далиллар топади (ҲҲ 1-177); 2. текширмоқ, суриштирмоқ; тинтмоқ: ол аның овин арқады – у унинг уйини тинтди, гумон қилган нарсасини истаб текширди (МК 1-280).

**АРҚА** – 2. қарға-арқа – қарғамоқ, орқасидан гапирмоқ, қарғаб ёзғирмоқ: *ол ани карғади-арқади* – у уни қарғади, ёмон қилиқларини гапириб ёзғирди (МК 1-280). қ. “Қарға”

**АРҚАЛАН** – 1. суянмоқ, орқа билан таянмоқ: *ол тағни арқаланди* – у тоққа суянди (МК 1-291). 2. кўч. орқа қилмоқ, суянмоқ, ишониб-таянмоқ: *ол мэни арқаланды* – у менга орқа қилди (МК 1-291).

**АРҚАР** архар, ёввойи тоғ қўйи, унинг шохидан пичоққа соп қилинади (МК 1-139). – МК 1-139. "урғочи тоғ эчкиси". Инд. 24 "урғочи тоғ эчкиси - архар, горный баран".

**АРҚАСЫЗ** мададсиз, нажотсиз; нотавон, бечора: *муңазмыш öзӱмкä бэрӱр-сэн тилäк / йавуз аркасызға сэн-öқ-сэн öлäк* – мен мунгли ҳожатмандга тилакларимни берасан, бадбахт нажотсизларга сенгина мададкордирсан (ҚБН 139а). *арқасыз эр чэриг сыйумас* (мақол) – мададсиз ботир ёв аскарини синдиролмайди (МК 1-148). – Ар.24.

**АРҚАЧАҚ** оғиз бўшлиғига дори қуйиш учун қўлланадиган асбоб (МК 1-162). – МК 1-162 “арқачуқ”. Инд. 24. “арқачуқ”.

**АРҚАШ** 1. орқалашмоқ, орқада кўтаришмоқ: *ол аның бирлä йӱк арқашты* - у унинг билан юк орқалашди, орқада юк кўтаришда

кўмаклашди (МК 1-240). 2. ўзаро мадад бермоқ, далда бермоқ, қарашмоқ, қўлламоқ; орқа қилишмоқ, таянишмоқ, суянишмоқ: *алплар арыг алқышур / кўч бир қылыб арқашур* – ботирлар роса уришадилар, кучларини йиғиб (бир-бирларига) ёрдамлашадилар (МК 1-240). *қызыл сарық арқашыб* – кизил, сариқ (рангли гуллар бир-бирига) суяниишиб (МК 1-375).

**АРҚАҒ** к.ҳ – арқоғ, тўқима матонинг ёнламасига, кўндалангига қўйиладиган ипи (МК 1-140).

**АРҚЫН**. арқин изи – келаси йил (МК 1-116). қ. АРҚУН 2.

**АРҚЫШ** 1.карвон; савдогар; сайёҳ: *ажун тэзгинўр элдä арқыш йурыб / агы жуз тэйин киш алыр-сэн тэрыб* – карвонлар элларда юриб жаҳон кезадилар, сен шоҳи, ипак (матолар)ни, олмахон, сувсар (мўйналари)ни йиғиб оласан (ҚБН 193б). *öң арқыш узады қопуб йол тутуб / öни қопмыш арқыш нэча кöчгўлўк* – олдинги карвон кўтарилиб йўлга тушиб узоқлашиб кетди, олдин отланган карвон қанча ерга кўчиб борди экан? (ҲҲ 1-191). *йырақ йэр савын арқыш кэлдўрўр* (мақол) – йироқ ерларнинг хабарини карвон кел-тиради (МК 1-122); 2. элчи, хабарчи, юртидан узоққа кетган кишига юборилган одам: *аның арқышы кэлди* – унинг хабарчиси келди (МК 1-123); 3. хабар, хабарнома, мактуб. (МК 1-123). – Ар. 24.

**АРҚУН** I ёввойи отдан қочган хонаки байтал боласи, у пойгаларда энг чопқир от бўлади; арғумоқ, учқур от (МК 1-132): ажун мäли тэрдиң öзўң болды бай / кэвäл мўндўң арқун йэмä тäзи тай – дунёнинг молини йиғиб ўзинг бойидинг, арғумоқ, учқур отларни, арабий тулпорларни миндинг (ҚБН 208б). – Ар. 24.

**АРҚУН** II келажак йил номи (МК 1-132). *арқун изи* – келгуси йил (МК1-132). қ. АРҚЫН.

**АРҚУЧЫ** воситачи, икки киши орасида турган одам; совчи (МК1-159).

**АРҚУҚ** 1. қайсар, ўжар: *буларда эң ынга бу арқуқ қылинч / бу арқуқ қылынчлыг нэ муңлуг эринч* – булардан энг ярамаси қайсар феълдир, ўжар феълли (одам) қандай аянчли-я! (ҚБН 79б). *арқуқ киши* - ўжар феълли одам (МК 1-134) .-Ар. 24.

**АРҚУҚ** II қурилишда эшик ва деразага қолдирилган ерда икки деворни бирлаштириб қўйиладиган ёғоч, тепалик, тепадон, тепасинч, перемичка (МК 1-134).

**АРҚУҚЛАН** - бўйин товламоқ, бош тортмоқ, қйсарлик қилмоқ: *эр арқуқланды* – одам (ишни қилишдан) бош тортди (МК 1-306).

**АРҒАР** к. АРҒУР-.

**АРҒАҒ** балиқ тутиладиган қармоқ (МК 1-159).

**АРҒУ** I икки тоғ оралиғи; икки тоғ орасидаги водий (МК 1-148}

**АРҒУ** II геогр. Арғу, Тироз ва Боласоғун орасидаги шаҳар номи. У ҳам икки тоғ оралиғида бўлгани учун шундай аталган (МК 1-148) қ. АРҒУ I.

**АРҒУ** III этн.= Арғу, турк қабилаларидан бирининг номи (МК 1-65) АРҒУВА̄Н ф. бот. Арғувон, қизил баргли ва қизил гулли дарахт; *тама̄м арғува̄н-тэг қызыл мэңзим эрди / бу кӯн за'фара̄н урғын эңдӓ тарыттым* – юзим арғувон каби батамом қизил эди, энди чеҳрамга заъфарон уруғини экдим (ҚБҚ 386).

**АРҒУЛА** – аралашмоқ; ўртага низо солмоқ – *ол экки киши ара арғулады* – у икки киши ўртасига низо солди (МК 1-308). – МК I – 308 "ораламоқ, орадан ўтмоқ". Инд. 25. "оралади, орасидан ўтди – прошел между (ними). Д'ТС 51 "вмешиватъся, сеятъ раздор".

**АРҒУН** узунлиги ярим газ келадиган сичқон жинсидаги бир жонивор, девор ёрикларидан чумчуқларни овлайди, қуйга отилса, гўштини сарғайтириб юборади, уйқудаги одамга отилса, у кишининг сийдиги тутилади; эчкемар (МК 1-142). – Инд. 25. зоол. "узунлиги ярим газ келадиган сичқон жинсига кирувчи бир жонивор – мангуста" ДТС 51. "небольшое хищное животное, мангуста?".

**АРҒУР** – чарчатмоқ, ҳоритмоқ; қойитмоқ: *ӯкӯш а̄рзу-нэ'мат йэйӯ сэмриди / бу кӯн арғурайын йэтилди ӧзи* – мўл-кўл неъматлардан баҳраманд бўлиб ўзлигим семирди, энди уни қойитиб-чарчатайин, фурсати етди (ҚБН 205а). *ол атын арғурды* – у отини чарчатди (МК 1-230). *кэлди мэна бойнайу / ойнаб мэни арғурур* – истиғноланиб менинг олдимга келди, (мен билан) ўйнашиб ҳолдан тойдирди (МК 1-230) – МК 1-230 "АРҒАРДЫ – чарчатди. Инд. 25. "АРҒАРДЫ / АРҒУРДЫ – чарчатди - утомил, изнурил". ДТС 51. "АРҒУР I. утомлять; 2. загнать (лошадъ*): ол атын арғурды* – он загнал своего коня". қ. АРҒАР. – Ар.22.

**АРҒУРТ** – чарчаттирмоқ: *аның атын арғуртты* - унинг отини чарчаттирди (МК 1-233). қ. АРҒУРТУР.

**АРҒУРТУР** – чарчаттирмоқ (МК 1-233). қ. АРҒУРТ.

**АРҒУЧ** аврокчи, алдовчи; мафтун қилувчи, маҳлиё этувчи: *арғуч ажун* – мафтункор дунё (МК 1-120).

**АС** I оқсувсар, оқсичқон; шу жонивор мўйнасидан тикилган пўстин: *ытың қозса авын йасы бир ас*-ол – итинг овини ташласа, (унинг) зарари биргина оксувсар бўлади (ҚБВ 180). *тӯмāн йылда бэрӯ тул эрдим тулас / бу тул тоны сучлуб ӧрӯң кэзтим ас* - туман йиллардан бери маъюс тул эдим, (энди) бу туллик либосини ечиб, оқ либос кийдим (ҚБН 106). қ. А:З, А;С, I. – Ар. 27. СЯ 1-71 “горностай”.

**АС** 2. қ. УС 1.

**АС** 3. қ. ЭС.

**А:С** I оқсувсар, оксичқон; шу жонивор мўйнасидан тикилган пўстин (МК 1-109). қ. А:З, АС I.

**А:С** II чўриларга бериладиган лақаб (МК 1-109).

**А:С=** 1. осмоқ, илмоқ: *ол эт а:сди* – у гўшт осди (МК 1-184). **2**. осмоқ (дорга), осиб ўлдирмоқ (МК 1-184). – Таф. 60. СЯ 1-71.

**'АСАЛ** а. асал, бол: *кӧни сӧз 'асал-дэк бу йалған басал / басал йэб ачытма ағыз йэ 'асал* – тўғри сўз асалдек, ёлғон (сўз) эса мисоли пиёз кабидир, пиёз еб оғзингни ачитма, асал егин (ҲҲ 2-116). СЯ 2-555.

**ĀСĀН** ф. осон, қулай, жўн: *адаш тутмак āсāн кӧзäзмäки сарп / йағы болмақ āсāн йарашмақы сарп* – дўст тутиниш осон, (шартларига) риоя қилиш қийин, душман бўлмоқ осон, ярашмоғи қийин (ҚБН 154а). *Бу қудрат изиси улуғ бир байат / ӧлӯклäрни тиргузмäк āсāн аңа* – бундай қудратнинг эгаси улуғ бир тангридир, ўликларни тирилтириш унга осондир (ҲҲ 1-178) – Ар.28. Таф. 61. СЯ 1-127.

**АСБĀБ** а. сабаблар; воситалар; лозимотлар: *маликлар қоруғы ма асбāб тӯзä / бу тартиб ва шарти имāрат ӯзä* – подшоҳларнинг мулкни сақлаш восита-лозимотлари, ҳокимиятнинг тартиб ва шартлари (хакида гапирилади) (ҚБҚ 5).-Ар 159. СЯ 1-72.

**АСЫЛ** – 1.= осилмоқ, илинмоқ: *бир нэң бирга асылды* – бир нарса бир нарсага осиб қўйилди (МК 1-205). 2. осилиб кетмоқ, чўзилмоқ: *йышық асылды* – аркон чўзилди, ип осилиб кетди (МК 1-205). – Ар. 29. СЯ 1-73.

**АСЫН** – *осилмоқ, осилиб тортмоқ, тортиб уза ёзмоқ: ат асыинди* – от (бўшалиш учун бошбоғини) тортиб уза ёзди (МК 1-210). ДТС 185. “эшин”.

**АСЫШ** I. осилмоқ, осишда ёрдам бермоқ: *ол мэна эт асышди* – у менга гўшт осишди (МК I- 193).

**АСЫШ** – II. 1. тортинмоқ, тортишда ёрдам бермоқ: *ол мэңä йип асышды* – у менга арқон тортишда ёрдам берди (МК 1-193); 2. (арқон) тортишда баҳслашмоқ (МК 1-193). қ. ЭСИШ.

**АСЫҚСЫЗ** бефойда, нафсиз; беҳуда, ноўрин: *кöдäзгил айа дост улуғлар ақын /асықсыз жадал ҳам мизāҳдын сақын* – эй дўст, улуғлар ҳақига риоя қилгин, беҳуда тортишув, ноўрин кулгидан сақлан (ҲҲ 1-205). *билигсизкä ҳақ сöз татықсиз эрўр / аңа панд насиҳат асықсыз эрўр* – жоҳилга ҳақ сўз ёқимсиз бўлади, унга панд, насиҳат бефойда бўлади (ҲҲ 2-110). қ. АСИҒСИЗ.

**АСЫҒ** 1. фойда, манфаат, наф; даромад (МК 1-95): *бу эзгў ол-ол қылса халққа асығ / бу асғы билä бузны булса татығ* – эзгу шудирки, у халққа наф келтирса, унинг бу нафидан одамлар ҳаловат топсалар (ҚБН 121а). *öз асғын тилäр достқа бэрмä кöңўл / асығ булмаса болды душман тўңўл* – ўз фойдасини кўзлаган дўстга кўнгил берма, у манфаат кўрмаса душман бўлади, умидингни уз (ҚБН 154б). *тавар асығ нэмиш барур-сэн йалың / қалур мунда кисаң сабат сандуғуң* – мол-товарнинг фойдаси нима, яланғоч ўлиб кетасан, ҳамёнинг, халта-тўрванг, сандиғинг бу ерда (бу дунёда) қолиб кетади (ҲҲ 2-128). *иш йарағында / сарт асығында* (мақол) – иш-кезида, савдогар – фойдаси пайида (МК 3-20). 2. фойдали: *силäркä мэниңдин асығ сöз кэрäк / öзўмдä кöрў бу сöзўм эзгўрäк* – сизларга мендан фойдали сўз керак, ўзимдан кўра бу сўзларим яхшироқдир (ҚБН 175б). *асығ кöрнўр эрсä эсизлик бу кўн* – ёмонлик бугун фойдали кўринса ҳам (ҚБН 37). *Асығ ал* – фойда олмоқ, манфаат олмоқ: *бэзäдим китāбни мавā'из масал / бақығлы оқуғлы асығ алсу дэб* – кўрган, ўқиган манфаат олсин деб китобни нодир масаллар билан безадим (ҲҲ 2-108). *асиғ бэр* – фойда бермоқ, наф келтирмоқ: *öз асғын тилäмäс кишикä асығ / бэрўр ол асығдын бу қулмас йанығ* – (яхши одам) ўз манфаатини кўзламайди, одамларга наф келтиради, бу манфаатдан ўзига эваз миннат қилмайди (ҚБН 37а). асығ бул – наф олмоқ, фойда топмоқ, манфаат топмоқ, фойдаланмоқ: *öз асғы тилäр достқа бэрмä кöңўл / асығ булмаса болды душман тўңўл* – ўз фойдасини кўзлаган дўстга кўнгил берма, у манфаат кўрмаса душман бўлади, умидингни уз (ҚБН 154б). *асығ тэг* – наф тегмоқ, манфаат етмоқ: *қалы асғы тэгсўн тэсä-сэн сэңä / йэмä эзгў тутғыл эй эрсиг тоңа* – агар сен ўзингга нафи етсин десанг,

(азайимхонларни ҳам) шунингдек яхши тутгин, эй мард баҳодир (ҚБН 158а). *асыг қыл* – фойда келтирмоқ, наф қилмоқ: *кэрäк тут отачы кэрäк эрсä ҳам / öлÿгликä ҳаргиз асыг қылмас эм* – иста табиб тут, иста дуохон коҳин тут, (барибир) ўладиган (одам)га даво ҳаргиз наф қилмайди (ҚБН 45а). *айдым асыг қылгу эмäс сэн тақы йалвар* – сен қанчалик ёлворма, фойда бермайди, дедим (МК 1-495). – Ар.28. Таф.61. СЯ 1-74.

**АСЫҒЛЫҚ** манфаатли, фойдали, наф келтирувчи: *асыглық киши-ол киши öз рÿми / багырсақ киши-ол киши кöзрäми* - фойдали одам одамларнинг сарасидир, меҳрибон одам одамларнинг сайланмасидир (ҚБН 219б). *бака кöргил эмти уқа сынайу / нэ нэң бар билигтин асыглық öңин* – энди тушуниб, синаб кўргин, билимдан фойдали ўзга нима бор? (ҲҲI – 185). қ. АСЫҒЛЫҒ.

**АСЫҒЛЫҒ** манфаатли, фойдали, наф келтирувчи: *асыглыг кишилäр болур бу қуту / буларыг йэмä эзгÿ тут эй бöтÿ* – бу тоифа фойдали кишилар бўладилар, уларни ҳам яхши тут, эй бўта (ҚБН 161а). *асыглыг иш* – фойдали иш (МК 1-164). қ. АСЫҒЛЫҚ. – Ар.29.

**АСЫҒСЫЗ** бефойда, манфаатсиз, беҳуда: *нэгÿ болга мэндин элигкä асыг / асыгсыз иши қылса болмас татыг* – мендан элигга қандай фойда бўлади, бефойда бирор иш қилиб қўйсам, (ундан) ҳаловат бўлмайди (ҚБН 138б). *асыглыг кул эрсä огулда йақын / асыгсыз огулны йагы бил сақын* – фойдали қул ўғилдан ҳам яқин бўлади, фойдасиз ўғилни ёв деб бил, (ундан) эҳтиёт бўл.(ҚБН 3б). қ. АСЫҒСЫЗ. – Ар. 29.

**АСЫҒЧЫ** – фойда қилувчи, фойда келтирувчи: *мунуңда басасы сатыгчы турур / сатыг бирлä тынмас асыгчы турур* – бундан бошқаси савдогарлардир, (улар) савдо-сотиқ билан тинмайдилар, улар фойда келтирувчилардир (ҚБН 160а). *бэгиңкä асыгчы багырсақны бил / багырсақны булса öзÿн багры қыл* – бегингга фойда келтирувчи садоқатлини суриштириб бил, садоқатлини топгудай бўлсанг, уни ўз жигарингдек қилиб ол (ҚБН 98а). – Ар. 29.

**'ĀСИ** а. осий, гуноҳкор: *йазуқлуг жафāчи бу 'āси қулуң / қамуг баҳра бэрдиң қуруг қолмадың* – бу осий бандангг гуноҳкор, жафочидир, сен уни барча (неъматларингдан) баҳраманд қилдинг, қуруқ қўймадинг! (ҚБН 31).

**АСИЛ** а. 1. асил, моҳият; туб, негиз, асл; сабаб: *йöрÿгкä барыр тÿш тÿшÿң йаsшы йöр / тÿпи асли билгил уқуш бирла кöр* – туш

таъбирга боради, тушни яхши таъбир қил, туб сабабини билгин, заковат (кўзи) билан қарагин (ҚБН 215б). *киши асли билмäк тиläсä öзÿң* – ўзинг одамнинг аслини билмоқчи бўлсанг (ҚБН 154б). *тызығ сöз тÿпи асли борча йызығ* – тийиладиган сўзнинг негизи, асли йиғиғли бўлади (ҚБН: 42б), *тақы бир тÿш-ол кöр бу йыл фаслинга / бу таб'и кÿчäниб барыр аслинга* – яна бир хил туш йил фаслига боғлиқ бўлади, кўргин, (одамнинг) мизожи зўриқиб, (туши) шу *асл сабаби билан боғланади* (ҚБН 216а). *тутуш асли барча утундын оғул* – уруш-жанжалнинг сабаби тубандандир, эй ўғил (ҚБН 155а). 2. насл, насаб, чиқиб келиш, зот; насабли, зотли: *кимиң асли болса атадын арығ* – кимнинг зоти отадан (бошлаб) тоза бўлса (ҚБН 207а). *киши аслинга кöр қылынчы тануқ / қылынчы нэ эрсä кöр асли ол-оқ* – одамнинг аслига феъл-хулқи белги бўлади, феъл-хулқи қанақа бўлса, асли зоти ҳам айнан шунақа бўлади (ҚБН 208б).*киши асли мундағ қылур эзгÿлÿк* – одамнинг аслзодаси мана шундак яхшилик қилади (ҚБН 208б). *Агар кибр идиси асил-мэн дэсä* – агар кибрли киши мен насаблиман деса (ҲҲ 2-128). – Ар.29.

**АСИР** I а. асир, банди, тутқун: *кÿлäр йÿз исиг сöзкä йалңуқ исир / исинсä бу йалңуқ болур кул асир* – кулар юз, илиқ сўзга одамнинг меҳри исийди, одам меҳри исиса, қул ва асир бўлади (ҚБН 93б). *кöңÿл бэг турур бу этöз қул асир / ара сöзкä тумлыр арала исир* – кўнгил-бег, тану жон (эса унга) қул, асирдир, (у) гоҳо сўзга совуйди, гоҳо исийди (ҚБН 210б). – СЯ 1-73. Ар. 159.

**АСИР** II а. фазо, коинотнинг энг юксак нуқтаси; *эфир: асирдин кэлигли калық қушлары / кайу р'айи ҳинди... кайу кайсари* – фазодан (учиб) келувчи ҳаво қушлари, баъзилари ҳиндий рожалар, баъзилари (румий) қайсарларга тегишлидир (ҚБН 10б). – Ар. 159.

**АСЛ** .а.қ. АСИЛ. – СЯ 1-74.

**АСЛЫН** – осилмоқ, осиб қўйилмоқ: *аслынды нэң* – нарса осиб қўйилди (МК1-258). МК 1-258 “эслинди-осилди”. Инд. 49. “эслинди – (шамол) тортиб олди – был вытянут”. ДТС 60 “аслын”.

**АСЛИ** а. аслий, ҳақиқий, ҳаққоний; туб, ҳақ: *кишиликни козма эй асли киши / кишилик қылу тур кишикä тушы* – эй аслий киши, одамийликни тарк этма, одамларга муносиб одамийлик қилавер (ҚБН 63б). *эки тÿрлÿг-ол кöр бу асли киши / бири бэг бири билга йалңуқ башы* – аслий кишилар икки турли бўладилар, бири – бег, бири – доно, (улар) халққа бош бўладилар (ҚБН 16б). – Ар. 29. СЯ1-75.

**АСРА** туб, таг, ост, қуйи (МК 1-147). қ. ИСРА. – Таф.61. СЯ1-75.

**АСРАҚЫ** остдаги, олддаги. ЭЛИГ АСРАҚЫ – қўл остидагилар, хизматкорлар: *сэн-ӧк бэр мэңä кӳч нэчä эзгӳкä / элиг асрақылар йӳкин йӳзгӳкä* – ҳар турли эзгуликлар (қилиш) учун, қўл остидаги (одамлар)нинг ғамини ейиш учун менга сенинг ўзингтина куч ато эт. (ҚБН.696). қ. – Ар. 29.

**АСРЫ** қ. ЭСРИ,

**АСРУШ** – аксиришмоқ: *эки эр асрушды* – икки киши ким ошарга аксиришди (МК1-237).

**АСТ** I. тор кўча, энсиз, ёлғизоёқ йўл (МК1-78).

**АСТ** 2. қ. АСТЫН. – Ар.29. СЯ1-77.

**АСТЫН** ост, таг, қуйи; тубан, остин: (МК1-133): *кэзин ӧңдӳң эрмäз йа солдың оңун / йа астын йа ӳстӳн йа отру орун* – (тангри) ортдан ҳам, олддан ҳам, сўлдан ҳам, ўнгдан ҳам эмас, ё остдан, ё устдан, ё ўртадан ҳам эмас, (унинг) на ўрни бор (ҚБН 8а). *билигсизлик эрни чӧкäрди астын* – билимсизлик кишини юз тубан чўктиради (ҲҲ 102) ДТС 61. – Ар.29. Таф.61. "АСТЫНДАҚЫ – находяшийся внизу (под чем – л). СЯ1-77 "нижний; после".

**АСТУР** I. илдирмоқ, остирмоқ: ол эт астурды – у гўшт остирди (МК 1-226). 2. остирмоқ, осиб ўлдиртирмоқ: ол эр астурды – у одамни остирди (МҚ 1-226). – Таф.62.

**АСУР** – аксирмоқ, чушкирмоқ: *эр асурды* – одам аксирди (МК1-187). *бу эр ол тэлим асурған* – бу одам кўп аксирадигандир (МК1-171), -СЯ1-101 "ақсур

**АСУРТҒУ: АСУРТҒУ ОТ** бот. аксиртирувчи ўт, маралқулоқ, илдизи йўғон, попук гулли кўп йиллик ўсимлик (МК 3-446).

**АСУРҒУҚ: АСУРТҒУҚ ЭР** ақлли, зийрак, ҳушёр киши, зукко одам МК 3-446 .

**АСҲĀБ** а. асҳоб, саҳобалар, пайғамбар маслакдошлари: *фи фазäйил-и асҳäб-н-наби ризвäну-л-лаҳи'алайҳим* – пайғамбар маслакдошларининг фазилатлари (ҳақида), уларга тангрининг розилиги ёғилсин (ҚБН 9а). АСҲĀБ-И-Р'АС а. ш.н. Асҳоби Раъс, темир қўрғон қурган ривоий қаҳрамон *: йа ганжим тӳгäл болды қāрун нэңи-тэг / йа асҳäб-и-ра'с-тэг тэмӳр кэнд тоқыттым* – ё Қорун бойлигидек давлатим тугал бўлди, ё Асҳоби Раъсдек темир қўрғон қурдим, деб фараз қилайин (ҚБҚ 388). – Ар. 28. СЯ 1-77.

**АТ** 1. от, ном исм (МК1-107): *элигкä йақын хāс ҳажиб эрди бир / аты эрсиг элиг билä сöзкä бир* – элигга яқин бир хос ҳожиб бор эди, оти эрсиг, элиг билан сўзи бир эди (ҚБН 246). *адаш тутты айтолды эзгӯ киши / кöсäмиш аты эрди эзгӯ иши* – Ойтўлди бир яхши киши билан дўст тутинди, оти Кўсамиш эди, ишлари хайрли эди (ҚБН 246). *адиб аҳмад атым адаб панд сöзӯм / сöзӯм мунда қалур барур бу öзӯм* – отим – Адиб Аҳмад, сўзларим – адаб ва панд, сўзларим бу дунёда қолади, ўзим ўламан (ҲҲ1-214). *адибниң йэри аты йӯгнäк эрӯр / сафāлық 'ажаб йэр кöңӯллäр йарур* – адиб яшайдиган ернинг номи Югнакдир, ажойиб ва сафолик ердир, (у ерда) диллар равшанлашади (ҲҲ2-147). *китāб аты тӯзӯгин авучғалы қыны айур* – китоб номи тузилишини (ва) қарилигини айтади (ҚБН 196); 2. лақаб, унвон: *атым қул тапуғчы кöр öрнӯм қапуғ / қылынчым кишилик бу қылқыим тапуғ-лақабим* – қул хизматкор, кўргин, ўрним бўсаға, қилмишларим одамийлик, шуғлим хизматдир (ҚБН 276); 3. донг, шуҳрат; *эки нэң турур дунйā аты чавы / бири нэң-тавар-ол бири йӯз сувы* – дунёнинг донг-овозаси икки нарса биландир; бири – мол-товар, яна бири – обрў-эътибор (ҚБН 219). *ат ал - ном олмоқ, унвон олмоқ: қайуқа öгäлик тэгир öг булур / қайу кöк айуқлуқ ӯзä ат алур* – баъзиларга донишмандлик насиб бўлади, дониш топади, баъзилар кўк аюқлик (бошлиқларга бериладиган лақаб) унвонини олади (ҚБҚ 239). *ат арта* – ном булғанмоқ, от ёмон бўлмоқ: *олар öгсäлäр öгди элкä барыр / қалы сöксäлäр аты артаб қалыр* – улар (шоирлар) мадҳ қилсалар, (одамнинг) таърифи эл орасига кетади, агар сўксалар, (одамнинг) номи булғаниб қолади (ҚБН 159а). *ат артат* - ёмонотлиқ бўлмоқ, номга гард тегизмоқ, шаънга доғ туширмоқ: *ақы бол бузунқа ула нэң йэтӯр / саран болса бэглäр атын артатур* – сахий бўл, халққа мол-товар улаш, (ичириб) едир, беглар хасис бўлсалар, номларига доғ туширадилар (ҚБН 189а). *ат ата* – 1. ном бермоқ, от қўймоқ: *қайу кэнд улуш орду қарши йэрä / китāбкä öңин ат атамышлар-а* – ҳар қайси кенд, қишлоқ, шаҳар, сарой, ўлкаларда китобга бошқача ном берганлар (ҚБҚ 4). 2. ёдга келтирмоқ, тилга олмоқ, ўз номи билан атамоқ, отни зикр қилмоқ: *оғул-қызда отру ата йэр этин /оғул-қыз атамас атасы атын* – ўғил-қиз ташвиши билан ота машаққатлар тортади, (лекин) ўғил-қиз отанинг номини ёдга ҳам олмайди (ҚБН 486). *ат атан* – от қўйилмоқ, исм берилмоқ: *акасында туғса атанса аты / мусāфир болуб мӯнди öзлäк аты* – бола онасидан туғилиб оти қўйилгач,

мусофир бўлиб фалак отига минади (ҚБН 56б). *ат бэр* – от бермоқ, ном қўймоқ, унвон бермоқ: *йана тэгмä бирингä тӱркчӱ бир ат бэриб турур* – яна ҳар бирига туркча бир ном қўйғандир (ҚБН 2а). *бэг аңар ат бэрди* – бег унга унвон берди (МК 1-107). *Ат бул* – унвон олмоқ, унвонга сазовор бўлмоқ: *йуғ ашы болур йа öлӱг атынга / йа ол ат булур аш бэрӱр йатынга* – ё ўлганнинг хотирасига аталган маъракa – худойи оши бўлади ёки (биров) унвон олади ва ўзгаларга зиёфат беради (ҚБН 166а). *аты-чавы / аты-сöзы / аты-ӱни* – оти-шухрати, оти-таърифи, оти-овозаси (ҚБН 2а, ҚБН 44б, ҚБВ 6б). *ат йазыл* – ном таркалмоқ, шухрат таралмоқ, машҳур бўлмоқ: *öтӱнди бу öгдӱлмиш элиг қуты / узун кэч тирилсӱ йаз'илсу аты* – Ўгдулмиш сўз очди (ва айтди): элиг жанобu олийлари узоқ умр кўрсинлар, шухратлари оламни тутсин (ҚБН 63а). *ат кöтӱр / ат қопур* – номни улуғламоқ, шухрат қозонмоқ, донг таратмоқ, овоза ёймоқ: *ажун инчкä тэгди тӱзӱлди тöрӱ / тöрӱ бирлä атын қопурды öрӱ* – олам осойишталикка эришди, адолат қарор топди, (хоқон) адолат туфайли отини улуғлади (ҚБН 2а). *ат лақаб бэр / ат лақаб ур*: лақаб бермоқ, атамоқ: *тэгмä бири бир тӱрлӱг ат лақаб бэрдилäр* – ҳар бирлари бир турли от лақаб бердилар (ҚБН 2а). *тэгмä бири бир тӱрлӱг ат лақаб урдылар* – ҳар бирлари бир турли от лақаб қўйдилар (ҚБВ 3). *ат тэгӱр*: ном бермоқ, фахрли ном билан тақдирламоқ: *бу хāс ҳāжиб атын тэгӱрмиш муңа / муны бу öзингä йағутмыш йана* – у уни хос ҳожиб деган фахрли ном билан тақдирлаб, ўзига якинлаштирибди (ҚБҚ 7). *ат ур*: *бу тэгмä бирингä ат урмыш öңин / бу йаңлуқлы қыны айамыш кэдин* – ҳар бирига ўзгача ном берган, бу янглиғлигини (ном бериш сабабини) кейин таърифлаган (ҚБҚ 7) АТ-ЎН – шухрат, донг, овоза: *қамуғ элкä толды кöр аты* – уни кўргин шухрати борлиқ элга ёйилди (ҚБВ 6б). АТ УРУЛ – от берилмоқ: *мэңä ат урулды бу зāҳид аты / бу атым мэңä болды тā'ат йуты* – менга мана шу зоҳид ном берилди, бу номим менга тоат-ибодат (қилмаслик) учун офат бўлади (ҚБН 185а) АТ-ЎН ЙАЗ – донг-овоза таратмоқ: *бӱтӱн элкä йазты кöр аты-ӱни* – кўргин, унинг донг – овозасини борлиқ элларга ёйди (ҚБН 66б). АТҚА ТЭГ – унвон олиш: *бу ол атқа тэгмиш тапуғ қилғучы / мунуңда нарусы öдä бэргӱчи* – унвон олган хизмат ўтовчилар мана шулардир, булардан бошқалари тобе бурч ўтовчилардир(?) (ҚБН 150а). АТ ҚОД / АТҚ03 / АТ Қ03УН / АТ ҚОТ – ном қолдирмоқ: *ажунда ат эзгӱ қотуб барды кöр* – дунёда

яхши ном колдириб кетдилар, кўргин (ҲХ 1-196.). *öзӱңтин кэдин эдгӱ атың қодун* – ўзингдан кейин яхши номингни қолдир (ҚБВ 108). – Ар. 32. Таф. 62. СЯ 1-78.

**АТ** 2. от: *куш қанатын эр атын* (мақол) – куш қаноти билан, эр оти билан (МК1-70). *эр ат эзäрлäди* – одам от эгарлади (МК1-293) *атын тутты тэркин бир оғлан билä / туруб чықти барды сэвӱнчӱн кӱлä* – тезда бир йигит билан отини ушлади, туриб чикди, севиниб, кулиб жўнади (ҚБН 143б). *йэгӱ кэзгӱ мингӱ ат айғыр сӱлӱк / булардын чықар ҳам йӱзӱргӱ кӱлӱк* – ейиладиган, кийиладиган нарсалар, миниладиган отлар, (жангбоп) айғирлар ҳамда юк ортиладиган уловлар булардан (чорвадорлардан) чиқади (ҚБН 161а). АТ ҚУДРУҚЫ – от думи (МК 1-438). – Ар. 32. Таф. 62. СЯ 1-79.

**А:Т** қ. АТ 1.

**АТ** – 1. отмоқ, ташламоқ, итқитмок, улоқтирмоқ; сочмоқ: *ол атты нэңни* – у нарсани ташлади (МК1-181). *Öзӱң отқа атма кишилäр ӱчӱн / öзӱңни кӱйӱрмä кöрӱрдä кӱчӱн* – бошқалар учун ўзингни ўтга ташлама, уларга қарашда ўзингни зўрлаб куйдирма (ҚБН 187а). *ичиндä татығ болмаса ол қағун / аны таштын атғу болур эй сығун* – ичида мазаси бўлмаса, (ундай) қовунни четга улоқтириш керак бўлади, эй кўзи (ҚБН 185а). 2. отмоқ (ўқ): *эр оқ атты* – одам ўқ отди (МК 1-181) *атса оқын кэз' кэриб / кимтӱр аны йығдачы* - замона ўбдан кериб ўқини отса, уни ким тўхтата олади? (МК 3-116). *бӱтӱн чын бағырсақ кöзи кöңли тоқ / кöни болса қылқы масал атғу оқ* – ишончли, чин, садоқатли, кўзи, кўнгли тўк, феъли мисоли отиладиган ўқ каби тўғри бўлса (ҚБН 107б) 3. ёришмок, отмоқ(тонг): *сарығ таң ата кэлди* – сариқ тонг ота бошлади (ҚБН 214б). таң атты – тонг отди (МК 1-181). таң ата йорталым – тонг отиши билан йўлга тушайлик (МК 3-307). 4. даф қилмоқ, ҳайдамоқ: *мэндä булнур сэвинч оти қазғу атар* – менда шодлик малҳами бор, у қайғуларни даф қилади (МК 3-384). 5. бесаранжом бўлмоқ, саросимага тушмоқ: *таңда билä кöрсä мэни öрдäк атар, / қалв а кöрӱб қашғалақы сувқа батар* – эрта тонгда кўлда мени кўриб ўрдак саросимага тушади, пойнаксиз (тўмтоқ) ўқни кўриб қашқалдоқ сувга шўнғийди (МК 1-480). 6. сочмоқ: *кэлсä киши атма аңар öртäр кӱл-а* – сенинг ҳузурингга (бирор) одам келса, сен унинг юзига иссиқ кул сочма (МК1-149). – Ар. 34. Таф. 62. СЯ 1-79.

**АТА 1**. ота (МК1-114): *ата тоны оғулқа йараса атасын тиламас* (мақол) – отанинг кийими ўғилға мос келса, у отасининг тириклигини истамайди (МК3-95). *Оғул-қызда отру ата йэр этин / оғул-қыз атамас атасы атын* – ўғил-қиз ташвиши билан ота машаққатлар тортади, (лекин) ўғил-қиз отанинг номини ёдга ҳам олмайди (ҚБН 48б). *ата бир ана бир уйалар бу халқ / тафавутлари йоқ ота эртисӓ* – бу халқ ота бир, она бир қондош-қариндошдирлар, чуқур текшириб қаралса тафовутлари йўқдир (ХХ2-128). қ. ХАТА. – Ар. 35. Таф. 52. СЯ1-80.

**АТА 2**: АТА САҒУН – табиб, ҳакими ҳозиқ (МК1-114). – ДТС 66 "и. соб".

**'АТĀ** а. ато, ҳадя, туҳфа, инъом; *байатдын 'атā-ол уқуш бэлгӳлӳг / уқушдын болур болса эркӓ ӳлӳг* – ўкув-идрок тангридан инъомдир, бу – аниқ одамга баҳра тегса, ўқув-идрокдан тегади (ҚБН 71а). *'атā бэр* – инъом бермоқ, ато этмоқ: *муны бэрдиң эмди мэңӓ сэн 'атā: / қылур-мэн мунық шукри йӳз-миң қата* – энди уни менга сен.

**АТА** – атамоқ, ном бермоқ; номни тилга олмоқ, ёдга олмоқ, зикр қилмоқ номба-ном санамоқ: *йав'а сӧз билигсиз тилиндин чықар / билигсиз кишиг билгӓ йылқы атар* – беҳуда сўз нодоннинг тилидан чиқади, нодон одамни доно мол деб атайди (ҚБН 42а) *оғул-қызда отру ата йэр этин / оғул-қыз атамас атасы атын* – ўғил-қиз ташвиши билан ота машаққатлар тортади, (лекин) ўғил-қиз отанинг номини ёдга ҳам олмайди (ҚБН 48б). *оқымыш элиг эмди кэлгил тэйӳ / қамуғ эзгӳлӳкни атамыш сайу* - элиг энди келгин, деб чақирибди, барча хайрли ишларни номба-ном санабди (ҚБН 128б). АТ АТА - ном бермоқ, лақаб қўймоқ, лақаб бермоқ: ол аңар ат атады - у унга лақаб бэрди (МК3-267). – Ар. 35-36. Таф.63. СЯ1-80.

**'АТАБАТ** а.'АТАБАТУ–Л–ҲАҚОЙИҚ– ҳақикат бўсағаси, Аҳмад Югнакий асарининг номи (ХХ 3-361).

**АТАЛЫҚ** оталик, оталик вазифаси: *атаң ӧлди эрсӓ атаң-мэн сэңӓ аталық қылайын оғул бол мэңӓ* – отанг ўлган бўлса, мен сенга ота ўрнидаман, мен сенга оталик қилайин, менга ўғил бўл (ҚБН 62а). *аталық қылур кӧр атақа оғул / оғул бэг болуб кӧр ата болды қул* – кўргин, ўғил отага оталик қилади, (гўё) ота қул, ўғил (эса) бэг бўлди, кўр (ҚБҚ 384). - Ар. 36. СЯ1-80.

**АТАЛЫҒ** отали, отаси бор: *ол этчи турур кӧр аталыгларыг / атасыз қылыглы эй асди арыг* – ой аслзода, кўргин, у шундай қассобдирки, оталиларни отасиз қилади (ҚБҚ 217б). – Ар. 35.

**АТАН** ахта (ишчи) туя; бичилган туя: *атан йўки аш болса ачқа аз кӧрўнўр(мақол)* – ишчи ахта туянинг юки нуқул озик-овқат бўлса ҳам, оч учун оз бўлиб кўринади (МК1-105).

**АТАН** – аталмоқ, номланмоқ; ном олмоқ: – *атанды ӧзўң эмди заҳид аты / бу атың сэңа болды та'ат йуты* – энди ўзинг зоҳид номини олдинг, бу отинг сенга тоат-ибодат (қилмаслик) учун офат бўлди (ҚБН 119б). *ўкўш кўрдўм эзгў атанмыш киши / эсизка қатылды бузулды иши* – кўп кўрганман, яхши деб ном олган одамлар ёмонларга аралашиб ишлари бузилган (ҚБН 153б). – Ар.36. Таф.63. СЯ1-81.

**АТАНЛАН** – бичилган (ишчи) туяга эга бўлмоқ: *эр атанланды* – одам бичилган туяли бўлди (МК1-289).

**АТАНЛЫҒ** ахта туяси бор: *атанлыг эр* – ахта килинган, бичилган туяси бор одам (МК 1-164).

**АТАСАҒУН** қ. АТА 2.

**АТАСЫЗ** отасиз, етим: *ол этчи турур кӧр аталыглары / атасыз қылыглы эй асли арыг* – эй аслзода, кўргин, у шундай қассоб (жонолғич)дирки, оталиларни отасиз қилади (ҚБН 217б). – Ар.35.

**АТАТ** – от бўлмоқ, от бўлиб етилмоқ: тай ататты – той от бўлиб етилди (МК 214). *тай ататса ат тынур* (мақол) – той от бўлиб етилса,от тинади (МК1-214). *тынур қалы ататса қысрақ сыны тай* – агар той от бўлиб етишса, қисир байтал танаси (жони) тинади (МК1-214).

**АТАЧ** 1. кич. отагина, отажон (МК1-86). 2. *отамандо, ўзини катталардек улугсифат тутувчи бола;* отага монанд: *ата оглы атач тугар* (мақол) – ота ўғли отага ўхшаб туғилади (МК 2-84). *атач огул* – ўзини худди катталардек тутадиган бола (МК1-86).

**АТАҚЫ** эрк. кич. отагина, отажон (МК1-155).

**АТАҒ** ном; лақаб: *қул аты анын болды қулқа атаг / тапуг қылса тўн-кўн ула болса таг* – қул оти шунинг учун ҳам қулга лақаб бўлдики, у тоғу-тошда туну кун тоат-ибодат қилиши зарур (ҚБН 124а). – Ар.36. СЯ1-81.

**АТЫЗ** икки ариқ орасидаги экин экиладиган ер (МК1-88). МК I-88 “этиз – икки дара орасидаги чегара”.

**АТЫЗЛА** – ажратмоқ, чегара тортмоқ; ариқ тортиб пушта очмоқ: *эр йэрин атызлады* – одам ерини ариқ тортиб экишга тайёрлаб қўйди (МК-294).

**АТЫЗЛАН** – ажратилмоқ, чегара тортилмоқ, ариқ тортиб пушта очилмоқ: *йэр атызланды* – ер ариқ тортилиб экишга ҳозирлаб қўйилди (МК1-287).

**АТЫЛ** – 1. отилмоқ (ўқ): *оқ атылды* – ўқ отилди (МК1-201). 2. очилмоқ, ёзилмоқ: *чэчак ағзи атилди* – гулғунчанинг оғзи очилди (МК1-201). – СЯ1-81.

**АТЫМ** мерган: *атым эрсиг эрсӓ болур оқ-йачы / кӧни болса қылқы болур тамғачы* – мерган, жасур бўлса, ўк-ёйчи (найзадор) бўлади, Феъли тўғри бўлса, тамғадор бўлади (ҚБН 147а). *йӱрӓклиг кэрӓк эр йэмӓ алп атым / йӱрӓк бирлӓ болды йағықа тэтим* – одам юракли, шунингдек, жасур, шижоатли бўлиши керак. одам юрак билан душманга бас келадиган тап тортмас бўлади (ҚБН 79а). *йазмас атым йағмур / йаңылмас билгӓ йаңқу* (мақол) – янглишмайдиган мерган ёмғирдир, адашмайдиган доно акс садодир. Ёмғирнинг мўлжал ўрни, нишонга олган жойи бутун ер юзидир, ер юзи эса жуда кенгдир, бундай кенг жойга отилган нарса хато кетмайди, қаергадир бир ерга тегади; у (акс садо) сен нима десанг, худди шундай қайтаради (МК 3-389). *Йазмас атым болмас / йаңилмас билгӓ болмас* (мақол) – хато отмайдиган мерган бўлмайди, адашмайдиган доно бўлмайди (МК 3-67). *атым эр* – ўқ отишга моҳир киши, мерган (МК 1-104). – Ар.36.

**АТЫН** – бошқа, бўлак, ўзга: *адиблар адиби фӓзиллар башы / гуҳартын сӧз аймыш атын сӧз биши* – адибларнинг адиби, фозилларнинг сарвари гавҳарга тенг сўзларни айтибди, бошқа сўзлар арзимас чақадир (ҲҲ 1-215). қ. АЗЫН.

**АТЫН** – 1. сурилмоқ, сургалиб юрмоқ: *ол нару атынды* – у нари сурилди (МК1-207). 2. суриб ташланмоқ, юмалатилмоқ (МК1-207),

**АТЫН** – 2. отгандек бўлиб кўринмоқ (ўқни): *ол оқ атынды* – у (ўзини) ўқ отгандек кўрсатди, аслида отмаган эди (МК 1208).

**АТЫНЧУ** ташландиқ, ташланган: *атынчу нэн* – ташлаб юборилган нарса (МК1-153).

**АТЫЧ** қ. ЭТӒЧ.

**АТЫШ** 1. отиш, отишма (МК 1-92).

**АТЫШ** 2. ш.н. Атиш, эр киши исми (МК1-92).

**АТЫШ** – отишмоқ, отишда баҳслашмоқ: *ол мэниң бирлä оқ атышды* – у мен билан ўқ отишда баҳслашди (МК 1-189'). ол *мэниң бирлä оқ атышған* – мен билан ўқ отишиш унинг одатидир (МК1-172).

**АТЫҚ** – ном чиқармоқ, донг таратмоқ, машҳур бўлмоқ: *нэгä тэр атықмыш йағычы эшит / бу сöз эштиб öтрÿ öзиäгä иш эт* – донг таратган жангчи нима дейди, эшит, бу сўзларни эшитгач ўзинг учун дастурул амал қилиб ол (ҚБН 89а). – Ар.36.

**'ĀТЫҚ** а.ш.н. Отиқ, Муҳаммад пайғамбарнинг чорёрларидан биринчиси, Абу Бакрнинг лақаби (унинг Содиқ лақаби ҳам бўлган (ҲҲ 3-33). *'āтық эрди ашну қамуғда ÿзä / байатка бÿтÿгли кöңÿл, тил туз-а* – ҳаммадан бурун, энг аввали Отиқ эди, тангрига тугал ишонган, кўнгли ва тили бир эди (ҚБН 9а). – Ар.36.

**АТЛАН** – I 1. отланмоқ, отга минмоқ: *туруб чықты атланды кэлди йана / тÿшÿб кирди эв кä сучулды тон-а* – туриб чиқди, отга минди, қайтиб келди, тушиб уйга кирди, кийимларини ечди (ҚБН 179б). *ол атланды* – у отга минди (МК1-281). *бэглäр сэмиз атланур* – беглар семиз отларга минадилар (МК1-282). *эр атланды* – одам отга минди (МК1-256). 2. от ҳозирлаб тайёрланмоқ; тараддуд кўрмоқ, азми қарор қилмоқ: *қалы атланур болса бэглäр сÿкä / йа қушқа чоғāнга йа эл кöргÿкä* – агар беглар жангга, ё қуш солиб ов қилишга, чавгон ўйнашга, ё элни кўздан кечириб чиқишга ҳозирлик кўриб отлансалар (ҚБН 97а). *йылқы йазын атланур* – ҳайвонлар баҳорда тараддудга тушадилар (МК1-282). 3. чиқмоқ, кўтарилмоқ: *ол тағқа атланды* – у тоғ устига чиқди (МК1-256). – Ар.37. СЯ 1-82.

**АТЛАН** – II отлашмоқ (йилқидан) отга айланмоқ, ҳақиқий от кучини олмоқ: йылқы йазын атланур / отлаб анын этлäнÿр – йилқи баҳорда отлашади, ўтлаб, шу туфайли семиради (МК1-282).

**АТЛАС** атлас: *улуғлуққа тэгсäң йаңылма öзÿң / қалы кэйсäң атлас унутма бöзÿң* – улуғликка етишсанг ўзинг адашма, агар атлас кийсанг бўз (кийим)ингни эсдан чиқарма (ҲХ1-205 ). – СЯ1-82.

**АТЛАШ** – отдан гаров ўйнамоқ: *ол мэниң бирла оқ атты атлашу* – у мен билан отдан гаров қўйиб ўқ отишда баҳслашди (МК 2-263).

**АТЛАҚ** қ. АТЛАҚА.

**АТЛАҚА** отларга (бу таркибдан -лар қўшимчасининг -р товуши тушиб қолган): *бэк чӓм уруб атлақа / уйғур дақыи татлака / оғры йавуз ытлақа / қушлар кэби учтымыз* – отларга туғлар (белгилар) тақиб, уйғурлар мулкидаги номусулмонлар – ўғри, ярамас муттаҳам итлар тоифаси устига қушлар каби ёпирилиб учдик (МК 1-446). Қ. АШЛАҚА, ЫТЛАҚА, ЫШЛАҚА, ТАТЛАҚА, ҚИШЛАҚА. – ДТС. 67. "атлақ, собир. От АТ 2 "кони".

**АТЛЫҒ** I. отли, номли; аталган, номланган: *öз инчлик тилӓсӓ эрӓжи узун / тил атлығ этиг йэ тирил эй тӱзӱн* – ўзинг фароғати чексиз осойиш истасанг, тил деб аталган этни еб яшағин, эй афзал киши (ҚБН 168а). *эсӓнлик тилӓсӓ öз игсизликин / аз атлығ отуғ йэ тирил эй тэгин* – хасталиксиз сиҳат-саломатлик истасанг, "оз" деб аталган дорини истеъмол қилиб яша, эй аслзода (ҚБН 168а). *бир айтолды атлығ эр эрди йэтиг / эшитти бу чавығ этинди этиг* – бир Ойтўлди отли етук киши бор эди, бу довруғини эшитди, (боришга) ҳозирлик кўрди (ҚБН 23а); 2. ном чиқарган, машҳур: *эз`и йақшы аймыш бузун атлығы / бузунда талусы киши қутлуғы* – халқ ичида ном чиқарган киши жуда яхши айтган, халқ орасида тўкиси – бахтиёр киши (ҚБН 64б). *Кӳвӓнмӓ қывы кутка қутлуғ киши / усанма öзӱң қутқа атлығ киши* – эй бахт кулиб боққан киши, ўткинчи бахтга қувонма, эй номдор киши, ўзинг бахтга алданиб, ғафлатда қолма (ҚБН 30а) 3. Қабила улуғи ёки бошлиғига нисбатан ҳам атлиг сўзи ишлатилади (МК 1-107). – Ар. 34 Таф.39. "адлу", 63.

**АТЛЫҒ** II. отлиқ, суворий: *атлығ йэлди* – отлиқ елди (МКЗ-71). АТЛЫҒ ЭР отлик, одам (МК 1-123). ЙЭЛКИН АТЛЫҒ – ўткинчи отдан, отлиқ, мусофир (МКЗ-44). – СЯ1-82. "атлы", 1-83 "атлығ Таф. 63.

**АТЛУҚ** 1. геогр. Атлуқ; Тироз (Авлиёота) яқинидаги бир шаҳар (МК 1-124). ДТС 221 "ытлық".

**АТЛУҚ** 2. отхона. оғил (Атлуқ, шаҳарда яшовчилар тилида) (МКI - 124). қ. АТЛУҚ 1. – ДТС 374 отлуқ корыто для корма".

**АТМАҚ** қ. ҚАРИН

**АТСА** – отишни истамоқ: *ол оқ атсады* – у ўқ отишни истади (МК1-273).

**АТСЫЗ** ном-нишонсиз, беному нишон: *кимиң эрдӓми болса аты йурыр / қалы болмаса эрдӓм атсыз қарыр* – кимнинг (яхши) хислат-фазилатлари бўлса, номи тарқалади, агар хислат-фазилатлари бўлмаса, беному нишон қарийди (ҚБН 99б). – Ар.34.

**АТТУР** – оттирмоқ: *ол оқ аттурды* – у ўқ оттирди (МК1-223).

**АТЧЫ** қ. ЭТЧЫ.

**АТҒАР** – отга миндирмоқ: *ол мэни атғарды* – У мени отга миндирди (МК1-229). – Таф.63 "снаряжать войска".

**АТҒАҚ** 1. тиб. қоринда зардоб йиғилиши касаллиги, сариқ касаллиги; қуланж (МК1-140)

**АТҒАҚ** 2. бот. бир турли сариқ ўсимлик, айиқтовон(?) (МК 1-140).

**АТҒАҚ** 3. қайғудан ранги сарғайган, ранги заҳил одам (МК1-141).

**АФЫЛҒУ:** АФЫЛҒУ ҚАТЫ бот. денгиз дарахти, қайинлар оиласига мансуб бир турли дарахт (МК3-160). қ. АВЫЛҚУ, ТАВЫЛҚУ, ТАВЫЛҒУЧ.

**А̄ФИЙАТ** а. саломатлик, тансиҳатлик, соғлик, соғломлик, тансиҳат – хотиржамлик: *аныңда басасы бу озғурмиш-ол / муны а̄фийат тэб өзүм йөр миш-ол* – ундан кейингиси Ўзғурмишдир, мен уни саломатлик-соғломликка йўйдим (ҚБН 196). – Ар. 8. СЯ 2-562 "а̄фийат / а̄фийэт".

**АФРА̄СИЙА̄Б** ф. ш.н. Афросиёб (Туроннинг ривоий ҳукмдори, қорахоний туркларнинг чиқиб келиши у билан боғланади): *тэжиклӓр айур аны афра̄сийа̄б / бу афра̄сийа̄б тутты эллӓр талаб* – тожиклар уни Афросиёб деб айтадилар, бу Афросиёб элларни забт қилиб олди (ҚБН 17а). – Ар.143.

**АФСУНЧИ** ф. т. афсунчи, азайимхон, парихон, дуохон: *буларда ба̄са кэлди афсунчилар / бу йэл-йэклиг игкӓ бу – ол эмчилӓр* – булардан кейин азайимхонлардирлар, улар инсу жиндан тегадиган хасталикларнинг эмчиларидирлар (ҚБН 1576). – Ар. 8. СЯ1-84.

**А̄ФТА̄БА** ф. офтоба, кумғон (МК1-406). ДТС 16 "а̄фта̄би".

**АФШАР** этн.= Афшар, ўғуз уруғларининг олтинчиси (МК1-89)

**АХЫ** сахий, саховатли; ҳимматли: *ахы эр билигни йэтӓ билди көр аныи сатты малын сана̄ алды көр* – ҳимматли одам билимни тугал ўрганди, мол-дунёсини унга харжлаб, эвазига мадҳу сано олди, кўргин (ҲҲ2-123). *ахы эрни өггил өгар эрсӓ сэн / бахылға қа-тығ йа оқун кэзлӓгил* – мадҳ қилсанг сахий одамни мадҳ эткин, ба-хилга таранг (тортилган) ей ўқини мўлжаллагин (ҲҲ1-196). қ. АҚЫ.

**АХЫЛЫҚ** – сахийлик, саховат; ҳиммат: *бахыллнықым қаны öгар тил қайу / ахылықны хам хāс тӱзӱ халқ öгар* – бахилликни мақтайдиган тил қани, қайси? Сахийликни ому хос, барча халқ мақтайди (ҲҲ2-123). *қамуғ эр ахы эр санāлысон айур / ахылық қамуғ айб кирини йуйур* – барча тил саховатли кишига сано-мадҳ айтади, саховат ҳар қандай айб-гуноҳнинг ҳам кирини ювади (ҲҲ1-196). қ. АҚЫЛЫҚ.

**ĀХИР** а. 1. охир, охир-оқибат; оқибат натижа: *кöтӱрмä байутма эсиз öгтäмиг/ āхир қылға шаксиз сэңа от-эмиг* – ярамас, бетийиқ (кишини) кӯтарма ва бойитма, у оқибат натижада сенинг чора-иложингни қилади (ҚБН 199а). *татурмаз эсäиндä туз достынга / öлӱр қалур āхир йэйӱр душманы* – (бахил) кӯзи тириклигида дӯстига (ҳам) тузини тоттирмайди, охири ӯлади, (моли) қолиб кетади, (унинг) ҳузурини душмани кӯради (ҲҲ2-126). 2. охирги, сӯнгги: *элигкä тэгӱргил мэниңдин салāм / бу āхир салāм-ол эй билги тамāм* – элигга мендан салом етказгин, бу сӯнгги саломимдир, эй билими комил (ҚБН 222а). *танимдин чықарда мэниң бу жāным / шаҳāдат билä кэсгил āхир тыным* – менинг жоним танамдан чиқаётганда сӯнгги нафасимни шаҳодат билан кескин (ҚБН 21а). *öзӱн кöчгӱ атың сэниң кӱчгӱн-ол / кöчӱтчи öлӱм кэлгӱ āхир кӱн-ол* – ӯзинг кӯчасан, сенинг отинг кӯчманчидир, охирги кун кӯчирувчи ӯлим (албатта) келади (ҚБН 219б). 3. тамом, охир: а:хир бол – тамом бӯлмоқ, охирламоқ: *ажун болды āхир тöрӱ артады / эсизлäриг эдгӱ кöрӱ артады* – замон охир бӯлди, тартиб-қоидалар айниди, ёмонларни кӯриб яхшилар айниди (ҚБҚ 384). *āхир тӱбиндä* – кетида, кетидан, орқасида, орқасидан, охирида, охиридан: *айур эй оғул қылма артуқ сақынч / сақынч кэчсä āхир тӱбинда сэвинч* – деди: эй ӯғил, ортиқ қайғу тортма, қайғу ӯтса, кетидан севинч келади (ҚБН 61б). – Ар.II. Таф.63. СЯ1-129.

**АХСА** – оқсамоқ: *ат ахсады* – от оқсади (МК1-274).

**АХСАТ** – оқсатмоқ: *ол аны ахсатты* – у уни оқсатти (МК1-261).

**АХСАҚ** оқсоқ, чӯлоқ, ланг (МК1-141): *йэтим öгсӱзӱг кöр йа тул-тулсақығ / йа кöзсӱз йа олдрум йэмä ахсақығ* – етим, онасизларга ё тул, беваларга, ё кӯрларга, ё шолларга, ёки чӯлоқларга қараб, ҳолларидан хабар ол (ҚБН 120а). АҚСАҚ-БУҚСАҚ – оксоқ-чӯлок, майиб-мажруҳ (МК1-432). – Ар. 14 “ақсақ”. Таф.39 “ағсақ”. СЯ 1-100 “ақсақ”.

**АХСУМ** қ. АХСУҢ.

**АХСУМЛА** – мастликда тўполон қилмоқ, жанжал чиқармоқ; ножўя иш қилмоқ: *улуғлуққа эсриб ким ахсумласа / қара йэр қатында қынын йэр баса* – улуғликка маст бўлиб кимда-ким ножўя ишлар қилса, қора ер қаърида сўнг азобини тортади (ҚБН 220б). – Ар.12.

**АХСУН** қ. АХСУҢ.

**АХСУҢ** – *ахсуң эр* – мастликда тўполон чиқарадиган одам, жанжалкаш киши (МК1-139).- Инд. 28. "АХСУН", ДТС 71 "АХСУН".

**АХТАР** – 1. ағдармоқ, қўпормоқ; йиқитмоқ: *эр ташығ ахтарды* - одам тошни ағдарди (МК1-224). *тўпи йығачығ ахтарды* – шамол дарахтни қўпорди (МК1-224). 2. ағдармоқ, ҳайдамоқ, шудгор қилмоқ: *ол йэр ахтарды* – у ерни агдарди, шудгор қилди (МК1-225). қ. АҒДАР.

**АХШАМ** оқшом, кечки пайт, кунботар пайт (МК1-131). – СЯ1-86, СЯ 1-102 "ақшам".

**АЧ** I оч, очиққан; очкўз; очлик, очлик ҳисси: *калын ач бөрилäр йығылды сэңа / қойуғ кэз көдäзгил эй элчи тоңа* – беҳисоб оч бўрилар сенинг атрофингга уймалашган, қўйларни жуда эҳтиёт қилгин, эй ўктам эл бошловчи (ҚБН 187а). *қарын тозғуча йэ қамуғ йэм-ичим / кэрäк арпа йур тут тозурғу ачым* – барча егулик-ичкуликларни ҳам қорин тўйгунча еб-ичиш керак, хоҳ арпа, хох тариқ бўлсин, очлик ҳиссисни тўйдирса (қондирса) бўлғани (ҚБН 73а). *атан йўки аш болса ачқа аз көрўнўр* (мақол) – (ишчи) ахта туянинг юки (нуқул) озиқ-овқат бўлса ҳам, оч учун оз бўлиб кўринади (МК1-105). АЧ-ТОҚ оч-тўқ (лик): *йакын қап-қадашдиң йырақ болдуқум / оларқа йўзўрмäдим ачым-тоқум* – яқинлардан, қавм-қариндошлардан узоқ бўлганлигимнинг (боиси шуки), уларга оч-тўқлигим ташвишлари юк бўлишини истамадим (ҚБН 124а). АЧ БОЛ – оч бўлмоқ: *жафā бирлä ўнмиш игизмиш йығач / йэмиши ағу-ол аңар болма ач* – машаққатлар билан ундириб парваришланган дарахт (хотин) меваси оғу бўлади, унга оч бўлмагин (ҚБН 164а). қ. А:Ч – Ар. 1. Таф. 64. СЯ 1-86.

**АЧ** II ё.с. "ҳой", "ҳе", "ҳув" вазифасидаги ундов сўз: ач бэрў кэл - ҳўв, бери кел (МК1-108).

**АЧ=** I 1. очмоқ: *уз'ыр эрдиң эрсä тур ач эмди көз / эшитмäдиң эрсä эшит мэндä сөз* – ухлаётган бўлсанг, тур, энди кўз оч, эшитмаган бўлсанг, сўзни мендан эшит (ҚБН 10а) *қапуғ ачды* – эшик очди (МК1-176); 2. *ниқāб көтрўр ачун бирäр йўз ачар / йазар қол қучар-тэг йана тэрк эрсä бэргил кўмўш / қылыч урсу ачсу сеңа*

*кэнд улуш* – агар баҳодир, мерган бўлса, кумуш бергин, у қилич уриб сенға шаҳар, қишлоқларни қўлга киритиб берсин (ҚБН 189а). *қара булытығ йэл ачар / урунч билä эл ачар* (мақол) – қора булутни шамол тарқатади, пора билан эллар қўлга киритилади. Бу мақол иш битириш учун пора беришдан киноядир (МК1-336); 3. *кэми ичрä олдуруб / ыла сувын кэчтимиз / уйғур тапа башланыб / мыңлак элин ачтымыз* – кемаларга ўлтириб Илю сувидан ўтдик, уйғурлар томонга йўл олиб, Минглоқ элини қўлга киритдик (МК3-253); 4. ечмоқ, ҳал этмоқ: *байат ҳукмингä коз қамуғ ишлäриг / ӧзи кэлсä этлӳр ачар эй тириг* – ҳамма ишни худо ҳукмига ҳавола қил, кези келса битади, (уни ўзи) ҳал этади, эй тирик (ҚБН 178а). *қалын булутуғ тӳпи сӳрäр / қараңқу ышығ урунч ачар* (мақол) – қуюқ булутни шамол тарқатади, қоронғи ишни пора ҳал қилади. Бу мақол зарурат туғилганда пора беришдан киноядир (МК 3-235); 5. очиқ айтмоқ, ошкор қилмоқ, билдирмоқ; баён этмоқ, изҳор қилмоқ: *ақы болғыл алчак туз-этмäк йэтӳр / киши айбы ачма сэн ӧртӳб йитӳр* – саховатли, танти бўлиб нон-туз едир, одамларнинг айбини очма, яшириб пардала (ҚБН 219а). *кӧңӳлдäаки сиррим ачар-мэн сэңä / тилак-āрзу бирлä учар-мэн сэңä* – кўнгилдаги сиримки сенга очаман, тилак-орзу билан сенинг олдингта учаман (ҚБҚ 173б). *илāҳ-а билӳр-сэн бу āжизлықым /сэңар-оқ ачар-мэн муңум ҳам йығым* – илаҳо, менинг ожизлигимни биласан, мунгим ва йиғи-нолишларимни сенгагина очаман (ҚБН 21а). *ача азыр* – аниқ, очиқ-ойдин фарқламоқ: *ҳалāл ҳам ҳарāм азрар эрсä ача / йарағлығ йарағсызны билсä* – ҳалол ва ҳаромни аниқ ажрата билса, яроқли ва ярoқсизни тушуниб англай билса (ҚБН 103а). *ача ай* – очиб айтмоқ, аниқ ва равшан баён этмоқ: *ӧзи болды ҳāжиб элигкä сӧзи / ача айды айтолды қылқы тӳзи* – фурсати келгач, ҳожиб элигта сўзларини, феъли-рафторини бус-бутун аниқ ва равшан қилиб айтиб берди (ҚБН 26б). *ача бил* – аниқ билмоқ, фарқлай олмоқ, ажрата билмоқ: *қатығлан усандур уса бас кэчä / кэча аз ӳкӳшӳг нэ билгäй ача* – ҳаракат қил, ғафлатда қолдир, иложини қилсанг кечаси бос, кечаси (аскар) кўп-озлигини аниқ била олмайди (ҚБН 89б). *ача созла* – очиқ гапирмоқ, тушунтириб айтмоқ: *ачуқлуғ мэңа ай тилäкиң кэ-ол / нэгӳ қулғу эрсä ача сӧзлä қул* – менга очикчасига айт, тилагинг нима? Нима сўрамоқчи бўлсанг очиқ гапир, сўра (ҚБН 127б). – Ар. I. Таф. 64. СЯ1-87.

**АЧ** – II очиқмоқ, оч қолмоқ; очиқтирмоқ, оч қолдирмоқ: *йэсä тозса қылқы болур буғрағу / қалы қарны ачса билиб йэр ағу* – (одам) еб-ичиб тўйса, феъли туяга ўхшаш бўлади, агар қорни очса, била туриб оғуни (ҳам) ейди (ҚБН 47б). *тўшўн-ол бу дунйā кэлигли кöчäр / йэгäн йэл бўкä-тэг йэр эркäн ачар* – бу дунё бир работдир, (унга) келиб тушган кўчади, у гоҳо аждар каби еган сайин очиқаверади (ҚБН 50а). *йэдим ичтим уз-тэг йурыдым йава / ачыб сувсатайын муны мэн эва* – молдек едим, ичдим, беҳуда юрдим (энди) мен ўзимни очиқтириб сувсатайин (ҚБН 205а). АЧ-Т03 – очиқиб-тўймоқ: *ачыглы-тозуглықа қылма тапуг / нэгўкä қилур-сэн тутугка тапуг* – очиқиб-тўювчига (одамга) хизмат қилма, бандага нима учун хизмат қиласан? (ҚБН 237б). *эр ачыб öлшäди* – одам очиқиб ҳолдан тойди (МК 1-280). қ. А:Ч. – Ар.2. Таф.64. СЯ 1-86.

**А:Ч** оч: *а:ч нэ йэмас / тоқ нэ тэмас* (мақол) – оч нималар емайди, тўқ нималар демайди (МК1-108). қ. АЧ 1

**А:Ч** – очиқмоқ, оч қолмоқ: *эр а:чты* – одам очиқти (МК 1-183). қ. АЧ 2.

**АЧА** қ. ЭЧÄ.

**АЧЫ** кекса хотин, ача (МК1-114). қ. ЭЧИ

**АЧЫ** – I 1. ачимоқ, ошмоқ: *сиркä ачыды* – сирка ачиди, ачиб етилди (МК 3-268). 2. ачишмоқ, зирқираб алам бермоқ (МК3-269).

**АЧЫ** – II ачинмоқ, афсусланмоқ; қайишмоқ, жони ачишмоқ; қайғурмоқ: *айур эй казашым барир-мэн мунуң / эки нэңгä артуқ ачир-мэн бу кун* – айтди: эй қариндошим, мунг билан ўлаётирман, бу кун икки нарсага ачиниб-афсусланаётирман (ҚБН 221б). *тириглик барыр эр ачилмас тилин / йава болса эмгäк ачыр кэч йылын* – умр ўтади, (лекин) одам тили очилиб лом-мим ҳам демайди, агар меҳнати зое кетса, узоқ йиллар афсусланади. (ҚБН 106а). *йигитлик кўчи барды мэндин кэтä / ачырмэн йигитликкä кўйўб тута* – йигитлик кучи мени ташлаб кетаётир, тутақиб куйиб йигитликка ачинаман (ҚБН 203а). *бағырсақ кэрäк эр нэ багры сўчиб / тöрў бэрса эзгў-эсизкä ачыб* – мард киши шафқатли бўлиши керак ва меҳри ийиб, яхши-ёмонга қайишиб карам кўрсатиши керак (ҚБН 120б). – Ар. 2 “ачимак, агримак”.

**АЧЫЛ** – I. очилмоқ: *сэн ар эвмä ишлäр öзингä тапуг / öзи кэлсä ачлур бу бэклиг капуг* – сен кўнимли бўл, хизмат ишлари пайтида шошилма, фурсати етгач, берк эшик ўзи очилади (ҚБН 26а). *Кöк ачылды* – ҳаво очилди (МК1-202); 2. кўч. очилмоқ,

ёзилмоқ; яйрамоқ, яшнамоқ, хурсанд бўлмоқ: *элигкä тосулсу бу эрдäмлäрим / ачылсун мэниң кэтсӱ эмгäклäрим* – (менинг) бу санъат-ҳунарларим элигга наф келтирсин, (унинг қулфи дили) очилсин, менинг ташвишларим кетсин (ҚБН 23б). *кöңул ачылды* - кўнгил яйради (МК 1-202); 3. кўч. маълум бўлмоқ, аён бўлмоқ, аниқланмоқ, ойдинлашмоқ: *киши асли билмäк тилäсä öзӱн / қылынчында кöргил ачылга сöзӱн* – одамнинг аслини билмоқчи бўлсанг, феъл-атворига назар солгин, сўзинг (билмоқчи бўлган нарсанг) маълум бўлади қўяди (ҚБН 154б). *бу тöрт нэң ӱзä сöзлäдим мэн сöзӱг / оқыса ачылғай йэти қыл кöзӱг* – сўзни мана шу тўрт нарса ҳақида сўзладим, ўқисанг, маълум бўлади, кўзингни ўткир қил (ҚБН 20а). – Ар. 3. Таф. 65. СЯ1-88.

**АЧЫН** оч ҳолда, очликда: *тоқун ма кэчäр ҳам ачын ма кэчäр/ нэ бэгкä қылур йӱз нэ бай кул сэчар* – (бу дунё кунлари) тўқликда ҳам, очликда ҳам ўтаверади, у на бегга юз хотир қилади, на бой, на қулни фарқлайди (ҚБН 175а). *тöрӱтти қалын боз бу сан-сыз тириг / тирилгӱ бэрӱр козмаз ачын бириг* – (тангри) беҳисоб одам-ларни, сон-саноқсиз жонзодларни яратди, (у уларнинг) барчасига ризқи рўз беради, бирортасини очликда қўймайди (ҚБН 136а). – Ар.1.

**АЧЫН** I 1. очаётгандек кўринмоқ, ечаётгандек кўринмоқ: *эр қойун ачынды* – одам қўйнини очаётгандек кўринди (МК 1-208). 2. ечмоқ, очмоқ (касал устидаги ёпинчиғини, бешикдаги бола гаварасини) (МК 1-208). 3. кўч. рўй-рост баён қилмоқ, маълум қилинмоқ, ошкор бўлмоқ: *тэлим тапғы эрсä ӱкӱш эмгäки / аңар бутсä болғай ачынмыш бэки* – хизматлари кўп, меҳнати талай (синган киши) бўлса, унга ишонса бўлади, (унинг) сир-асрорлари маълум бўлади (ҚБН 106а).

**АЧЫН** II 1.= Сийламоқ, тақдирламоқ, марҳамат кўрсатмоқ: *тосулур тэңинча ағырла ачын / байутғил нэңин сэн бэзӱтгил кӱчин* – фойда келтириши баробарида ҳурматла ва тақдирла, мол-дунё билан бойиткин, кучини оширгин (ҚБН 201б). *бэг эрин ачынды* – бег аскарларини сийлади (МК 1-208); 2. ғамхўрлик қилмоқ: *эр атын ачынды* – одам отита ғамхўрлик қилди (МК 1-208). *Ачын-сучын* – очилиб-сочилмоқ, илтифотли бўлмоқ, самимият кўрсатмоқ, очиқчеҳра бўлмоқ: *ачыну-сӱчинӱ бағырсақлықын / изишин кöзäсä öтäсä ҳақын* – очилиб-сочилиб самимият билан қадаҳларни назорат қилиб кузатса, ўз бурчини адо этса (ҚБН 108а). – Ар.3.

**АЧЫШ** I 1. очишмоқ, очишда кўмаклашмок: *ол мэңä қапуғ ачышды* – у менга эшик очишда кўмаклашди (МК 1-190). 2. очишда баҳслашмоқ (МК 1-190).

**АЧЫШ** – II ачишмок, ачиш пайдо бўлмоқ: *сирка ачышды* – сирканинг ҳамма ерида ачиш пайдо бўлди (МК 1-191).

**АЧЫТ** – 1. ачитмоқ, оширмоқ: *ол сирка ачытты* – у сирка ачитди (МК1-215). *ол кўб ол сўчўкни ачытған* – бу хум ичига, солинган майни ачитади (МК 1-169); 2. ачитмоқ, аччиқ қилмок: *кöни сöз асал-дэк бу йалған басал / басал йэб ачытма ағыз йэ асал* – тўғри сўз асалдек, ёлгон (сўз эса) пиёз кабидир, пиёз еб оғзингни ачитма, асал е (ҲҲ2-116); 3. кўч. ранжитмоқ, оғритмок: *сöзўн сöксä йалңуқ ачытса тилин / сöңўккä сызы-ол кöңўлка йалын* – одам сўз билан сўкиб, тили билан ранжитса, бу – суякка (урилган) тиғ, дилга (ёқилган) оташдир (ҚБН 97а). *ол аның кöңлин ачытты* – у унинг кўнглини ранжитди (МК 1-215). 4. кўч. туруш қилмоқ, буриштирмоқ: *кöзи қашы; тўгмиш ачытмыш йўзин* – қош-қовоғини уйиб, юзини туруш қилди (ҚБВ 41). – Ар.4.

**АЧЫҚ** аччиқ: *бу кўн кэндў сўчўг бу тэрмäк сэңä / ачық болға йарын қодуб бардуғуң* – бу кун (мол-дунё) теришнинг ўзи сенга ширин туюлади, сўнг қолдириб кетаётганингда жуда аччиқ бўлади (ҲҲ1-211). қ. АЧЫҒ I.

**АЧЫҚ** – очиқмоқ; очликдан қийналмоқ: *эр ачықты* – одам очиқди (МК 1-199) – СЯ 1-89.

**АЧЫҚЫМ** катта акам (хон авлодига мансуб ёши улуғ қариндошларга нисбатан мурожаат) (МК 1-96) МК 1-96 "ычқым /ычықым". Инд. 94 "ычықым".

**АЧЫҚЛЫҚ:** *қапуғ ачықлықы* – эшик очиқлиги (МК 86). қ. АЧУҚЛУҚ, АЧУҒЛУҒ. – МК 1-66. "ачуқлуқ". Инд. 29. "ачуқлуғ 2. ДТС 7. "ачуқлуқ".

**АЧЫҒ** – I 1. аччиқ, талх; нордон; шўр (МК 1-94). *ачығ сув-тэг-ол кöр бу дунйä нэңи / нэчä ичä қанмаз öлимäз тили* – бу дунё бисоти бамисоли бир шўр сувдир, (одам) қанча ичгани билан қонмайди, тили намланмайди (ҚБН 133а). *атасы анасы ачығ алымла йэсä оғлы қызы тышы қамар* (мақол) – отаси, онаси қимизак олма еса, ўғли, қизининг тиши қамашади (МК 3-288); 2. кўч.талх, аламли; аччиқ, дағал, қаттиқ, кескин: *ириг сöзä йумшақ йанут қылса öз / ачығ сöзлäсäлäр сўчиг тутса сöз* – қаттиқ сўзга ўзи юмшоқ жавоб қилса, аччиқ сўзласалар, у ширин сўз бўлса (ҚБН

126б). *шакарда сӱчигрӓк сӧз айдым сэңа / ағуда ачығрак, йануты мэңӓ* – сенга шакардан ширинроқ сӱз айтдим, менга жавоби оғудан ҳам талхроқ бӱлди (ҚБН 142б); 3. кӱч, алам, ташвиш, қайғу: *ағышқа иниш-ол эзизкӓ батығ / сэвинчкӓ сақынч-ол ачығқа татығ* – юксалишнинг пасайиши, юқориликнинг қуйилиги, шодликнинг қайғуси, ташвишнинг ҳаловати бӱлади (ҚБҚ 45). *сӱчӱг таттың эрсӓ ачығқа анун* – ҳаловат сурган бӱлсанг, алам-ташвишга тайёр тур (ҲҲЗ-209, ДТС 4). *уруб бэркӓ башы бӱтӓр тэрк сӧнӓр / тилин сӧксӓ бӱтмӓс ачығы йылын* – қамчи урса яраси тез битади, оғриғи тӱхтайди, тил билан ҳақорат қилса, (унинг жароҳати) битмайди, алами йилларга чӱзилади (ҚБН 97а); 4. кӱч. оғир, қийин, машаққатли: *тиши бирлӓ суҳбат эзи кэз татығ / соғуқ сувқа йунмақ йануты қатығ* – аёл билан бирга бӱлиш жуда ҳам лаззатли, совуқ сувга ювинмоқ оқибати эса қийиндир (ҚБН 132а). *ачығ бол* – аччиқ бӱлмоқ, заҳар бӱлмоқ: *йана айды элиг эй ӧгдӱлмишим / ачығ болды эмди мэңӓ йэр ашым* – элиг яна деди: Эй Ӱгдулмишим, энди менга ейдиган овқатим заҳар бӱлди (ҚБН 196б). ачығ созла – аччиқ сӱзламоқ, ачитиб гапирмоқ: *ириг сӧзкӓ йумшак йанут қылса ӧз / ачығ сӧзлӓсӓлӓр сӱчиг тутса сӧз* – қаттиқ сӱзга ӱзи юмшоқ жавоб қилса, аччиқ сӱзласалар, у ширин сӱз бӱлса (ҚБН 126б). *ачығ - сӱчиг / ачығ йа сӱчиг* – ташвиш ва шодлик, оғирлик ва енгиллик, машаққат ва ҳаловат: *тақы бир сэниңдӓ баса ол кичиг / буларның била-ол ачығ йа сӱчиг* – яна бир тоифа - бу сендан кичиклардир, қийинчилик ва роҳат ана ӱшалар биландир (ҚБН 151б). *ачығ-сӱчиг бол* – аччиқ-ширин бӱлмоқ; ӱз ӱрнида койиб, ӱз ӱрнида юпатмоқ: *улуғ-сэн олар болды сэндин кичиг/ кичигкӓ улуғ болды ачығ-сӱчиг* – сен улуғсан, улар сендан кичикдирлар, улур кичикларга ӱрнида аччиқ ӱрнида ширин сӱзлайди (ҚБН 164а). *ачығ қыл* – аччиқ қилмоқ, қаҳр қилмоқ; заҳар сочмоқ, аччиқланмоқ; хафа бӱлмоқ: *қалы тэңрилик эш тутунса ӧзӱн / йӱкин йӱз ачығ қылма тӱгмӓ йӱзӱң* – агар тангрини ӱртага қуйиб дӱст тутинсанг, заҳматларини зиммангга ол, (улардан) аччиқланма, туруш юз бӱлма (ҚБН 152а). – Ар.3. Таф.64. СЯ 1-89.

**АЧЫҒ** II 1. инъом, ҳадя, мукофот: *йэмӓ ва'да қылмыш ӱкӱш эзгӱлӱк/ ағырлық ачығлар йэгӱ-кэзгӱлӱк* – яна кӱп эзгуликларни, иззат-икром (кӱрсатиш)ни, инъом-эҳсонлар (қилиш)ни, егулик-кийгуликлар (ҳадя этиш)ни ваъда қилибди (ҚБН 136б). *ачығ бэр* – инъом бермоқ, тақдирламоқ, мукофотламоқ: *ачығ бэрсӓ бэглӓр*

*тилин эзгӱ сӧз / тапуғчы йулуғлар бэгинга эт ӧз* – беглар инъом-эҳсонлар берсалар, тилларидан яхши сӯзлар чиқса, хизматкор бегига тану жонини фидо қилади (ҚБН 110б). хан мэңа ачыг бэрди – хон менга инъом берди (МК 1-94); 2. хайрихоҳлик, миннатдорлик; иззат-икром, эътибор: *бу айтолдыа йэтӱрди тапуғ / элиг ма ачыг бирла ачты капуғ* – Ойтӯлди кунда хизматларини бажараверади, элиг ҳам хайрихоҳлик билан (давлат) эшигини (унга) очиб берди (ҚБН 28б). 3. тӯкинлик, фаровонлик, ноз-неъмат; манфаат, баҳрамандлик: *ӧзӱңни ачыглыг тут* – ӯзингни ноз-неъматлар ичида тут (МК 1-94). – Ар.3.

**АЧЫҒЛЫҚ** аччиклик, аччиқ там (МК 1-166). – Таф.65. СЯ 1-90.

**АЧЫҒЛЫҒ** 1. ачитқили, ачитиш хусусиятига эга: *ачыглыг кӯб* – қуйилган нарсани ачитиб қӯядиган, ӯзига шундай бир хусусият ӯрнашиб қолган хум (МК 1-163).

**АЧЫҒЛЫҒ** 2. маишатли, фароғатли, фаровон, тӯкинчиликдан баҳраманд, ноз-неъматлардан баҳравар; ризқ-насибали: *қонуқлары кӧргӱ йа боғзы йэми / ачыглыг ачыгсызқа қылса эми* – (уларнинг) турар жойларини, томоқ-емишларини кӯриб-кузатиш, неъматлардан баҳраманд ва бебаҳраларнинг тадбир-чораларини қилиш керак (ҚБН 94а). ачыглыг эр шэбӱк қарымас – фаровонликда яшовчи, маишатли одам тез қаримайди (МК1-163). *ачыглыг тут* – неъматлардан баҳраманд тутмоқ: *ӧзӱңни ачыглыг тут* – ӯзингки ноз-неъматлардан баҳраманд тут (МК 1-94). – Ар.3

**АЧЫҒСА** – аччиқ ва нордон нарса истамоқ: *эр ачыгсады* – одам аччиқ ва нордон нарсани истади (МК 1-295).

**АЧЫҒСЫ** – ачимоқ, ачимсимоқ, аччиқлик ширинликни кесмоқ: *узум ачыгсыды* – узум ачиди, узумнинг аччиқлиги ширинлигини кесди (МК1-279).

**АЧЫҒСЫЗ** маишатсиз, фароғатсиз, неъматлардан баҳрасиз, маҳрум: *қонуклары кӧргӱ йа боғзы йэми / ачғглыг ачыгсызқа қылса эми* – (уларнинг) турар жойларини, томоқ-емишларини кӯриб кузатиш, неъматлардан баҳраманд ва бебаҳраларнинг тадбир-чораларини қилиш керак (ҚБН 94а). – Ар.3.

**АЧЛЫН** – очилмоқ: *қапуғ ачлынды* – эшик очилди (МК 1-256).

**АЧЛЫШ** – очилмоқ: *қапуғлар ачлышды* – эшиклар очилди (МК 1-242); 2. ечилмоқ, ҳал бӯлмоқ (МК 1-242).

**АЧЛЫҚ** очлик; очарчилик; очкўзлик, густоҳлик: *ажун тоқлуқы барча ачлық турур / эрäжи сэвинчи кöр эмгäк эрўр* – жаҳоннинг тўқлиги барчаси очликдир, роҳати, шодлиги машаққатдир, кўргин (ҚБН 192а) *қамуғ ач йэсä ичсä āхир тозур / кöзи ач киши öлсä ачлық қозур* – ҳар қандай оч ҳам еса, ичса тўяди, кўзи оч одам ўлгандагина очкўзлигини ташлайди (ҚБН 77б). қ. А:ЧЛЫҚ. – Ар.4. Таф.65. СЯ1-90.

**А:ЧЛЫҚ** очлик, овқатсизлик (МК 1-137). қ. АЧЛЫҚ.

**АЧСА** – очишни истамоқ: *эр қапуғ ачсады* – одам эшик очишни истади (МК1-274).

**АЧТУР** – очтирмоқ: *ол қапуғ ачтурды* – у эшик очтирди, у эшикни очишга буюрди (МК 1-224). СЯ1-90 "открыть, раскрывать; захватить".

**АЧУ** 1. ота; падар (тангрига мурожаатда қўлланади): *сэсигсиз бир-ок-сэн эй мэңў ачу / қатылмаз қарылмаз сақышқа сэчў* – эй мангу падар, ҳеч шаксиз яккаю ягонадирсан, суриштириш-тафтишга дахлсизсан, тегишли эмассан, шундай аёнсан (ҚБН 76); 2. абад, жовидон; барҳаёт; мангу, ҳамиша ва ҳар ерда ҳозир: *йури эзгўлўк қыл экин эзгўлўк / сэңä эзгў болға ачу мэңўлўк* – кел, эзгулик қил, эзгулик (уруғини) эк, (у) сенга жовидон ва мангулик эзгу бўлади (ҚБН 189б). *қалы қылдын эрса öзўң эзгўлўк / асығ қылдың öзкä ачу мэңўлўк* – ўзинг хайрли ишлар қилсанг, ўзинг учун жовидон ва мангулик фойда қиласан (ҚБН 186б). – Ар.4.

**АЧУН** қ. АЖУН.

**АЧУНЛУҒ** қ. АЖУНЛУҒ.

**АЧУНЧЫ** қ. АЖУНЧЫ

**АЧУР** – очиктирмоқ, оч қолдирмоқ: *ол аны ачурды* – у уни оч қолдирди (МК1-266). бу аш ол кишики ачурған – бу овқат одамни тез очиқтирадигандир, бу овқат ҳазми енгилдир (МК 1-171). *Ачурғу буларығ йолын тутса кэд / анын йолқа кирсä бойун эгсä кэд* – буларни очиқтириш керак, токи яхши йўл тутсинлар, шу туфайли йўлга кириб, мутлақ бўйин эгсинлар (ҚБВ 180).

**А:ЧУР** қ. АЧУР.

**АЧУҚ** 1.= Очиқ; бўш, холи (МК 1-95); 2. аниқ, равшан: *муңар мэңзäтў айды алп эр ачуқ / аның ма'нисы кöр бу сöзкä тануқ* – мард киши бунга ўхшатиб аниқ сўзлаган, кўргин, унинг маъниси бу сўзлар учун исботдир (ҚБН 31а). *ачуқ ҳам йазуқ болса қылқын сöзўн* – сўзда ва ҳаракатда (амалда) ҳам очиқ-ойдин бўлиши керак

(ҚБН 77б); 3. тиник, мусаффо, очиқ: АЧУҚ ИШ – аниқ ва равшан иш (МК1-195). АЧУҚ КӦК – мусаффо осмон (МК 1-195). АЧУҚ ТУТ – очиқ тутмоқ: *бу йаӈлығ болур бу сатығчы қамуғ / қатылғыл оларқа ачуқ тут қапуғ* – савдогарлар жумласи мана шундай бўлади, уларга аралашгин, эшикни очиқ туткин (ҚБН 160б). *улуғқа кичигкӓ ачуқ тутти йӱз* – улуғ ва кичикка юзни очиқ тутди (очиқ чеҳрали бўлди) (ҚБН 24б). *ӧзӱӈгӓ ачуқ тут кӧнилик йолуғ* – ўзингга адолат йўлини очиқ тут (адолатли бўл) (ҚБН 53б). – Ар.4. Таф.65. СЯ 1-91.

**АЧУҚЛУҚ:** *йӱз ачуқлуқы* – юз очиқлиги, очиқ чеҳралик, хушрўйлик (МК 86). қ. АЧЫҚЛЫҚ, АЧУҚЛУҒ. – МК 1-166. "ачуқлуғ". Инд.29. "ачуқлуғ". – Таф. 65.

**АЧУҚЛУҒ** – 1. очиқлик, очилган ҳолдаги, очиқ ҳолат: *тапын бир байатқа тушы тынмадын / тӱнӱн кӱндӱзӱн бол ачуқлуғ қапуғ* – бир худога тинмай доим тоат-ибодат қил, кечаю кундуз эшигинг очиқ ҳолда бўлсин (ҚБН 137б); 2. аниқ, равшан, очиқ-ойдин; рўй-рост: *бу йаӈлығ кишилӓр йарамас мэӈӓ / айу бэрдим эмди ачуқлуғ сэӈа* – бу янглиғ одамлар менга тўғри келмайди, энди сенга рўй-рост айта қолдим (ҚБН 36б). *тақы бир айытғу сӧзӱм бар сэӈа / аны ма ачуқлуғ айу бэр мэӈа* – сендан сўрайдиган яна бир сўзим бор, уни ҳам аниқ ва равшан қилиб айтиб бер (ҚБН 83б); 3. кўч. очиқлик, самимият, хушрўйлик; очиқ, хушрўй: ачуқлуғ киши очиқ киши, хушрўй киши (МК 1-164) қ. АЧЫҚЛЫҚ, АЧУҚЛУҚ. – Ар.4.

**АШ** I ф. 1.овқат, таом, озуқа; дон, хўрак: *тонум қой йӱӈи тап йэгӱм арпа аш / тӱгӓл болды дунйӓ мэӈа эй қадаш* – кийимим – қўй юнги, овқатим арпа ош, бас, менга (мана шулар билан) дунё кифоя қилади, эй қариндош (ҚБН 172б). *қамуғ тэбрӓнигли тӱзӱ йэр ӧӈи / йурығлы ашы-ол учуглы мэни* – бутун ер юзидаги барча қимирлаган жоннинг; юрадиганларнинг озуқаси ва учадиганларнинг донидир (ҚБН 160а). *айур-сэн кэдим тон шарӓб аш кэрӓк / тэлим мӓл ӱкӱш қул караваш кэрӓк* – кийим, тўн, шароб, овқат, кўп мол-дунё, беҳисоб қул, хизматкор керак дейсан (ҲҲ1-201). *аш йэлди* – овқат ейилди (МК 3-72). *ол мэӈӓ аш татурды* – у менга овқат тоттирди (МК 3-203). *аш ағызда татыды* – овқат оғизга лаззат берди (МК 3-274). *ол аш ашады* – у таом еди (МК 3-277); 2. зиёфат, меҳмондорчилик, маърака: *тақы бир киши кӧрса ашқа барыр / ашын йэр аны йандру ашқа оқыр* – яна бир хил одамлар, назар солсанг, (бошқаларнинг) зиёфатига борадилар, (уларнинг) зиёфатларини ейдилар, (уларни ҳам) зиёфатта таклиф қиладалар (ҚБН 169а).

*тақы бир қуту ашқа бармас оқыб / кишит ашқа ӱндӓр тоқымлар тоқыб* – яна бир тоифа таклиф қилиниб зиёфатга бормайди, моллар сўйиб ўзгаларни меҳмондорчиликка чақиради(ҚБН 169а) *атан йӱки аш болса ачқа аз кӧрӱнӱр* (мақол) – ишчи ахта туянинг юки нукул озиқ-овқат бўлса ҳам оч учун оз бўлиб кўринади (МК 1-105) *кӧрклӱг тонуғ ӧзуңгӓ / татлығ ашығ азынқа* – чиройли кийиминг – ўзингга, тотли овқатинг – ўзгаларга (МК 1-80). *аш башчысы* – баковулбоши, пазандалар бошлиғи: *қалы эгри болса бу аш башчысы / қамуғ эгри болди аның ашчысы* – агар баковулбоши (қўли) эгри бўлса, унинг пазандаларининг барчаси эгри йўлга киради (ҚБН 106б). *аш бэр – аш эт* – ош бермоқ, зиёфат қилмоқ: *йоғ ашы болур йа ӧлӱг атынга / йа ол ат булур аш бэрӱр йатынга* – ё ўлган хотирасига аталган аза оши бўлади, ёки одам унвон олади ва ўзгаларга зиёфат беради (ҚБН 166а). *йақын қошны ашны аш этсӓ сэңӓ / азу тэңрилиг эш оқынса тоңа / буларқа йэмӓ бар* – яқинлар, кўшнилар, ошна-оғайнилар сенинг шарафингга зиёфат қилсалар, ёки тангрилик дўстинг таклиф қилса, эй мард, уларникига албатта боргин (ҚБН 166а). *аш ишчиси* – баковул, ошхона ходими: *айақ-тэрги башлар бу аш башчысы / нэгӱ-тэг кэрӓк айғыл аш ишчиси* – лаган-дастурхон ишлари мутасаддиси, баковулбоши, ош-сув ходими қандай бўлиши кераклигини айткин (ҚБН 105б). *аш-ичгӱ / аш ичгӱ-йэгӱ* – егулик-ичгулик, егулик-ичгулик овқат: *тэңиң-да ӱлӱш қыл сӱчиг сӧз билӓ / аш-ичгӱ йэтӱргил табуғ қыл қулӓ* – ҳузурингда ширин сўз билан такаллуф кўрсат, егулик-ичгуликлар билан сийлаб, очиқ чеҳра билан, ҳурматларини бажо келтир (ҚБН 157а). *эзи тэрс турур бу аш-ичгӱ-йэгӱ / сэзиглиг кишидин йэсӓ эй бӧгӱ* – шубҳали одам қўлидан ейиладиган егулик-ичгулик овқат иши жуда ҳам қийиндир, эй доно (ҚБН 105б). *аш- сув* – овқат, ош-сув: *кишидӓ талусы кӧни чын киши / ӧзӱргӱ аңар бэргӱ аш-сув иши* – одамлардан сараси, тўғри, чин кишини танлаб, ош-сув ишларини унга топшириш керак (ҚБН 105б). *аш тат* – овқатланмоқ, тамадди қилмоқ: *туру кэлди тэркин кӧр ӧгдӱлмиш-а / йунуб таң намаз қылды татты аш-а* – Ўгдулмиш туриб тез (уйига) келди, таҳорат олиб бомдод намозини ўқиди, овқатланди (ҚБН 209а). аш татурған - меҳмондўст, дастурхони ёзиқ: бу эр-ол аш татурған – бу одам меҳмондўстдир (МК 1-471). *Ашқа бар* – зиёфатга бормоқ, меҳмон-дорчиликка бормоқ: *қалы этсӓлӓр аш сэңӓ оғрайу /ол ашқа йэмӓ бар сэвиндӱр йэшӱ* – агар атайин сенга атаб зиёфат берсалар, ундай

зиёфатга ҳам албатта бор, зиёфатларни ейишиб, уларни севинтир (ҚБН 166а). *ашқа оқы* – зиёфатга таклиф килмоқ, меҳмондорчиликка чақирмоқ: *тақы бир киши кӧрса ашқа барыр / ашын йэр аны йандру ашқа оқыр* – тағин бир хил киши, назар солсанг, чақирганнинг зиёфатига боради, зиёфатни ейди, уни ҳам жавобан зиёфатга таклиф қилади (ҚБН 169а). *ашқа ўндä* – зиёфатга таклиф қилмоқ, меҳмондорчиликка чақирмоқ: *сэзигсиз мэни ашка ўндäгäлäр /мэн ўндäб олар ма мэнä, кэлгäлäр* – шубҳасиз мени зиёфатга таклиф қиладилар, мен таклиф қилиб улар ҳам меникига келадилар (ҚБН 165б). қ. А:Ш. – Ар.30. Таф.66. СЯ 1-91-92.

**АШ** II синиқ идишларни бир-бирига бириктириб ямаш учун ишлатиладиган чега (МК 1-80, ДТС 62). МК 1-109 "аш – томизғи". Инд.29. "тузатиш, ямаш – починка (посуды). – СЯ1-92.

**А:Ш** овқат, ош, таом (МК 1-109). қ. АШ I. – Таф.66.

**АШ** – ошмоқ, оғмоқ, кўтарилмоқ: *қайу арт ашар кӧр ӧгўзлäр кэчäр / қайу йэр қазар сув қузуғлар ичäр* – баъзилари довонлар ошадилар, кўр, дарёларни кечадилар, баъзилари ер қазийдилар, қудуғлар сувларини ичадилар (ҚБН 68а). *ар арт ашды* – одам довон ошди (МК 3-277). *арпасыз ат ашумас / аркасыз алп чэрик сыйумас* (мақол) – арпасиз от довон ошолмайди, мададсиз ботир (душман) лашкарини синдиролмайди (МК 1-144). 1 қ. А:Ш – Ар.31. Таф.66. СЯ1-92.

**А:Ш** – ошмоқ, оғмоқ: *ол таг а:шты* – у тоғ ошди (МК 1-184). қ. АШ. – Таф. 66.

**АША=** 1. емоқ, ошамоқ: *эр аш ашады* - одам таом еди (МК 3-270). *ол аш ашады* – у таом еди (МК 3-277); 2. маош қилмоқ, баҳраманд бўлмоқ: *тутуб бўтрў ажун эрäжин аша* – борлиқ олам ҳаловатига эришиб баҳраманд бўл (ҚБВ 181). *сэвинчин авынчын кўвäнчин эли / ашасу йашасуны луқмāн йылы* – севинч, овинч, қувонч билан эли маош қилсин ва Луқмон ёшини яшасин (ҚБН 11б). – Ар.31. СЯ1-93.

**АШАТ** – едирмоқ, ошалатмоқ: *ол мэңä аш ашатты* – у менга овқат едирди (МК 1-217). СЯ 1-94.

**АШ'АР** а. ашъор, шеърлар: *мачын ҳакимлäриниң аш'арлари бирлä āрāста қылмыш бу китāбым оқығлы* – Мочин донишмандларининг ашъорлари билан ораста қилинган бу китобни ўқиганлар (ҚБН 1б). – Ар. 160. СЯ 1-197.

**АШАЧ** – қозон: *эки қочңар башы бир ашачда бышмас* (мақол) - икки кўчқорнинг боши бир қозонда пишмайди. Бу мақол бир ерда икки бег бошчилик қилолмаслигига ишора қилиб айтилади (МК 3-392). қ. АШЫЧ.

**АШАҚ** – тоғ этаги (МК 1-97). – МК 1-97 "тубан, қуйи". Инд. 29. "тубан, қуйи - низ, подножие горы". ДТС 62 "подножие горы". – Таф.66. "низ, вниз". СЯ 1-94 "вниз, низ, низкий".

**АШАҚЛА** – арзимас ҳисобламоқ, кичик деб билмоқ; ерга урмоқ, камситмоқ; менсимай қарамоқ: *ол аны ашақлады* – у уни арзимас, кичик ҳисоблади (МК 1-297). *йағыны ашақласа башқа чықар* (мақол) – душманни менсимаса, у бошга чиқади (МК 1-297).

**АШАҒА** қуйи, тубан: *билигсизлик эрни чӧкарди ошаға* – нодонлик одамни тубанлаштиради (ҲҲ 3-102 ДТС 62). – СЯ 1-94.

**АШАҒУ** ф.т. таом, овқат: *йашыл кӧк сарық ал ағы тон кэзиб / ашағу кӧтўрса йарашур йурыб* – яшил, кўк, сариқ, арғувон рангли ипак либослар кийиб, таомлар кўтариб, тақсимлаб юрса, жуда ярашиқли тушади (ҚБН 108б). – Ар. 31.

**АШБАР** ем, терт, хашак ва кепаклардан тайёрланган мол озуқаси: *ол атқа ашбар йалбатты* – у отга терт бўктирди (МК 2-406).

**АШЫНДУР** – олдин харжламоқ, эҳтиёт шарт учун сарфламоқ; савоб учун бахш этмоқ: *сэниң малың ол мал ашындурдуқуң* – савоб учун олдиндан сарфлаган мол сенинг молингдир (ҲҲ3-433) қ. АШЫНТУР.

**АШЫНТУР** – олдин харжламоқ, эҳтиёти шарт учун сарфламоқ; савоб учун бахш этмоқ: *сэниң малың ол мал ашынтурдуғуң / сэнӓ ҳасрат ол бэк тутуб турдуғуң* – савоб учун олдиндан сарфлаган мол сенинг молингдир, беркитиб сақлаган мол-дунёнг эса сен учун ҳасратдир (ҲҲ 1-211). қ. АШЫНДУР.

**АШЫЧ** қозон: *ашыч айур тўбўм алтун / қамыч айур мэн қайда-мен* (мақол) – қозон тубим олтин деб мақтанади, чўмич, ундай бўлса мен қайдаман, дейди (МК 1-86). *Ашыч буқач* – қозон-товоқ, идиш-оёқ (МК 1-389). қ. АШАЧ. – ДТС 63 "горшок".

**АШЫЧЛАН** – қозонли бўлмоқ, қозонга эга бўлмоқ: *эр ашычланды* – одам қозонли бўлди (МК 1-286). – МК 1-286. "эшичлӓнди". Инд. 52. "эшичлӓнди"

**А̄ШКА̄РА̄** ф. ошкора; аён, маълум: *қамуғ йашру ишиң болуб а̄шка̄ра̄ / бу кӧргӓн эшиткӓн сэңӓ кўлмӓсўн* – барча яширин иш-

ларинг ошкора бўлиб, буни кўрган ва эшитганлар сенга кулмасинлар (ҲҲ1-191). – ДТС 63. “ашкар”. – Таф.66. СЯ 1-130.

**АШЛА** 1. чегаламоқ, тузатмоқ, ямамоқ: *ол айақ ашлады* – у идишни чегалади, чега билан ямади (МК 1-283).

**АШЛА** 2. томизғи солмоқ: *айак ашла* – идишга томизғи сол (МК 1-109) СЯ1-95 “смешивать”.

**АШЛАЛ** – чегаланмоқ, уланмоқ: *айак ашлалды* – идиш чегаланди (МК1-290). – СЯ 1-95 “ашлан”.

**АШЛАТ** – чегалатмоқ: *ол айақ ашлатты* – у идиш-оёқни чегалатди (МК1-264).

**АШЛАҚА** АШ сўзининг жўналиш келишикдаги кўплик шакли (бу таркибдан -лар қўшимчасининг р товуши тушиб қолган), ошларга, овқатларга: *турған улуғ ылақа / тэрги уруб ашлақа / томлуғ қадыр қышлақа / қоз̇ты эриг умдуру* – (у) улкан ишларга туриш берарди, аёзли қаттиқ қишларда ҳам ноз-неъматларга тўла дастурхон ёзарди, (энди) одамларни умидвор қилиб ташлаб кетди (МК 2-58). қ. АТЛАҚА, ЫТЛАҚА, ЫШЛАҚА, ТАТЛАҚА, ҚЫШЛАҚА. (МК 2-58) “дастурхон”. Инд. 30. “дастурхон – накрытый стол”. ДТС 63 “ашлақ кушанья, яства”.

**АШЛЫҚ** 1. ошхона, овқатхона (МК 1-137).

**АШЛЫҚ** 2. буғдой; дон, ғалла (МК 1-137): *ол қар қамуғ қышын инäр / ашлық тарығ анын ӱнäр* – қор бутун қиш бўйи ёғади, дон, ғалла (ўсимликлари) шу туфайли униб-ўсади (МК 2-237). – СЯ 1-95 “пища, провиант, провизия”.

**АШЛЫҒ** ризқли, насибали; ҳиссадор, баҳравар; алоқадор, боғлиқ; *сийäсат йурытса сӱ башлығ болур / сӱси башлығ эрсä эр ашлығ болур* – (яхши) сиёсат юритса, лашкар бошли (назоратли) бўлади, лашкар назоратли бўлса, одам баҳравар бўлади (ҚБН 87б). *сийäсат йурытғу кэрак сӱ бäшы / сийäсатқа ашлығ болур сӱ* иши – лашкарбоши (яхши) сиёсат юритиши керак, лашкар ишлари сиёсатга алоқадор бўлади (сиёсатдан озуқ олади) (ҚБН 87б). – Ар. 31 “аш – қанат, бағ”.

**АШНЫ** ошна, ошна-оғайни: *қаны қошны-ашны сэвинч қадғуқа эш / қамуғум бэрäйи мэн эв̇ дин чықайы* – севинч ва қайғуга шерик бўладиган қўни-қўшни, ошна-оғайнилар қани? Борлиғимни (уларга) берайин ўзим уйдан чиқиб кетайин (ҚБҚ 390). – Ар.31. “қоңу-комшу”.

**АШНУ** I. аввал, олдин, бурун; дастлаб: *бу ай туғса ашну эзи аз туғар / кунингä бэзуйур йуқару ағар* – ой дастлаб чиққанда жуда кичик чиқади, кундан-кунга катталашади, юқори кўтарилади (ҚБН 32б). *мэн ашну айайын элигка сöзуң / нэ эрмиш тилäкиң ким эрмиш öзуң* – мен аввал фикрингни, тилагинг нима-ю, ўзинг ким эканлигингни элигга айтайин (ҚБҚ 22). *ҳäжиб айды ашну мэңä кэлсуни / кöрäйин аны мэн мэни кöрсуни* – ҳожиб айтди: олдин менинг олдимга келсин, мен уни кўрайин, у мени кўрсин (ҚБН 25а). *мэн андын ашну кэлдим* – мен ундан олдин келдим (МК 1-150). 2. ё.с. "аввал, бурун, олдин" вазифасидаги кўмакчи; *йатыг эвкä ызма чықарма тишиг / қатылмазда ашну сынағыл кишиг* – бегонани уйга киритма, хотинни (ташқарига) чиқарма, аралашмасдан олдин одамни синагин (ҚБН 53б). *тöрутмäстä ашну йурытты қазä / қазäқа тапы бол бойун эг уза* – яратмасдан олдин қазони юритди, казога рози бўл, бўйин эг, эргаш (ҚБН 118б). *ашну из-куч.* олдиндан сарфламок, харжламок» ўзгаларга бахш этмок (у дунёликни кўзлаб): *катыглан тиригликда мал ашну из / сақышднн кутулгъш муйан озка тнз* – тириш, тирикликда мол-дунёни илдам харжла, ҳисоб беришдан кутулгин, ўзинг учун нажот ҳозирла (ҚБН 191а). – Ар.31, Таф.66. СЯ 1-96.

**АШНУҚЫ** олдинги, дастлабки, аввалги: *сэни мэн оқыдым эң ашнуқы кун / ағырлық билä бэрдим ол кун орун* – сени мен энг дастлабки кун чақирганимда эҳтиром билан сенга ўрин бердим (ҚБН 34б). *йана ашнуқы сöзкä йанғай тэйу / тақы қорқур эрдим сэңа иймäну* – яна аввалги сўзга қайтади, деб ҳануз хавотирланиб сендан қўрқар эдим (ҚБН 183б). – Ар.31. Таф.67. СЯ1-96.

**АШРУ** ортиқ, ошиқ; ортикча, ошиқча, зиёда, кўп: *ағырлады ашру бағырсақлықын* – зиёд меҳрибончиликлар билан ҳурматини жойига қўйди (ҚБҚ 299). *эз и йақшы аймыш кöни сöзлуг эр / ишиг ашру кöрмиш йэти кöзлуг эр* – тўғри сўзли киши жуда яхши айтибди, ишни кўп кўрган, кўзи пишган киши (ҚБН 222б). – Ар.31.

**АШРУЛ** – оширилмоқ, ўтказилмоқ: *йук арттын ашрулди* – юк довондан оширилди (МК 1-249).

**АШСА** 1. ошишни истамоқ: *ол арт ашсади* – у довон ошишни истада (МК 1-274).

**АШСА** 2. овқат ейишни истамоқ (МК 1-274, 275).

**АШСАТ** – ошсатмоқ, ош ейишни истатмоқ, ошга иштаҳа қўзғатмоқ: *ол аны ашсатты* – у унга овқат ейишни истатди, у унда овқатга иштаҳа қўзғагди (МК 1-261).

**АШТАЛ** кенжа: *аштал оғул* – кенжа ўғил (МК 1-130).

**АШУ** қизил кесак; қизил тупроқ (МК 1-116) ДТС 65 "красная глина" Инд. 30. "қизил тупроқ, қизил кесак – красная глина".

**АШУ** қ. ЭШЎ.

**АШУН** – 1. ошмоқ, ўзмоқ, илгариламоқ: *қаны ким қутулды ӧлӱмдин қачыб / қаны ким ашунды ӧзиндин кэчиб* – қани, ўлимдан ким қочиб қутулди, қани, ким фурсатидан ошиб ортиқча яшади? (ҚБН 56б). *Ол мэндин ашунды* – у мендан ўзди (МК 1-210); 2. ошиқмоқ, шошилмоқ; интилмоқ, илдам бўлмоқ: *нэрӓк бу қараңқу тӱнӓриг орун / сӱзӱг мэңӱ элкӓ ашунғыл бурун* – бу қоронғи, зулмат дунё нимага керак? Мусаффо, боқий дунёга илдам интилгин (ҚБН 114б). *тапын ӧз оғурлуғ бағырсақлықын / қапуғда ашунғыл мэңа бол йақын* – ўзинг вақт-фурсатида садоқат билан хизмат қил, менинг даргоҳимда илдамла, менга яқин бўл (ҚБН 27б); 3. ортмоқ, ошмоқ, кўпаймоқ: *тапундуң ачығда ашукды тапуғ / тапуғ қалмады сэн йэтӱрдӱң қамуғ* – сен хизмат қилдинг, хизматларинг инъом-такдирлар(им)дан ошиб кетди, (ҳеч) хизмат қолмади, сен барчасини бажо қилдинг (ҚБН 113б); 4. устун келмоқ, ғолиб бўлмоқ: *қайу иштӓ ашну ашунса укуш / ол иш бақса барды сынадым укуш* – қайси ишда энг аввал ақл-заковат ғолиб бўлса, қарасанг, ўша иш поёнига етади, кўп синаганман (ҚБН 88а). – Ар. 32. Таф. 67.

**АШУНДУР** – илгарилатмоқ, олдинроқ қилмоқ: *улуғлар кэрак ким кичигкӓ салāм / ашундурса ӧтрӱ болур иш тамāм* – катталар кичикларга саломни олдинроқ қилишлари керакки, шундан сўнг иш тамом (муддаодагидек) бўлади (ҚБН 183а). – Ар. 32 "*сэлāм кэлимӓсийлӓ бэрабӓр сэламӓ жэвап вэрмӓк*".

**ĀШУТ** қ. ЭШЎТ.

**АШУҚ** I. тўпиқ; ошик (МК 1-97).

**АШУҚ** II. темир қалпоқ, дубулға (МК 1-97).

**АШУҚ=** 1. ошиқмоқ, шошилмоқ: *ол эвкӓ ашуқты* – у уйга шошилди (МК 1-199); 2. ҳар нарсага интиқ, муштоқ, чанқоқ бўлмоқ (МК 1-199). – СЯ1-97.

**АШУҚЛА** – тўпиққа урмоқ: *ол аны ашуқлады* – у унинг тўпиғига урди (МК 1-297).

**АШЧАН** геогр. Ашчан, Хитойга бориш йўлидаги кўниб ўтиладиган бир жой, работнинг номи (МК1-156).

**АШЧЫ** ошчи, ошпаз, пазанда, ошхона-хизматчиси: *боғуздын болур барча бэгкä хатар / ишин қылса ашчы аны ким йэтäр* – бег учун ҳар қандай хавф-хатар томоқдан бўлади, ошчи (унинг) ишини тўғрилаб қуйса уни ким била олади? (ҚБН 105б). АШЧЫ БАШЫ – баковулбоши, пазандалар бошлиғи; дастурхон мутасаддиси: *муну айдым эмди эй элиг киши / бу йаңлығ кэрäк болса ашчы башы* – мана, эй элиг киши, айтиб бердим, ошпазлар бошлиғи мана шундай бўлиши керак (ҚБН 107а) – Ар. 31.

**АШҒАҚ** юмшоқ, мулойим; *тилин ашғақ эл бол кöдäзгил öзүң* – тилда мулойим сўзлаб эллаш, ўзингни эҳтиёт қил (ҚБВ 88). қ. АРСЫҚ.

**АШҒЫН** – қирилмоқ, ишқаланмоқ, йўнилмоқ: *таш ашғынды* – тош қирилди, йўнилди (МК 1-254).

**АҚ** 1.= Оқ, оқ ранг: *ай қопуб эвлäнүб / а қ булыт öрлäнүб / бир-бир ÿзä öклÿнүб / сачлыб сув̓ы эңрäшүр* – ой кўтарилиб ўговланиб, оқ булут чиқиб бир-бирига қўшилишиб, суви шаррос сочмоқда (МК 1-257-258). *қуйды булут йамғурын / кэриб тутар ақ торын* – булут ёмғирини қуймоқда, оқ тўрини ёйиб (осмонни) қопламоқда (МК 3-46). қ. А:Қ 1. Таф. 47. СЯ 1-98.

**АҚ** II а. ҳақ, тўғри, чин: *кöзäзгил айа дост улуғлар ақын / асықсыз жадал ҳам мизäҳтын сақын* – эй дўст, улуғлар ҳақига риоя қилгин, беҳуда тортишув, ноўрин кулгидан сақлан (ҲҲ1-205). қ. ҲАҚ.

**А:Қ** I оқ; чипор: А:Қ АТ – чипор от (МК1-109). А:Қ САҚАЛ ЭР оқ соқол киши (МК 1-109). қ. АҚ I.

**А:Қ** II А:қ Сай геогр. Оққсой (МК1-110). А:Қ ТЭРАК геогр. Оқтерак, Яғмо шаҳрида Ила сувидан ўтадиган кўприк (МК 1-110).

**АҚ** – I. оқмоқ; тўкилмоқ: *бу уч нэңгä болма йақын қошнысы / қуйäр от ақар сув бу* – ол бэлгуси – бу уч нарсага яқин қўшни бўлма, куяр ўт оқар сув буларнинг белгиларидир (ҚБН 148б). *öлÿрмэн öкÿнчÿн ақар кöз йулум / татыглар татығсыг қылур бу öлÿм* – ўкинч билан ўлмоқдаман, кўз ёшларим тўкилмоқда, бу ўлим ҳаловатларни бузиб ҳаловатсиз қилади (ҚБН 222а). *сув ақды* – сув оқди (МК 1-179). *Ақын ақар эңрäшүр* – (тоғдан) ҳайқириб сел оқаётир (МК 3-46). *ақды ақын мÿңрäйä* – сел шарқираб оқмоқда (МК 3-407); 2. кўч. бостириб келмоқ, ёпирилмоқ; оқиб келмоқ: *йағы*

*оқды* – душман ёпирилиб келди (МК 1-179-180). – Ар. 18. Таф.47. СЯ1-98. "ақ-1 – "плыть, сечь, струиться" СЯ 1-99 "ақ- II - совершать набег".

**АҚЫ** 1. сахий, саховатли, қўли очиқ (МК 1-116). *ақы тэб айурлар қайу ол ақы / ақы жäн йулуғлаб öтäр эр ҳақы* – сахий деб айтадилар, ўша сахий қайси? Сахий жон фидо қилиб, одамлар олдидаги бурчини ўтайди (ҚБН 219б). *ақы сувратин ким кöрäйин тэсä / кэлиб кöрсўн хақан йўзини уса* – ким сахий суратини кўрайин деса, иштиёқ билан келиб хоқон юзига қарасин (ҚБН 2а) қ. АХЫ-. Ар. 13. СЯ 1-99.

**АҚЫ** 2. тоза, тозаланган: *ақын йағақ* – пўсти тозаланган ёнғоқ (МК1-116).

**АҚЫЛА** – сахий деб ҳисобламоқ, саховатли деб билмоқ: *ол мэни ақылады* – у мени сахий деб ҳисоблади (МК 1-302).

**АҚЫЛЫҚ** саховат, сахийлик, очиқ қўллик: *ақылық билä бэклäгў ол элиг / ақылық била бэг бэзўр эй элиг* – элни саховат билан мустаҳкамлаш керак, бег саховат билан буюклашади, эй элиг (ҚБН 113а), *ақы бол ақылық сэни сэвдўрўр* – сахий бўл, сахийлик сени (халққа) севдиради (ҲҲЗ-260. ДТС 48). *қозғыл мэңä ақылық / болсун мэңä айағ-а* – сахийликни менга қўйиб бер, у менга лақаб бўлиб қолсин (МК 3-187) қ. АХЫЛЫҚ. – Ар.14.

**АҚЫМ** оқим; бир оқишлик, қулоқ (сув): *бир ақым сув* – бир қулоқ сув (МК 1-104).

**АҚЫН** 1. оқин, оқим; сел: *ақын-тэг йарур бу йэти қат кöкўг/ азырты сачым-тэг бирäр сақышы* – (ҳандаса амали) етти қават кўкни селдек ёриб ўтади, унинг ҳар амали ёғин заррасидек бир-биридан фарқлидир (ҚБН 104а). *öрди булыт иңдäшў /ақты ақын мўңрäшў* – булутлар гувуллашиб юқорилашди, шаррос уриб сел оқди (МК 3-407). *тавар йығыб сув ақын инди сақын / қурум кэби изишин (изисин) қузы йувар* – мол-дунё йиғиб, сув сели келди деб ҳисобла, сел тошни юмалатгандай (мол-дунё ҳам) эгасини қуйи юмалатади (МК 3-69); 2. кўч. кўз ёши, ашк: АҚЫН АҚЫТ – ёш тўкмоқ, ёш оққизмоқ, йиғламоқ: *оқыды бу оғлын öзингä йақын / тутуб қучты кöздä ақытты ақын* – ўғлини ўзига яқин чақирди, тутиб қучоғига олди, кўзидан ёш тўкди (ҚБН 48б). МУНДУЗ АҚЫН – тўсатдан келган сел (МК 1-106). – Ар. 14.

**АҚЫНДЫ - АҚЫНДЫ СУВ** оқар сув (МК1-158).

**АҚЫНЧЫ** тунда тўсатдан сел каби бостириб келадиган лашкар: *ақынчы кэлди* – лашкар селдай бостириб келди (МК 1-106). *бэг ақынчы ақытты* – бег қўққисдан босадиган лашкар юборди (МК 1-219). қ. АҚЫНЧУ.

**АҚЫНЧУ** – кечаси қўққисдан босадиган лашкар (МК 1-153). АҚЫНЧЫ.

**АҚЫТ** – 1. оқизмоқ; тўкмоқ: *тöрӱ сув-тэг ол кӱч кöр от-тэг йузуг / сӱзӱг сув ақыттың узытты отуг* – адолат сув кабидир, зулм эса ўт каби офатдир, кўргин, зилол сув оқиздинг, у ўтни ўчирди (ҚБН 115а). *сöзин кэсти анча сақынды туруб / ақытты кöзӱн йаш кöр оглын кöрӱб* – сўзини тўхтатди, жим қолиб бир муддат ўйга толди, ўғлини кўриб кўзидан ёш тўкди, кўргин (ҚБН 48б). *ол сув ақытты* – у сув оқизди (МК 1-219). *бу таг-ол таврақ ақын ақытган* – бу тоғ селни тез-тез оқизгани-оқизган (МК 1-171); 2. кўч. юбормоқ, жўнатмоқ – *бэг ақынчы ақытты* – бег қўққисдан босадиган лашкар юборди (МК 1-219); 3. ёғдирмоқ: *тäңри ақын ақытты* – тэнгри сел ёғдирди (МК 1-219). – Ар.14. Таф.47. СЯ1-99.

**АҚЫШ** – оқмоқ (ҳар томондан): *сувлар ақышды* – сувлар ҳар томондан оқишди (МК 1-194). *қар буз қамуг эрӱшди / таглар сувы ақышды / кöкшин булыт öрӱшди / қайгуқ болуб эгришӱр* – қор, музлар батамом эриди, тоғларнинг сувлари ҳар томондан оқди, кўк булутлар кўтарилди, улар қайиқлар сувда чайқалгани каби сузмоқда (МК1-194).

**АҚЛ** а. ақл, ақл-идрок: *ақлқа öгдӱлмиш ат бэриб вазирниң оглы йэриндä тутмыш турур* – ақлга Ўгдулмиш деб от бериб, уни вазирнинг ўғли тарзида таърифлаган (ҚБН 2а-б). *сöңäккä йылыг – тэг эрäнкä билиг / эрäн кöрки 'ақл-ол сöң äқның йилиг* – одам учун билим сўнгак учун илик кабидир, одам ярашиғи ақл-идрок, ҳўнгак ярашиғи эса иликдир (ҲҲ1-184). – Ар14. "ақил". СЯ2-556.

**АҚЛЫШ** – оқиб келмоқ, йиғилмоқ, тўпланмоқ (одам ва сув): *тэгмä йаңақтын бузун ақлышды* – турли атрофдан одамлар йиғилишди (МК 1-243) уры қопса оғуш ақлышур – (душман келиб) дод-фарёд кўтарилса, (ёрдам бериш учун) уруғлар тўпланадилар. (МК1-115).

**АҚРУ** аста, оҳиста, сокин: *туруб чықты ақру қапугқа кэлиб / бир анча йурыб барды эвкä тэгиб* – аста туриб ташқарига чикди, дарвозага келди, бир оз юриб бориб уйига етди(ҚБН 63б) ақру-амул – оҳиста-сокин; аста-секин: *бу айтолды олдурды ақру-амул / кöзин*

*йэркä тикди тарутты кöӊӱл* – Ойтўлди оҳиста-сокин ўлтирди, кўзини ерга кадади, юраги сиқилиб кетди (ҚБН 33б). *ақру-ақру* аста-аста, аста-секин (МК1-137) *ақру-силиг* – астагина, жимгина; камтарона: *бу айтолды олтурды ақру-силиг / кöзин йэркä тикти бэкӱтти тилиг* – Ойтўлди астагина ўтирди, кўзини ерга қадади, сўзга тил очмади (ҚБН 40б).-Ар. 14. Таф.48. СЯ1-100.

**АҚРУН** секин, ошиқмасдан; камрок, озроқ: *булмыш нэӊиг сэвар-сэн / ақрун аӊар сэвингил* – қўлга киритган мол-дунёнгни севасан, унга камроқ севингин (МК 3-372).-СЯ 1-70 "аркун", 1-100.

**АҚСУМЛА** – мастликда тўполон қилмоқ, жанжал чиқармоқ; ножўя иш қилмоқ: *йа эсрӱк тутуш қылга ақсумлаға* – ё бадмаст уруш қилади, жанжал-тўполон чикаради (ҚБВ 130). қ. АХСУМЛА.

**АКСУН** (?) шиддатли, ғазабнок (?): *адығлайу ақсун* – айиқ каби шиддатли (ҚБВ 86).

**АҚТУР** – оқизмоқ; оқиздирмоқ: *ол сув ақтурды* – у сув оқиздирди (МК 1-227). *ақтурур кöзӱм йулақ / тӱшлäнӱр öрдäк йуғақ* – кўзлари чашма (ёш) оқизади, (унга) ўрдак, ғоз(?) (каби сув қўшлари) ўлтиради (МК 1-227). – Таф. 47. "ақдур". СЯ1-1О1 "ақтур-ақытур".

**АҚУЗ** – кўч. тўкиб солмоқ, айтмоқ: *сэӊа сöз айытса ақуз сöз чыны / жавāб бэрсä йарлығ тэгӱргил кöни* – сендан сўз сўраса, сўзнинг тўғрисини айт, жавоб берганда ёрлиқ-буйруқларини тўғри етказгин (ҚБН 147б).

**АҚУР** ф. оғил, молхона, отхона, кўтан (МК 1-46): *кэвäл тāзи бöгтāл тағы арқуны / ақур толды толмас бу суқлуқ қаны* – арабий тулпорлар, сағриси кенг отлар, яйдоқ арғумоқлар билан оғилинг тўлган, (лекин) бу суқлик ҳирси (ҳеч) тўлмайди (ҚБН 193б). *тэрилди тӱмāн миӊ талу кöп тэтир / йазыда қалын йунд ақурда қатыр* – туман минг сара, кўп туялар, яйлов (ларингда беҳисоб отлар, оғил(ларинг)да хачирлар йиғилган (ҚБН 193б). – Ар.14. СЯ 1-130 "ахур".

**АР** 1. тўр, тузоқ; кишан: *элиг айды эмди бу эрсä йараг / битийин битигим аӊар болсу аг* – элиг айтди: агар маъқули шу бўлса, (мактуб) ёзайин, мактубим унга тузоқ бўлсин (ҚБН 118а). *бу тöрттä бири от бириси йағы / ӱчӱнчи иг-ол кöр тиригдик ағы* – бу тўрт (нарса)дан бири – олов, бири – ёв, учинчиси – хасталик, тирикликка қўйилган тузокдир (ҚБН 19а). *бозун башлар эркä болур миӊ йағы / йағы болса кимкä йазығлыг ағы* – халқ бошловчи

одамнинг минглаб душмани бўлади, кимнинг душмани бўлса, унга тўр-дом ёзилган бўлади (ҚБН 106а). ағ тут – кишанлаб тутмоқ, тиймоқ: *тэгир эрсä хайл йа сэңар öз отаг / элиг йазғу мäлын қылынч тутғу аг* – сенга қабилалар, дала-водийлар, турар жойлар ихтиёри берилса, инъомлар билан қўлни ёзиш, феълни кишанлаб тутиш керак (ҚБН 149б). – Ар.8. СЯ1-102.

**АҒ** 2. 1. чов, чот, тақим: *учар қуш-тэг арқун ағымда қураттим* – учар қушдек арғумоқни (йигитликни) тақимидан чиқариб қочирдим (ҚБҚ 387). *Йўз ат мэниң агдын кэчти* – менинг тақимимдан юз от ўтган (МК 1-1090. 2. Бармоқлар оралиғидаги бўшлиқ (МК 1-109).

**А:Ғ** қ. АҒ 2.

**АҒ** – I 1. кўтарилмоқ, чиқмоқ; учмоқ: *бу ай тугса ашну эз и аз тугар / кўнингä бэзўйўр йуқару агар* – ой дастлаб чикқанда жуда кичик чиқади, кундан-кунга катталашади, юқори кўтарилади (ҚБН 32б) *аңар агдым эмди бирäр бағнача / башынга тэги бағна садым нэча* – бир-бир поғона босиб унга (шотига) кўтарилдим, бошигачайин бир неча поғона санадим (ҚБН 217а). *йа 'исā болуб кöккä агдым тақы мэн / йа нушин раван-тэг тöрў тўз йурыттым* – ё Исо бўлиб осмонга кўтарилдим ҳам, ё Нуширавондек одил сиёсат юритдим дейин (МК 388); 2. ўтмоқ, чиқмоқ: *қылынч эзгў болса қамуг халқ сэвäр / қылынчы кöни болса тöркä агар* – феъли яхши бўлса барча халқ севади, феъли тўғри бўлса (одам) тўрға чиқади (ҚБН 65б). 3. турмоқ, тикланмоқ, тикка бўлмоқ: *агды қызыл байрак* - қизил байроқ тик кўтари-ди (МК 3-199). 4. пайдо бўлмоқ, чиқмоқ: *агды булыт кöкрäйў / йагмур толы сэкрäйў* – гулдираб булут кўтарилди, ёмғир ва дўл сакраб ёғди (МК 1-336). қ. А:Ғ 1. – Ар. 8. Таф. 36. СЯ 1-102.

**АҒ** II ўзгармоқ (ранг): *тэңўт ханы йубылады / öлўм бирлä тöпўлäды / қаз ашлары табалады / öлўм кöрўб йўзи агды* – Тангутлар хони (Катунсинининг хонини) алдади, унга ўлим зарбасини берди, қариндошлари (орлари келиб уни) койишди, ўлимга рўпара келгач, ранги ўчиб, юзи ўзгарди (МК 3-340). *аның мэңзи агды* - унинг ранги ўзгарди (МК 1-96). қ. А:Ғ II.

**А:Ғ** I 1. чиқмоқ, кўтарилмоқ: *ол тарқа агды* – у тоққа чиқди (МК 1-184). 2. пайдо бўлмоқ: *булыт агды* – булут пайдо бўлди (МКI-184).8.тиккаймоқ, ҳурпаймоқ: *мэни кöрўб йини агды* – мени кўриб туклари тиккайиб кетди (МК 1-174). қ. АҒ 1.

**А:Ғ** II. ўзгармоқ (ранг): *аның йӱзи агғды* – унинг юз ранги ўзгарди, ранги ўчди (МК 1-164). қ. АҒ – 2.

**АҒАН: АҒАН ЭР** – димоғда сўзловчи одам, манқа (МК 1-106).

**АҒАРТҒУ** янчилган буғдойдан тайёрланган ичимлик, бўза (МК 3-446)

**АШҚ** ўзгарувчан, оғувчан (МК 1-96). АҒДУҚ КИШИ – оғмачи, иккиюзлама одам (МК 1-125). қ. АЗУҚ. МК 1-125 “нотаниш одам”. Инд. 32 “нотаниш одам – неизвестный, незнакомый человекў. ДТС 17 “скрыный человек”.

**АҒЫ** 1. қимматбаҳо нарса, буюм; жавоҳир, хазина: *хазина урунса кӱмӱш ҳам ағы / йағы бойны йанчса кэтäрсä чоғы* – кумуш ва қимматбаҳо жавоҳирлар билан хазина тўлдирса, ёв бўйнини янчса, адоватга барҳам берса (ҚБН 75а); 2. ипакли мато, ипак кийимлик (МК 1-116): *бычыш қыл кӱчӱң йэтсä бычғыл ағы / уса ТЫШ тэри бэр кэсилсу чоғы* – қурбинг етса, йиртиш қил, ипакли матолар йиртиб улаш, қўлингдан келса, тегишли тиш ҳақларини бергин, овозлари ўчсин (ҚБҚ 169а). *йэмä қылды оғлы атасы йоғы / чығайқа ӱлäди кӱмӱш ҳам ағы* – ўғли отасининг аза маъракасини қилди, муҳтожларга пул за ипакли матолар бахшиш қилди (ҚБН 62а); 3. кўч. тоза, пок, асил; хўш, ёқимли: *сӱзӱг жан кэпи бу қара йэр тоғы / қара йэр кэп öртнӱр э қылқы ағы* – равон жоннинг (охири оқибатда) киядиган либоси қора ер (лаҳад) тупроғидир, у қора ер (гўр) тупроғи ёпиғига ўралади, эй хулқи хуш (ҚБН 195б). *кимиң эрдäми болса аслы ағы / йэтиз эл кишиси ол эркä йағы* – ким яхши хислат-фазилатли, асли тоза бўлса, бутун эл одамлари у кишига душман бўлади (ҚБН 126б). *ағыжуз* – ипак-шоҳи: *ағыжуз кэзим тон киши кэз˙гӱси / эт-öз öртгӱ тап қыл эй эр эзгӱси* – одамлар киядиган ипак-шоҳи кийимлар, либослар тананинг пардапўшигинадир, (сен борига) қаноат қилгин, эй яхши одам (ҚБН 172б). *мана кэлгил эмди йигитлик мэңä сэн / айада тутайын ағы-жуз тöшäттим* – (эй) йигитлик, сен менга яна қайта келгин, (ардоқлаб) елкамда кўтарайин, ипак-шоҳиларни пояндоз қилиб қўйганман (ҚБҚ 38б). *ағы қазнақы* – жавоҳирлар хазинаси, қимматбаҳо буюмлар сақланадиган жой; хазина; ғазнахона: *сöзин кэсти ачты ағы қазнақы / ӱлäди ӱкӱш нэң чығайлар ҳақи* – сўзини тугатди, жавоҳирлар хазинасини очди, муҳтожлар ҳақига беҳисоб инъомлар бахшида этди (ҚБН 44а). *аңа бэрса болғай ағы қазнақы / ынанса йарағай кöзäзсä ҳақы* – ганжиналар ғазнахонасини унга

топширса, унга ишонса ва унинг ҳақига риоя қилса арзийди (ҚБН 105б). – Ар.8. Таф. 39. “ағу”.

**АҒЫЗ** 1. оғиз, лаб-даҳан: *ӱнин утты кэклик кӱлӓр қатғурза / қызыл ағзы қан-тэг қашы қап-кара* – каклик хушовоз билан сайрамоқда қаҳ-қаҳлаб кулмоқда, унинг оғзи қондек қизил, қоши эса қоп-қорадир (ҚБН 10а). *ағыз йэсӓ кöз уйазур* (мақол) – оғиз еса, кўз уялади (МК 1-89). *аш ағызда татыды* – таом оғизга лаззат берди (МК 3-274); 2. чарм идиш, қовға, хум каби идишларнинг ва кудуқ кабиларнинг оғзи; ариқ ва дарёларнинг бошланиш қисми, манбаи (МК 1-83); 3. кўч. оғиз; лафз, калима, сўз: *сэңа қач ағыз бу öзӱм сöзлӓйин / унытма СЭН аны мэниңдӱ кзин* – сенга бир неча оғиз сўзлайин, мендан кейин сен уларни унитма (ҚБН 218б). *узыса бу йалңуқ тӱшӓр-оқ бу тӱш / йöрӓ билсӓ тэркын кэлир ағзы туш* – одам ухлаганда албатта туш кўради, (агар уни) тўғри таъбир қила билса, ғапи зинҳор тўғри чиқади (ҚБН 158а). АҒЫЗ КÖНИ ТУТ – тўғри сўз бўлмоқ, ростгўй бўлмоқ. *нэгӱ кэлсӓ тапла кöр эзгӱ эсиз / бойун бэр қазāқа кöни тут ағыз* – яхшими, ёмонми, нимайки бошинга тушса, рози бўл, тақдирга тан бер, рост сўзли бўл (ҚБҚ 68). АҒЫЗ ТИЛ – лафз, нутқ; лавдаҳан (лаб-даҳан): *ағыз тил бэзӓги кöни сöз дурур / кöни сöзлӓ сöзни тилиңни бэзӓ* – лав-даҳаннинг ярашиғи тўғри сўздир, сўзни тўғри сўзла, тилингни беза (ҲҲ2-116). – Ар.10. Таф.37. СЯ 1-103.

**АҒЫЗЛА** – 1. оғиз очмоқ; қулоқ очмоқ (ариққа): *ол ариқны ағызлады* – у ариққа оғиз очди (МК 1-295).

**АҒЫЗЛА** – 2. огизга урмоқ: *ол қулын ағызлады* – у қулининг оғзига урди (МК 1-295) . ДТС 21 “он ударил раба по зубам”.

**АҒЫЛ** 1. сғил, молхона; қўйхона, қўтан (МК 1-103). *ағылда оғлақ туғса арықда оты ӱнӓр* (мақол) – қўтанда улоқ-қўзи туғилса, арикда ўти унади. Бу мақол ризқ-рўз учун ортиқча қайғурмасликка ундаб айтилади (МК 1-96) – Таф. 37.

**АҒЫЛ** 2. қўй кумалоғи, қўй қийи (МК 1-103).

**АҒЫЛЫҚ** хазина, ғазнахона: *ағылыққа қылса ағычы сэни / бӱтӱн чын болуб сэн йурығыл кöни* – сени хазинага хазиначи қилиб тайинласа, сен ишончли, чин бўлиб тўғри юргин (ҚБН 150а). – Ар.9.

**АҒЫМ** хатлам, ҳақлам; кўтарилиш, баландлик: бир ағым йэр – бир ҳаклаб чиқиш мумкин бўлган ер (МК 1-104).

**АҒЫН** гунг, лол; камгап, индамас: *магар экки тӳрлӳг киши-ол билин / бириси билигсиз бириси ағын* – одам фақат икки турли бўлади, бири – билимсиз, бири эса – гунг (ҚБН 41а). *ағын кэндӳ бэрклиг тили сöзлäмäс / билигсиз киши ол сöзин кэзлäмäс* – лолнинг тили ўзи табиатан берк, сўзлай олмайди, нодоннинг тили эса сўзини яшира олмайди (ҚБН 41а). *киши кирмäдӳк элкä кирсä қалы / кэлин-тэг болур эр ағын-тэг тили* – агар одам кирмаган эл орасига кирса, эр киши келиндек тили лол (индамас) бўлиб қолади (ҚБН 24б). ағын бол – гунгу лол бўлмоқ, сўздан тийилмоқ: *билиглиг учуз болды тутнур öзин / укушлуг ағын болды ачмаз сöзин* – билимлиларнинг қадри тушган, ўзларини тиядилар, заковатлилар гунгу лол бўлиб қолганлар, гапга сўз очолмайдилар (ҚБҚ 381). *ағын қыл* – гапиришдан тийилмоқ, сўздан ўзни тиймоқ: *бушы болма иштä сэн ишкä йығын / қалы кэлсä öвкäң öзӳң қыл ағын* – ишларда дарғазаб бўлма, сен ишда ўзингни қўлга ол, агар ғазабинг қўзғалса сўздан тийилгин (ҚБН 188б). – Ар. 9.

**АҒЫР** I 1. оғир, вазмин (МК 1-87); 2. қийин, мушкул: *бэзӳг иш бозун башламақы ағыр / баш ағрығ билä тутчы эмгäк тэгир* - халқни бошқариш - катта иш, (у жуда) қийин, (ундан) доим ташвиш ва машаққат етади (ҚБН 82б). *ағруқ ағыр ишиңни азнағуқа йӳзӳрмä* – юк ва мушкул ишларингни бошқаларга юклама (МК 3-75); 3. оғирлашган, вазминлашган: *ағыр азақ эмрӳлди* (мақол) – оғирлашган оёқ ором олди (МК 1-87); 4. кўч. чуқур, каттиқ, оғир: *қара тӳнӳг кэчӳрсӳдим / ағыр уны учурсадым* – қоронғи тунни ўтказишни истадим, чуқур уйқуни учиришни истадим (МК 3-265). *ағы бол* - оғирлашмоқ, беҳузур бўлмоқ: *ағыр болды кöңли йатур ынчықын / тэгиб туш аңар бир эй кöңли йақын* – кўнгли (аҳволи) оғирлашиб қолди, алам чекиб ётибди, бориб унга бир йўлиққин, эй кўнгли яқин одам (ҚБН 214а). *ағыр қыл* – оғир олмоқ, ранжимоқ, малолланмоқ: *ағыр қилма кöңлуң мэңа эй қазаш / йақынлык ичинда мэни қылма таш* – мендан кўнглинг ранжимасин, эй қариндош, мени яқинликдан четда қўйма (ҚБН 176а). – Ар. 9. Таф. 37. СЯ1-104.

**АҒЫР** II I. қиммат, баҳоли, қимматбаҳо: *ағыр нэң кишикä бу алтун кӳмӳш / öзин тутғучы эр кӳмӳшдä кӳмӳш* – одам учун олтин-кумуш қиммат нарсалардир, ўзини тутувчи киши эса кумушдан ҳам азиздир (ҚБН 67б). *Ағыр нэң* – қимматбаҳо нарса (МК 1-87у. 2. Ҳурмат, иззат, қадр-қиммат, эътибор; ҳурматли, қадрли, эътиборли:

*байудум тэсӓ сэн чығай болғу бир / ағыр-мэн тэсӓ учуз қылға йэр* – сен бойидим десанг, бирдан камбағал бўлиб қоласан, сен қадрлиман десанг, хўрлаб ер билан яксон қилади (ҚБН 192а) *ағыр бол* – қимматбаҳо бўлмоқ: *қайу нэң учуз болса йэрдӓ йатур / ағыжуз ағыр болды тӧрдӓ йатур* – қайси нарса нархи паст (бекадр) бўлса, ерда ётади, ипак-шоҳи қимматбаҳо бўлгани учун тўрда (ғазнахонада) сақланади (ҚБН 38б); 2. қадрланмоқ, эътиборли бўлмоқ, ҳурматга эришмоқ: *нэгӱ тэр эшитгил билиг булмыш эр / билиг бирлӓ элдӓ ағыр болмыш эр* – билимга етишган киши нима деганини эшитгин, билими туфайли элда ҳурмат топган киши (ҚБН 189б). *тэлим кӧрдӱм эмди ағыр болмыш эр / тызумады боғзы ӱчӱн болды йэр* – жуда кўп кўрганман, (элда) эътибор топган кишилар нафсларини тия олмаганликлари учун юз тубан кетганлар (ҚБН 166б).

**АҒЫР КЭЛ** – қийин келмоқ, оғирлик қилмоқ: *бу анча иш эрмӓз ағыр кэлгӱ-тэг* – бу унчалик оғир келадиган иш эмас (ҚБҚ 294). *ағыр тут* – қадрламоқ, қадрли тутмоқ, ҳурматламоқ, қадрига етмоқ: *билиг эрдӓм ӧгрӓн ағыр тут аны / ағыр тутғай ӓхир бу эрдӓм сэни* – билим, санъат-ҳунар ўрган, уларни қадрли тут, бу санъат-ҳунар ҳам оқибатда сени қадрлайди (ҚБН 112а). *ағыр тут нэгӱ эрса йарлығларын / ағыр қылға тэңри бу кун ҳам йарын* – ёрлиқ-буйруқларини қанақа бўлса ҳам ҳурматла, тангри (сени) бугун ҳам, кейин ҳам қадрли қилади (ҚБН 53а). *ағыр тут тишиң сэн нэгӱ қулса бэр / эвиң қапғы бэклӓ йырақ тутғыл эр* – сен хотинингни ҳурматла, нима сўраса бер, уйингнинг эшигини берк тут, эркакни узоқда тутгин (ҚБН 163б). *ағыр қыл* - қадрли қилмоқ, эъзозламоқ: *айур эй бағырсақ изим сэн улуғ / ағыр қылдың элда бу йунчығ қулуғ* – деди: эй меҳрибон эгам, сен улуғдирсан, бу нотавон бандангки элда қадрли қилдинг (ҚБН 115б). *йашыл кӧкдин инди йағыз йэркӓ сӧз / сӧзи бирлӓ йаңлуқ ағыр қылды ӧз* – сўз бўз ёрга зангори осмондан тушган, сўзи туфайли одам ўзини қадрли қилади (ҚБН 14б). ағыр-учуз - нарх қиммат-арзонлиги; нарх-наво: *қамуғ нэң-таварығ билигли кэрӓк / ағырын-учузун уқуғлы кэрак* – турли мол-товарларни биладиган, нарх-навони тушунадиган бўлиши керак (ҚБН 10). СЯ 1-104.

**АҒЫРЫ** қ. АҒРЫ

**АҒЫРЛА** – I. қадрламоқ, тақдирламоқ, муносиб баҳоламоқ; ярлақамоқ; марҳамат кўрсатмоқ: *тапуғ бирлӓ бэглӓр ағырлар қулуғ /*

*тапуғ сиңсӓ болды кичиг ӧз улуғ* – беглар хизматкор қулини хизмати баробарида қадрлайдилар, хизмати сингса, кичик одам улуғликка етади (ҚБН 28а). *тапуғ арттуру барды кӱндӓ йэңи / ағырлады элиг кӱнингӓ ӧңи* – кӯкдан-кунга янги хизматлар ҳисобига хизматни кӯпайтираверди, элиг кундан-кунга ортиқроқ тақдирлайверди (ҚБН 26а) *тэңри мэни ағырлады* – тангри мени ярлакади (МК 1-293); 2. ҳурматламоқ, сийламоқ: *ӧзӱң қаршықа кирсӓ қатну йуры / сэни ким ағырлар ағырла аны* – ӯзинг саройга кирсанг (саройдагилар билан) аралашиб юргин, сени ким ҳурматласа, (сен ҳам) уни ҳурматлагин (ҚБН 149а). *оларни қатығ сэв ағырла сӧзин / билиглӓрин ӧгрӓн ӱкӱш йа азын* – уларни жуда сев, сӯзларини қадрла, озми-кӯпми, билимларини ӯрган (ҚБН 157а). *тилин ирмӓ сэрмӓ туз-этмӓк йэтӱр / ағыр тут оларығ ағырла кӧтӱр* – тилда дашном бериб койима, нон-туз едир, уларни қадрли тут, ҳурматларини бажо келтир, кӯтар (ҚБН 157а). *мэни ағырла* – мени ҳурмат қил (МК 3-356). эндик ума эвлигки ағырлар – бефаросат меҳмон мезбонни сийлайди (МК 1-130). – ДТС 174 "(даже) глупый гостъ почитает хозяина дома" – Ар. 9-10. Таф.38. СЯ1-105.

**АҒЫРЛАЛ** – тақдирламоқ, қадрланмоқ: *эр ағырлалды* – одам тақдирланди (МК3-356).

**АҒЫРЛАН** 1. қимматсинмоқ, қимматсирамоқ: *ол бу атны ағырланды* – у бу отни (ӯзи учун) қимммагсинди, қиммат деб билди (МК 1-287); 2. ҳурматланмоқ, қадрланмоқ, тақдирланмоқ: *эр ағырланды* – одам ҳурматланди (МК1-287); 3. оғир деб билмоқ, вазмин санамоқ (МК 1-287). – Таф.38 "ағырланмыш ночитаемый, возвеличенный"

**АҒЫРЛЫҚ** 1. ҳурмат, эътибор, қадр-қиммат, обрӯ: *уқушун агар-ол билигин бэзӱр / бу экки билӓ эр ағырлық кӧрӱр* – ақл-заковат билан юксалади, билим билан буюклашади, бу иккиси билан одам ҳурмат кӯради (ҚбН 17б). *йақын болға-сэн кӱндӓ ӧтрӱ мэңӓ / ағырлық ачығ артға мэңдин сэңӓ* – кундан-кунга сен менга яқинроқ бӯлаверасан, мендан сенга ҳурмат-эътибор ва иноят ортаверади (ҚБН 36б). *қошны-қонум ағышқа / қылғыл аңар ағырлық / артут алыб анунғыл / эзгӱ тавар огурлуқ* – чатишганларни, қӯни-қӯшниларни қадрла, улардан бирор совға олиб, (эвазига) яхшироқ нарса ҳозирла (МК 1-137); 2. амал, мартаба, мансаб; шавкат: *ағырлыққа тэгсӓ кӱвӓз кӱр болур / ӧлӱм тутса узлур ӧкӱнчун ӧлӱр* –

(одамзод) мартабага (улуғликка) эришса, такаббур, мағрур бўлади, ўлим тутгандагина кўзи очилади, ўкинчлар билан ўлади (ҚБН 47б); 3. каромат, фазилат, хислат, яхши сифат: *баса айдым эмди муну йаӈлуқуғ / ағырлықы болды билиг ӧг уқуғ* – мана, сўнг инсон ҳақида гапирдим, билим, ақл-заковат, ўкув унинг фазилатларидир (ҚБН 126б). *йаӈлуқ ағырлықын танурлайур билиг бирлä* – инсон фазилатлари билим билан аниқланади (ҚБН 12б). – Ар.10. Таф. 38.

**АҒЫРЛЫҒ** ҳурматли, эътиборли, қимматли, қадрли: *эшлäри 'азиз ағырлығ саҳāбалар ўза* – (пайғамбарнинг) эшлари, азиз ва қадрли саҳобаларга (ҚБН 1б) *бу китāб тӧрт ағырлығ нимä узä бинā қылмыш турур* – (муаллиф) бу китобни тўрт қимматли нарса асосида яратгандир (ҚБҚ 3). АҒЫРЛЫҒ ЭР – ҳурматли, эътиборли киши (МК 1-163). АҒЫРЛЫҒ КИШИ – ҳурматли, эътиборли киши (МК 1-87). АҒЫРЛЫҒ ТУТ – ҳурматламоқ, қадрли тутмоқ: *тутғыл қонуқ ағырлығ / йазсун чавыӊ бозунқа* – меҳмонларни ҳурматла, (улар) таърифингни халқ орасида ёйсинлар (МК 1-80). – Ар.9. Таф.38. “ағғрлық”

**АҒЫСА** қ. АҒСА.

**АҒЫТ** – I чиқармоқ, чиқишга мажбур қилмоқ: *ол аны тағқа ағытты* – у уни тоққа чиқарди (МК 1-219). *тэӊри булыт ағытты* – тангри булут чиқарди (МК 1-219). *бу кэйик ол ытығ тағка ағытқан* – бу кийик у итни тоққа чиқишга мажбур қилди (МК1-170).

**АҒЫТ** – II ташламоқ, бартараф қилмоқ, ўртадан кўтармоқ, бас қилмоқ: *байат ҳукмықа бу нэрäк-ол сығыт / изи ҳукмы кэлди сиғытығ ағыт* – худонинг ҳукмига йиғлаш нимаси? Эгамнинг ҳукми келди, (энди) йиғини қўй (ҚБН 51а). *нэгӳка улыр-сэн нэгӳ бу сығытнт / бу қылқ эзгӳ эрмäз муны сэн ағыт* – нимага йиғлайсан, бу йиғи нимаси, бу қилиқ яхши эмас, сен буни ташла (ҚБҚ 375). – Ар. 10.

**АҒЫЧЫ** ипаклик кийим ва матоларни сақловчи; хазиначи, хазинадор (МК 1-155). *битиг билсä сақыш ағычы болур / ӳкӳш ӧг кэз эрсä битигчи болур* – ёзув ва ҳисоб-китобни билса, хазиначи бўлади, акл-заковат ва идрок яхши бўлса, саркотиб бўлади (ҚБН 147а). *ағылықа қылса ағычы сэни / бӳтӳн чын болуб сэн йурығыл кӧни* – сени хазинага хазиначи қилиб тайинласа, сен ишончли, чин бўлиб тўғри юргин (ҚБН 150а). – Ар.9.

**АҒЫШ** кўтарилиш, юқорилашиш, юксалиш (МК 1-93): *ағыш барча тӳшдä ағырлык болур / ағыры тэӊинчä улуғлуқ булур* – тушда

ҳар қандай кўтарилиш кадр-киммат бўлади, (одам) кўтарилиши баробарида улуғликга эришади (ҚБН 217а). *бу эзгӯ ағыш-тэг ағыр ағқуқа / йавуз нэң иниш-ол учуз болғуқа* – эзгулик юксалишдек улуғланиш учун қимматли моядир, пастлашиш эса қадрнинг тушиши (учун) ярамас моядир (ҚБН 38б) *ағышқа иниш-ол эзизкä батыг / сэвинчкä сақынч-ол ачығқа татыг* – севинчнинг қайғу-кўтарилишнинг тушиши, баландликнинг пастлиги, севинчнинг қайғуси, чучукнинг аччиғи бўлади (ҚБН 46а). – Ар.10.

**АҒЫШ** – чиқишда, кўтарилишда баҳслашмоқ: *ол мэниң бирлä тағқа ағышды* – у мен билан тоққа чиқишда баҳслашди (МК 1-194); 2.нархни оширишда тортишмоқ, кимошар қилмоқ: *ол мэнин, бирлä бир алтунда ағыды* – нархни бир олтинга оширишда у мен билан тортишди (МК 1-194); 3. даф қилишда баҳслашмоқ: *бэглäр бир экинди бирлä ағғшды* – беглар бири иккинчисини даф қилишда баҳслашишди (МК 1-194). ДТС 20 “беки защищали друг друга”.

**АҒЛА** – бўшамоқ, бўм-бўш қолмоқ, ҳоли бўлиб қолмоқ: *ӯзик мэни кӯчäйӯр / тӯн-кӯн туруб йығлайу / кöрди кöзӯм таврақын / йурты қалыб аглайу* – севги мени қийнайди, тун-кун фақат йиғлайман, (маҳбубанинг) юрти бўм-бўш қолганига дарҳол кўзим тушди (МК 3-274).

**АҒЛАТ** – 1. бўшатмоқ, холи қилмоқ; тозаламоқ: *ол йэриг аглатты* – у ерни бўшатди, тозалади (МК 2-421). 2. узоқлатмоқ, жўнатмоқ: *ол кишини аглатты* – у (мақсадига етиш учун) одамларни ўзидан узоқлатди (МК 1-264).

**АҒЛАҚ** 1. овлоқ, холи, кимсасиз, хилват: *аглақ йэр* – овлоқ, кимсасиз, хилват ер (МК 1-141); 2. унумсиз, ҳосилсиз, чўл: *уграқ эри тыграқ / йэми анын оглақ / сӯти ӯзä сағрақ / йэри тақы аглақ* – уғроқларнинг одамлари ғайратли, уларнинг емишлари улоқлардир, сут (қимиз) устидан коса аримайди, ҳолбуки, ерлари унумсиз, қурғоқдир (МК 1-435). – СЯ1-106.

**АҒНА** – 1. аганамоқ, у ён-бу ёнга ташланмоқ, ўзни ҳар ёнга урмоқ: *элик-кӯлмӯз ойнар чэчäклар узä / сығун-мунгак, агнар йурыр таб кэзä* – эркак ва урғочи жайронлар чечаклар бағрида ўйноқлашади, эркак ва урғочи буғулар аганашиб, зап кезиб гашт қилади (ҚБВ 14). *ат агнады* – от (тупроққа) аганади (МК 1-234). – СЯ1-107.

**АҒНА** – 2. дудуқланмоқ, тутулмоқ: *эр агнады* – одам дудуқланди, сўзлашда тутулди (МК1-284).

**АҒНАТ** – 1. аганатмоқ, ағдармоқ: *ол атын топраққа ағнатты* – у отини тупроққа оғанатди (МК 1-265).

**АҒНАТ** – 2. чақа қилмоқ, яраламоқ, тирсак чиқармоқ; *ол йағак анын тилин ағнатты* – у ёнғоқ унинг тилини чақа қилди, тилига тирсак чиқариб сўзлашини қийинлаштирди (МК 1-265).

**АҒРЫ** – 1. оғримоқ, касалланмоқ, ҳасталанмоқ: *бир тойын башы ағрыса қамуғ тойын башы ағрымас* (мақол) – бир коҳиннинг бош оғриса, барча коҳинларнинг боши оғримайди (МК 1-271). *Анын башы ағрыды* – унинг бош оғриди (МК 1-271); 2. оғриб қолмоқ, оғринмоқ, ранжимоқ, олиниб қолмоқ (кўнгил): *ириг сӧзлӓмӓгил кишикӓ тилин / ириг сӧзкӓ ағрыр кӧңўл кэч билин* – одамларга тилда дағал сўзламагин, дағал сўздан дил узоқ оғриб қолади (ҚБН 126б); 3. ачинмоқ, афсусланмоқ: *кэлир эрсӓ дунйā кӧңўл бамаса / барыр эрсӓ ағрыб қашын тўгмӓсӓ* – мол-дунё келгудек бўлса, унга кўнгил қўймаса, (мол-дунё) кетгудек бўлса, афсусланиб хафа бўлмаса (ҚБК 127б). қ. АГРУ. – Ар. 2. СЯ1-107.

**АҒРЫН** – азобланмоқ, алам чекмоқ: *балыг ағрынды* – жароҳатли (одам) жароҳат оғриғидан алам чекди (МК 1-253).

**АҒРЫТ** – оғритмоқ, ранжитмоқ, алам бермоқ: *тўпи кэл турур сӧз кӧңўл ағрытур / кӧңўл ағрыса эр сэни йаврытур* – сўз бўронли изғирин кабидир, дилни (тешиб ўтиб) зирқиратади, дили оғриган одам сени танг аҳволга солади (ҚБН 155б). ол аны ағрытты – у уни ранжитди (МК 1-260). – Ар11. Таф.39. СЯ1-108.

**АҒРЫШ** – оғринмоқ, хафа бўлмоқ; ачинмоқ: *олар бу ышқа ағрыштылар* – улар бу ишга оғринишдилар (МК 1-237).

**АҒРЫҚАН** – оғриқдан зорланмоқ, алам тортмоқ: *эр ағрықанды* - одам оғриқ азобидан зорланди (МК1-303).

**АҒРЫҒ** оғриқ, дард (МК 1-123). *баш ағрығ* – кўч. ташвиш, ғам; машаққат: *бэзўг иштӓ тэңсиз баш ағрығ болур / баш ағрығ кӧтўрмӓсӓ бэглик қалур* – буюк ишда беқиёс машаққат бўлади, машаққатни тортмаса, беғлик таназулга юз тутади (ҚБН 109а). – Ар.11. Таф.38. СЯ1-108.

**АҒРУ** – 1. вазминлашмоқ, оғирлашмоқ, оғирлик касб этмоқ: *тириглик учуқты йўкўм ағруды / йазуқдын ӧзўм болды йанғу ӧзи* – тириклик охирлади, юким оғирлашди, ўзим гуноҳлардан қайтадиган пайт келди (ҚБН 204б). *ағруды нэң* – нарса оғирлашди (МК 1-271); 2. оғирлашмоқ, мураккаблашмоқ: *бу айтолдының кӧр иги ағруды / умунчсуз болуб жāндын элгин йуды* – Ойтўлдининг

дарди оғирлашди, кўр, умидсизликка тушиб, жондан қўлини ювиб қўлтиққа урди (ҚБН 47а). *иглиг агруды* – хастанинг аҳволи оғирлашди (МК 1-271).қ. АҒРЫ. – Ар.11.

**АҒРУҚ** юк, оғирлик, вазминликка эга бўлган нарса; кўч-кўлон, лаш-луш, икир-чикир, майда-чуйда, қакир-қукур: *агыр агруқ қайда келды* – оғир юк қаерда қолди? (МК 1-125). *агруқ агыр ишиңни азнагуқа йўзўрма / ачруб ӧзўң ӧшäриб азнагуны тозурма* – оғир юк ва юмушдарингни бошқаларга юклама, кўз тингудек ўзингни оч қолдириб бошқаларни тўйдирма (МК 3-75). *киши агруқы болмаса бу богуз / киши ўнмäзи-ол бу агруқ богуз* – (кошки эди) одамнинг лаш-луш ва томоқ эҳтиёжи бўлмаса, лаш-луш ва томоқ одам учун иложсиз заруратдир (ҚБН 134б) *киши бар қалын боз богуз агруқы / кӧни чын багырсақ йоқ-ол эй ақы* – кўп одамлар бор, эгин, томоқ, бисот (оворасидирлар), тўғри, чин, меҳр-оқибатли (одам) йўқ, эй саховатли (ҚБН 184б) – Ар.11. СЯ-107 "ағры".

**АҒРУҚЛАН** – оғирсинмоқ, оғир олмоқ: *ол бу ышыг агруқланды* – бу иш унга оғир туюлди, убу *ишни оғирсинди* (МК 1-304). 2. Оғирлашмоқ, оғир бўлмоқ (МК 1-304) ДТС 23 "ол бу ышығ ағрукланды – он взвалил на себя это дело".

**АҒРУҒ:** *агруг сӧңўки анат* – умуртка суякларининг биринчиси (МК 1-123). ДТС 23 "атлант (первый шейний позвонок)".

**АҒСА** – чиқишни истамоқ, чиқмоқчи бўлмоқ: *ол тагка агсады* – у тоққа чиқишни истади (МК 1-275). ДТС 20 "ағыса".

**АҒТАР** – ағдармоқ, ағдариб йиқитмоқ; *эрди ашын татурған / йавлақ йагыг қатарған / бойнын тутуб қазырған / басты ӧлўм агтару* – нон-тузини едирувчи эди, ашаддий душманни кайтарадиган эди, бўйнини эзиб қайирадиган эди, ўлим уни ағдариб босди (МК 2-77).

**АҒТАРЫЛ** – ағдарилмоқ, ерга урилмоқ (МК 1-248). қ. АҒТЫЛ.

**АҒТЫЛ** – ағдарилмоқ, йиқитилмоқ. (МК 1-248). қ. АҒТАРЫЛ.

**АҒУ** оғу, заҳар (МК 1-116*) эсизлик агу-ол йэмä бу агу / агу йэгли болмас тириглик йэгў* – ёмонлик оғудир, бу оғуни ема, оғу еган (одам) тирикликдан баҳраманд бўлмайди (ҚБН 139а). *йылан-дэк бу ажун йылан оқлагу / йоқамаққа йумшақ ичи пур агу* – бу дунё илон кабидир, илон майиндир, (сиртини) силамоққа юмшоқдир, (лекин ичи тўла заҳардир (ҲҲ2-121). *агу қыл* – заҳар қилмоқ: *йанут бэрди озгурмыш айды қазаш / муңазтурдуң эмди агу қылдың аш* –

Ўзғурмиш жавоб бериб айтди: (эй) кариндош, мени ғамга қўйдинг, овқатимни заҳар килдинг (ҚВН 145а) . – Ар.14. Таф.39. СЯ1-108.

**АҒУЖ** оғиз, палла; оғиз сути (МК 1-88). қ. АҒУЗ.

**АҒУЗ** оғиз, палла; оғиз сути (МК 1-88). қ. АҒУЖ.

**АҒУЖЛУҒ** оғизли, палласи бор; *ағужлуғ эр* – оғизли одам, палласи бор одам (МК 1-163),

**АҒУЛА** – заҳарламоқ, заҳар солмоқ: *ол ашын ағулады* – у унинг овқатини заҳарлади (МК 1-301).

**АҒУРШАҚ** чарх дугини тутаб турадаган айричўп, чалмак, тутак (МК 1-165). ДТС 365 "оғуршақ".

**АҒУҚ** – заҳарланмоқ: *эр ағуқты* – одам заҳарланди (МК 1-200).

**'АҲД** а. аҳд, ваъда; бурч: *қаны аҳд амāнат қаны эдгӯлӯк / кӧни кэлтӯгӯнча хайр кэтгӯлӯк* – қаны аҳду паймон, қани омонат, қани яхшилик? Адолат келгунча хайр кетади (ХҲ 1-208). – СЯ 2-557.

**АҲЛ** а. аҳл; оила аъзолари: АҲЛ-И-БАЙТ – пайғамбар хонадони, Муҳаммад авлодига мансуб кишилар: *булар аҳл-и байт-ол ҳабибқа қазаш / ҳабиб савчы ҳақы ӯчӯн сэв адаш* – улар Муҳаммад хонадони ахлларидирлар, ҳабиб (пайғамбар)га хеш-қариндошдирлар, уларни севикли пайғамбар ҳақи учун севгин, эй биродар (ҚБН 157а). – Ар. 144. СЯ1-111. "народ, люди, жители, подданные". СЯ 1-112 "дружина".

**АҲЛА** – оҳ урмоқ, оҳ тортмоқ: *эр аҳлады* – одам оҳ урди (МК3-129).

**АҲЛАМ** а. иҳтиломли; рўё; пойма-пой: *тақы бири азғāс-у аҳлāм болур / бу тӯшқā йӧрӯг йоқ эй қылқы ӯнӯр* – яна бир тил (туш) пойма-пой бўлади, бундай иҳтиломли тушнинг таъбири бўлмайди, эй барака топкур (ҚБН 216а). – Ар.12.

**АҲМАД** а.ш.н. Аҳмад, "Ҳибату-л-ҳақойиқ" асарининг муаллифи: *Адиб Аҳмад атым адаб панд сӧзӯм / сӧзӯм мунда қалур барур бу ӧзӯм* – отим Адиб Аҳмаддир, сўзларим панд-насиҳатдан иборат, сўзларим бу дунёда қолади, ўзим ўлиб кетаман (ҲҲ 1-88).

*Илмий-услубий нашр*

**Қадимги туркий тил луғати**
**(X-XII асрлар)**

**Тузувчи: филология фанлари номзоди**
**Қаюм Каримов**

Муҳаррир: Дилнавоз Юсупова
Техник муҳаррир: Беҳзод Болтабоев
Мусаҳҳиҳа: Камола Болтабоева
Компьютерда саҳифаловчи: Орзигул Ҳамроева

"MUMTOZ SO'Z"
масъулияти чекланган жамияти
нашриёти
Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел.: 241-60-33

Босишга рухсат этилди 04.12.2009.
Қоғоз ўлчами 60x84 1/32. Офсет қоғоз. Times New Roman гарнитураси.
Шартли босма табоғи 9,5. Нашриёт-ҳисоб табоғи 10,0.
Адади 300. Баҳоси келишилган нархда.

"MUMTOZ SO'Z"
масъулияти чекланган жамияти
матбаа бўлимида чоп этилди
Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел.: 241-81-20



**Қаюм Каримов**

*1932 йил 30 мартда Тошкент вилоятининг Пискент туманида туғилган.*

*1949 йилда Тошкент давлат университети шарқ факультетининг эрон-афғон бўлимига ўқишга кирди.*

*1955-1958 йилларда Пискентдаги мактабда ишлаган, 1959-62 йилларда Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таҳсил олган.*

*1971-76 йилларда мазкур институтнинг ўзбек тили тарихи бўлимига мудирлик қилган.*

*100 дан ортиқ илмий-оммабоп мақолалар, рисолалар, ўқув қўлланма ва монографиялар муаллифи.*

*2003 йилда вафот этган.*

Mumtoz Soʻz

ISBN 978-9943-363-86-1

9 789943 363861